

Ш. Наралиева, Н. Крганбаева

*Қозоғистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

**Умумтаълим мактабларининг
9-синфи учун дарслик**



Алматы
«Жазушы»
2019

УДК 373.167.1
ББК 83.3 (5 Узб) я 72
Н 23

Шартли белгилар

	савол ва топшириқлар		тақдимот
	муҳокама қиламиз		ўқиймиз
	жуфтликда ишлаймиз		ёдлаймиз
	ёзма иш топшириқлари		сўзлаймиз
	гуруҳда ишлаймиз		«Зар қадрин заргар билар»
	якка тартибда ишлаш		

Наралиева Ш., Корганбаева Н.
Н 23 **Ўзбек адабиёти.** Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик / Ш. Наралиева, Н. Корганбаева. – Алматы: Жазушы, 2019. – 360 бет, расмли.
ISBN 978-601-200-675-9

УДК 373.167.1
ББК 83.3 (5 Узб) я 72

ISBN 978-601-200-675-9

© Наралиева Ш., Корганбаева Н., 2019
© «Жазушы» баспасы, 2019
Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкый ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.

І БҰЛИМ

ОТАЛАР СҰЗИ – АҚЛНИНГ КҰЗИ





БАДИЙ СЎЗ СЕҲРИ

Бадий адабиёт – сўз санъати. Унинг асосий иш қуроли сўздир. Ўзи кўзга ҳам кўринмайдиган сўз ёрдамида нафақат атрофдаги нарсалар, балки кўнгилдаги ҳис-туйғуларни ифодалаш мумкин. Шунинг учун ҳам санъат турлари орасида адабиёт алоҳида ўрин тутди. Инсоннинг ўй-хаёллари, истагу армонлари бадий адабиётда бошқа санъат турларига қараганда тўлароқ акс эттирилади. Шунингдек, бадий адабиётда тасвирланган ҳаёт серқирра ва таъсирли бўлади. Тасаввур қилайлик, сиз «Алпомиш» достони ўқияпсиз. Биласизки, асардаги воқеалар бундан мингларча йиллар олдин қаердadir, кимлар биландир рўй берган, эҳтимол, ҳеч қачон бўлмагандир ҳам. Асар қаҳрамонлари сизга қариндош ҳам, уруғдош ҳам эмаслар. Лекин асар қаҳрамонларининг тақдири сизнинг тақдирингизга, уларнинг туйғуларини сизникига қўшилиб кетгандай бўлади.

Бадий адабиёт, умуман, санъат асарларининг инсон руҳияти ва тафаккурига таъсири сабаби нимада экан? Бу саволларга бериладиган жавоб тушунарлироқ бўлиши учун бадий ва илмий адабиётни солиштириб кўриш керак. Аввалги синфлардан яхши биласизки, «География» ўқув фанида кеча-кундузнинг энг гўзал ва сўлим фурсати бўлмиш тонг тўғрисида, Ер шарини нурлари билан ёритувчи ва унга ҳаёт бахш этувчи Қуёш ҳақида бир талай маълумотлар берилади. Қуёш бўлмаса, Ерда тириклик бўлиши мумкин эмаслиги ва бунинг сабаблари илмий йўсинда тушунтирилади. Бу маълумотлар сизнинг билимингизни ўстиради. Улар туфайли ўқувчилар тонгга хос белгилар, унинг жуда гўзал бўлиши ҳақида тушунчага эга бўлишади. Бу хил билимлар ўқувчиларнинг тафаккурини ўстиргани ҳолда уларнинг ҳиссиётига, туйғуларига деярли таъсир қилмайди.

Адабиёт кенг маънода илмий ва бадий сингари икки турга бўлинади. Илмий адабиёт тушунчаси инсон ақлининг маҳсули бўлмиш ижтимоий аҳамиятга эга ҳар қандай ёзма асарни ўз ичига олади. Техникавий, илмий, маърифий, публицистик, мемуар, тарихий, энциклопедик, луғатшунослик ва ҳоказо йўналишдаги адабиётлар илмий адабиёт тушунчасига киради. Ил-

мий адабиёт кишининг ақлини ўстириб, унинг билимларини кўпайтиришга хизмат қилади. Бадиий адабиёт тушунчаси эса ўз ичига оламни образли кўриш ва тимсоллар асосида акс эттириш маҳсули бўлмиш бадиий асарларни олади. Бу хил асарлар ниманидир ўрганиш, билиб олиш учун эмас, балки инсон қалбининг товланишларини, туйғуларининг рангинлигини ҳис этиш, унинг қувончу изтиробларини туйиш учун ўқилади. Шу боис кишилар томонидан ўқилиб, ҳиссиётни бойитиш, руҳиятга сингдириш кўзда тутилиб яратилган битиклар бадиий адабиёт бўлади ва адабиёт атамаси, асосан, шу маънода қўлланилади.

Бадиий адабиётнинг қачон пайдо бўлганлигини аниқ айтиб бўлмайди. Чунки илмий адабиёт атамаси ёзма маҳсулотларнигина қамраб олса, бадиий адабиёт тушунчаси оғзаки ижодни ҳам ўз ичига олади. Халқ оғзаки ижодининг қачон пайдо бўлганлигини аниқлаш деярли мумкин эмас. Ҳар ҳолда, одамзод пайдо бўлиши билан унинг бадиий ижоди ҳам дунёга келган бўлиши керак. Чунки одам ўзга жониворлардан руҳ, кўнгил ва ақлга эгаллиги билан ажралиб туради. Бу уч унсурга эга мавжудот изланмай, ҳайратланмай ва яратмай яшаши мумкин эмас. Қадимги ривоятларда биринчи шеър Одам Ато томонидан яратилганлиги айтилади ва бунда ҳақиқат борлигини тан олиш лозим.

Бадиий адабиёт санъатнинг муайян кўриниш ва моддий материалга эга бошқа турларидан имкониятининг кенглиги билан ажралиб туради. Мисол учун ҳайкалтарош тош ёки ганч билан, рассом бўёқ ва мато билан, мусиқачи асбоб ва унинг торлари ёхуд тиллари билан, раққос тана ҳаракатлари билан иш кўради. Бу санъат асарлари қаердан вужудга келганлигини кўриш ва ижрочини бевосита кузатиш мумкин. Адабиёт улардан жиддий фарқ қилиб, бадиий асар яратиладиган махсус материалга эга эмас. Бадиий асар хоҳ оғзаки ва хоҳ ёзма бўлсин, одамлар орасидаги асосий алоқа воситаси бўлмиш сўз ёрдамида яратилади. Сўздан ҳар бир инсон фойдаланаверади. Бунинг устига санъатнинг қолган барча турларида инсон ҳаётининг муайян бир ҳолати акс эттирилади. Адабиёт шундай санъатки, унда одам ҳаётининг ҳозир қандай тасвирланса, ўтмиши ҳам, келажаги ҳам шундай акс эттирилиши мумкин. Ёзувчи инсоннинг энг юксак фикрларини, мураккаб туйғуларини кўз билан кўришнинг, қулоқ билан эшитишнинг, бирон бир муча билан билишнинг имкони бўлмаган ҳис-туйғуларини ҳам сўз орқали ифода эта билади.

Бадиий асарда, аввал ҳам айтилганидек, фикр айтиш билангина кифояланилмай, туйғулар, ҳиссиёт манзаралари ҳам акс эттирилади. Бунга эришиш учун тасвирни муайян оҳангга бўйсундириш, янги шаклга солиш лозим бўлади. Оддий ахборот бериш ёки шунчаки айтиб қўя қолиш билан туйғуларга таъсир кўрсатиш мумкин эмас. Сўзнинг образлилигини таъминлаш учун тилнинг имкониятларидан усталик билан фойдаланиш лозим бўлади. Чунончи, ҳазрати Навоийнинг:



*Азал ҳам сен, абад ҳам сен, на аввал бирла охирким,
Унда йўқ ибтидо пайдо, бунда йўқ интиҳо пайдо.*

байтида Аллоҳнинг азаллиги, абадлиги, аввалининг боши бўлмаганидек, охирининг адоғи йўқлиги ғоят жозибали, киши эътиборини тортадиган ва ўқувчи ақлини бир қадар зўриқтириш талаб қилинадиган тарзда ифодаланган. Эҳтимол, бу сатрларда ифодаланган фикрлар ўзга кишилар томонидан ҳам айтилиши мумкиндир. Лекин Навоий сингари айтиш бошқа кишиларнинг қўлидан келмайди ва айна шу жиҳат мисраларнинг таъсирчанлиги ва умр узоқлигини таъмин этади.

Олимларнинг кўрсатишларича, бадий асарлар қандай мақсадда яратилишига (*куйлаш* учунми, *сахнада кўрсатиш* учунми ёки *ўқиш* учунми) ва нимани ифодалашига (*туйғуни*, туйғунинг юзага келишига сабаб бўлган *воқеани* ёки образларнинг бевосита ҳаракатларини) қараб лирик, эпик, драматик турларга бўлинади. Бу адабий турларнинг ҳар бири ҳам, ўз навбатида, бир қанча жанрларга бўлинади.

Бадий адабиётнинг энг қадимий тури – халқ оғзаки ижоди (фольклор) бўлиб, унинг ўзи ҳам дostonлар, эртаклар, қўшиқлар, мақоллар, топишмоқлар сингари қатор жанрларга ажралади. Оғзаки адабиёт номидан англашилиб турганидек, оғзаки равишда яратилган бўлади ва унинг ким томонидан дунёга келтирилганлигини аниқлаш имкони бўлмайди. Муаллифнинг номаълумлиги, йиллар мобайнида турли айтимчилар томонидан сайқалланиб, такомиллашиб, мукаммал шаклга эга бўлиш халқ оғзаки ижоди намуналарига хос асосий белгилардир. Оғзаки ижод ҳар қандай ёзма адабиётга таянч вазифасини бажарган. Ёзувчилар ижод сирларини айтимчилардан ўрганишган.

Ҳар бир миллатнинг қиёфасини белгилашда унинг адабиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Чунки миллий адабиёт миллий руҳни акс эттиради. Миллий руҳни тўлақонли бера оладиган бошқа бир восита мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам адабиёти бўлмаган миллат унутилишга маҳкумдир. Турли босқинчилар узоқ йиллар мобайнида туркий миллатларни ўзларига қўшиб, сингдириб олиш йўли билан йўқотиб юборишга астойдил уриндилар. Лекин Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб, Фузулий, Абай сингари адиблари бор миллатни йўқотишнинг иложини қилолмадилар. Негаки, миллат ўз адиблари ва уларнинг асарларидан руҳларини тиклаб олавердилар. Ўзига хос руҳга эга миллат эса ҳеч қачон ўзлигидан воз кечмайди.

(Қ.Йўлдошев, муаллифлар таҳрири)





Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Кластер» усули орқали бадий адабиётга хос бўлган хусусиятларни айтиб беринг. 2. «Венн диаграммаси» орқали бадий ва илмий адабиётларни солиштиринг.								
Таҳлил ва таъқин	   	1. Бадий адабиётнинг «сўз санъати» эканлигини исботланг. Гуруҳда тақдимот тайёрланг. 2. Бадий адабиётнинг турлари ҳақида ўз фикрларингизни «Тўрт фикр» усули орқали (бир гап билан) билдиринг. <table><tr><td>Фикр</td><td></td></tr><tr><td>Далил, исбот</td><td></td></tr><tr><td>Мисол</td><td></td></tr><tr><td>Хулоса, якун</td><td></td></tr></table>	Фикр		Далил, исбот		Мисол		Хулоса, якун	
Фикр										
Далил, исбот										
Мисол										
Хулоса, якун										
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Бадий адабиётда инсон ҳаёти, ўй-фикр ва кечинмалари тўлароқ акс эттирилишига ўз фикрингизни билдиринг. 2. «Миллат ҳаётида бадий адабиётнинг тутган ўрни» мавзусида эссе ёзинг.								

АЛПОМИШ

(Достон)



Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи икки ўғил пайдо бўлди: каттасинининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри шой¹ эди. Бу иккови ҳам фарзандсиз бўлди.

Ана энди ўн олти уруғ Қўнғирот элида бир чупрон² тўй бўлди. Халойиқларни, элатияларни³ тўйга хабар қилди. Шу тўйга барча халойиқлар йиғилди. Бийлар ҳам тўйга келди. Тўйдаги катталар илгаригидай иззат қилиб, қадимгидай отини ушламади. Бийлар:

«Мазмуни бу одамлар бизнинг келганимиздан беҳабар қолди», – деб отини ўзлари боғлаб, маъракаи мажлисга келиб ўтира берди. Бийларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, остига либос ташламади. Ош тортди – сузган товоқни чошламади⁴, ош тортганда ошнинг кетини-бетини тортди. Бу қилган хизматни бийлар кўриб, илгари иззат кўриб юрган одамлар айтди: «Бизлар ўн олти уруғ Қўнғиротнинг бойи ҳам шойи бўлсак, бизлар келсак, отимизни ушлар эдинглар, кўнглимизни хушлардинглар, бу даъфа биздан нима кўтоҳлик⁵ ўтди, бизни бундай беҳурмат қилдинглар?»

Бу сўзни эшитиб, ўн олти уруғ Қўнғирот элида пайгабетдан⁶ туриб, бир чапанитоб бойваччаси айтди: «Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бу тўй ўғил-лининг ўғлидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан

¹ Шой – шоҳ.

² Чупрон – ўғил болаларни суннатга ётқизиш «чуки паррон» сўзидан.

³ Элатия – кўчманчи чорвадорлар.

⁴ Чошламоқ – мазали қилмоқ, тотли қилмоқ.

⁵ Кўтоҳлик – калталиқ. Бу ерда «ақлсизлик», «ақли калталиқ» маъноларида келган.

⁶ Пайгабет – пойга томон, эшикнинг олди.

қайтади?! Ўзинг ўлсанг, молингга ҳар меросхўр чиқади оғзига одам кириб кетади. Биз сенинг давлатингдан бўлиб оламизми?!»

Бийлар булардан бу гапни эшитиб, хафа бўлди. Хафа бўлиб, саксон тиллани чупронга ташлаб, туриб кетди. Бориб, чечиб минди бедов отти. Иккови уйга етти. Иккови қилди маслаҳатти. Бу сўз икковига жуда ботиб кетди. Бойбўри туриб айтди: «Бойсари ука, қариганда бизнинг молимиз бесоҳибга¹ чиқди. Энди бизлар бир фарзанд тарадди қилмаймизми?» Бойсари туриб айтди: «Тортиб олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, худо бермаса, қаёқдан қиламиз тарадди?!» Бойбўри айтди: «Шу ердан Шоҳимардон пирнинг равзаси² уч кунчалик йўл келар экан, ҳар ким бориб тунар экан: давлат талаб давлат тилар экан, фарзанд талаб фарзанд тилар экан, охира талаб имон тилар экан, қирқ кун тунаган киши муродига етиб қайтар экан. Биз ҳам борсак, назру ниёзимизни берсак, Шоҳимардон пирнинг равзасини тунлаб, биз ҳам бир фарзанд тилаб кўрсак».

Шунда бу гап бойларнинг икковига ҳам маъқул тушиб, бир-бирига: «Рост айтасан», – деб, назру ниёзни олиб, бийлар иккови Шоҳимардон пирнинг равзасига қараб жўнамоқчи бўлиб, минди бедов отди, уч кун тинмай йўл тортди. Уч кун йўл юриб, Шоҳимардон пирнинг равзасига етди. Олиб борган назру ниёзини шайхларга бериб, бийлар равзани тунаб ётди. Орадан бир кам қирқ кун ўтди. Бир кам қирқ кун деганда, равзадан овоз келди: «Эй, Бойбўриман Бойсари, сен бир кам қирқ кундан бери тунаб ётибсан. Худонинг яратган шери мен бўлсам, бир кам қирқ кундан бери оёғим билан туриб, сизлар учун орага тушиб, яратган худоларингдан фарзанд тилайман. Яратган худоларинг фарзанд бермайман деди». Бийлар бу овозни эшитиб: «Бизлар бир кам қирқ кундан бери келиб, сизни тунаб ётсак, худонинг яратган шери сиз бўлсангиз. Бизлар учун орага тушиб, бирор фарзанд тилаб олиб бермасангиз, бизга пирлигингиз ёлғон, худога шерлигингиз ёлғон. Бор, ундай бўлса, биз ҳам дунёнинг бахридан ўтдик», деб, таппа тушиб, равзада турбатнинг остида ётди. Қирқ кун ўртадан аниқ ўтди, боз равзадан овоз келди:

«Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди. Ёлғиз эмас, эгиз берди. Бойсари, сенга худойим бир қиз берди. Эгиз эмас, ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойиқларни йиғсанг, тўй-томошалар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларингнинг отини ўзим қўйиб келаман»...

Ойдан ой, кундан кун ўтиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат орадан ўтиб қолди. Бойбичаларнинг ой-куни яқин етди. Бийлар иккови айтди:

¹ Бесоҳиб – эгасиз.

² Равза – боғ, жаннат, қабр.



«Бизлар ҳам бир шоҳлик шавкати қилсак, овга чиқиб кетсак, фарзандлар ер юзига тушса, суюнчи деб, бир нечалар олдимизга йўлга чиқиб, бизлардан тилла танга инъом олса», – деб бу ўйларни ўйлаб, бийлар овга жўнаб кетди.

Бойбичаларга шунда тўлғоқ вақти яқин етди. Не кампирлар келиб, тулкини инлатган тозидай бўлиб, бойбичаларни ангиб¹, ўртага олиб турибди. Бийлар шу вақтда овдан қайтди. Бу ёқдан фарзандлар ер юзига тушди. Бир нечалар бийларнинг олдига чиқиб, суюнчи олди. Бийлар зиёда вақти хуш бўлиб, манзилига келиб, жой олиб, вақти хушлигидан ҳар тарафга хабар юбориб, тўй-томошалар қилмоқчи бўлиб, чоғланиб, созланиб, ўн олти уруғ Қўнғирот элининг катта-кичик бийларини, оқсоқол, арбобларини йиғдириб: тўй қиламиз, деб маслаҳат қилди. Ўн олти уруғ Қўнғирот элининг одамлари, эшитган халойиқлар гуррос-гуррос бўлиб келаверди. Шунда катта-кичиклар келиб, бийлар оғзидан тўй қиламиз, деганини эшитиб, тўйнинг асбобларини тузаб, қанча сўқим молларни сўйиб, ош-паловларни дамлаб, фуқаро, бева-бечоралар тўйиб, шул алпозда ўн олти уруғ Қўнғиротнинг бор одами тўйни қилиб, ҳаммалари жам бўлиб, қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй қилиб ётди.

...Тўй тарқайдиган кун бўлди. Бир вақт, шунда бийлар қараса, узоқдан бир қаландар кўришиб келаверди. Халойиқлар ҳам кўрди: тарзи гул юзли, ширин сўзли, бир сиёсатли киши қаландар бўлиб келаётир. Ўзга кишиларга у қаландарнинг ҳоли-аҳволи маълум эмас. Равзадаги сўзлаган овозни эшитгани сабабли: «Шоҳимардон пирим шул киши бўлмаса», – деб, бийлар ўрnidан туриб, олдига пешвоз чиқиб, салом бериб, зиёрат қилиб, мажлисхонага бошлаб олиб келди. Шунда фарзандларнинг учовини ҳам олиб келиб, Шоҳимардон пирнинг этагига солди. Шоҳимардон пир Бойбўрининг ўғлини отини Ҳакимбек қўйди. Ўнг кифтига беш қўлини урди. Беш қўлини ўрни доғ бўлиб, беш панжанинг ўрни билиниб қолди. Қизининг отини Қалдирғочойим қўйди. Бойсарининг қизини отини Ойбарчин қўйди. Ана шунда Шоҳимардон пир Ҳакимбекка Ойбарчинни аташтириб, бешиккертди қилиб: «Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин. Омин, оллоҳу акбар», – деб, фотиҳани бетига тортди. Шоҳимардон пир туриб, жўнаб кетди, одамларнинг кўзидан ғойиб бўлиб кетди. Ана шўйтиб, бийларнинг тўйлари ҳам тарқаб кетди.

Шунда болалар кундан кун ўтиб, ойдан ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, уларнинг тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан кейин, элга энгандан кейин тутиб, уччовини ҳам мактабга қўйди. Улар мактабда ўқиб юриб, етти ёшга кирди. Бурро саводи чиқиб, хат ўқиб, ёза-

¹ Ангиб – пойлаб, кутиб.



диган мулла бўлди. Шунда Бойбўрибий: «Энди ўғлим саводи чиқиб, мулла бўлди. Ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳлик илмини ўргатайин», – деб мулладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбўрига таассуб¹ қилди. Бул ҳам Ойбарчин қизини мактабдан чиқариб олди. «Чиқариб олиб, қизимга Кўкқамиш қўлида қўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин», – деди.

Шунда Ҳакимбек етти ёшга кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан² бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб, кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғнинг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди. Шунда барча халойиқлар йиғилиб келиб айтди:

«Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди. Алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин. Тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтди», – деди. Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтарди, етти ёшида Алпомиш от қўйилди.

Кунлардан бир кун Ҳакимбек китоб ўқиб ўтириб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди. Бойбўрибий шунда ўғли Алпомишдан: «Киши нимадан бахил бўлади, нимадан сахий бўлади?» – деб сўради. Шунда ўғли туриб айтди: «Вақти-бевақт бировникига меҳмон келса, отини ушлаб, жой бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул ҳам сахий; агар жой бор туриб, жой йўқ, деб қўндирмай жўнатса, бул одам бахил. Вақти-бевақт бир киши мазоратнинг қабатидан ўтса, чап оёғини узангидан чиқариб, мазордаги одамларнинг ҳаққига дуо ўқиб ўтса, бул ҳам сахийлик; агар ҳар ким мазордан ўтганда, чап оёғини узангидан чиқармай, мазоратнинг ҳаққига дуо қилмай ўтса, бул ҳам бахил. Кишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан».

Бул сўзни Бойбўрибий Ҳакимбекдан эшитиб, фикр қилиб: «Мен ўн олти уруғ Қўнғирот элининг ҳам бойи бўлсам, ҳам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман. Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин», – деб, ўз кўнглида: «Бойсарининг укам менга закот берса керак экан», – деб ўйлади. Ўйлаб: «Бойсарига боринглар, Бойсари ўз розичилиги билан бир чичқоқ улоқни закот деб менга берсин. Закот ўрнига ўтарда, Бойсари бахил бўлиб, бахилликка чиқиб кетмасин», – деб ўн тўрт маҳрамни буюрди.

¹ Таассуб – эргашиш, тақлид.

² Бирич – мис билан қўрғошин аралашмаси, бронза.

Бойсарибий ўн минг уйли Қўнғирот эли билан кўчиб бориб, Қўкқамиш кўлида элибойлик¹ қилиб, молларини семиртириб, яйловда жойлаб ётиб эди. Ўн минг уйли Қўнғирот элининг бойваччалари билан йиғилиб, бир ерга жам бўлиб, бахмал ўтовни тикиб, шу ўтовнинг ичида ҳамма бойваччалар билан қимиз ичиб, шағал маст бўлиб, ўз кайф-сафоси билан ўтириб эди. Ана шунда отининг бўйнига тилла қўтос тақилган ўн тўрт маҳрам Бойбўридан Бойсарини сўраб бориб қолди. Шундаги бойваччалар буларнинг келганини билиб, эшикка чиқиб, маҳрамларнинг отини ушлаб қолди. Маҳрамларни ичкарига олиб кирди. Бойсари булардан йўл бўлсин, қилиб савол сўради. Маҳрамлар саволга жавоб бериб айтди: «Биз акангдан келган закотчи бўламиз, бугун бизлар сенинг молиниги закот қиламиз. «Закот қилинглар, берса, закотини олиб келинглар», деб юборган», – деди.

Бу сўзларни маҳрамлардан эшитиб, Бойсари кўнглига оғир олиб, айтди: «Эй, бизнинг молимиз шу вақтгача закот бўлмаган, энди акамиз ўғилли киши бўлиб, дарров бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да». Закот деган гапни эшитиб, бу гап ботиб кетиб, олдидаги ўзининг одамларига буюрди: «Ушла, баччағарларни!» – деди. Бойваччалар маҳрамларни битта-битта ушлаб қолди. У еттовининг қулоқ-бурнини кесиб, ўзларига егизиб, отига чаппа мингазиб, отнинг устига тортиб бойлаб, «Мана буни закот деб айтади», – деб Қўнғирот тарафига ҳайдаб юборди.

Шунчалик ишни қилса ҳам, Бойсарибийга закот дегани деган гап ниҳоятда ўтиб кетган экан: «Энди биз ўз юртимизда сиғинди бўлиб, ўз акамизга закот бериб юрадиган бўлсак, бу элда бизнинг тургилигимиз қолмади», – деб, ўн минг уйли Қўнғирот элига қараб: «Эндиги маслаҳат нима бўлди?» – деб турган экан:

Оҳ урганда оқар кўздан селоб ёш,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош,
Қўнғирот элдан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Қурсин, Ҳакимбеги мулла бўлибди,
Безакот молларни ҳаром билибди,
Қўнғирот элдан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.
Дардли қул дардимни кимга ёраман,

¹ Элибой – кўчманчи чорвадор



Айрилиқ ўтига бағри пораман,
Мина элда сизинди бўп тураман,
Ўз акама қандай закот бераман?!
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Мина элда мен ҳам бекман, тўраман,
Ўз акама қандай закот бераман?!
Ўз акама ўзим закот бергунча,
Қалмоқ бориб жузъя бериб юраман,

Ана шунда Бойсарибий бу сўзларни айтди. Шу турган халойиқлардан ҳеч бир садо чиқмади. Шу мажлисда бир Ёртибой оқсоқол деган бор эди. Мажлисли кун бўлса, тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсағанинг олдида ковишга жой бермай, ковиш билан аралашиб, ит йиқилиш бўлиб, пойга бетда ётар эди. Тўрда ўтирган каттаман деб юрганларнинг ҳеч қайсисидан гап, садо чиқмагандан кейин, пойга бетдан Ёртибой ўрнидан туриб, маслаҳат шулда, – деб Бойсарининг сўзига жавоб бериб, Бойсарига қараб, бир сўз деб турибди:

Маслаҳат бермаймиз Бойсарибойга,
Осилмаймиз Бойбўрининг дорига,
Биринг – ака, биринг – ука, Бойсари,
Маслаҳатни, шоҳим, ўзинг биласан.
...Биз билмаймиз Бойбўрининг ишини,
Маслаҳатга йиғиб шунча кишини,
Ким маслаҳат берса, кесар бошини.
Маслаҳат бермаймиз Бойсарибийга,
Осилмаймиз Бойбўрининг дорига.

Бойсарибий Ёртибойдан бу сўзни эшитиб, тағи ўзи бу турган одамларга қараб, бир сўз дейди:

Қулоқ солинг Бойсарининг тилига,
Кўчиб кетай менам Кашал элига.
Давлат қўнса бир чибиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига,
Қулоқ солинг Бойсари нолишига,
Қалмоқ бориб қўнсам Чилбир дашига.
Қалма шаҳодат мусулмоннинг тилига,
Азамат бош берар диннинг йўлига,



Турарим йўқ Бойсун-Қўнғирот элига.
 Ўз элим деб яна бунда турганча,
 Ўз акама ўзим закот берганча,
 Ўз акамдан бундай хўрлик кўрганча,
 Қалмоқ бориб жузъя берсам бўлмайми?
 Закот деган гапни акам чиқариб,
 Менинг тоза улсизлигим билдирди.
 Ўз акама ўзим закот берганча,
 Бошқа юртда сиғинди бўп юрайин,
 Аввал олло, кейин наби бўлса ёр,
 Қариндошлар, менда бўлса ихтиёр,
 Қалмоқ элга кўчиб кетмагим даркор.
 Қариндошлар, эшит айтган сўзимни,
 Ёш тўлдириб бунда икки кўзимни,
 Улсизлигим акам бунда билдириб,
 Қаттиқ таъна қилди менинг қизимни.

Бойсаридан бу сўзни Ёртибой эшитиб, Ёртибой ҳам Бойсарибийга қараб бир сўз деди:

Дам шу дамдир ўзга дамни дам дема,
 Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
 Сен кетар бўлсанг Қалмоқ юртига,
 Бул элатни қолар деб ҳам ғам ема.
 Қайга кўчсанг, бизлар бирга борамиз,
 Болаларни жаҳонгашта қиламиз,
 Қайси элга борсанг, юргин сен бошлаб,
 Кетармиз Бойсинни буларга ташлаб,
 Бойбўрибий қолсин кўнглини хушлаб.
 Айролик ўтига бағри порамиз,
 Қайга кўчсанг бирга-бирга борамиз,
 Қалмоқ борсанг, юрабергин, борамиз.
 Ўн минг уйли элат сенга хизматкор,
 Қалмоқ кетсанг, бирга борар бу эллар.

Ёртибой оқсоқолнинг айтган гапи ўн минг уйли Қўнғирот эли катта-кичигининг барига маъқул тушди. Ҳаммаси: «Бойсари кўчса, бизлар ҳам кўчиб кетайик, Бойсари ўлик ерда – ўлик, тирик бўлса – тирик; энди Бойсин-Қўнғирот юртини Бойбўрига бўшатиб берайик, Бойсин-Қўнғирот

юртини бир ўзи жойлаб олсин¹», – деди. Ўн олти уруғ Қўнғирот элидан ўн минг уйли экин эсмоқни билмайдиган элибойлар айрилиб, Бойсарига қўшилди. Булар ҳаммаси бой – қўйли, туяли. Молининг сони йўқ эди. Буларнинг ичидан моли йўқ деган камбағалининг қирқ минг туяси бор, қўйининг сонини, ададини ўзлари ҳам билмас эди. Бир қўра, икки қўра, ўн қўра деб, санагани шул эди. Йилқи, молларини бир уюр фалон тўқайда юрибди, икки уюр фалон тўқайда юрибди, дер эди. Сонини санамоқни ҳеч қайсиси билмас эди. Булар қишдан ёзга экин эсмай, мол бойлик қилар эди. Шунинг билан овқатларини ўтказар эди. Бойсарибойнинг йилқисининг сони шул эди: тўқсон тўқай йилқиси бор эди. Тўқсон тўқай дегани – йилқиси ҳар ерларда: тўқайларда, тоғларнинг дарасида, тўқайли ерларда ёйлаб юрар эди. Тўқайларда йилқиси ёйилиб юргани учун Бойсарибойнинг тўқсон тўқай йилқиси бор, дер эди. Лекин йилқисининг, молининг сонини ҳеч билмас эди.

...«Бойсари кўча, биз ҳам кўчамиз», – деб ҳаммаси чўпонларига, йилқичиларига, туяларига ҳамма даҳмардаларига² кўчамиз деб, одам буюрди. «Бу Бойсин яйловидан, бу тўқайлардан қўйларингни, туяларингни, йилқиларингни – ҳаммасини ҳайданглар.

Қалмоқ юртига, Кашал элига қараб йўл бошлаб юра берсин», – деб хабар юборди. Ҳаммаси Бойсин-Қўнғирот элини ташлаб, Қалмоқ юртига жўнаб кетмоқчи бўлиб, добирлашиб, уйларни бузиб, туяларга ортиб, аёллари ҳам ўз юк-ёбини бўғиб, бўғча-бўйларини чоғлаб, туяларга ортиб, тўполон бўлиб, шовқин-ғалағул бўлиб қолди. Ўн минг уйли Қўнғирот талотўп бўлиб Кашал элига, Қалмоқ юртига қараб, «Ҳа!» – деб, кўча берди. Ҳаммаси бирдан кўчиб, ўн минг уйли эл Бойбўридан араз уриб, ...Бойсари билан бирга кўчиб жўнай берди. Аёлларга ҳам яхши отларни олиб келиб тортди. Бу аёллар ҳам отларни миниб, чоғланиб, жўнамоқчи бўлиб, Барчинойга, энасига қараб турди. Ана шунда энаси Барчинойни ҳам жўнатмоқчи бўлиб, Барчиной учун тўриқ йўрға отни табладан³ олиб келиб, устига майин, тоза, мулойим бахмал парқувлардан солиб, тилла юганларни бошига солиб, жуда чоқлаб, отнинг жиловидан ушлаб олиб келди. Ана шунда энасининг бул отни етаклаб олиб келганини кўриб, Барчиной шундай қараса, ўн минг уйли Қўнғирот элининг ҳаммаси кўчиб талотўп бўлиб, шовқин қилиб, жўнаб кетиб бораётибди. «Бу нима гап гап, нима учун кўчиб бораётибди? Менга нимага бу отни олиб келдингиз?» – деб энасига қараб, Барчиной бир сўз деб турибди:

¹ Жойлаб олсин – эгаллаб олсин.

² Даҳмарда – хизматкор, югурдак.

³ Табла – от боғланадиган жой.

Абзаллаб келтирдинг ҳайвон тўрингди,
Бул кўчишинг, эна, менинг шўримди.
Бой отамман, бий бобома не бўлди?
Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,
Қалмоқда қоларда гулдайин танам.
Хўжа келса, чиқар мурид назири,
Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири?!
Эр деганнинг ақлин олмас бўлурми?
Алдаб-сулдаб йўлга солмас бўлурми?
Бой отамман, бий бобома не бўлди?
Эна, эшит менинг айтган сўзимни,
Заъфарондай сўлдирмагнн юзимни,
Қалмоқ бориб, қўлдан берма қизингни,
Бой отамман, бий бобома не бўлди?
Йиғлаттинг, энажон, мендай санамни,
Келиб кўролмайман мактаб жўрамни.

Барчинойнинг энаси бу сўзни эшитиб, Барчинойга тасалли бериб, на-
сихат қилиб, бир сўз деди:

Не сабабдан, болам, кўнглинг бўласан,
Жаҳонни сайр этиб, ўйнаб-куласан,
Яхши-ёмон элни юриб кўрасан,
Ахир бир кун Бойсин юртга келасан,
Мактаб жўранг билан ўйнаб-куласан.
Кокилларинг эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас, дунё мол.
Магар душман келса, бўлғай-да поймол,
Бул сўзларга, жоним болам қулоқ сол.
Сенинг кўнглингагин отанг билмади,
Кўп гапирдим, отанг қабул қилмади.
Жоним болам, отланмасанг бўлмади.
Элат билан, болам, бирга борасан,
Тақдирингда нима борин кўрасан,
Ўлмасанг, бир куни қайтиб келасан,
Қўнғирот элда ўйнаб даврон сурасан.

Ана шунда Барчиной бу сўзни эшитиб, иложини тополмай, ночор бў-
либ, элнинг кўчиб бораётганини кўриб, неча каниз қизларни ўзига ҳамроҳ



қилиб, қирқин канизлари билан ҳар қайсилари ўзларига яраша отларига минди. Ўн минг уйли Бойсин-Қўнғарот элининг жўнашини Фозил шоир Йўлдош ўғли шундай тасвирлайди:

Чечанлар эплайди гапнинг эпини,
Шул замонда олтмиш норни чўктириб,
Орта берди Барчин сулув сепини.
Қўнғирот элнинг шундайчақа кўпи бор,
Бойсарининг икки жилдам тўпи бор,
Ҳар кўчканда тўп бўшатиб жўнади.
Қаторга тиркалган лўк¹ билан норча²,
Устига юкланган қирмизи парча.
Камликни кўрмаган сатта бойбачча,
Йўл-йўлакай улоқ чопиб боради.
Ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча,
Йиғласам, ҳолима йиғлар бир неча,
Хафа бўлиб борар Барчин ойимча,
Жафо тортиб бораётир бир неча.
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Кўргани йўқ қандай эди қалмоқлар,
Орасида тўқсон доvon тоғи бор,
Беллардан ошади ул замон бойлар.
Қаба фалак бошга солди зулм деб,
Элибойлар бундан кўчиб боради,
Қолди энди ўйнаб ўсган элим деб.
Айрилиқ ўтига бағрини доғлаб,
Бораётир қалмоқ элни сўроқлаб.
Элибойлар бунда турмай жўнади,
Неча адир, белдан ошиб боради.
Куни билан юрса, оқшом қўнади,
Ҳар куни бир тоғдан ўтиб боради.
Элат билан бирга Барчин зулфакдор,
Хафа бўлиб борар гул юзли дилбар.
Ҳар замон сўз айтиб неча канизлар,
Суксур каниз бирга бўлиб муқаррар.
Бир нечалар кўриб ақили шошиб,
Бир нечалар юрар йўлдан адашиб,

¹ Лўк – тез юрадиган чопоғон туя.

² Норча – ёш эркак туя.



Бойбўриман бул Бойсари ўрлашиб.
Адатсиз¹ молини ҳайдаб боради,
Фуқаронинг экинини талашиб.
Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Кўч билан биргадир бул замон бойлар,
Мамлакатни босиб адатсиз қўйлар,
Етган жойга бул ажаб талон тушди.
Бораётган Бойсин-Қўнғирот тўраси.
Бошида бор эди зардан жиғаси,
Ёз бўлса яйлови Аму ёқаси,
Мусофир бўб Қалмоқ кетиб боради,
Ўн минг уйли Бойсин-Қўнғирот тўраси.

Ёмон билиб Бойбўрининг сўзини,
Бермас бўлиб бунда Барчии қизини.
Неча бир жойларга талонлар тушди,
Молнинг олди Қалмоқ юртга етишди.
Тўқсон тоғдан кети узилмай мол ошди,
Молнинг олди Чилбир чўлга етишди.
Ададини киши билмас бу молнинг,
Кўкқамишдан кети узилмай боради.

¹ Адатсиз – саноксиз, кўп, ҳисобсиз.



<i>Тушунмиш ва саволларга жавоб бериш</i>	  	1. «Ақлий ҳужум»: Қўнғирот эли нима учун ўн олти уруғли? Бойбўри ва Бойсари кимлар? 2. Бийларга тўйларда қандай «ҳурмат» кўрсатилди? Сабабини изоҳланг. 3. Ака-укаларнинг бош орзулари қандай? Сизнингча, фарзанд инсоннинг бахтли бўлишига қандай таъсир кўрсатади?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Достондаги Шоҳимардон пирининг роли қандай? 2. Достонни «Оқилнинг 6 қалпоғи» усули орқали таҳлил қилинг.
<i>Баҳолаш ва қийсий таҳлил</i>	 	1. Асардан ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган фикрларни топиб, «Дебат» усулини қўлланг. Достон ғоясини аниқланг. 2. Достон ҳақидаги дастлабки фикрларингизни «5 дақиқали эссе» усули орқали ёритинг.

...Тойчи вилоятинда Қалмоқ музофотинда бир Сурхайл деган кампир бор эди. Жуда ҳаддили зўр кампир эди, бу кампирнинг етти ўғли бор эди. Еттовви ҳам номдор алп эди. Каттасини Кўкалдош дер эди, ундан кичкинасини Кўкаман дер эди, Кўқашқа дер эди, Бойқашқа, Тойқашқа, Қўшқулоқ, кенжатайини Қоражон дер эди. Шу етовига тирлашгани¹ қалмоқшоҳ ҳар мамлакатдан алпларни олиб келиб, Кашал ғоридан жой бериб, буларни Тўқайистонда боқиб ётар эди. Ул алплар қандай алп: ёйандоз, мерган алп. Ҳар қайсиси тўқсон ботмон темирдан совут кийган, ҳар кунига тўқсон ширбознинг этини таътил қилган, бош-бошига ҳар қайсиси подшоҳликдан ҳар ойда беш юз сўм мояна олган хўп бирламчи зўр полвонлар. Бойсарининг қизи Барчинни булар кўргани йўқ. Шул вақтларда Барчин ҳам баркамол, бўйи етган, ҳар яғрини ўн беш қариш келади. Бу ҳам алп. Орқаварон эшитиб, шу мусофир бойларда бир қиз бор эмиш деб, булар ҳам ўзавонда² маслаҳат қилади. Гоҳ бири олмоқчи бўлади, гоҳ бари олмоқчи бўлади, гоҳ ҳаммаси ўртада хотинли бўлиб қолмоқчи бўлади. Неча вақтлар кўрмасдан шу маслаҳатни қилиб юрди.

Кўкалдош алп туриб айтди: «Бундай далада чатоқ қилиб юрганимиз бўлмас. Юринглар, тўқсонимиз ҳам борайлик. Ўзбекнинг қизини ё биримиз олайлик, ё баримиз олайлик. Ўртада жавлик³ хотинли бўлиб қолайлик деб, жавлик отланди. Отини миниб, Кашал ғоридан жўнаб, Тўқайистонни оралаб, Чилбир чўлига чиқиб, кўп элга қараб, Бойсариникини сўраб, алплар бориб қолди. Ҳаммаси Бойсарининг уйининг теварагида жам бўлди. Алплар тўпланиб турди. Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош: «Келган бой!» – деб чақирди. Бойсари уйда ўтриб эди: «Лаббай», – деб уйидан чиқди. Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди: «Келганбой, сенинг бир қизинг бор экан. Қани, биримизга берасанми, баримизга берасанми? Биримиз олайликми ё баримиз олайликми? Шу сўзга нима жавоб айтасан?»

Бу сўзни эшитиб, Бойсари нима жавоб айтарини билмай, хаёли қочиб, нашъаси учиб, ўйланиб: «Ҳой алплар, эртан чошқагачайин муҳлат берингизлар. Эртан чошқада айланиб келинглари. Ё бирин гизга берайик, ё барингизга берайик, биз бир ўйлашиб кўрайик», – деди.

¹ Тирлашмоқ – қарши турмоқ, бас келмоқ.

² Ўзавон – ўзларича.

³ Жавлик – ёппа, ҳамма.

Эртан чошкагачайин муҳлат бериб, алплар қайтди. ...Энди Бойсари семиз қўйларни сўйиб, ўн минг уйли Қўнғирот элининг одамман деганини жийиб, шўрвасига тўйиб, гўштини корсонга соп, олдига оп кеп қўйиб: «Бурунги кунимиз ҳам тузук экан, ишимиз соп зўрга тушди. Эртан чошка алплар келса, нима жавоб берамиз», – деб, қариндошларига қараб, Бойсари маслаҳат сўраб турган экан:

Маслаҳат бер ўн минг уйли қариндош,
Алплар келса нима жавоб бераман,
Тонг отганча муҳлат олиб тураман,
Қалмоқларга қизим қандай бераман?!
Юрагим тўлгандир дийдаи ғамда
Барчинойни ўз тенгига қўшмасам,

Маҳшар куни Барчин қўли ёқамда.
Қўрдим бунда алплар жуда зўрабор,
Бунинг билан бўлолмасам баробар.
...Мусофирман энди гангиди бошим,
Катта-кичик, турган бул қариндошим,
Заҳар бўлди бул менинг ичган ошим,
Ҳамманг менинг элда юрган сирдошим,
Маслаҳат бер энди сендан сўрайин,
Бадбахтларга қандай жавоб берайин...

Бу сўзни эшитиб, турган халойиқлардан ҳеч садо чиқмади. Бир Ёртибой оқсоқол дегани бор эди. Бойсарига қараб, Ёртибой бир сўз деб турган экан:

Хон Бойсари, эшит айтган сўзимди,
Бу элларга бошлаб келган ўзингди.
Тортинмай берабер энди қизингди,
Ҳазил билма, менинг айтган сўзимди.
Бу алпларни куёв қилиб оламиз,
Мина элга тоза эркин бўламиз.
Болаларни тоға-жиян қиламиз.
Мина элда бизлар даврон сурамиз,
Маслаҳатни сенга шундай берамиз...
Агар алплар олоғойса қизингди,
Зўр қилади бу элатга ўзингди,
Бу алпларга берабермоқ лозимди.

...Аччиқланса, ўяр икки кўзингни,
Зўрлик билан олар сенинг қизингни.
Кўрдингни сен, алплар шундайин қайсар,
Ҳар қайси ишқирган шундай айдаҳор.
Бу элатда ким бўлар сенга раҳбар¹.
Барчинни алпларга бермоғинг даркор,
Ўртибойнинг маслаҳати шул бўлар.

Бу сўзни Ўртибойдан эшитиб, Бойсарининг кўнгли бузилиб, бу ҳам бир сўз деб турган экан:

...Юрагимда кўпдир аламли дардлар,
Менинг қизим – сенинг синглинг, номардлар.
Қизинг бер, деб менинг кўнглим бўласан,
Суягимни ёнган ўтга соласан,
Қалмоқлардан бадтар изза қиласан,
Хафа фалак солди бошимга зулм,
Мусофирман, қирқ газ чўкди кўнгилим,
Бемаҳал етмади қайтайин ўлим.

Бу сўзни Бойсари айтди. Шу қариндошлардан нима маслаҳат чиқар экан деб, Барчин келиб, тинглаб туриб эди. Қариндошларнинг сўзларини эшитиб, отасининг кўнгли бузилганини билиб, Барчин ҳам бир сўз деб турган экан:

Жуда ҳам гангиди, бой ота, бошинг,
«Маслаҳат берди»-ку қавми-қардошинг,
Кўп йиғлама, жоним отам, дарвишим,
Эшитмагин, қариндошлар сўзини,
Қариндошлар бера қолсин қизини!
Сен йиғладинг, ота, кўнглим бузилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди.
Хафа қилма, ота, мендай қизингди,
Қўя бер алпларга менинг ўзимди.
...Ул алпларга мен бўларман баробар,
Ярашиққа мен зулфимни тарарман,
Қалмоқларга гапирмоққа ярарман...

¹ Раҳбар – «ҳимоячи» маъносида.

Бул сўзни Барчиндан эшитиб, ўн минг уйли Қўнғирот ҳазар қилди¹: – Бу ҳам ўзбошимча жувормак, алпларга баланд-паст гапирар, бунинг касофатига ҳаммамизни оёқости қип босиб кетар. Жавоб бергич бўса, бизнинг ичимиздан чиқиб, холис ерда туриб жавоб берсин, – деди. Ўн минг уйли Қўнғиротдан чиқариб, Барчиннинг ўтовини кўтариб, ҳў, анадай овлоқ тепанинг бошига тикиб қўйди. Бул ўтовда қирқин канизлари билан Барчин ўтирди. Куннинг бурни² билан ...тўқсон алп йиғилиб кеп турибди: «Қани, келган бой, маслаҳатни қаерга қўйдинг? Биримизга бермоқчи бўлдингми, баримизга бермоқчи бўлдингми?» Бойсари туриб айтди: «Биз маслаҳат қип, йил ағдариб кўрдик, қизимизнинг йили чичқон экан, ёши ўн тўртга чиққан экан. Бизнинг ўзбекнинг расми шундай бўлади: қиз ўн тўртга чиққан сўнг ўз ихтиёри ўзида қолади. Бизнинг айтганимизга кўнмай, тепанинг бошига ўтовини тикиб ўтирибди. Ўзига борингизлар, ўзидан сўрангизлар».

Шунда қалмоқлар дўғилиб³, Барчиннинг устига қараб бора берди. Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош: «Ё биримизга тег, ё баримизга тег. Бир жавоб айт», – деди. Барчин бир сўз деб турган экан:

Эшитгин, қалмоқлар, айтган тилимнан,
Мени олар келмас сенинг қўлингнан.
Бадбахт қалмоқ, қолма келган йўлингнан,
Мени олмоққа ҳаддинг борми, қалмоқлар.
Менинг тўрам билсанг, Бойсиннинг хони,
Унга қурбон мендай ойимнинг жони,
Оти Ҳақимбекдир элда даврони,
Кўп айланма бунда, қалмоқ, бемаъни.
Хабар етса, алп Алпомиш келмайми,
Қалмоқларга қиёмат кун бўлмайми,
Армон билан сендай алплар ўлмайми,
Ҳолинг билиб, тўғри юрсанг бўлмайми?!..

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алп туриб айтди: «Бу ўзбакнинг қизининг дами баланд экан. Кўкаман! Тушиб судраб чиқ бу ёққа!» Кўкаман алп отдан тушиб, отни уйнинг белдовига илдириб, уйнинг ичкарисига кирган. Барчиннинг канизлари қўрқиб, уйнинг тўрида тўпланиб турган. Барчин ибo қилиб, тескари қараб туриб эди, Кўкаман алп Барчиннинг бурумидан ушлаб, пойгага торта бошлади. Барчин ўзини ўнғариб қўлини узатди. Бир

¹ Ҳазар қилди – хавотирланди.

² Куннинг бурни – кун тиккага келишдан олдин, чошгоҳ пайти.

³ Дўғилиб – ёпирилиб.

қўли Кўкаманинг ёқасига етди, бир қўли билан белбоғидан тутди. «Ё, Шоҳимардон пирим!» – деб кўтариб, чалқарамон қилиб ерга қўйди. Чап тиззасини кўкрагига қўйиб турди. Оғзи-бурнидан дирак-дирак қон кета берди.

Кўкалдош алп туриб айтди: Кўкаманга қаранглар, бу кўринмай, бу ёққа чиқмади. Ўзбакнинг қизи билан айланишиб қолдими? Шундай келиб бирови от устидан қараб, Кўкамани кўриб: «Эй, ўзбакнинг қизи Кўкамани босиб ўлдириб қўйибди», – деди. Бу сўзни эшитиб, бир кам тўқсон алп отдан ташлай берди. Барчин алпларнинг аччиқ билан отдан тушганини билиб, қараб кўрди. Алпларнинг зўри Кўкалдош эканини билди: зўрлик номига бошида тилла жиғаси бор, остида суворига миниб юрадиган саман йўрғаси бор. Бошидаги саржигани кўриб, алпларнинг зўри эканини билиб, алпларга қараб, олти ойга муҳлат сўраб, бир сўз деб турган экан:

Саман отли, саржигали бек йигит,
Бир олтойга сиздан муҳлат сўрайин.
Қўнғирот элга арза бериб кўрайин,
Олтойгача мен йўлига қарайин,
Келса келар Қўнғирот элдан Алпомиш,
Келмаса, мен тақдиримдан кўрайин.
...Олмадайин сўлган гулдай тарзим бор,
Муштипарман сизга айтар арзим бор.
...Муҳлат сўраб турган мендай гажакдор,
Олтой муҳлат бергин, давлатли шунқор.
Бу гап энди Кўкалдошга хуш келар...

«Бизда кўнгли бор экан», – деб Кўкалдош алп вақти хуш бўлиб: «Алпларнинг ичида мени хоҳлагандай бўлди, балки менинг зўрлигимни ҳам билди, бизга кўнгал қилди, – деб. – Бор, олти ой муҳлат!» – деб юборди. Ҳадди йўқ, ўзга алплар ҳам: «Олти ойга муҳлат», – деяпти. Олти ойгача алплар бурулмаси бўп⁴ қайтди...

...Барчин ўн минг уйли Қўнғиротнинг йигитидан ўн йигитни сайлаб олди. Отасининг тўқсон тўқай йилқисидан ўн отни сайлаб олди. Отларни совутиб, тайёр қилди. Шундай арза ёзди Барчин: «Олтойчилик йўлга⁵ келдим, қалмоқнинг элига келдим. Зўр ёвнинг қўлида қолдим. Олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин». Арзани ўн бойбаччага топширди. Отларни эгарлаб, чоқлаб, яхши бор деб, дуо қилиб, бир сўз айтиб турган экан:

⁴ Бурулмаси бўп – қайтмайдиган бўлиб.

⁵ Олтойчилик йўл – келиб-кетиш учун олти ой сарфланадиган йўл.

Кечани мунаввар қилган тўлган ой,
Савашли кун тортилади парли ёй.
Бандам десин, раҳм айласин бир худой,
Кашалда талашда қолди Барчиной.
Борсанг, салом ўйнаб-ўсган эллара,

Кўкқамишдай мазгил жойим, чўллара.
Қалмоқлар йиғлатди мендай санамди,
Юрагимга тўлган доғу аламди.
Албатта, сўранглар мактаб жўрамди.
Муғойиб сўз айтар мендай муштипар,
Кеча-кундуз шабгир тортинг¹, хизматкор,
Жиловдоринг бўлсин имом, чилтанлар.
...Сўз айтар сизларга мендайин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам,
Қалмоқнинг зулмидан йиғлади энам.
Сен бориб кўрарсан Қўнғирот элимди,
Бошимдан кўтарсин қайғу зулмди...

...Отлар қорсоқдай қотган, тўқсон кеча-кундуз йўл тортган, балки чопарлар билан била битган. Қўнғирот элига Бойбўрининг давлатхонасига етган. От устида туриб, салом берди. Буларни кўриб, Бойбўри айтди: «Булар қандай одам экан, беадаблик билан салом берди менга?» Чопарлар боғоноғи арзани чиқариб берди. Арзани ўқиб кўриб, билди: келган Барчининг чопари экан. Ўн махрамни буюрди, Чопарларни битта-битта отдан кўтариб олди. Чопарларга хизмат қилди. Бул арзани ҳеч кимга билдирмай, олиб бориб сандиққа солиб ташлади. Чопарлар йигирма кун ётди, хўп иззат-икром қилиб, қилди зиёфатти, кўп қилди хизматти. Берган арзасидан ҳеч шобир² бўмади.

...Бойбўрининг Қултой деган йилқичи қули бор эди. Алпомишга энчи³ бир тарлон⁴ бияси бор эди. Бир ярғоқ қулун туғди, бул тулпор деб, Бойбўрига оп кеп берган эди. Неча йилдан бери таблада боқувли турган эди. Чопарлар келиб кетгандан кейин табладаги от сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб ўйнай берди. Бойбўри: «Шу ёмонлагурнинг ўйнагани ҳам яхшилиқ эмас», – деб сағрисига уч-тўрт таёқ тушириб, табладан чиқариб, Қултойнинг қошига йилқиларга оппориб, қў-

¹ Шабгир тортиш – ухламаслик.

² Шобир – шовқин, хабар.

³ Энчи – аталган, совға қилинган.

⁴ Тарлон – хол-хол безакли тўриқ от.

шиб юборди. Алпомишнинг Қалдирғоч деган синглиси бор эди. Қирқин канизлари билан бир сандиқни очиб кўраётиб эди, бир хат чиқди. Бул хатни ўқиб кўрди: Барчин чечасининг хати. – Туновги ўн чопар бул хатни олиб келган экан, буни билдирмай отам сандиққа солиб қўйган экан. Юринглар, бек акама борайик, Бу хатни берайик. Қанча ғайрати бор экан синайик, – деб Ҳақимбекнинг қошига келди. Бу хатни шундай берди. Шу вақтларда Ҳақимбек ўн тўрт ёшга кирган, маст бўлган нордай кўпик сочиб ўтирган, неча махрамлар хизматида турган. Бу хатни ўқиб кўрди. Хатда айтибди: «Олтойчилик йўлга келдим. Тўқсон алпда той-талашда қолдим. Олти ойга муҳлат олдим. Мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин», деган хат экан. Бу хатни ўқиб кўриб: «Олтойчилик йўл бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз деб, сандираб ўламизма», – деб, хатни тиззасининг остига босиб ўтирди. Қалдирғочойим акасига қараб бир сўз айтиб турган экан:

...Ака, сенга айтадиган арзим бор,
Талаш бўпти бийнинг қизи – зулфакдор.
...Мард йигитнинг ёри талаш бўлами,
Эр йигитнинг ёрин қалмоқ олами?

Барчин чечам талаш бўлиб қолами,
Сендай беклар бул беҳабар турами?!
Келар дебди, сендан умид қилибди,
Қалмоқдан олтойга муҳлат олибди.

...Умид тортиб сенга арза қилибди,
Хат кўтариб ўн бойбачча келибди.
Англамай отама хатни берибди,
Отам хатни бул сандиққа солибди.

Энди билиб, синглинг олиб келибди,
Қалмоқлардан чечам жабр кўрибди.
Ака, айтган сўзим оғир олмагин,
Нармода ишини бунда қилмагин...

Бу сўзларни эшитиб, Ҳақимбек нармода сўзини кўнглига оғир олиб: «Нармода деган гапнинг маънисини нима?» – деб турган экан:

...Нармода деб менга сўзладинг сўзлар,
Нармода маънисин айтгин, сен қизлар.



Нармода деганга хафа бўлибман,
Нима гап эканини билмай турибман.
...Нармода деганинг кўнглима келди,
Кўп қизлардан аканг уялиб қолди,
Эмикдошим, сенинг гапинг не бўлди?
Мендайин акангни хафа қиласан,
Нармода деб мени силкиб соласан,
Жуда ҳам акангни номард биласан.

Бу сўзни акасидан эшитиб, Қалдирғочойим бир сўз айтиб турган экан:

Хар ким ўз элида бекми, тўрами,
Нармодалар сендан камроқ бўлами,
Марднинг ёри той-талашда қолами?
Мард бўлиб майдонли кунда юрмаган,
Йилқичидан бедов сайлаб минмаган,
Олмос пўлат белга қайраб чолмаган,
От асбобин шайлаб қалмоқ бормаган,
Қалмоқларга қаттиқ кунлар солмаган,
Той-талашда қолган ёрин олмаган,
Ўз элида бир хил гапни билмаган,
Нармодалар сендан ортиқ бўлами?
Бу сўзимни нега оғир оласан,
Ёринг кетса, элда қандай юрасан?
Тирик юрмай, ака, сен ҳам ўласан.
Хабар олгин мусофирлар ҳолидан,
Жўна, ака, Бойсин-Қўнғирот элидан.
Олис деб қайтмагин бундай йўлидан,
Нимиш келсин мунглуқ чечам қўлидан.
...Ака, сендан бормоқ лозим бўлибди.

Бу сўзни эшитиб: «Яёв борамиз эса?» – деди. Қалдирғочойим: «Тўқсон тўқай йилқинг бор. Яёв бориб, мингани оёқ-улов топмай ётибсанми? Эгар-абзалингни олсанг, Култойнинг қошига борсанг, кўнглингга ёққанини хоҳлаб миниб кета берсанг», – деди. Бу сўзни эшитиб: «Хайр эса», – деди. Қалдирғочойим эгар-абзални, совут-қалқонни, ёвяроқ, асбобни айил-пуштанга солиб, ўхшатиб бўғиб, кўтартириб юборди.

Бойбўри Алпомишнинг Қалмоқ юртига боришини истамайди. Ўғлини ниятидан қайтариш учун унга от бермасликка уринади.

Қултойга туриб айтди: «Алпомиш келяпти, Кашалдан келган хабарни биров билдирибди. Бул иш ёмон бўпти, лекин ўзи зўр-ку, зўр бўлса ҳам жуда қўрқоқ, сал дўқдан ҳам қўрқади ўзи. Уриб-сўкиб, йилқи бермай, дўқлаб қайтариб юборгин». ...Бул гапдан беҳабар орқаланиб Алпомиш боряпти. Қултойга яқин етди. Қултой Алпомишни кўриб, кўнглини хушлаб, йилқи боқадиган қайқи¹таёғини қўлга ушлаб, жуда шамиён қайтариб², дўқлаб, бу сўзни айтиб, Алпомишга қараб айтиб турган сўзи:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими,
Обло сенинг ақлу ҳушинг олдими,
Бойбўри ўлиб, моли сенга қолдими?

Алпомиш бу сўзни эшитиб, Қултойга қараб, бир сўз деб турган экан:

Бобо, сиру ҳолим маълум қилайин,
Сендан энди бир бедовни сўрайин,
...Сен эшитгин мендай ўғлинг сўзини,
Ажратиб келайин бийнинг қизини.
Сачратиб борсам миниб бир тулпор,
Ўзима ёр, бобо, сенга хизматкор.

Бу сўзни эшитиб, Қултой ҳам бир сўз деб турган экан:

...Тур йўқол, энағар, тайин ўласан,
Бу ерда серрайиб, нима қиласан?
...Бу сўзди айтип марднинг ақлин олади,
Уч-тўрт таёқ қайқайтириб солади.
Еган таёқларинг йилқи бўлади!
Ҳакимбекнинг кўзи аланглаб қолади,
Шундай дўқлаб Қултой қилди сиёсат,
Таёқ еган бекда қолмади тоқат,
Ўлдирар қайтмасам деди валламат.
...Бул бобоси кўп сиёсат қилади,
Жуда айлантириб, анча уради,
Бобом урди деди, қайтиб жўнади,
Кўтариниб қайтиб кетди йўлига...

¹ Қайқи – эгма.

² Шамиён қайтариб – тутун қайтариб, ваҳима қилиб.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	  	1. Синфдошингизни «Иссиқ ўриндиқ»қа таклиф қилинг ҳамда унга достоннинг дастлабки бўлими асосида очиқ ва ёпиқ саволлар беринг. 2. «Жигсо» усули орқали достон бўлимини ўрганинг. 3. «Алп» сўзига қандай изоҳ берасиз? Достондаги нотаниш сўзларни иш дафтарингизга ёзиб олинг.
Таҳлил ва таққин	  	1. Достонни «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг. а) таҳлил қилиш – достон мазмуни бўйича 5 та савол тузинг; в) аниқлаш – достоннинг қайси банди энг муҳим эканлигини далилланг; с) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғланг; д) хулосалаш – достонда кўтарилган масалани яқунланг. 2. Алпларга ўз муносабатингизни билдириг.
Баҳолаш ва қийсий таҳлил	 	1. Достонда илгари сурилган ғояни аниқлаш учун «ПОПС» формуласи орқали фикр билдириг. 1-гап: Менинг фикримча,.. 2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман... 3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман... 4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,.. 2. Асардаги воқеалар қайси даврга мос? Ушбу замонга хос яна қандай ҳамоҳанг жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин?

Алпомиш Қултойнинг қошидан қайтди, кўтариниб бораётиб эди. «Булай-шулай деб, Қултой дўқласа, акам қайтип кеп қўярдан ҳам тоймас, ўз кўзимиз билан жўнатиб юборайлик», – деб қирқин канизлари билан Қалдирғочойим келаётиб эди, олдидан чиқиб қолди. Алпомиш ерга қараб бораётиб эди. Шундай бошини кўтариб қаради: қарши манглайига канизлари билан синглиси кеп қопти. Қизларни кўриб, уялган киши бўлиб, эгар-абзални ташлаб юбориб, йўл устида ёнбошлаб ётди. Қалдирғочойим устига бориб, бу сўзни айтиб турибди:

Айтган сўзнинг пойимини¹ билсанг-чи,
 Кўз куюги, эй нармода, ўлсанг-чи.
 Кеча-кундуз ҳаққа фиғон этмаган,
 Ўз молига ўзин важи ўтмаган.
 ...Қултойнинг дўқидан қайтиб келасан,
 ...Сен ҳам одамман деб қандай юрасан?..
 Билсанг, Қултой – йилқибоқар хизматкор,
 Кўп дўқлабди аҳволидан беҳабар.
 Сен сўрасанг, улар сенга жавобгар,
 Бу юришинг, бек ака, қандай бўлар?
 Одам кўрса, юришингга кулади,
 Бу юришинг элга гап бўп қолади..
 Бу сўзларни айтди шундай муштипар,
 Ўрнидан тургандир давлатли шунқор.
 Эгар-абзалини йиғиб ушлади,
 Шул замон эгнига қоқиб ташлади,
 Қултойқулга тагин йўлни бошлади.
 Йўлга тушиб, Қултойқулга қаради,
 Урган ерда ҳали Қултой туради.
 Қайтай деса, бул синглиси келади,
 Таги урармикин деб, кетиб боради.
 Бу қизлар билмайди Ҳакимбек ўйин,
 Ҳакимбек илгари синглиси кейин...

¹ Пойим – фаҳм.

Қултойнинг қошига яқинлашиб борди. Синглиси канизлари билан анча кейин қолди. Қултой ҳам Алпомишни кўрди. Боғоноғи урган ерда Қултой зинкийиб¹ турди. Яқинлаб борди. Қултой тағи дўқлаб, бу сўзни айтиб кела берди:

Бобонгнинг сўзини ҳазил биласан,
Сен ғарбачча, нега айналиб келасан.
Сен энағар, билдим тайин ўласан,
Нимишинг бор, тағи нега келасан?

Яна биров йўлда кўнглинг бўлдим,
Тағи сенинг таёқ егинг келдим?
Сиёсат қип Қултой яқин келади
...Уч-тўрт таёқ айлантириб солади.
Алпомишга таёқ ўтиб боради.
Таёқ ўтди хаста кўнглин хушлади,
Кўтарган нарсасин ерга ташлади,
Қултойқулнинг белбошдан ушлади.
Таёқ ўтиб эди бундай султонга,
Қултойқулни чирпиб отди осмонга.
Оттип кеп юборди давлатли шунқор,
Қултойқул ҳавода кўринмай кетар.
Давлатли хон шундай кўкка қаради,
Олчи-чикка бўлиб энди айланиб,
Қултойқул осмондан тушиб келади.
Кўкдан келарида Қултой не дейди:
«Армон билан ўлдим, ғаминг е», – дейди.
«Ерга тушиб Қултой бобонг ўлмасин,
Йилқиларинг боз боқувсиз қолмасин.
Ҳар не деб амр этсанг, ани қилайин,
Жуда илдамидан ушлаб берайин,
Ерга тушиб, мен ҳам нобуд бўлмайин».
Бу сўзларди айтиб, ҳаводан етди,
Узалиб, Қултойнинг белидан тутди.
Чалқарамон қилиб, ерга қўйибди,
Тиззасини кўкракка қўйиб турибди.

¹ Зинкийиш – қаққайиш.

«Бобо қани ушлаб бергин!» «Қўя бер¹, ўғлим, ушлаб берайин», – деди. «Йўқ, ётган ерингда ушлаб берасан!» деди. «Турмасам, қайтиб ушлаб бераман», – деди. «Эса мени нимага бунча урасан?» Қултой ҳам заҳар чол эди. Ётган ерида бир қурҳайт тортди: тўқсон тўқайдаги йилқи йиғилиб қошига етди. Ҳамма йилқилар жам бўлиб, жам бўлиб турибди. Добонбий бобосидан қолган қўриқни Ҳакимбекнинг қўлига берди. Ҳакимбек қўриқни қўлига олди. Бу қўриқни йилқиларга солмоқчи бўлди. «Саман сорига туш, ё олапocha тўрига туш, шапақнинг зўрига туш», – деб қўриқни солди. Ёллари эшилган ипакдай бир чипор отнинг бўйнига тушди. Кўнглидаги бўлмайд, отдан кўнгли тўлмай: «Кўп нозик учради», – деб, бу отни қўйиб юборди. Яна Қўриқни солди – тағи шунинг бўйнига тушди. «Бир бало қиласанми, ё ёмонлаб ўласанми, менга дардисар бўп қоласанми», – деб қўйиб юборди. Қайтариб тағи қўриқ солди. Тағи шу чипорнинг бўйнига тушди. «Тақдирдаги шул экан-да», – деб белбоғини отининг бўйнига солиб, эгар-абзалининг қошига етаклаб кела берди. Эгар-абзалининг қошига бориб, у ёқ-бу ёғини кўра берди. ...Қалдирғочойим ҳам канизлари билан кела берди. Акасининг тарзига қаради.

Акасининг ...отдан кўнгли тўлмай, хафа бўлиб турганини билди. Отнинг тизгинини акасининг қўлидан олиб, сағрисини силаб, у ёқ-бу ёғига қараб: «Хафа бўлма, бу отинг, балки тулпор чиқар, ёмон дема. Бул отинг назаркардадир. Бўни минган одам кўп ерларни кўради, мақсадини ҳақдан топиб қолади», – деб акасининг кўнглини кўтариб, қуллу бўлсин қилиб, бир сўз айтиб турган экан:

Ўзи шундай келган экан човқар кўк,
Қуйруғидан берисинда кири йўқ,
Минганларга бўладакан кўнгил тўқ,
Буни минсанг, ака, сенга душман йўқ.
...Чибар от ўйнатиб бундан борасан,
Буни минсанг ака, йўлли бўласан.
...Отинг асли назаркарда бўлади,
Қамчи урсанг учар қушни олади,
Бундай от ҳар кимда қайдан бўлади?
Миниб кўрсанг, ака, кўнглинг тўлади.
Сенинг излаганинг шул от бўлади.

...Шундай қилиб, кийинтириб, кескир қиличларни белига бойлаб, Арпали кўлидан отлана берди. Алпомишнинг Алпинбий бобосидан қолган ўн

¹ Қўя бер – «қўйиб юбор» маъносид.

тўрт ботмон биринчидан бўлган парли ёйи бор эди. «Мабодо, душманнинг юртида ёй тортишадиган кун бўларми, одам билмайди, керак бўп қоларми», – деб ёйни эгарнинг қошига солиб олди. Қалдирғоч акасини отлантриб, от-анжомини чоқлаб, яхши бор деб, бул сўзни айтиб турди:

Қайда борсанг, Шоҳимардон ёр бўлсин,
Ўникимом¹, чилтон жиловдор бўлсин.
Душманларинг кўрса, сени хор бўлсин,
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
Эшитгин, қулоқ соп айтган нидога,
Ишингни солганман қодир худога,
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
Худойим сақлагай бандани омон,
Ғариб қулга эгам бўлгай меҳрибон.
Қолсанилла² дуо қилдим бул замон,
Соғ бориб, саломат келгин, Алпинжон.
Эл кўчириб, Олатовдан оширдим,
Улуғланиб, остонага бош урдим,
Боргин, эмикдошим, Ҳаққа топширдим.

Бу сўзни эшитиб, Ҳакимбек Қултой бобоси билан, Қалдирғоч синглиси билан хўшлашиб, бир сўз деб турган экан:

Мен кетарман ёрим излаб,
Ёлғизман, бўтадай бўзлаб,
Бобом Қултой, хуш қол энди.
Кетсин мендан оҳу войим,
Обод бўлсин мазгил-жойим,
Дуо қилган, қиблагойим,
Отам, Қултой, хуш қол энди.
Бир эмчакни бирга эмган,
Акам деб, эргашиб юрган,

Умид тортиб бунда келган
Мунглиқ синглим, хуш қол энди...

Яқинлари билан хўшлашиб, юртидан чиққан Алпомишга Шоҳимардон пир ва қирқ чилтонлар ҳамиша ҳомийлик қилади. Чилтанлар қалмоққа

¹ Ўникимом – ўн икки имом.

² Қолсанилло – холисанилло, беғараз, худо йўлига.

боришнинг биринчи кечасида чарчаб ухлаб ётган Алпомиш руҳини Барчинники билан учрашдирадидлар. Алпомиш, Қоражон ва Барчинга тушла-ри воситасида келажак тақдирлари билдирилади.

...Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди. Саҳар вақти чўпонларнинг қўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ туққан вақтда бир туш кўрди. Кашал ғорида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин-кейин, дўғилиш¹ кўрди. Аввал Алпомишнинг туши:

...Маст уйқуда ётиб эди бу шунқор,
Кўзига кўринди расул пайғамбар.
Бу сўзларни расул пайғамбар айтди:
«Адашган умматим, шафқатдорингман,
Таниб қолгин: расул пайғамбарингман,
Умматларни мудом йўлга солурман».
...«Ғам ема, умматим деди пайғамбар,
– Остида дулдули, белда зулфиқор,
Жиловида Бобо Қамбар жиловдор,
Ғамингда отланди Шоҳимардон пирлар.
Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,
Ҳеч ким бўлмас, сенинг билан баробар,
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор»...

Бу сўзни ётган ерида маълум қилиб кетди. Эрта-мертан тонг отди. Барчин ҳам кўрган тушини Суқсурой канизига айтиб турибди:

Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,
Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,
Раҳмат дарё айни тошиб келганда,
Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда.
Қибла бетдан бир ой тугиб келади,
Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади,
Тушимнинг таъбири қандай бўлади?
...Бу тушни кўргандир мендай муштипар,
Ер юзини тутиб кетди айдаҳар...

Бул сўзни Барчиндан эшитиб, Суқсурой канизини тушининг таъбирини айтиб турибди:

¹ Дўғилиш – кетма-кет, узилмай.

Қибла бетдан бир ой туғиб келсалар,
Ой эмасдир, ул ҳам расул пайғамбар.
Ой гирдида тўртта ёруғ юлдуз бор,
Юлдуз эмас, тўрт чориёр муқаррар.

Ер юзини тутиб кетса айдахор,
Мағрибдан Машриққа кулли эранлар...

Боғоноғи туш кўрган Қоражон қалмоқ номоз вақти ўрнидан калима¹ айтиб турди. Қоражоннинг калима айтиб турганини бир кам тўқсон алп кўриб: «Ошпичоқ, қалампир, Қоражон тентак бўп қопти», – деб, бир кам тўқсон алп: «От торт²», – деди. Кўлга қараб овга чиқиб кетди. Бул Алпомиш тарафга қараб борапти.

Қоражон Муродтепанинг остига келиб қолди. Шундай тепанинг бошига қаради. Тепанинг бошида Юсуф талъатли, Рустам сифатли, човқар отли биров ёнбошлаб ётибди. «Бу бизнинг Қалмоқ вилоятининг одами эмас, бундай йигитлар ...бўлса, бекликда, подшоликда бўлар эди. Илгаридан ҳам бирда-ярим кўзим тушар эди. Магар қирқ чилтан билан расул пайғамбар мени мусурмон қилиб, қавм-қариндошини тушимда руҳима кўрсатиб мени дўст қилган, Қўнғиротдан келаётган Алпомиш деган комилбачча шул бўлмаса», – деб Алпомишга қараб, бир сўз деб турган экан:

Остингда бедовинг ҳаллослар қушдай,
Аччиғинг чиллали музлаган қишдай.
Норкалла келгансан, чуйда – қўшмушдай.
Норкалла полвоним, қайдин бўласан?
Тепанинг бошида сенга қарайман,
Борар жойинг менам сендан сўрайман.
...Янги бунда кўрдим сендай мардимни,
Қоражон дейдилар менинг отимни,
Баланд билдим сенинг сиёсатингни,
Хабар бер, бекбачча, қайда борасан?

Қоражондан бу сўзларни эшитиб, Алпомиш ҳам Қоражонга қараб бир сўз деб турган экан:

...Ёз бўлса, яйловим Аму ёқаси,
Мени билсанг, Қўнғирот элнинг тўраси.

¹ Калима – мусулмонликнинг энг биринчи ва ташқи белгиси калимаи шаҳодат.

² От торт – «отга миниб йўлга туш», «айланиб, ўзинга келиб ол» маъноларида.

Қўққамиш кўлидан суқсур¹ учирдим,
Суқсурни излаган лочин бўламан.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Танққа² тайлаб, Олатовни жайлаган,
Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган.
Шул галада бизнинг бир моя³ келган
Моянинг йўқчиси – нори бўламан.
...Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга,
Ажалли касратки тегар илонга.
Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,
Магар ажал қамсаб келса чичқонга.

Қалмоқ кўрсам, отаман-ку осмонга,
Қалмоқларга келган бало бўламан.
...Асли Бойсин дейди менинг юртимди,
Лақабим – Алпомиш, отим – Ҳакимди...
Қоражон деб хабар бердинг отингди.

...Қоражон айтди: «Мен сени кўрганим йўқ. Сенинг билан ҳамсухбат бўлганим йўқ. Мен ҳам хотинингга талашиб ётган тўқсон алпнинг бири бўламан. Қулфи дилимни худо очди – мусулмон бўлдим. Қирқ чилтан билан расул пайғамбар қавму қариндошингни тушимда кўрсатиб, сен билан мени дўст қилди. Ул сабабдан биламан». «Дўст бўган бўсанг, яқин бўп қолган экансан, тепанинг устига чиққин, кўришайлик». Қоражон айтди: «Бу тепанинг устига чиқадиған камолга етишганим йўқ. Сен тепадан тушган, мен кўришайин». Отни етаклаб тушиб кела берди. Қоражон маҳрамларига⁴ амр қилди: «Дўстим билан кўришгин», – деб. Маҳрам халқи нозик келади, қўл учида кўришаётир. «Қалайсан?» – деб, сиқинқираб юборди, маҳрамларнинг панжаси бир-бирига ёпишиб, қапишиб, янчилиб кетди. Қоражон билан Алпомиш ёйди қулочди, иккови хулқи муҳаббат билан кўришди. «Қалайсан, дўстим, омонсанми?» – деб сиқинқираб юборди. Қоражоннинг етти қобирғаси синди, иши тинди, таппа тушиб ётиб қолди. Алпомиш айтди: «Нима қилди, дўстим?» Қоражон сир бермаган киши бўлиб: «Бола кунда тутадиган қуёнчиқ касалим бор эди. Шул вақт тутиб қолди», – деди. Алпомиш айтди: «Белгили касал бўлса, тузалиб ол эса». Қоражон айтди: «Ростингни айтгин, шул кўришганингми ё уришга-

¹ Суқсур – ургони ёввойи ўрдак.

² Танқа – чўққи.

³ Моя – ургочи туя.

⁴ Маҳрамлар – яқинлар, хизматкорлар.



нингми?» Алпомиш айтди: «Нима қилдиларинг – уришаман. Кўришганим эди». «Кўришганинг шул бўлса, уришганинг қандай экан?»...

Қоражон билан танишиб, дўстлашган Алпомиш уникида меҳмон бўлади ва дўстини Ойбарчин ҳузурига хабарчи ва совчи қилиб жўнатади.

...Қоражон туриб айтди: «Қани, Барчин, Алпомиш бўлса – келди, алпларнинг муҳлати бўлса – битиб қолди. Сен нима жавоб айтасан?» Барчин айтди: «Алпомиш келса, кепти-да. Алпомиш кепти деб, мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кета берайинми? Бул алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзида қолади. Менинг тўрт шартим бор. Шул тўрт шартимни қилган кишига тегаман. Хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи қалмоқларнинг бири қилиб олсин. Шул сўзимни хон тўрамга айтиб бор», – деб бир сўз айтиб турган экан:

От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.
Келган бўлса Қўнғирот элнинг тўраси,
Қирқ кунлик йўл Бобохоннинг ораси.
Бобохон тоғидан пойга қиламан,
Кўздан ёшни мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Қўшқанотнинг қуйруғини сўздирса,
Бобохондан пойга қилиб ўздирса,
Оти илдам бойбаччага тегаман.
Мендайин ойимнинг ҳолин билганга,
Оша юртдан меҳнат тортиб келганга,
Душманларга қора кунни солганга,
Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,

Мен тегаман шул ёйандоз полвонга.
Ғаним кўрса, қиёмат кун солганга,
Оша юртдан излаб ҳалак бўлганга,
Минг қадимдан танга пулни урганга,
Мен тегаман шул қирағай¹ мерганга.
Сабаш бўлса, бул шибаниб чиққанга,
Кураш қилиб тўқсон алпни йиққанга,
Мен тегаман нор билакли полвонга.
Зоғ ҳам бўлса, қўна берсин гулшанга.
Баб-баробар қилдим яхши-ёмонга,

¹ Қирағай – қирадиган.

Мен тегаман тўрт шартимни қилганга.
Айтиб боргин излаб келган султонга,
Отин тоблаб, кира берсин майдонга.
Хабар бергин барча қалмоқ – душманга,
Талаб қилса, бари келсин майдонга,
Ҳеч қайси ҳам қолмасин-да армонда.

Бу сўзни Барчиндан эшитиб... Қоражон отланиб бораётиб эди. Бир кам тўқсон алп келаётиб эди, Қоражоннинг олдидан чиқиб қолди. Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди: «Ўзбакнинг қизининг муҳлати битди. Учрадингми, нима жавоб айтди?» «Ўзбакнинг қизига учраб келаётирман. Ўзбакнинг қизининг айтган сўзи шул бўлди: «Пойга қиламан, отини ўз-дирганга тегаман. Курашда алпларнинг барини йиққанга тегаман. Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга тегаман. Минг қадамдан танга пулни урганга тегаман», – деди.

Бул сўзни эшитиб, Кўкалдош айтди: «Ўзбакнинг қизининг кўнгли менда. Пойга бўлса, ўзиб келмоқ Кўкдўнаннинг тани. Кураш бўлса, тўқсон алпнинг барини қўймасдан йиқмоқ фақирнинг тани. Ёй тортишганда ҳам менинг ёйим синмай қолади. Минг қадимдан танга пулни урсин депти, беш юз қадимдан танга пулни ураман. Минг қадимга борган сўнг, чоғлаб қўйиб юбораман, бу ёғини мужмалтоб қилиб оламан. Сен бу остингдаги олачани қаёқдан олдинг?» – деди.

– Қўнғиротдан Алпомиш дўстимиз келган экан, бул шунинг оти.

– Шул юртдан шул отни миниб, хотин олиб кетаман деб, аҳмоқ бўлиб юрими?



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Алпомишнинг қалмоқ юртига отланишига ким сабабчи бўлди? Фикрингизни дoston матнига суянган ҳолда далилланг. 2. Алпомишнинг от танлаши ҳикматига эътибор беринг. 3. Алпомиш, Қоражон ва Барчинойнинг бир хил туш кўришининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? 4. Барчиной Алпомиш ва қалмоқ полвонлари олдига қандай шартлар қўйди?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. «Воқеалар тоғи» усули воситасида дoston сюжет-композициясини таҳлил қилинг. 2. Дostonдан халқ педагогикаси, урф-одатлар, иримлар келтирилган ўринларни аниқланг ва жуфтликда муҳокама қилинг. 3. Дostonдаги Қоражоннинг руҳий ҳолатини таърифланг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. «Алпомиш» дostonини сиз ўрганган дostonлар билан қиёсий таҳлил қилинг. Ўхшаш ва фарқли томонларини аниқланг. 2. «Дўстлик – бебаҳо неъмат» мавзусида беш дақиқали эссе ёзинг.

Кўса синчи деган синчиси бор эди, синчисига айтди: «Тушиб, ўзбакнинг отини кўр қани». Тушиб, Бойчиборни кўрди, қаричлаб кўрди: сағрисининг устидан қулоғининг ўртасигачайин тўқсон олти қарич чиқди, айил тортуви олтмиш уч қарич чиқди. Сағрисини силаб, бурнидан найча қўйиб, дурбин билан қараб кўрдиким, қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти таклам-буклам бўлиб ётир.

– Қандай экан ўзбакнинг оти? – деди.

– Ўзбакнинг оти андай экан. Ўзбакнинг қизига бурилмай қўяғой», – деди.

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алпнинг аччиғи келиб: «Мендан бирор вақтда сен жодирим бўлиб, ўзбакни илгаридан ҳам кўриб, ўзбакка йўлиқиб, сиёсатга отимни таъриф қил деб, сенга уч-тўрт танга берган эканда, чоқдан бирон нарса олиб таъриф қилдинг», – деб аччиғи келиб, синчининг икки кўзини ўйиб олиб қўйди. «Хамма вақт ўзбакнинг оти менинг отимдан ўзганда, кўзингнинг хунини бераман. Юринглар, Алпомишнинг устига борамиз», – деди.

Алпомиш чодирда ўтириб эди, шундай қаради: ҳар қалмоқлар келаяпти калласи қападай, танаси тепадай, бутлари селанглаб отнинг остига аймашиб кетган. Алпомиш ўтирган ерида сиёсат билан қаради. Бир кам тўқсон алп отдан таппа-таппа ташлаб, қўл қовуштириб, таъзим қилди. Ақли шошиб, дабгиридан адашиб қолди. Кўкалдош алп Кўкдўнаннын устида бир ўзи қолди.

...Қалмоқнинг юртидан Барчиннинг пойгасига тўрт юз тўқсон тўққиз от бўлди. Бойчибор билан тўп-тўғри беш юз бўлди. Пойгачилар ҳар кунига от совутиб, ёлғон пойга қўйиб келади. Бойчибор отларнинг чангини ҳам кўрмай қолади. «Ўйинда ўзган, чинда ўзади», – деган гап бор. Ҳазил пойгада отнинг чангини кўрмай қолади. Чин пойга бўлган сўнг қандай келади?» – деб қалмоқлар боғоноғи кўр бўлган синчига изза беради.

...Хамма пойгачилар жам бўлиб, Алпомишнинг танидан Қоражон пойгага бормоқчи бўлди. ...Пойгачилар йўл юрди. Пойгачиларнинг бораётгандаги сўзи:

...Бораётир лоловлашиб,
Ганаси¹ дарёдай тошиб.

¹ Ганси – айримлари.

Бир хили ўтдай туташиб,
Бадбахт чўлда аҳалашиб,
Қоражон отини қўшиб,
Бир суруниб Чибор турар,
Энди жуда йўрға бўлар.
Кўп қалмоқлар ҳадик қилар:
«Кунма-кун юрса, очилар,
Ўзбакнинг оти ҳийлагар».
...Шундай бўлиб йўл юради,
Зилнинг тоғига боради,
Қалмоқ шундай айрилади.
Қалмоқ кетди ўйин ўйлаб,
Кўнглига келганин сўйлаб.
Қоражон айрилиб қолди,
Зил тоғин белига солди.
...Зил тоғида бир айдахар бориди,
Айдахарга алп Қоражон дориди.
Бунда ётган айдахарни кўради,
От тизгинин мунда тортиб туради.
Айдахар ҳам Қоражонни кўради,
Қоражонга аждар салом беради.
(Шоир сўзи шундай ёлғон бўлами?
Айдахар одамга салом берами?)
Остида мингани Бойчибор эди,
Минганларга қутби замон¹ ёр эди.
Жиловида чилтан, пирлар бор эди,
Пирга салом берган айдахар эди...
...Остидаги Чибор отин ўйнатиб,
Қоражон чиқди Зил тоғининг устига.
...Қалмоқдан илгари кетиб боради.
Кўринмайди қалмоқларнинг қораси,
Яқин қолди Бобохоннинг ораси.

Бобохон тоққа етиб, Қоражон отга дам бериб ётди. ...Қалмоқларнинг олди ҳафта-ўн кун деганда Бобохон тоғига етди. Кейини чувалиб, ҳали ҳам келаяпти...

Кўкалдош бошлиқ қалмоқлар Бойчиборнинг илдамлиги ва пойгада ютиши аниқлигини билиб, номардлик йўлига кирадилар. Кимсасиз тоғда Қоражонни боғлаб ташлаб, отнинг туёғига мих қоқишади.

¹ Қутби замон – замон авлиёси, пир.

...Бари қалмоқ бу ўртага олади,
 Қоражон ёлғизда нима қилади?
 Бу қалмоқлар кўплик қилиб туради,
 Қалмоқ бари хаста кўнглин хушлади,
 Қоражоннинг билагидан ушлади.
 Ўлдирмоққа кўзи қиймай туради.
 Неча сўзни бу қалмоқлар ўйлади,
 Қоражонни кулабанд¹ кип бойлади.
 Ҳарчанд чирпиниб кўрди Қоражон номдор,
 Қалмоқ кўп-да, бўлолмади баробар.
 Хазон бўлса, боғда гуллар сўлар деб,
 Ажал етса, паймонаси тўлар деб,
 Бўшалса, бир кунни ўзи борар деб,
 Шумғут² бўлди бу жувармак ўлар деб, –
 Бош бўлиб Кўкалдош бойлаб ташлади.
 ...Бойловли қолгандир Қоражон номдор,
 Бойчиборни ўртага олди қалмоқлар.
 Ҳар тарафдан унга арқон солади,
 Бойчиборни энди йиқиб олади.
 Бойчиборни шундай тортиб бойлади,
 Оёғидан ўраб, кериб тайлади.
 Аҳмоқ қалмоқ отга зулм қилади,
 Туёғига гулмихларни уради,
 Урган гулмих ялпоқ тизга келади.
 Чинқириб кишнайти бойловли Чибор,
 Сиёсатман зарб кўрсатди қалмоқлар.

Қоражон билан Бойчиборни шундай қилиб бойлаб ташлади: «бўшалса, бир кунлари борағояр, ажали етса, ўлағояр, ишқип³, биздан кейин қолса бўпти», – деб, пойгачилар жам бўлиб, қатор туриб, пойгани қўйиб, жўнаб кетди. Бобохон тоғида ёлғиз қолиб, Бойчибор билан Қоражон иккови бойловли ётиб, авлиёларни шафе келтириб, бу сўзни айтиб ётир:

Барчанинг отаси – ҳазрати Одам,
 Пайғамбарлик унга бўлди мусаллам.
 Иброҳим, Исмоил Макка – муаззам,
 Динларнинг чироғи – имоми Аъзам.

¹ Кулабанд – ечилмайдиган қилиб боғлаш.

² Шумғут – ёмон ниятли, шумшук.

³ Ишқип – ишқилиб.



Муҳаммадга – уммат, Ҳаққа – мусаллам.
Аввалам яратдинг сен Одам сафи,
Андин пайдо бўлди сонсиз минг вали,

Шайх Аҳмад, Зинда пир, имоми Шафи,
Обло, сендан бошқа йўқдир мураббий.
...Каримсан, самадсан, расулинг барҳақ,
Раҳм айлаб ёр бўлинг ночор қуллара.
...Бу сўзларни айтиб йиғлар Қоражон
Бойчиборман мунда қолиб, бул замон.
Армонман бойланган Бойчибор эди,
Бек Алпомиш ўз юртида қўл берган
Ражабхўжа деган пири бор эди.
Фалак титрар Қоражон нолишига,
Банда кўнар Тангри қилган ишига.
Бобохонда йиғлаб эди Қоражон,
Ражабхўжа пири етди қошига.
Кароматман келиб хабар олади,
Қоражоннинг қўлин чечиб қўяди.
Қоражонни пир тарбият қилади,
Қоражонбек бул ўрнидан туради.
Ким чечганин ўзи билмай қолади,
Бойчиборни алп Қоражон кўради,
Шул замонда оттан хабар олади,
Бойчибор бойланган, чечиб кўради.

Қоражон туриб, отнинг оёғини ечди. От ўрнидан турди. Эшоннинг руҳунати отнинг сағрисини силади, қалмоқларнинг солган совуни жириб¹ ерга тушди. ...Қоражон отнинг устига минди. От оёғини босолмай турди. ...Эшоннинг руҳунати Қоражонга кўринмайди, отнинг тўшида туриб, Қоражонга бир сўзни айтди:

Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема,
Бошинг эсон давлатингни кам дема,
Жабр қилгин мендай ҳайвон жонига,
Қамчи ургин гўшт кўтарган сонига,
Еткизарман Бойсин-Қўнғирот хонига,
Қолдим деб, Қоражон, сира ғам ема.

¹ Жириб – эриб, оқиб, жирга айланиб.

Қоражонбек, эшит айтган сўзимди,
Эгар қошдан ушлаб юмгин кўзингди,
Энди билсанг, мендан хизмат лозимди
Энди жабр қилди отнинг жонига,
Қамчи урди Бойчиборнинг сонига.
Қолмади-ку Бойчиборнинг тоқати,
Ёзилгандир тўрт ярим газ қаноти.
Қамчи тортди Қоражондай зўрабор,
Яшиндай бўп кўтарилди Бойчибор,
Балки булут билан бўлди баробар.
Кўзин очиб қарар Қоражон номдор,
Яшиндай бўп оп кетибди Бойчибор.
«Билмай қамчи урдим буни муқаррар,
Мени кўкка олиб кетти жонивор.
Қоражонман, бунда кўнглим бузилди,
Ёлғончи дунёдан ризқим узилди.
...Мени кўкка олиб кетиб боради,
Бошларим айланиб, кўзим тинади,
Билмайман аҳволим қандай бўлади».
Кўзин очиб алп Қоражон қаради,
Ер юзида бедов кетиб боради...
Қалмоқлардан дарак кўрмай боради.
Бойчибор боради сувдай арқираб,
Туёғида тўрт сихи бор ярқираб.
...Кўз юбортиб, шундай чўлга қаради,
Бадбахт чўлда пойгачилар боради.
Куннинг ўзи пешин вақти бўлганда,
Пойгачининг қорасини олади.
...Ҳақнинг яшинидай Чибор боради,
Қалмоқлардан тўсат-тўсат қолади,
Беш юз отнинг бири бўлиб боради.
Ўзган отни санар Қоражон номдор,
Қўқиб-буркиб бораётир қалмоқлар.
...Неча отдан Чибор ўтиб боради,
Ўтган отни санаб кетиб боради,
Отларнинг ҳисобин Қоражон олади.
Алп Қоражон отга қамчи уради,
Бир кеча-бир кундуз чопиб боради.
Шундай бўлиб бораётир Бойчибор,

Тўрт юз олтмиш отдан ўзди жонивор.
...Шундай бўлиб алп Қоражон боради,
Ўзганин жамлаб санаб кўради.
Куннинг ўзи айна чашка бўлади,
Пойгачидан тўрт от кам кеп қолади.
...Жонни сотиб Чибор кетиб боради,
Қоражонбек шундай бўйлаб қаради.
Пешин вақти бир қорани кўради.
Қоражонбек: «Чу!» – деб шиддат қилади,
Кейнидан Бойчибор етиб боради.
Қолмади-ку ул қалмоқнинг тоқати,
Бораётган қалмоқшоҳнинг тўроти¹.
Ета соп Қоражон носвой сўради,
Икковлари нашалашиб қолади.
Тўриқ от одати шундай бўлади,
Қизиб келиб энди қаерда турса,
Турган ерда олақароқ бўлади.

Бунинг одатини Қоражон билади,
От тизгинин бир тўхтатиб туради,
Ким кетди деб, бу қалмоқдан сўради.
Қоражонбек бул турганча бўлмади,
«Чу!» – деди, тага ҳам бундан жўнади.
Қалмоқ ҳам бу отга шиддат қилади.
Турган ерда оти қотиб қолади,
Қўзғолгандан шўрнинг оти қулади...
...Кун айланиб тағи туш бўп келади.
Тағи шундай бир қорани кўради...
Бораётган қалмоқшоҳнинг шапағи,
Шапақ отга² етиб борди Бойчибор,
Шапақ бўлди Бойчиборман боробар,
Йўл талашиб чопа берди жонивор.
Харчанд қичаб кўрди Қоражон номдор,
Қичағанман ўтолмайди Бойчибор,
Ирғиса, иккови бўлар баробар.
Қанча отдан ўтиб борган жонивор,
Шапақминан энди бўлди баробар.

¹ Тўрот – тўриқ от.

² Шапақ от – югурик, аммо куёшга қарай олмайдиган от.

Шапақ отдан ўзолмайди Бойчибор,
Ўзмоққа Чиборда қувват қолмади.
...Куннинг ўзи айни туш бўп келади,
Шапақнинг олдини Чибор ўради.
От бошини кунга тўғри қилади,
Кўзлари чағилиб¹ кейин қолади.
Шапақ отдан Чибор ўтиб жўнади.
Шапақнинг одати шундай бўлади,
Дубур эшитмаса кейин қолади.

...Қоражон чўлларда ёлғиз боради,
Кўз юбортиб, ўнгу сўлга қаради.
Чўлда тағин бир бедовни кўради,
Кейинидан Қоражон етиб боради.
Бул отнинг аниғин тағи билади:
Қалмоқшоҳнинг ўн бир минглик самани,
...Саманнинг кетидан етиб Бойчибор,
Сағрисиға келиб оғиз солади,
Кейин қараб ани тўлғаб ташлади,
Икки тулпор йўл талаша бошлади.
Иккови баробар кетиб боради,
Бир-бирига йўлларда рад беради.
Ҳарчанд ўйлаб борар Қоражон номдор,
Бораётир йўл талашиб баробар.
Оқтуёқ келгандир бундай саманлар,
Тошга қараб бурди отнинг бошини,
Тошлоқда қилай деб бунинг ишини.

Тошлоқда чопади назари тулпор,
Бўйнин сўзиб иргар эди жонивор,
Бир кеча, бир кундуз тошлоқда чопиб,
Туёғин олдириб, кейин қолдирар,
Саман отдан энди ўзди Бойчибор.
Самандан ўтди-да, тоқат қолмади,
Кўкалдошнинг Кўкдўнанин кўрмади.
Қоражонбек шундай бўйлаб қаради,
Милдираган бир қорани кўради,
Олис йўлдан отни қичаб боради.

¹ Чағилиб – қамашиб.

Тақимида беш юз ботмон калтаги,
Қайқайиб боради бадбахт Кўкалдош.
Алп Кўкалдош шундай бурилиб қаради,
«Чу!» – дейди Дўнанга қамчи уради,
Яшиндай бўп оқиб кетиб боради.
«Қани энди етиб ол!» – деб боради.
Шопириб иргайди назари Чибор,
«Чу!» – деб қамчи урди Қоражон қайсар,
Қувиб у Дўнанга етди Бойчибор.
Шамолдай ғувуллаб етиб боради,
Кўкдўнаннинг сағрисидан олади,
Кейин қараб силтаб отиб юборди.
Анча йўлга бориб тушди Кўкдўнан,
Қирқ минг қадам ўтиб кетди Бойчибор.
Яна ҳам ўзини ўнғарди Дўнан,
Чиборнинг кейнидан етди ул замон.
Қарсиллатиб думғазадан олади,
Устида Қоражон билмай қолади.
Кейин қараб силтаб отиб юборди,
Анча йўлга бориб тушди Бойчибор,
Ўн минг қадам ўтиб кетди бу тулпор.
Ўзини ўнғариб Чибор келади,
Кўкалдош илгари кетиб боради.
Пойганинг мазгили яқин қолади,
Яшиндай бўп Чибор етиб келади.
Алп Кўкалдош жуда ҳадик олади,
«Чу!» – дейди, Дўнанга қамчи солади,
Икки тулпор йўл талашиб боради.
...Иккови баробар йўлда боради,
Бир-бирини мушт ташлашиб уради.
Бири-бировига мушти текканда,
Тоғ чўққиси қулагандай бўлади.
Қоражон қайтмайди, навбат олади.
Гоҳ ерларда қамчилашиб, савашиб,
Кўп хархаша қилар ақили шошиб.
Бедов отлар борар йўлда талашиб,
Бораётир бир-бириман тишлашиб.

«Буларнинг келар муддатидан ўтди», – деб Алпомиш бир баланд тепанинг устига чиқиб, дурбинини олиб, шундай йўлга қаради. Кўрди икки от йўлда йўл талашиб келяпти. Бирини дурбини билан таниди: Кўкдўнан. Бойчибор тўриқдай бўп кўринди. Туёғидаги михлар озор берган, оппоқ кўпикка ботган, туёғидан чиққан тўзон билан тўриқдай бўп қотган. Бойчиборни танитай: «Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим», – деб беҳуш бўлиб йиқилди. Барчин келиб, Алпомишнинг ҳолини кўриб, йиқилганини кўриб, бошини тиззасига олиб... Барчин ҳам дурбин олиб қараб, келаётган отларга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Қурруё-қур ҳайт-а, тўрамнинг оти,
Оқ тўшим – яйловинг, сочим шибиртки.
Куйганимдан гапни гапга улайин,
То ўлганча сайисинг бўп юрайин.
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,
Сабаб бўлиб қўшгин тенгу тўшима.
Қурруё-қур ҳайт-а, тўрамнинг оти!
...Келаётган чўлда отни кўради,
«Қур ҳайт!» – деди желагини¹ булғади².
Худо қилган ишга банда кўнади,
Муродини яратгандан тилади.
Тепанинг бошида қараб туради,
Отлар ройиш бўп кўриниб қолади.
«Қур ҳайт!» – деган Барчинойнинг довуши
Бойчиборнинг қулоғига боради.
Сувлуқ тишлаб ўзин отди Бойчибор,
Калта қантариб ташлаганди қалмоқлар,
Тизгини узилиб кетди муқаррар,
Устидаги алп Қоражон беҳабар,
Кўкдўнандан ўтди энди жонивор.
...Алп Кўкалдош отга қамчи уради:
«Бул ўзбакнинг оти ўзиб боради,
Бул Қоражон бир балони қилади,
Укам менга душман бўлиб боради».
Қулочлаб қамчи урар Дўнан отига...
Бойчибор ғувуллаб кетиб боради...

¹ Желак – енгил ёпинчиқ.

² Буғамоқ – силкитмоқ.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Қоражоннинг Алпомишнинг ўрнига пойгада иштирок этиши ҳақида мулоҳаза юритинг. 2. Қалмоқлар Бойчиборни мағлуб бўлиши учун қандай ҳийла ўйлаб топишди? 3. Қалмоқларнинг «ўзбаклар» дегани таърифига изоҳ беринг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Пойга ўйини ҳақида билган маълумотларингизни келтиринг. Анъанавий пойга ўйини ва дostonдаги пойга орасида фарқ борми? 2. «Блум ромашкаси» усули бўйича матн юзасидан очиқ саволлар тузинг. 3. Асардаги адабий тил ҳодисаларини ифодалаш турларини таҳлил қилинг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. «Фишбоун» усули воситасида асардаги авлодлар давомийлиги кўринишини замонавий нуқтаи назардан қиёсланг. 2. Асардаги инсоний қадриятларни белгиланг ва шу асосида ижодий иш ёзинг.

Хоннинг Чибор оти пойганинг олдини олиб, шашти билан келиб, бахмал ўтовни етти марта айланиб, отнинг тизгинини ушлаб Қоражон тўхтатди. Барчиннинг канизлари йиғилиб етди. Қоражонни отнинг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, бахмал уйга киргизиб кетди. Қизлар отни елпиб совутиб турибди, опкеп якка михга бойлади, тери қотди. Барчин кеп отни кўрди, кўзларини ипак рўмол билан суртди, чанш, терини ушатди. Оёғидаги михлар озор бериб, хоннинг Чибор оти таппа тушиб ётди. Туёғидаги михларни кўриб, Барчин бир сўз деб турибди:



Менинг учун ҳайвон азоб кўрибди,
Шу мих билан Бобохондан келибди,
...Қалмоқ жуда қабоҳат иш қилибди,
Кўп азоб берибди хоннинг душмани.
Пўлатни эритар қизларнинг дами.
Барчинойим кўриб, ўйлаб туради,
Урган михи ялпоқ тизга боради.
Чорсисини туёққа ёзиб солади,
Гулмихларни тишлаб суғуриб олади.

Бу сўзни айтиб, отга меҳрибонликлар қилиб, банот тўрвага емни илиб, кўчиб борган қўнғиротлар жам бўлиб, йиғилиб, пойга кетган қалмоқлар ҳам келиб, бир кам тўқсон алп гуруллашиб туриб, «Алплар билан ўзбакнинг полвони ёй тортишар эмиш», – деб овоза бўлиб, ҳамма томошамонлар йиғилиб, шунда Ойна кўлига, Чилбир чўлига томошамон тўлиб, ёйандозлик қилмоқчи бўлиб, бу ёй тортишмоқдаги сўзи:

...Олис йўлга нишонани қуради,
Нишонани урган одам олади.
Қалмоқ алплар бари қатор бўлади,

Мен урарман дейди, кўнгил қилади,
Шиқирлатиб энди ёйни тортади.
Ёйнинг ўқи бул ғувуллаб кетади,
Бири пастдан, бири баланд кетади.
Бир хилининг ўқи етмай ётади,
Аччиқланиб, ёйни буклаб тортади,
Ушлаган парли ёй синиб кетади.
Иккам тўқсон алпи тортиб ўтади,
Кўкалдошга энди навбат етади.
Ёйига Кўкалдош ўқни солади,
Нишонага қараб тўғри қилади.
Бор урдим, деб, энди ёйни тортади,
Қўлда ёйи чўртта синиб кетади.
Энди навбат Алпомишга етади.
Ғамли кунда тортар эди оҳу вой,
Бандам десин, раҳм айласин бир худой.
Ўн тўрт ботмон биринчандир парли ёй,
Парли ёйни шундай қўлга олади,
Кўрган қалмоқ бари ҳайрон қолади.
«Раббим!» – дейди, энди ёйни тортади,
Нишонага ўқи тўғри кетади.
Нишонани урган шундай тўради,
Бекнинг ёйи энди омон қолади.
Минг қадим ерни қадамлаб кўради,
Танга пулдан бул нишона қилади,
Ёйни қўйиб, милтиқ отмоқ бўлади.
Кўп деб қалмоқларга навбат беради.
Қалмоқлар нечови милтиқ отади,
Саксонман тўқсонга ўқи етади,
Қайси отса, йўлда қолиб кетади.
Алп Кўкалдош шундай кўзлаб кўради,
Беш юз қадим ерга ўқи боради.
Кўкалдошнинг кўнглидаги бўлмади.
Алпомишга тағин навбат келади.
Бек Алпомиш хаста кўнглин хушлади,
Анжом, милтиғини қўлга ушлади,
Қараб нишонани отиб ташлади.
Кўриб, бул қалмоқлар ҳайрон қолади...

Уч шарт ўтди. Кураш тараддисини қип ётибди. Ўн минг уйли Қўнғирот одами, қанча қалмоқнинг одами йиғилиб, Чилбир чўлига, Ойна кўлига томошамон тўлиб, қўр тортиб ўтирди. ...Қўкалдош бош бир кам тўқсон алп бир тарафдан қатор бўлиб ўтирди. Алпомиш билан Қоражон бир тарафдан ўтирди. Қалмоқлар айтди: «Ўзимиздан чиқиб, Қоражон ҳам бало бўлди. Мудом ўзбакнинг ёнини олди». Бу ёқдан Қўшқулоқ деган алп майдонга кирди.

Жафоларга тушиб энди танда жон,
Мўмин қулга эгам бўлгай меҳрибон.
Тараф тортиб бу майдонда Қоражон.
Қоражоннинг бир акаси бўлади,
Тараф бўп Қўшқулоқ полвон жўнади.
Қоражонга алплар тараф қилади,
Қўшқулоқ ҳам шундай бир зўр балоди,
Курашда таърифи шундай бўлади:
Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган,
Ичида чичқонлар болалаб ётган.
Издан тушган пишак олтойда етган,
Мундай қалмоқ қўлин булғаб келади.
Қоражонбек хаста кўнглин хушлади,
Жуппай қилиб ёқасидан ушлади,
Дустаман¹ қип уни қоқиб ташлади.
Қўшқулоқнинг энди ақили шошди,
Қумни қоқиб, энди ерга ёпишди.
Яна ҳам бир қалмоқ кирди майдонга:
Одам тушмас² бунинг айтган тилига,
Беш юз қулоч арқон етмас белига.
Дучор бўлди Қоражоннинг қўлига,
Ушлагандан отди Чилбир чўлига.
Кўтарилиб тағи қалмоқ киради,
Қоражонбек ўзи ёлғиз туради,
Бунга дучор бўлган қалмоқ ўлади.
Бул қалмоқдир қалмоқларнинг равиши,
Оҳ урса, оламини бузар довуши.
Тўқсон молнинг терисидан кавуши,
Сиёсатман келиб майдонга турди.

¹ Дустаман – юзтубан.

² Тушмас – тушунмас.



Қоражон таваккал тангрига қилди,
Бу қалмоққа энди яқинлаб қолди.
Курашмоқ ҳадисин шундай билади,
Алп Қоражон ётиботар қилади.
Анг¹ эди ул, шўрли билмай қолади,
Бошидан ошириб ерга уради.
Тушиб ерга пора-пора бўлади.
Аччиғланиб, тағи қалмоқ келади,
Қоражоннинг ишин бари кўради.
Қаҳарланса тошни ёрар қаҳари²,
Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳари³.
Ҳар изига кетар анча баҳари⁴,
Шундай қалмоқ кириб келди майдонга.
Дучор бўлди Қоражондай полвонга,
Ушлагандан буни отди осмонга.
Тағин ҳам бир қалмоқ келди майдонга:
Олтмиш қариш олачадан қалпоғи,

Тўқсон қўйнинг терисидан телпағи.
Шундай қалмоқ кириб келди майдонга.
Қоражонбек жуда ғайрат қилади,
Қайсардай бўп бул олишиб туради.
Кейнига қайириб ерга уради,
Келган қалмоқ армон билан ўлади.
Қоражонга пирлар қувват беради,
«Худо!» – дейди, бул майдонда туради.
...Қоражонбек ўзи танҳо турибди,
Нашаванд қалмоқлар алпи кўрибди,
Нашасини хўп қўндириб олибди,
Кайфин чоқлаб, бул майдонга келибди.
Қоражонга талаб қилиб турибди,
Нашаванд таърифи шундай бўлибди:
Тўрт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси,
Сарҳовуздан катта экан косаси.
Шунинг билан ўн саккизта нашаси,

¹ Анг – хабарсиз, содда.

² Қаҳари – «қаҳри» маъносида.

³ Наҳари – эрталиқ овқат.

⁴ Баҳари – баҳорги, «изига анча баҳорги буғдой экиш мумкин» маъносида.

Тўқсон қарич бўздан бўлган кистаси¹,
Шундай қалмоқ айланади майдонда.
Бир-бирига қўлин булғаб боради,
Нашаванд бўлса ҳам бир зўр балоди,
Иккови ҳам кўп олишиб туради,
Мисли ерлар шудгордай бўп қолади,
Нашаванд-да бўғими бўшаб боради.
Бу қалмоқлир жуда номдор хувари²,
Йўқ эди бойқишнинг³ ҳадис-ҳунари.
Кўп олишиб, кам-кам кетди мадори,
Кўринг энди, Қоражондай шунқори,
Қалмоқ билмай қолди, бўлмай хабари,
Алп Қоражон кўкка отиб юборди.
Балки булутка ул бойқиш етишди,
Жуда ҳам ёзганнинг⁴ нашаси учди.
Осмондан келиб, ерларга тушди,
Куни битиб, ўлар чоғи етишди.
Ғуруллашиб, қолгани кўтарилишди,
Қоражонбек ёлғиз қилади ишди.
Иккам тўқсон алпни нобуд қилади,
Бул алплардан бир Кўкалдош қолади.
Алп Кўкалдош ёлғиз ўзи қолибди,
Қоражон барига ғолиб келибди,
Кун номозгар, энди кеч бўп қолибди,
Курашга ул замон жавоб бўлибди.
Одам тарқаб мазгилига борибди,

Ёзган – гуноҳкор, бечора.
Қанчаси бу ерга ётиб қолибди.
Бир оқшомни шундай қилиб ўткизди,
Номоз вақти эрта-мертан тонг отди,
Чошқада йиғилиб кетганлар кепти...

Шунда кетган томошамон бири йиғилиб: «Кечагидан ҳам бугун қизик бўлар, алпларнинг зўри олишар», – деб турди. Кеча қандай бўлса, бугун

¹ Киста – чўнтак, кисса.

² Хувари – «шумтака, шайтон» маъносидаги енгил сўқиш.

³ Бойқиш – бояқиш, шўрлик.

⁴ Ёзган – гуноҳкор, бечора.

ҳам шундай бўп ўтирди. Қоражонга Алпомиш туриб айтди: «Бугун туш-майсанми майдонга, бугун талаб қилмай турибсан?» «Бугун ҳам туш десанг, тушаман. Тушган билан бундан омон топмайман, лекин бу ҳаддили зўр. Бунга тушсам, икки бошдан ўламан», – деб турибди. Алпомиш чечиниб: «Хайр, ундай бўлса», – деб майдонга талаб қила берди. Кўкалдош алп туриб айтди: «Ўзбак! Сен бундай бўйни йўғонлик қилма, ғариби гўристон бўлиб ўлма. Ҳали ҳам қўйгин. Ҳалак бўп келган йўлингдан қолма...» Бу сўзни эшитиб, Алпомиш Кўкалдошга қараб бир сўз деб турган экан:

Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами,
Ўзи ўлмай, киши ёрин берами?
Бунча сўзни лоф урмагин, сен қалмоқ,
Кел энди, майдонда тургин, э аҳмоқ.
...Боғбон бўлсам, қизил гулни терайин,
Ҳар на қисмат ёзилганин кўрайин.
Келгин, қалмоқ, бирга майдон қилайин,
Насиб этса, сенинг додинг берайин.
Сенинг билан майдон қилиб кўрайин,
Зўрлик қилсанг, тақдирга тан берайин,
Кўтарилма бир олишиб кўрайин!
Олишсанг, синайсан ўзинг ҳолингни...
Бу сўзни Алпомиш айтиб туради,
Аччиқланиб, бул Кўкалдош туради.
Чечиниб, шу замон белини бувиб,
Минордай бўп бул майдонга киради.
...Иккови кеп белма-бел бўп олади,
Белма-бел олишса, айрит бўлади,
Зўр деганинг маълум бўлиб қолади.
Шундай бўлди анга Ҳақнинг фармони,
Кўп бўлади ғамли қулнинг армони.
Ҳарчандки чирпинди Бойсиннинг хони,
Йиқмоққа келмади бекнинг дармони.
Зўр экан Кўкалдош жуда бемаъни.
Зўр қилиб, инграниб шундайин шунқор,
Кўкалдош ҳам бўлди хонга баробар,
Шудгордайин бўлиб қолди бу ерлар,
Жуда ҳам олишди бу икки қайсар.
Иккови қайтмасдан майдон қилади,
Жон бозори кўп олишиб туради.

Иккови баробар келиб қолади,
Йиқмоққа қуввати бекнинг келмади.
Кўкалдош ҳам Алпомишдан кам эмас,
Мени ўзбак йиқади деб, ғам емас.
Олишар майдонда икки шағал мас,
Иккови ҳам бир-бирига сир бермас.

Ўн минг уйли Қўнғиротнинг қизлари билан, Барчин канизлари билан
томоша қилиб, буларнинг олишганини кўриб, Ҳакимбекка қараб бир сўз
деб тургаи экан:

Кўкламда очилар боғларнинг гули,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбули,
Нармода бўлибсиз, бийбобом ули.
Йиқмасангиз бизга беринг навбатти,
Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати,
Ушлагандан кўкка отмай не бўпти?
Йиқмасангиз, тўрам, навбат тилайин,
Эркак либосини ўзим кияйин.
Бор кучимни билагима жияйин,
Бул қалмоқни пора-пора қилайин.
Қалмоқ билан, хоним, бўлдинг баробар,
Сизни жуда мазақ қилар канизлар,
Бу қалмоқни кўкка отсанг не бўлар?
Иш кўрсатсанг, менинг кўнглим топилар.
Бу сўзларни Барчин сулув айтади,
Барчинойга навбат беринг, нетади.
Мендай ойим ушлаб кўкка отади.
Қизлар сизни нармода деб айтади,
Қизларнинг айтгани менга ботади.
Мардлар олишмайди силтаб отади,
Майдон бўлса, иш кўрсатиб кетади,
Бўш одамнинг иши кейин кетади.
Бу сўзимни, хоним, оғир олмагин,
Навбат бергин, сира гина қилмагин.
...Майдон кунда сенга ҳамдам бўлайин,
Мен ҳам энди бир олишиб кўрайин,
Ушласам, қалмоқни нобуд қилайин,
Оғир олма, тўрам, навбат сўрайин.



Бу сўзларни айтди гул юзли дилбар.
Икки полвон бўлиб турди баробар.
Кўп сўзларни Барчин сулув айтади,
Сўзи Алпомишга ботиб кетади.
Ўтдаин туташиб шунқор кетади,
Ғайрати ғайратга бекнинг етади.
Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади,
Чирпаб Кўкалдошни кўкка отади,
Анча ер ҳавога чиқиб кетади.
Халойиқлар кўкка боқиб қаради,
Олчи-чикка бўлиб, шундай айланиб,
Алп Кўкалдош бул осмондан келади,
Калласиман келиб ерга уради,
Шундай қилиб Кўкалдош ҳам ўлади.
Томошамон қалмоқ бўзлаб жўнади,
Қалмоқ халқи шундай зарбни кўради,
Томошамон бари изза бўлади.
...Ҳақдан келган ишга бўйин ийдирди,
Ўн минг уйли элатини жийдирди.
Хабар берди шунда отлар чоптириб,
Намойишга оқ ўтовлар ёптириб.
Барчинойга тўй қилмоқчи бўлади.
Чилбир чўлда тўйни бошлаб қолади.
...Қирқ кунданкай тўйлар охир бўлади,
Бир нечалар уйга қараб жўнади.
Бойбаччалар бекнинг гирдин олади,
Куёв навкар бўлиб бунда туради.
Ўзбекнинг расими шундай бўлади:
Қизу жувон бари йиғилиб келади,
Аёллари тўққиз товоқ қилади.
Куёвнинг олдига шундай боради,
Оппорғон таомни навкарлари еб,
Товоғига тилла танга солади.
Ўртага ўт ёқиб қизлар туради,
Салом солиб бекни бошлаб боради.
...Қадимги расими шундай бўлади,
Барчинойни «қиз опқочди» қилади.
Икки вакил ул мулладан келади,
Келиб қизнинг ихтиёрин сўради.

Уялгандан қабул қилмай туради,
«Қиз сўйлатар» деган расим бўлади.
Қиз гапиртган анча пулни олади,
Барчин вакилини энди беради,
Ҳакимбекни бунда қабул қилади.

...Бахмал ўтовда чимилдиқ тутиб, куёв навкарлари билан куёвни киргизмоқчи бўлиб, бир неча хотинлар «кампир ўлди» бўлиб, ўлганига бир нима олиб, «ит ириллар» деган расмини қилиб, бунда ҳам бир нима бериб, ҳар замон салом солиб, уйдан ичкари кириб, чимилдиққа ўтириб, олдига дастурхон солиб, ...куёв навкарларга тўппи, рўмол, сарпойлар бериб, куёв навкарлар чиқиб кетди. Барчинни бекнинг... қошига олиб кириб, хотинлар расмини қилиб, «чач сийпатар», «қўл ушлатар»ини қилиб, бир неча янгалар ҳар қайсиси ўз мазгилига кетди.

...Шундай бўп бул орада қирқ кун ўтди. Қирқ кунгача маслаҳат қип ётди. Қирқ кундан кейин маслаҳатни бир ерга қўйиб, Бойсари қолди. Ўн минг уйли Қўнғирот Барчин билан кетмоқчи бўлди. ...ўн минг уйли Қўнғирот бари кўчиб, йўлга кириб, Бойсари қайтиб уйига келиб, ёлғиз қолиб, калласи ғувуллаб, мусофирлига асар қилиб қолди...



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Қоражоннинг Алпомиш ўрнига ўз акалари билан кураш тушиши сабабларини изоҳланг. 2. Достонда никоҳ тўйи маросимига оид қандай урф-одатлар келтирилган? Бу урф-одатларнинг бугунги кундаги кўринишларини айтинг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Парчадаги воқеалар ва бош қахрамон ҳолатини «Ҳис-туйғулар графиги» усули воситасида таҳлил қилинг. Ҳис-туйғулар воқеалар 2. Асар композициясига оид фикр билдиринг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Достонда кўтарилган муаммолар ҳақида «ПОПС» формуласи орқали фикр билдиринг. <i>1-гап: Менинг фикримча,..</i> <i>2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман...</i> <i>3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> <i>4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..</i> 2. Достон матнига таянган ҳолда расмлар чизинг ва шу асосда тақдимот ўтказинг.

Турк миллати бадиий тафаккурини шакллантиришда, туркий сўзнинг ифода қудратини намоиш этишда, туркийлик руҳини қарор топдиришда ҳеч ким билан солиштириб бўлмайдиган даражадаги хизматлар эгаси, туркий халқларнинг буюк фарзанди, йирик мутафаккир шоир, олим ва давлат арбоби, Алишер Навоий милодий 1441 йил 9 февраль Хуросон давлатининг йирик шахри Хиротнинг Боғи давлатхона мавзейида хизматчи оиласида дунёга келади.

Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад «Кичкина Баҳодир», «Кичик бахши» лақаблари билан машҳур киши бўлиб, темурийлар саройида эътиборли шахслардан эди. Алишернинг онаси Қобулнинг амирзодаларидан Шайх Абу Чангнинг қизи бўлган.

Алишер болалигиданоқ ўзининг ўткир зеҳни зийраклиги, хуш ҳулқи ва тезфаҳмлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган. Алишер уч-тўрт ёшидаёқ шеър эшитиш, ўқиш ва ёдлашга қизиқади, шеъриятни бениҳоят севади. У Шарқ адабиётининг машҳур асарларини, жумладан Қосим Анварнинг ғазалларини, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларини, айниқса, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» (Қуш нутқи) достонини севиб ўқийди.

Ёш Алишернинг шеъриятга майл қўйиши тасодифий эмас эди. Алишернинг отаси Ғиёсиддин жуда кўп шеър ёд билар, адабий мажлисларда фаол иштирок этар эди. Уни бежиз Кичик бахши деб атамаганлар. Унинг хонадонида ҳам нафис мажлислар бот-бот ўтказилиб туриларди. Алишерларнинг уйида шеърият мухлислари тез-тез йиғилишиб, ғазалхонликлар қилишарди. Алишернинг шеъриятга муҳаббат қўйишида унинг тоғалари: ўз даврининг таниқли шоирлари Мир Саид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийларнинг ҳам таъсири катта бўлган.

Илм ва санъатни қадрловчи Ғиёсиддин кичкина ўғлининг билим олишига етарлича эътибор қаратди, уни жуда ёшлигида замонасининг машҳур олим, шоир, мусиқашунос ва хаттотлари тарбиясига берди. Алишер ўн икки ёшида отасидан етим қолади ва Хуросон подшоси Абулқосим Бобур



саройига хизматга киради. Абулқосим Бобур адабиёт ва санъатни севар, ижодкорларни кадрлар, ўзи ҳам ғазаллар ёзарди. Маърифатпарвар ҳукмдор Алишерни ўз тарбиясига олади. 1456 йил Абулқосим Бобур ўз пойтахтини Хуросондан Машҳадга кўчиради ва Алишерни ҳам ўзи билан олиб кетади. 1457 йил Абулқосим Бобур вафот этди. Алишер Машҳадда қолиб ўқишни давом эттирди. У туркий ва форс тилларида гўзал ғазаллар битди. Шеърият аҳди унга «зуллисонан» (икки тил эгаси) лақабини бердилар. Алишер ўзбек тилидаги шеърларида «Навоий», форс тилидаги шеърларида «Фоний» тахаллусини қўллайди.

Навоий 18–19 ёшларида Абдурахмон Жомий билан дўстлашади. Навоийнинг билим савияси, қобилияти ва шеърый иқтидоридан ҳайратга тушган Жомий уни шогирд сифатидагина эмас фарзанддай кадрлайди. Буюк шоир улкан сўфийдан тариқат мақомларини, тасаввуф сирларини ўрганади. Алишер Жомийни ўзига пир деб ҳисоблайди. Кейинчалик бу икки улуғ шахс ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланиб, улкан инсоний яқинликка айланди.

1464 йилларда Навоий Ҳиротга қайтиб келади. У отасидан мерос қолган жойда ижод билан шуғулланмоқчи бўлади, аммо Алишер тахт учун кураш олиб бораётган Ҳусайн Бойқаронинг мактабдош дўсти бўлганлиги, тоғалари эса Абусаид ҳукмронлигига қарши қаратилган қўзғолонни қўллаб-қувватлаганликлари боис подшоҳ уни ҳам таъқиб остига олади ва отасидан қолган меросни мусодара қилиб, Самарқандга кетишига сабаб бўлади. Алишер 1466 йил Самарқандга келади ва у ерда дастлаб бир қадар моддий қийинчиликда яшайди. Шунга қарамай, Самарқанд мадрасаларида таҳсил олади, илм, адабиёт ва санъат аҳли билан танишади. Ўзининг иқтидори, қобилияти билан тез орада обрў қозонади. Алишер яшаган даврда Самарқанд Ҳиротдан кейин иккинчи йирик илмий-маданий марказ ҳисобланар эди. Самарқанд Навоийнинг ҳаёти ва ижодида муҳим аҳамият касб этади.


1469 йили Абусаид Мирзо Ғарбий Эронга юриш чоғида ўлдирилади. Ҳирот остонасига яқин турган Ҳусайн Бойқаро тахтни эгаллайди. Янги ҳукмдор Алишер Навоийни Ҳиротга таклиф этади. Навоий Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқишига бағишлаб «Ҳилолия» қасидасини битади.

Ҳусайн Бойқаро уни муҳрдорлик вазифасига тайинлайди. Кейинчалик (1472) бош вазир лавозимига кўтаради, унга «Амири кабир» (Улуғ вазир) унвонини беради. Навоий ўз фаолиятини халқ фаровонлигини таъминлаш, мамлакат осойишталигини сақлаш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш, фан, адабиёт ва маданиятни ривожлантириш сингари олижаноб ва юксак ишларга қаратади. Улкан ободончилик ишларини

амалга оширишда бевосита қатнашади. Ўнлаб бинолар, работлар қурдиради, каналлар қаздиради. Ҳар йили икки минггача бева-бечорага кийим-кечак, озиқ-овқат улашади. У ўз атрофида ўша замондаги энг машҳур олимлар, санъаткорлар, қурувчилар, наққошлар, шоирлар ва хаттотларни йиғиб, уларга ҳомийлик қилади.

Бундай хайрли ишлар билан халққа янада яқинлашган Навоийни кўра олмаган айрим кимсалар унга қарши иғволар тарқатадилар. 1476 йил иғволардан қаттиқ чарчаган Алишер Навоий вазирликдан истеъфога чиқишга подшоҳдан изн сўрайди. Унинг бирдан-бир орзуси Ҳаж сафарига бориш ва ижод билан шуғулланиш эди. Подшоҳ унга «муқарраби султон» (султоннинг яқини) унвонини беради. Султоннинг яқин кишиси эса, ҳукмдорнинг ҳар бир фармони юзасидан тўққиз мартагача ўз эътирозини билдиришга ҳақли эди!

Алишер Навоий 1483–1485 йиллар давомида «Хамса» асарини яратди. «Хамса»нинг туркий тилда ёзилиши оламшумул аҳамиятга молик эди. Неча-неча салтанат қуриб, оламини жанговорлиги билан қойил қолдирган, мустаҳкам қўрғонларни жанг билан эгаллаган туркийлар эндиликда инсониятнинг кўнглини, ҳиссиётини сўз билан забт этишга эришган эди. Ҳар қандай қудратли салтанат ҳам ўткинчи, асл бадий сўз эса абадийдир. Навоий туркий тилнинг ифода имкониятлари кенглигини, кўнгилнинг энг нозик ҳолатларини ҳам тасвирлашга қодирлигини илмий ва бадий асарлари билан исботлади.



ФАРҲОД ВА ШИРИН (Достондан парчалар)

ХII

Бу бобда чексиз бойлик ва куч-қудратга эга, аммо бефарзанд Чин хоқонининг армонлари баён этилган.

...Бақо айвони кўп олий эмастур,
Ҳаводисдин¹ жаҳон холий эмастур.

¹ Ҳаводисдин – кутилмаган ҳодисалар, тасодифлар.

Киши гар қилса минг йил подшолик,
Жаҳон мулкига айлаб кадхудолик¹.

Чу тортар оқибат жоми фанони,
Борар дам фаҳм этар бир дамча они.

Шаҳеким, кўкка чиққай тахту жоҳи²,
Гадоким, тахтагаз³ бўлғай паноҳи.

Бақо туфроғидин силкар замон енг,
Бу доғи ул икиси тенг дурур, тенг.

Не чеккай кўкка бошни тождоре
Йўқ эрса бир дур андин ёдгоре.

Бу ўтлуғдин эрур бағримда доғим,
Қурутмосун дебон даврон ўчоғим.

Бу фоний дайрдин бўлғач хиромим⁴,
Келиб бегонае тутқай мақомим.

Чу Хоқоннинг бу эрди муддаоси,
Ижобат қурбини топиб дуоси⁵.

Шабистонида туғди бир янги ой⁶,
Янги ой йўқки, меҳри оламорой⁷.

Очилди боғида бир оташин вард⁸,
Демайким вард, балким шуълаи дард.

¹ Кадхудолик – ҳукмронлик.

² Жоҳ – амал, мансаб, мартаба.

³ Тахтагаз – «тахта кийиз» сўзининг қисқаргани, парча, кигиз маъносида.

⁴ Мисра – «Бевафо дунёдан ўтганимдан сўнг» маъносини беради.

⁵ Мисра «Тилаги ижобат бўлди» деган мазмунни билдиради.

⁶ Мисра «Қоронғи ҳаётига ёруғлик кириб келди, яъни фарзанд туғилди» деган мазмунни ифодалайди.

⁷ Меҳри оламорой – оламга оро бергувчи қуёш.

⁸ Вард – атиргул.

Юзинда ишқ асрори ёзилғон,
Ичинда дард таъвизи¹ қозилғон.

Ато ул дурға чин наззора қилди,
Садафдек оғзи кулмакдин ёйилди.

Сочиб онча жавоҳир олам ичра
Ки, андин баҳру кон қолиб ғам ичра.

Бу янглиғ ҳукми ом айлаб надийвор²,
Ки, Чин мулкида бўлса ҳарне девор.

Ясалсун борча ойин бирла зебо,
Тутулсун бориға иксину дебо³.

Не дебо, борчаси сангину дилкаш,
Хито суратлари бирла мунаққаш.

Халойиқ ҳер не қилса тергамак йўқ,
Не қилғонни ёмон қилдинг демак йўқ.

ХIII

Ки, чун Хоқонға берди фарзанд
Бўлуб ул ҳадя бирла шоду хурсанд.

Жамоли бирла кўнглин айлабон хуш,
Отин қўймоқ сори бўлди рақамкаш.

Жамолидин кўрунғач фарри шоҳи⁴,
Бу фардин ёруди маҳ то бамоҳи⁵.

Бу жавҳарларға чун иснод топти,
Мураккаб айлагач Фарҳод топти.

¹ Таъвизи – кўзтумор.

² Надийвор – сахийларча.

³ Иксину дебо – ипакли, нафис, ҳашамли, кийим.

⁴ Фарри шоҳи – шоҳлик савлати.

⁵ Маҳ то бамоҳи – ойдан балиққача, ердан кўкка қадар маъносида.

...Иши бу янглиғ эрди эл аро фош
Ки то умридин онинг ўтти ўн ёш,

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини¹ касб этмаган илм.

Бўлуб ўн ёшқа умрининг мурури²,
Йигирми ёшча қадду жисму зўри.

Улум авроқи чун бир-бир ёпилди,
Диловарлик силоҳий³ майли қилди.

Чу оз фурсат анга майл этти зоҳир,
Қаю бир майли қилғоч бўлди моҳир.

Қаро тун гар нишон айлаб Суҳони⁴,
Фалакча новакиға ул нишони.

Дебон Турки фалак⁵ отқонда зихлар⁶,
Таваҳҳум⁷ торидин очиб гириҳлар⁸.

Қиличи зарбаси олинда ҳар марз⁹,
Шигарф¹⁰ андоқки, сувдин ер аро дарз.

Не ер, тоғики кисват¹¹ қилди хоро¹²,
Бу кисватдин қилиб дарз ошкоро.

...Анга тенг подшолиғ ё гадолиғ,
Гадолиққа тенг этмай подшолиғ.

¹ Таҳқиқини – ҳақиқат қилиш, тагига етиш.

² Мурури – ўтиши, кечиши.

³ Диловарлик силоҳи – ботирлик аслаҳаси, юраклилик қуроли.

⁴ Суҳо – Ҳулкар тўдасидаги энг хира юлдуз.

⁵ Турки фалак – Миррих (Марс) сайёраси.

⁶ Зихлар – камон ипи, ёй ипи.

⁷ Таваҳҳум – ваҳимага тушиш, қўрқиш.

⁸ Гириҳлар – тугун, чигал.

⁹ Марз – 1. Ер, обод ер. 2. Чегарадаги ер (вилоят).

¹⁰ Шигоф – 1. Қизик, ажиб. 2. Катта, улуг.

¹¹ Кисват – кийим, уст-бош.

¹² Хоро – тошни.

Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.

Мунунгдек тийнати¹ покига лойиқ,
Дуосин айтибон поки халойиқ.

Ато юзланмасун деб дарду ранже,
Этиб ҳар кун бошиға садқа ганже.

Вале бир зарра дард ўлғоч падидор²,
Бўлуб ул ганжлар бирла харидор.

Асири дард ичи-ю тоши онинг,
Ки, то ўн тўрт бўлди ёши онинг.

XIV

Фарҳоднинг шабоб³ гулшанидаким, тараб гулбунининг⁴ нишот гуллари⁵ очмоқ маҳалидурур, дард хорлари кўргузмоки ва булбулдек шавқ ўти хорхоридин⁶ фиғон тузмоки ва Хоқон бу иштин ғунчадек дилтанг бўлуб, анинг чораси учун тўрт боғ тархин солғони ва тўрт қаср бино қилғониким, шояд бу боғлардин мақсуд гули топилғай ва ул қасрлардин мурод эшиги очилғой.

Анинг чун бор эди олинда кўп ранж,
Тараб⁷ айёми ҳам эрди аламсанж⁸.

Қачонким айлабон ишратқа оҳанг,
Даме нўш айламакка жоми гулранг.

Нишот⁹ аҳли бўлуб ҳар ён навосоз,
Нишотангез дастон айлаб оғоз.

¹ Тинати – феъл, табиат, ҳулқ.

² Падидор – кўринган, пайдо, бўлган.

³ Шабоб – ўсмирлик.

⁴ Гулбун – гул бутаси.

⁵ Нишот гуллари – хурсандчилик гуллари.

⁶ Хорхор – 1. Орзу, ҳаяжон. 2. Ғам.

⁷ Тараб – шодлик.

⁸ Аламсанж – алам тортувчи.

⁹ Нишот – шодланиш, хурсандчилик.



Сурудиким¹ улусни хуррам айлаб,
Анинг хуррамлигин дарду ғам айлаб.

Не дастон ичра мазкур ўлса Мажнун,
Анинг кўнгли бўлуб албатта маҳзун.

Не алҳон² бўлса бир ғамдин ривоят.
Бўлуб бу ғамдин ул ғамгин бағоят.

Эшитгач ишқу ошиқлиқ сурудин,
Тия олмай кўзидин икки рудин³.

Бўлуб Хоқон анинг ҳолидин огоҳ,
Тафаккур айлабон тортиб совуғ оҳ.

Ки, невчун дойим ул шод эрмас эркин?
Ҳамиша ғамдин озод эрмас эркин?

...Хито мулкида ҳар навъи ғаройиб Ки,
мумкин бўлмағай андоқ ажойиб.

Суманбарлар⁴ бори зебоу нозук,
Ҳунарварлар бағоят чусту чобук⁵.

Мушъабидлар сипехри бевафо сон⁶,
Ўғурлаб муҳра⁷ кўк тосидин осон.

Чу айлаб лаъб⁸ ҳар найрангсози,
Фалак ҳар лаҳза еб ўн қатла бози⁹.

¹ Суруд – ашула, қўшиқ, кўй.

² Алҳон – хонишлар, ашулалар.

³ Руд – дарё, ариқ, жилға.

⁴ Суманбар – 1. Оқбадан, гўзал. 2. Севгили.

⁵ Чусту чобук – чаққон ва эпчил.

⁶ Мисра «кўзбойловчилар хунари вафосиз фалак каби ўзгарувчан» маъносини англатади.

⁷ Муҳра – 1. Соққа. 2. Мунчоқ, тасбиҳ. 3. Шахмат донаси. 4. Тамға, нақш.

⁸ Лаъб – ўйин, найранг, кўнгил очиш.

⁹ Бози – ўйин.

Қилиб тунни ёруғ, кунни қаронғу,
Судин ўт ёндуруб, ўтдин сепиб сув.

Булар бирла доғи шоҳи жаҳонгир
Чу айлай олмади бу ишга тадбир.

Бўлуб бечора кўп қилди тааммул¹,
Яна бир ўзга иш қилди тахайюл².

Ки, қилғай тўрт олий қаср бунёд,
Бўлуб ҳар фасл бир қаср ичра Фарҳод.

Тузуб ул қасрда ишратқа асбоб,
Фароғат бирла нўш этгай майи ноб.

Ясаб ҳар қасрнинг давринда боғе,
Ки бўлғай ҳар гул андин шабчароғе.

Топиб ул фасл рангин аҳли найранг,
Мувофиқ айлағайлар қасрини ранг.

XVI

Фарҳоднинг Қоран била хоро³ йўнарда муқарни⁴ бўлуб, балки ул ойнинг бу Зуҳал била қирон қилмоғи ва бу фанда анга соҳиб қиронлиқ эшиги очилмоғи ва Моний қалам мўйидин тасвир фанин қалам-бақалам, балки мў-бамў билмоғи ва жами санойиъ⁵ ва ҳунар дақойиқи⁶ анинг илгига келмоғи ва тўрт йилда тўрт ҳадиқайи ирам⁷ мисол ва тўрт қасри Хаварнақ⁸ тимсолнингким, тўрт фасл муқтазиёти⁹ ранги билан бино қўюлуб эрди, ит-

¹ Тааммул – чуқур ўйлаш, теран фикрлаш.

² Тахайюл – хаёл қилиш, хаёлга келтириш.

³ Хоро – қаттиқ тош.

⁴ Муқарни – тенг, баробар.

⁵ Жами сантйиъ – барча, жами санъатлар.

⁶ Ҳунар дақойиқи – ҳунарнинг нозик томонлари.

⁷ Ҳадиқаи ирам – Эрам боғи.

⁸ Қасри хаварнақ – афсонавий гўзал қаср.

⁹ Муқтазиёт – зарур, керакли нарсалар.

моми¹ ва Хоқоннинг аларни Фарҳодга мусаллам тутуб², анда базми ишрат тузарга эҳтимоми³.

...Не иш сорики солиб кўз ниҳони,
Ниҳону ошкора онглаб они.

Тасарруфлар⁴ қилиб ул навъи мулҳақ⁵,
Ки, бирдин минг бўлуб ул ишга равнақ.

Анингдек қилди хоро йўнмоғин вирд⁶,
Ки, юз Қоран қошида бўлди шогирд.

Гаҳи элдин қилиб андиша пинҳон,
Олур эрди қўлиға теша пинҳон.

Қилиб бир дамда онча иш ниҳони,
Ки, қилғай ўзгалар бир ойда они.

Бу эрди ҳар кун онинг иштиғоли⁷,
Ки, то ул пешада бўлди камоли.

Чу бўлди тўрт йил гардун мурури⁸,
Ясолди тўрт фирдавсу қусури⁹.

Ташида қилди Қоран санъату соз,
Ичинда бўлди Моний нақш пардоз.

Ҳамон алвон¹⁰ билаким тушти тақрир¹¹,
Тузатти ҳар бир эвга¹² нақшу тасвир.

¹ Итмоми – 1. Тамомлаш. 2. Тан бериш қойил қолиш.

² Мусаллам тутуб – топшириб.

³ Эҳтимоми – аҳамият бериш, эътибор қилиш.

⁴ Тасарруф – ихтиёрига олмоқ.

⁵ Навъи мулҳақ – қўшилган кимса, яъни Фарҳод.

⁶ Вирд – қайта-қайта қилмоқ.

⁷ Иштиғол – машғулот, шуғулланадиган нарсаси.

⁸ Гардун мурури – дунёнинг ўтиши, умр кечиши.

⁹ Фирдавсу қусури – боғ ва қасралари.

¹⁰ Алвон – ранглар.

¹¹ Тақир – 1. Гапирмоқ. 2. Қарорга келиш.

¹² Эв – уй (хона).

Қаламзанға¹ бўлуб сурмак қалам фан²,
Ёнида корфармо³ ҳам қаламзан.

Қаю суратки Моний қилди тимсол,
Анга Фарҳод очти чехра филҳол⁴.

Бу ишни доғи оз фурсатда қилди,
Анингдекким, керак алқисса билди...

¹ Қаламзан – 1. Ёзувчи. 2. Котиб, мирза. Бу ерда чизувчи, сураткаш.

² Сурмак қалам фан – қалам суришни чуқур эгаллаган. Яъни моҳир рассом.

³ Корфармо – ишбоши.

⁴ Филҳол – дарҳол.





Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Ақлий ҳужум»: Чин қандай мамлакат? Хоқон ким? 2. Сизнингча, шоҳу гадони нима тенглаштиради? Фикрингизни асар матнига таянган ҳолда исботланг. 3. Фарҳодга нима учун шундай исм қўйилганлик сабабини асардан топинг. Ўз муносабатингизни билдиринг. 4. «Кластер» усули орқали Фарҳоднинг қобилият ва истеъдодларини ёритиб беринг.															
Таҳлил ва талқин	   	1. «Жигсо» усулини қўллаб, гуруҳларда асар мазмунини ўзлаштиринг. Назмий баённи насрий баёнга айлантиринг. 2. Ҳазал устида тадқиқот иши юритинг. <table border="1" data-bbox="394 953 1152 1175"> <tr> <td>1-гуруҳ</td><td>Матннинг асосий ғоясини топинг</td><td></td></tr> <tr> <td>2-гуруҳ</td><td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td><td></td></tr> <tr> <td>3-гуруҳ</td><td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td><td></td></tr> <tr> <td>4-гуруҳ</td><td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td><td></td></tr> <tr> <td>5-гуруҳ</td><td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td><td></td></tr> </table>	1-гуруҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг		2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг		4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг	
1-гуруҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг																
2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар																
3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг																
4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг																
5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг																
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Достон бошланиши сизга таниш бўлган қайси асарга ўхшайди. Бу асарларни «Венн диаграммаси» орқали солиштиринг. 2. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и бошқа хамсана-вислар асаридан фарқи нимада?															

XIX

Хоқоннинг ўз гавҳарин хазойин ғаройиби¹, балки ғаройиб хазойинига² кижормоғи ва анинг кўзига қизил олтун қаро туфроғча кўрунмай, кўзн биллурий дуржга³ тушуб, сувда меҳри ховарийдек⁴, биллурда ойинайи Ис-кандарийга тушгони ва ул кўзгу тилсимидин ғариб суратлар анга юз кўргузуб, кўнгли кўзгу аксидек изтиробга тушгони.

...Чу бас олий эди меҳмон жаноби,
Бўлуб гавҳар қошида тош ҳисоби.

Бу ишдин мизбонга ажз⁵ ғолиб,
Анинг кўнгли тилар ашёга толиб⁶.

Ғаробат махзан ичра чун кўп эрди
Тутуб илгин хазойин ичра кирди.

Хазойин демаким, юз баҳр ила кон,
Тошиб нақдини анда улча имкон.

Ададсиз уй бори ганж устида ганж,
Хирад ганжури⁷ арзидин аламсанж...

Чу анда булажаб⁸ кўрди шамойил,
Бўлуб шаҳзода билмакликка мойил.

Деди бас турфадур бу санъату соз,
Денгизким⁹ не дурур бу пардада роз¹⁰?



¹ Хазийин ғаройиби – хазиналарнинг ғаройиби.

² Ғаройиб хазойини – ғаройибликлар хазинаси.

³ Биллурий дурж – биллурдан қилинган қути.

⁴ Меҳри ховарий – Кунчиқиш, шарқ қуёши.

⁵ Ажз – кучсизлик, иложсизлик.

⁶ Толиб – талабгор.

⁷ Хирад ганжури – ақл хазиначиси. Бу ерда «ақл эгаси» маъносида.

⁸ Булажаб – қизиқ, таажжуб, ажабланарли.

⁹ Денгизким – айтингчи.

¹⁰ Роз – сир.

Калиди қайда бўлса, ҳозир айланг,
Очиб қуфлини, сиррин зоҳир айланг!

Қилиб Хоқон бу маънида мадоро¹,
Равони айлади узр ошкоро².

Ки, бу сандуқ сиррин кимса билмас,
Калиди йўқтурур, қуфли очилмас.

Ани кўрдунг, билурнинг фикридин кеч,
Ки, биз ҳам кўрдук, аммо билмадук ҳеч.

Эшитгач шоҳ узрин шоҳзода,
Ҳавас савдосини қилди зиёда.

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Улум ичра манга то бўлди мадҳал³,
Топилмас мушките мен қилмағон ҳал.

Мунинг ҳам билмагунча аслу будин⁴,
Муайян қилмагунча тору пудин⁵.

Не имконким қарор ўлғай кўнгулга,
Тасалли ошкор ўлғай кўнгулга...

Шаҳ айлаб неча ул ишга назора,
Топилмай ростлиғдин ўзга чора.

Дедиким, қуфлин онинг очтилар бот,
Ичидин чиқти бир рахшанда миръот⁶.

Сафо⁷ бобида меҳри ховарий ул,
Не меҳр, ойнаи Искандарий ул.

¹ Мадоро – келишиш, юзаки яхши муомола.

² Мирса мазмуни: Узрини очик айтди.

³ Мадҳал – кириш, кирар жой.

⁴ Аслу будин – аслини, аслида қандайлигини.

⁵ Торү пудин – ўриш-арқоғини, яъни моҳиятини.

⁶ Рахшанда миръот – ялтироқ, товланувчи ойна.

⁷ Сафо – тиниқлик.

Садафда дурри байзо¹ чехр² янглиғ,
Фалак сандуқи ичра меҳр янглиғ.

Ҳамиким нигор айлаб тирозин³,
Ёзиб кейнида махфий барча розин.

Ки, бу миръотким, гетинамодур⁴,
Анга хуршедча⁵ нуру сафодур.

Эрур Искандари Румий нигори,
Жаҳон аҳлиға онинг ёдгори.

Ки, айлаб тўрт юз доно билан жаҳд,
Алардин ҳар бири Афлотунға ҳамаҳд.

Сипеҳр аҳволининг соҳиб вуқуфи⁶,
Жаҳоннинг корбанду⁷ файласуфи.

Таниб афлоку анжум толиин туз⁸,
Бу кўзгу санъатида қўйдилар юз.

Неча йил ранж тортиб бемадоро,
Бу пайкар⁹ нақши бўлди ошкоро.

Бу кўзгуким эрур ҳикмат жаҳони,
Тилисмедур шигарф¹⁰ анда ниҳони¹¹.

Ки, ҳар ким очмогига саъй¹² қилса,
Анинг саъйи била бу иш очилса.

¹ Дурри байзо – қуёш дури.

² Чехр – чехра.

³ Нигор айлаб тирозин – сурат билан безаб, зийнатлаб.

⁴ Гетинамо – дунёни кўрсатувчи кўзгу.

⁵ Хуршед – қуёш.

⁶ Соҳиб вуқуфи – билувчиси, хабардори.

⁷ Корбанд – бўйсунувчи, амал қилувчи, бажарувчи.

⁸ Таниб афлоку анжум толиин туз – фалаклар ва юлдузлар тақдирини тўғри белгилаб.

⁹ Пайкар – сурат.

¹⁰ Шигарф – ажойиб, улуг, қизиқ.

¹¹ Ниҳон – яширин.

¹² Саъй – тиришиш, уриниш.



Келиб кўзгуни ердин олса филҳол,
Сафолиғ чехриға кўз солса филҳол.

Неким умрида андин турфароқ иш,
Эмас мумкин, агар худ нўшу гар ниш¹.

Ки, тангри айламиш кўрмакни рўзий,
Қазо² бошиға келтурмакни рўзий.

Бўлур бу кўзгу ичра жилва оро,
Қилурға ғайб³ сиррин ошкоро.

Вале очмоқлиғи мушкилдур асру⁴,
Гудози жисму⁵ ранжи дилдур⁶ асру.

Ангаким тушса очмоқ изтироби,
Бу бўлди ул муаммонинг ҳисоби...

Киши Юнон сори бормоқ керактур,
Инон, ул тоққа бошқормоқ керактур.

Арода қолса уч манзил масофат,
Ул уч манзилда воқедур уч офат.

Бурунғи манзил ичра аждаҳое,
Яраткон тенфи қаҳридин балое.

Икинчи манзил ичра Аҳраман бил,
Анга бедоду офат даъбу фан⁷ бил.

Учинчида тилисми булажаб соз,
Бу иккидин доғи мушкилрак ул роз.

¹ Худ нўшу гар ниш – хоҳ тотли ширинлик, хоҳ заҳарли ниш.

² Қозо – бўладиган иш.

³ Ғайб – илоҳийлик, тақдир.

⁴ Асру – жуда, ғоят.

⁵ Гудози жисм – жисмнинг куйиши.

⁶ Ранжи дил – дилнинг азоби, машаққати.

⁷ Даъбу фан – қилиқ, феъл-атвор.

Бу уч манзилдин ўткорганга Маҳмил¹,
Дейилгон тоғ эрур тўртинчи манзил.

Бу тоғ ичра киши қилса гузоре,
Кўрар ҳижрон тунидек тийра² ғоре.

Эрур ғор ичра Сукрот³ ягона,
Дема Сукрот, Букрот⁴ замона.

Тирик бор эрса донойи хирадманд,
Очар борғон киши ашколидин⁵ банд⁶.

Ва гар қайди ҳаёт ичра эмастур,
Кишига не ғаразким⁷ мултамасдур⁸,

Таважжуҳ⁹ чун анинг руҳига қилғай,
Гириҳлик¹⁰ риштаи банди¹¹ очилғай.

Ўқуғоч шоҳзода қиссани нок,
Бу мушкул ҳаллиға¹² бўлди ҳаваснок.

Онингдек ғолиб ўлди изтироби,
Ки, бу фикр узра борди хўрду хоби¹³.

Чу Хоқон фаҳм қилди муддаосин,
Узотти манъи узра можаросин.

¹ Маҳмил – тоғ номи, «кажава» маъносини англатади.

² Тийра – қоронғи.

³ Сукрот – қадимги юнон файласуфи.

⁴ Букрот – қадимги юнон табиби ва файласуфи Гиппократ.

⁵ Ашкол – шакллар, кўриниш.

⁶ Банд – тугун, кишан.

⁷ Ғараз – мақсад, ният.

⁸ Мултмас – илтимос, сўраган.

⁹ Таважжуҳ – хайрихоҳлик билан қараш.

¹⁰ Гириҳлик – тугунлик, бойланган.

¹¹ Риштаи банди – тугун ипи.

¹² Мушкул ҳаллиға – мушкул масалани ечишга

¹³ Хўрду хоби – эмоғи ва уйқуси.

Нечаким шоҳ кўпрак тутти мавқуф¹,
Вале шаҳзода кўпрак бўлди машғуф².

Ўғулға гарчи мушкул ҳол тушти,
Атоға саъброқ аҳвол³ тушти.

Ўғулға юзлануб андоқ суубат⁴,
Атоға андин ортуғроқ уқубат...

Ойинанинг сиридан воқиф бўлиш истаги Фарҳодга тинчлик бермади. Ўғлининг бу дардда тобора сўлиб бораётганини кўрган Хоқон қўшин тўплаб Юнон саёҳатига йўл олади. Фарҳод юқорида айтиб ўтилган уч шартни бажариб, тўртинчи шарт – Суқрот билан учрашади ва ундан ойнанинг сирини билиб олади. Сўнг уйга қайтиб, хазинага кириб:

Калидин истабон хозиндин⁵ олиб,
Ўзин юз минг бало бандиға солиб.

Калид айлаб забона шаклидин тил,
Бўлуб они очар манъиға⁶ қойил.

Тутуб қуфл оғзи зулфинийи маҳкам,
Этиб имо они очмосқа ул ҳам.

Уруб зулфини қуфл ичинда юз печ⁷,
Ки, яъни бу хатарлиқ фикрдин кеч.

Киши тақдирдии бўлмас чу қочиб,
Чиқорди кўзгуни сандуқни очиб.

Кўруб ул навъким миръоти хуршед,
Жаҳонни кўргузуб чун жоми Жамшед⁸.

¹ Мавқуф – тўхтатилган.

² Машғуф – беҳад берилган.

³ Саъброқ аҳвол – қийин, мушкул аҳвол.

⁴ Суубат – қийинчилик, қаттиқчилик.

⁵ Хозин – 1. Хазиначи. 2. Қўриқчи, соқчи.

⁶ Манъ – тақиқ.

⁷ Печ – бураш.

⁸ Жоми Жамшед – қадимги шоҳ Жамшиднинг дунё ҳодисаларини кўрсатувчи сирли кўзгуси.

Тушуб кўнглига ҳайратдин шарора¹,
Анинг рухсориға қилди назора.

Не кўрди турфа дашти нозпарвард²,
Кўрунмай саҳнида жуз³ сабзаи дард⁴.

Гиёҳи ништар аммо занг тутқон,
Ғули эл қони бирла ранг тутқон...

Фалак вазъин⁵ анинг тулони⁶ айлаб,
Жаҳон баҳриға⁷ лангар они айлаб.

Камаргоҳида хайли бениҳоят,
Ясол⁸ тортиб ҳужум айлаб бағоят.

Камарда бир ариқ қозмоққа машғул,
Ариғ топиб камар шакли била тул⁹.

Ўзининг шакли бирла навжавоне,
Демаким навжавоне, нотавоне.

Ҳамул хайл ичра айлаб пешаварлик¹⁰,
Демаким пешаварлик, тешаварлик¹¹.

Бу ҳолат ичра пайдо бўлди хайле,
Нечукким тоғ ичинда тунд сайле.

Бори чобуксувору моҳпайкар¹²,
Жавохирдин бериб пайкарга зевар¹³.

¹ Шарора – учқун, аланга.

² Нозпарвард – нозланишга ўрганган.

³ Жуз – бошқа, ўзга.

⁴ Сабзаи дард – дард қўкати, ғам ўтлари.

⁵ Фалак вазъин – фалак тузилишини, яратилишини, бичимини.

⁶ Тулон – узунчоқ, чўзилган, узун томон.

⁷ Баҳр – дарё.

⁸ Ясол – саф, қатор.

⁹ Тул – чўзилган, узун.

¹⁰ Пешаварлик – ҳунармандлик.

¹¹ Тешаварлик – тешачилик.

¹² Моҳпайкар – ой суратли, кўриниши ойдаи.

¹³ Зевар – безак, зийнат.



Жабинлар¹ гул-гулу киприклари хор,
Қабоқдар кенг-кенгу, оғизлари тор.

Аларға шоҳу сарвар гулғузоре²,
Демайким гулғузоре, шаҳсуворе.

Саманди сайридин кўк тавсани³ ланг,
Қуёш рухсори олинда хижил ранг.

Қуёшға тарх⁴ учун ташлаб руху от,
Вале юз қатлаъ ҳар соат қилиб мот.

Солиб оламға ўт бошдин-аёғи,
Жаҳон ўртаб аёғдин-боши доғи.

Бўлуб ул хайл ҳар бир уйлаким ой,
Бу ул хайл ичра меҳри олам орой.

Таковар⁵ узра елдин оташангез⁶,
Ҳамул эл сори сурди ел киби тез.

Тамошо айлаю ҳар сори боқиб,
Қаёнким боқиб, ўтлар элга ёқиб.

Чу ногаҳ отға ул ён майл берди Ки,
Фарҳоди ҳазин тимсоли⁷ эрди.

Анинг рухсориға чун боқти тимсол,
Тани тимсол янглиғ бўлди беҳол.

Яролиғ сайд⁸ янглиғ нола қилди,
Бу янглиғ нола чун қилди, йиқилди.

¹ Жабин – пешона.

² Гулғузор – гул юз.

³ Кўк тавсани – осмон тулпори.

⁴ Тарх – шахматда рақибини менсимай, бирор донани олиб ташлаш.

⁵ Таковар – илдам от.

⁶ Оташангез – ўт қўювчи, алангали.

⁷ Тимсол – ўхшаши, сурати, образи.

⁸ Яролиғ сайд – ярадор ов (ҳайвон).

Кўруб Фарҳод ул янглиғ йиқилмоқ,
Ҳавас қилди ани назора қилмоқ.

Яқинроқ келтуруб кўзгу жамолин,
Назора қилди ул маҳрў¹ жамолин.

Чекиб Фарҳод ўз тимсоли янглиғ,
Йиқилди жисми жондин холи янглиғ.

Бўлуб тимсоли янглиғ – оғзи хомуш,
Ҳамул тимсолидек зойил қилиб ҳуш².

Кўруб чокарлар³ андоқ қаттиқ аҳвол,
Хабардор эттилар Хоқонни филҳол.

Чу Хоқон англади бу можарони,
Югурди ул тараф йиртиб яқони.

Аноси сочин очиб мўя тортиб⁴,
Ани ўлган согиниб пўя тортиб⁵...

Анинг ҳолиға чун назора айлаб,
Яқо ўрниға кўксин пора айлаб.

Бўлуб парвонадек атрофиға жамъ,
Вале ул ётиб авдоғким ўчук шамъ.

Қўюбон хушсизлик кўйига юз,
Ўзига келмайин бир кеча-кундуз.

Чу тебратти насимии субҳ боғи,
Исидин ҳушиға келди думоғи.

Кўз очиб кўрди боши узра хайле
Тўкуб кўз ёшидин юз узра сайле⁶.

¹ Маҳрў – ой юзли қиз.

² Зойил қилиб ҳуш – ҳушини йўқотиб.

³ Чокарлар – хизматкорлар.

⁴ Мўя тортиб – йиғлаб, фарёд қилиб.

⁵ Пўя тортиб – елиб-югуриб.

⁶ Сайл – сел, қаттиқ ёмғир.



Тутуб сўгин¹ ато бирла аноси,
Муни кўргоч, ҳалок этти ҳаёси.

Яқин эрдик тарки ҳуш қилғай,
Яна аввал йиқилғондек йиқилғай,

Туман минг узр қўлмоқ бирла қўпти,
Аёғлариға юз суртуб ер ўпти.

Деди: билмон, не ҳолат даст бермиш,
Ки, сизга мужиб² ушбу мотам эрмиш.

Бу иш гар хўб агар зишт эрди³ бори,
Манга биллаҳ йўқ эрди ихтиёри.

Тутунг маъзурким, расво бўлубмен,
Демай расво бўлубменким, ўлубмен.

Бўлунг ҳуш ботину зоҳирда мендин,
Ғуборе асраманг хотирда мендин.

Бу янглиғ зоҳир айлаб кўп малолат,
Бериб хотирлариға истимолат.

Кўзи бирла тили гарчи бу сори,
Ва лекин жону кўнгли кўзгу сори.

Алар бу нукталардин шодмона,
Қўпуб⁴ уйларга бўлдилар равона.

Бу янглиғ чун аларға чора қилди,
Яна ул кўзгуга наззора қилди.

Бурунгидек юзи эрди қоранғу,
Ҳакимиким ясоғондур бу кўзгу.

¹ Сўгин – мотам, аза.

² Мужиб – сабабчи. Бу ерда «айбдор» маъносида.

³ Зишт эрди – хунук, ёмон эди.

⁴ Қўпиб – туриб

Тилисмин бўйла қилғондур падидор¹,
Ки, ҳар шакл ондаким бўлғай намудор².

Чу нозирға тамошо ҳосил ўлғай,
Яна ҳосил тилисми ботил³ ўлғай.

Чу Фарҳод ул талабдин бўлди новмид⁴,
Ўзни кўрди ғаму меҳнатда жовид⁵.

Деди чун ўлғали ғамдин ёвушти⁶,
Ки, оҳ иш тушти, аммо саъб тушти.

Агар қилсам ўзумни пора-пора,
Чу матлўб ўлмағай ҳосил, не чора?!

Бурун андинки куйгай жони зорим,
Жунун⁷ олғай иликдин⁸ ихтиёрим.

Керакдур чораи андиша қилмоқ,
Хирад расмини даъбу пеша қилмоқ.

Такаллуф айлабон бўлмоқ хирадманд
Ки, бўлғай шоҳ кўнгли шоду хурсанд.
Чу пайдо бўлди айлар иш яроғи,
Мену ул дам балойи ишқ доғи.

Йўқ эрса эмди бетоқатлиқ этсам,
Бошимни олибон бир сори кетсам...

¹ Падидор – кўринган, пайдо бўлган.

² Намудор – кўринишли.

³ Ботил – бузилган, бузуқ.

⁴ Новмид – умидсиз, умид узган.

⁵ Жовид – мангу, доимий.

⁶ Ёвушти – яқинлашди.

⁷ Жунун – жиннилик, телбалик.

⁸ Иликдин – қўлдан.



Тушунш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Фарҳод ҳақида қандай фикрдасиз? Сизнингча, подшоҳ ўғли шундай бўлиши мумкинми? 2. «Ойнаи Искандарий»нинг яратилиши ва унга хос хусусиятларни дoston матнидан топинг. Ҳозирги кунда унинг функцияларини бажарувчи қандай техник воситалар бор? 3. Ойнаи Искандарий Фарҳод тақдирида қандай роль ўйнади?
Таҳлил ва талқин	   	1. Фарҳод кўзгуниг сеҳрини билиш учун берилган шартларни қай йўсинда бажарганини «Қарорлар шажараси» усули асосида изоҳланг. 2. «Жунун олғай илиқдин ихтиёрин» мисралар кимга тааллуқли ва мазмунини шарҳланг.
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Дostonнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини муҳокама қилиш мақсадида «Комил инсон» тушунчасига «Синквейн», яъни беш мисрали шеър усулини қўлланг. 1. Битта от сўз туркуми 2. Иккита сифат сўз туркуми 3. Учта феъл сўз туркумига хос сўз 4. Тўрт сўздан иборат гап 5. Мавзуга доир бир синоним 2. «Комил инсон менинг тасаввуримда» мавзусида эссе ёзинг.

Ўз қисматини ойинаи Искандарийда кўрган Фарҳод тақдирини синаб кўриш учун йўлга отланади. Кўп машаққатлардан сўнг Меҳинбону подшолигидаги Арманистонга етиб келади. Башорат қилинганидек, у тоғдан ариқ қазиётганларга йўлиқади. Уларнинг натижасиз уринишларини кўриб, ёрдам беришга қарор қилади.

Эрур гарбида ул маҳваш¹ макони
Ки, ҳоло Армания дерлар они.

Еридур назҳат² ичра жаннат осо
Анинг ёнида тоғи чарх фарсо.

Эрур бу навъ³ ул маҳваш хаёли
Ки, ул манзилда солғой қасри олий.

Муҳайё борча рангу бўйи⁴ онинг,
Вале устида йўқтур суйи онинг.

Муҳандислар нечукким чархи сайёр⁵,
Югуртуб чашма суйи сори тайёр.

Топибким бир ариғ қозилса дилжў⁶,
Етар ул ҳур қасри олиға сув.

Вале ул чашма то бу қасри офат,
Топибдур ўн йиғоч чоғлиқ масофат.

Бу жадвалким, чекибдурлар арода,
Ариқ қозмоқ қилибдурлар ирода.



¹ Маҳваш – ойдай гўзал. Бу ерда Ширин кўзда тугилган.

² Назҳат – кўнгил очиш, ҳузурланиш.

³ Навъ – тур, жинс.

⁴ Рангу бўй – ранги ва ҳиди.

⁵ Чархи сайёр – сайр қилувчи, кезувчи.

⁶ Дилжў – кўнгил овловчи, кўнгилга мос.

Буюрмишлар бу хайли нотавонга¹,
Бало тоғида жамъи хаста жонга.

Эрур уч йилки жон тортиб ҳамиша,
Ушолмой қолмади метину теша.

Машаққатдин йигитни эл қори дер,
Ки, қозилмиш икки-уч қори ер.

Бу янглиғ бирла умри Нуҳ топсоқ,
Баданда кўпрак ондин руҳ топсоқ.

Чу меҳнатнинг ҳаду поёни йўқтур,
Туганмаклик бу иш имкони йўқтур.

Гаҳи фарёду афғони чекарбиз,
Гаҳ иш қилмоқ учун жони чекарбиз.

Чу кайфиятни маълум этти Фарҳод,
Алар ҳолига кўнгли бўлди ношод.

Деди: «Бу неча мазлуми ситамкаш,
Фалак бедодидин бўлғон аламкаш.

Ки, вайронлиғларида юз халалдур²,
Агар қилсам мадад воқеъ маҳалдур³.

Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб туфроққаму кетгумдур охир?!»

Темурчидин тилаб дам бирла кўра,
Белига боғлабон чармин танура⁴.

Дам учин кўраға чун маҳкам этти,
Равон тўкти кўмур, доғи дам этти.

¹ Хайли нотавонга – ночорлар тўдасига.

² Халалдур – камчилик, нуқсон.

³ Мисра «Ёрдам бермоқчи бўлсам айни маҳалдир» маъносини билдиради.

⁴ Танура – темирчилар олдига тутадиган этак, фартуқ.

Кўмирни қилди чун ахгар неким бор,
Тилаб метину теша ҳарнеким бор.

Солиб ахгар аро борин қизитти,
Неча афзор¹ қилди чун эритти,

Ҳар ўн-ўн бешни бир метин қилиб руст²,
Яна ҳам ончани бир тешаи чуст³.

Неча гурза, неча сунбода айлаб⁴,
Камар қозмоқ ишин омода айлаб⁵.

Ниҳоний борчаға андоғ су берди,
Ки, Қорандин ниҳон ўрганмиш эрди.

Тараддудға солиб они бу аҳвол,
Улусни гирдида ҳайрат қилиб лол.

Саволе айлай олмай кимса бир сўз,
Шукуҳидин⁶ тикиб бори анга кўз,

Чу холий айлади афзордин эл,
Равон хоро кесарга боғлади бел.

Кириб ориққа қозмоқ айлади майл,
Қозобошлади қумни ўйлаким сайл⁷.

Кесиб ҳар тешаси қилғоч хороши,
Фалак пили юкидек пора тоши.

Чу метин зарбидин айлаб ситеза,
Қатиқ хорони айлаб реза-реза.

¹ Афзор – қурол, асбоб.

² Руст – мустаҳкам, қаттиқ.

³ Тешаи чуст – мустаҳкам теша.

⁴ Сунбода айлаб – қайроқтош, чарх.

⁵ Омода айлаб – тайёрламоқ.

⁶ Шукуҳидин – савлатидан, улуглигидан, азаматлигидан.

⁷ Сайл – сел.



Анингдек тешадин секриб ушоқ тош
Ки, нозир бир йиғочдин қочуруб бош.

Учуб етканда зарби дасти онинг
Ки, бориб ўн йиғоч фаррасти¹ онинг.

Ҳамул кунўқ² далери хорабур гов³
Муҳайё қилди хоро ичра бир нов...

XXXI



Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора
қилмоғ била тоғ бағрига ков-ков солғон
садони Ширин эшитгони ва қуёш тоғ-
дин тулуъ⁴ қилғондек ул кўҳи бало⁵ сар-
вақтига⁶ етгони ва анинг метини ламъ-
асининг барқи⁷ мунунг хородек кўнг-
лига асар этгони ва қуёш туфроққа нур
сочқондек ул хокийга меҳр зоҳир қилғоч,
анинг туфроғдоғилардек ўзидин кетгони
ва умри қуёши бошига келгач, анинг ҳа-
ёти шамъи ўчғониға Шопурнинг шамъ-
дек куюб йиғлаб бошига ўт чиқорғони ва

ўлукни мадҳға солғондек ул қуёш они туфроғдин кўтариб бихиштосо⁸ ман-
зилиға олиб борғони.

Зўр бериб ариқ қазиётган Фарҳод Ширин назарида:

Муқаввас қошида⁹ чин, оғзида банд,
Қадин ғам тоғи айлаб қавс монанд¹⁰.

¹ Фаррасти – овози, акс-садоси.

² Ҳамул кун ўқ – шу кунийёқ.

³ Далери хорабур гов – шижоатли тошйўнар буқа.

⁴ Тулуъ – чиқиш, балқиш.

⁵ Кўҳи бало – бало, офат тоғи.

⁶ Сарвакти – йўқлаш, кўргани келиш.

⁷ Ламъасининг барқи – чақмоғининг шуъласи.

⁸ Бихиштосо – жаннатдай, жаннат каби.

⁹ Муқаввас қошида – Қавсга ўхшаш эгик (камон) қошида.

¹⁰ Қавс монанд – қавсга ўхшаб эгик.

Бийикрак ҳайкали аҳли замондин,
Фузунроқ шавкати пили дамондин¹.

Бошида тожварлик фарри² пайдо,
Юзида салтанат нури ҳувайдо³.

Аёғига синиб хори мазаллат⁴,
Бошини синдуруб санги машаққат⁵.

Жабинида муҳаббат дарди зоҳир,
Узори узра ғурбат гарди зоҳир

Танида бенаволиғдин⁶ асарлар,
Юзида ошнолиғдин хабарлар.

Қўлида тешае, йўқ тешаким гурз,
Бўлуб туфроқ анинг зарбидин Албурз.

Қўруб Ширинни ҳайрат лол қилди,
Таажжуб бир йўли беҳол қилди.

Қўрунғач кўзга мундоқ чехри онинг,
Ичига солди шўриш меҳри онинг.

Гаҳе ашки югурди шиддатидин,
Гаҳе кўнгли бузулди меҳнатидин⁷.

Очилмасдин бурунроқ пардаи роз,
Яқинроқ сурдию сўз қилди оғоз⁸.

Лабн лаълини гавҳарпош⁹ қилди,
Бу янглиғ нукта дуррин фош қилди¹⁰.

¹ Пили дамондин – бўкирадиган маст фил.

² Тожварлик фарри – подшоҳлик безаги, шоҳлик шавкати.

³ Ҳувайдо – белгили, аён равшан.

⁴ Хори мазаллат – тубанлик тоши.

⁵ Санги машаққат – машаққат тоши.

⁶ Беноволиғдин – чорасизликдан, умидсизликдан.

⁷ Меҳнатидин – қийинчиликдан, машаққатидан, ғамидан.

⁸ Оғоз – бошламоқ.

⁹ Гавҳарпош – гавҳар сочувчи.

¹⁰ Нукта дуррин фош қилди – сўз дурини сочи.



Ки, эй нодир йигит, офоқ¹ ичинда,
Ягона чархи нилий тоқ² ичинда.

Аён ҳолинда кўп, кўп булажаблиқ
Ажабдин ҳам ажаб ранжу тааблиқ³.

Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,
Не қилғон ишинг ўхшар эл ишига.

Бу ишким биз демай бунёд этибсен,
Бағоят кўнглумизни шод этибсен.

Бўлур эрдук ҳусули⁴ ичра ожиз,
Ҳунар эрмас, қўлунг кўргузди мўъжиз.

Агар юз қарн узройин⁵ бўлоли,
Нетиб бир кунчилик узринг қўлоли⁶.

Ишинг узрида юз биздек ўтангай,
Не биздин, тенгридин олингга ёнғай,

Тилатти бир табақ бирла жавоҳир,
Деди: муздунг⁷ эмас, эй ишда моҳир!

Қўлуб узр ул табақ бошини очти,
Жавоҳирни анинг бошига сочти.

Париваш бу фасоҳат⁸ бирла мафтун,
Ўзидин беҳабар Фарҳоди мажнун.

Йиқиб жисмини анфоси⁹ шитоби,
Тешиб кўксини кўнгли изтироби.

¹ Офоқ – дунё, уфқлар.

² Чархи нилий тоқ – кўк гўмбази, осмон ости маъносида.

³ Ранжу тааблиқ – қийинчилик ва машаққат тортган.

⁴ Ҳусули – ҳосил бўлиш, эришиш, қўлга киритиш.

⁵ Юз қарн узройин – юз аср узр айтишни одат қилиш.

⁶ Қўлоли – сўраш, айтиш.

⁷ Муздунг – улушинг, тегишинг.

⁸ Фасоҳат – чиройли сўлаш.

⁹ Анфос – нафаслар.

Тани титратмадин ором топмай,
Бу беоромлиқ анжом топмай.

Деди: жонпарвар анфосингдин ўлдум,
Унунгдин¹, умр ранжидин қутулдум.

Не англайким, қаю маҳрў экансен,
Ичим қон айлаган сенму экансен?

Мени ғурбат аро бечора эткан,
Диёру мулкдин овора эткан.

Чиқиб жоним унунгдин бўлгоч огоҳ,
Юзунгни кўрмай ўлдум оҳ, юз оҳ!

Анингдек оҳ тўфонин чиқорди,
Ки, маҳвашнинг ниқоби елга борди.

Кўрунғач ул жамоли оламаро,
Анинг матлуби бўлди ошкоро.

Ҳамул эрдик мафтун бўлмиш эрди,
Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди.

Бировким акс кўргач ҳуши кетса,
Ўзин кўргач нетонг, жон таркин этса.

Бировким бўлса майнинг зикридин маст,
Нетонг, ичканда бўлса ер уза паст.

Чу Фарҳод ул пари эрконни билди,
Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди.

Ким, ул ҳолатда Ширин кўргач они,
Гумон қилди магарким чиқти жони.

Анингдек чекти оҳи оташолуд²,
Ки, ойни абр³ аро ёшурди ул дуд...

¹ Унунгдин – овозингдан.

² Оташолуд – ўтли, ёлқинли.

³ Абр – булут.





Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Ақлий ҳужум: «Сув – ҳаёт манбаи» деган тушунчага ўз фикрингизни билдиринг. 2. Арманистоннинг асосий ижтимоий муаммоси нимада? 3. «Кластер» усули орқали Фарҳод мукаммал ўрганган ҳунарларини ёритиб беринг.								
Таҳлил ва талқин	   	1. Сизнингча, асарнинг мавзу доирасини аниқ кўрсатадиган байтларни насрга айлантириб, иш дафтарингизга ёзиб олинг ва фикрингизни асосланг. 2. Асарда қўлланилган шеърий санъатларни аниқлаб, матнга таянган ҳолда жадвални тўлдиринг. Улар нима учун ишлатилганлигини шарҳланг. <table><tr><th>Шеърий санъат</th><th>Мисра</th><th>Шарҳи</th></tr><tr><td></td><td></td><td></td></tr></table>	Шеърий санъат	Мисра	Шарҳи					
Шеърий санъат	Мисра	Шарҳи								
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил		1. Достон ҳақида ўз фикрларингизни «Тўрт фикр» усули орқали (бир гап билан) билдиринг. <table><tr><td>Фикр</td><td></td></tr><tr><td>Далил, исбот</td><td></td></tr><tr><td>Мисол</td><td></td></tr><tr><td>Хулоса, яқун</td><td></td></tr></table> 2. «Йигит кишига етмиш ҳунар оз» мавзусида эссе ёзинг.	Фикр		Далил, исбот		Мисол		Хулоса, яқун	
Фикр										
Далил, исбот										
Мисол										
Хулоса, яқун										

XLI

Достоннинг бу бобида Хусрав қўлига асир қилиб келтирилган Фарҳод ҳолати ва унинг шоҳ билан мунозараси тасвир этилади.

Адаб бирла ҳаё расмин қилиб фош,
Бурун индурди мажлис аҳлига бош.

Чу даъди¹ йўқ эди сўрмай демак сўз,
Оғиз сўздин тикиб, тикти қуйи кўз.

Шукуҳидин Хусравга етиб тағйир²,
Қилиб ишқи ўти кўнглига таъсир.

Унутти айламакни қатли бедод³,
Анга боқиб такаллум⁴ қилди бунёд.

Деди: қайдинсен, эй мажнуни гумрах?
Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ.

Деди: недур санга оламда пеша⁵?
Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.

Деди: бу ишдин ўлмас касб рўзи⁶,
Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.

Дедиким: ишқ ўтидин де фасона!
Деди: куймай киши топмас нишона.

Дедиким: куймагингни айла маълум!
Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!



¹ Даъди – йўқ қилиш. Бу ерда иложсизлик маъносида.

² Тағйир – ўзгартиш

³ Қатли бедод – суриштирмай қатл этиш, сўровсиз ўлдириш.

⁴ Такаллум – сўзлаш.

⁵ Пеша – касб, ҳунар, одат.

⁶ Ўлмас касб рўзи – кун ўтмас, тирикчилик бўлмас.

Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?
Деди: руҳ эрмас эрди танға пайваст.

Деди: бу ишқдин инкор қилғил!
Деди: бу сўздин истиғфор¹ қилғил!

Дедн: ошиққа не иш кўп қилур зўр?
Деди: фурқат куни ишқи балошўр².

Деди: ишқ аҳлининг недур ҳаёти?
Деди: васл ичра жонон илтифоти.

Деди: дилбарингнинг де сифотин!
Деди: тил ғайратидин тумон отин!

Дедиким: ишқиға кўнглунг ўрундур,
Деди: кўнглумда жондек ёшурундур.

Деди: васлиға борсен орзуманд?
Деди: бормен ҳаёли бирла хурсанд.

Деди: жонинши олса лаъли ёди?
Дедиким: ушбудур жоним муроди,

Деди: кўксунни гар чок этса бебок³?
Деди: кўнглум тутай ҳам айла деб чок!

Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?
Деди: жонимни ҳам айлай фидоси.

Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур!
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур!

Деди: ол ганжу кўй меҳрин ниҳоний,
Деди: туфроққа бермон кимёни!

Деди: жонингға ҳижрон кинакашдур⁴,
Деди: чун бор васл уммиди хушдур.

¹ Истиғфор – тавба.

² Ишқи балошўр – бало келтирувчи ишқ.

³ Бебок – аямай, парвосиз.

⁴ Кинакашдур – кек сақловчи, душманлик қилувчи.

Дедиким: шаҳға бўлма ширкат андеш¹!
Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!

Деди: жонингға бу ишдин алам бор,
Деди: ишқ ичра жондин кимға ғам бор?

Деди: кишвар² берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: бечора, кеч бу мултамасдин³!

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!
Деди: ишқида мақсудумға етгум.

Деди: бу ишда йўқ сендин йироқ қатл,
Деди: бу сўзларингдин яхшироқ қатл.

Нечаким бўлди мушкил сўз хитоби,
Басе осон анга етти жавоби.

Чу Хусрав кўрди бу янглиғ тақаввур⁴,
Такаллум айламак сочқон киби дур.

Бир ўт тушти ичига беҳудона⁵,
Ки, оташгоҳидек чекти забона⁶.

Ки, мендек шаҳға мундоқ разл дуни⁷,
Аёгдин-бошқа банд ичра забуни.

Ҳаётининг ниҳолиға синиб шох,
Жавоб айтур не сўрсам буйла густоҳ.

Сиёсат қилғулуқдур бу фидойи
Ки, ҳар бир тоғ ила води гадойи.

¹ Ширкат андеш – фикр, ўйда шериклик. Бу ерда «тортишма» маъносида.

² Кишвар – юрт, вилоят.

³ Мултамасдин – илтимосдан.

⁴ Таҳаввур – ғазаб билан ҳужум қилиш, сўзлаш.

⁵ Беҳудона – ҳушсизларча, девоналардай.

⁶ Оташгоҳдек чекти забона – оташгоҳдай алангада куйди.

⁷ Разл дуни – тубан дунё. Бу ерда тубан, ёмон муносабат маъносида.

Ғазаб бирла буюрди шоҳи ғаддор¹,
Ки, урдилар ҳисор² олинда бир дор.

Кейин боғлаб қадоғлиқ қўлларин руст,
Бориб чекмаклик они дорға чуст.

Чекилгач уйлаким абри баҳорон,
Улус қилмоғлиғ они тийр борон³.

Неча кун турмоқ ушбу ҳол бирла,
Кўруб халқ они бу аҳвол бирла.

Анинг ҳолидин олмоқ борча ибрат,
Ғадолар қилмасун деб шаҳға ширкат.

Неча кундин сўнг ўт айлаб фурузон⁴,
Тамуғ⁵ ўти киби тафсон⁶ сўзон⁷.

Ўт ичра ташламоқлик уйлаким барқ,
Ки, бўлғай шуъла тўфони аро ғарқ.

Бу янглиғ ўтға ёндурмоғлиғ они,
Кул ўлғоч кўкка совурмоғлиғ они.

Бўлуб йўқ даҳр ичидин бори онинг,
Жаҳонда қолмамоқ осори⁸ онинг.

Бўлуб Фарҳод ул сўздин тарабнок⁹,
Кулуб дедиким: эй шоҳи ғазабнок!

¹ Ғаддор – 1. Алдамчи, хиёнатчи. 2. Золим.

² Ҳисор – қўрғон, қалъа.

³ Тийр борон – ўқ ёғдириш.

⁴ Фурузон – алангали.

⁵ Тамуғ – дўзах.

⁶ Тафсон – жуда иссиқ.

⁷ Сўзон – ёлқинли.

⁸ Осори – асари, белгиси.

⁹ Тарабнок – хурсанд.

Тасаввур қилмон коме¹ тортадурсен,
Адудин² интиқоме тортадурсен.

Ки, не ҳукм айладинг мақсудум улдур,
Не келса ишқ аро беҳбудум³ улдур.

Муродим ишқида ўлмаклик эрди,
Буқун муродим тенгри берди.

III

Фарҳод ҳийла билан ўлдирилгач, «Шириннинг Фарҳод ишқида жон берганин билиб, Меҳинбону доғи жони ширин таркин қилиб, бу ҳолатда Баҳроми диловарнинг Чин мулкидин келгани ва бу вақойиъ ваҳшатидин ёруғ жаҳонга қаронғу гўрни таржиҳ қилғони⁴ ва Шеруяи золим амволидин⁵ Фарҳод учун радди мазолим қилиб⁶, Арманда подшоҳи одил тайин этгани ва Чин била Мағрибзамин черикларига ижозат бериб қайтариб, ўзи зоҳир салтанати таркин этгани ва маънавий салтанатқа етгани»

Бу мотамхона ичра навҳа⁷ пардоз,
Бу янглиғ этти лаҳни⁸ навҳа оғоз⁹.

Ки, чун маҳваш ул уй ичра кириб чуст,
Эшикларни кийирдин¹⁰ боғлади руст.

Меҳинбону била хайлу табори¹¹,
Неча чектилар онинг интизори.

¹ Ком – истак, ният, мақсад.

² Аду – душман, ёв.

³ Беҳбуд – яхшилик.

⁴ Таржиҳ қилғони – устун қўргани, юқори қўйгани.

⁵ Амволидин – молларидан.

⁶ Радди мазолим қилиб – зулмни рад этиб, золимни йўқотиб.

⁷ Навҳа – товуш чиқариб йиғлаш.

⁸ Лаҳ – овоз, куй.

⁹ Оғоз – бошланиш, ибтидо.

¹⁰ Кийирдан – ичидан.

¹¹ Хайлу табори – қариндошлар, яқинлар тўдаси.

Тахаммулсиз¹ бўлуб уй сори бориб,
Эшик очилмоғондин сўнг қўнгориб².

Амори сори қўйдилар қадамни,
Очибон парда, кўрдилар санамни.

Ки, Фарҳоди било ётиб ҳамоғуш,
Қўюбон рўбаррў, дўш-бардўш³.

Кўзию қоши узра, кўзу қоши,
Сари мў бўлмайин зоҳир таҳоши⁴.

Кетиб ул фурқати беҳадду ғоят⁵,
Бўлуб рўзи висоли бениҳоят⁶.

Қучуб ўз ошиқин маъшуқи маҳкам,
Нечукким, ошиқ ўз маъшуқини ҳам.

Фалакда иккисининг руҳи поки,
Қолиб туфроққа икки жисми хоки.

Чу Бону кўрди мундоқ турфа ҳолат,
Анга худ бор эди жондин малолат.

Чиқиб гардун сори афғони онинг,
Фиғони бирла чиқти жони онинг.

Чу Ширин жони эрди, онсиз ўлди,
Дамеким ўлди онсиз, жонсиз ўлди.

Магар жон кейнича чиқти фиғони
Ва ё чиқти фиғони бирла жони.

¹ Тахаммулсиз – чидамсиз, сабрсиз.

² Қўнгориб – қўпориб.

³ Дўш-бардўш – елкама-елка.

⁴ Таҳоши – қўрқиш, чекиниш, ажралиш.

⁵ Мисра: «Чегара билмайдиган айрилиқ кетиб» маъносини билдиради.

⁶ Шеъринг йўли: «Тугамайдиган висол кунлари бошланди» мазмунини англатади.

Анинг нахли ҳаёти¹ доғи синди,
Замона кўнгли андин доғи тинди.

Ажаб навъ ўлдилар ул нотавонлар,
Фидо бу навъ ўлмакликка жонлар.

Эшиттимким, ҳамул ақшом гуруҳе,
Риёзат бирла қозғолгон² шукуҳе.

Ададда қирқ ул хайли кироми³,
Бу янглиғ туш кўрубтурлар тамоми.

Ки, жаннат ичра боғе осмонча,
Мунунгтак боғ аро қасре жаҳонча.

Ҳамул дилкаш чамандин руҳ олиб қут,
Ҳам ушбу қаср ўлуб бир дона ёқут.

Анинг таърифиди кетмак не ҳожат,
Киши учмоғни⁴ васф этмак не ҳожат.

Бу қаср айвони ичра нурдин тахт,
Бу тахт узра ҳариру ҳулладин рахт⁵.

Чиқиб ул тахт уза Фарҳоду Ширин,
Нечукким гулшан ичра сарву насрин.

Анинг сори ато бирла ано ҳам,
Келиб Бону⁶ мунунг сори яно ҳам.

Ҳамолу мулку жоҳи ҳар бирининг,
Бўлуб оламда бўлгоннинг бири минг.

¹ Нахли ҳаёти – ҳаёт дарахти.

² Қозғолгон – қозонилган, қўлга киритилган.

³ Хайли кироми – саховатли кишилар тўдаси.

⁴ Учмоғни – жаннатни.

⁵ Ҳариру ҳулладин рахт – ҳарир ва нафис кийим, қимматбаҳо жиҳозлар...

⁶ Бону – бу ерда Меҳинбону кўзда тутилган.



Алар сўрғон эмишким бу жамоат,
Не қилмишлар экин тақвию тоат.

Ки, бу қаср ичра манзил айламишлар,
Мунингдек поя¹ ҳосил айламишлар.

Деб эрмиш хозини жаннатки²,
Фарҳод Жаҳонда ишқ тарҳин³ солди бунёд.

Анингдекким кечиб султонлиғидин,
Жаҳон мулки ичида хонлиғидин,

Муроду орзудин тортибон қўл,
Ҳавойи нафс сори тутмайин йўл.

Вужудин ўртаб оташнок ишқи,
Солиб ўт олам ичра пок ишқи.

Кечиб аввал диёру хонумондин,
Вале сўнгра жаҳондин, балки жондин.

Ўтар дам ўйла фоний бўлди мутлақ,
Ким, ул ишқини боқий айлади ҳақ.

Вужудин ўртаб ул сўзу гудози⁴,
Ҳақиқатқа бадал бўлди мажози.

Бақо шаҳрида султонликқа етти,
Ҳақиқат мулкида хонлиққа етти.


¹ Поя – мартаба.

² Хозини жаннат – жаннат соқчиси.

³ Ишқ тарҳин – ишқ биноси.

⁴ Сўзи гудози – эритувчи, куйдирувчи сўзи.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «Кластер» усули орқали Фарҳод табиатига хос хусиятларни аниқлаб ёзинг. 2. Хусрав ва Фарҳод мунозараси берилган ўринларни қайта ўқинг. Ўз муносабатингизни билдиринг. 3. Берилган парчага асосланиб очиқ саволлар тузинг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Асарни ўқиш борасида сизда қандай туйғулар уйғонди ва бу нима билан боғлиқ? Жавобларингизни асосланг. 2. Асар сюжети қисмларини белгиланг. 3. Асар воқеалари силсиласини «Матннинг денотант структураси» усули орқали ёритинг. 
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. «Фарҳод ва Ширин» достонини сиз ўрганган қайси асар билан қийёслаш мумкин? Фикрларингизни «Венн диаграммаси» орқали ифодаланг.  2. Достондаги Фарҳод ва Хусрав мунозарасини сахналаштинг.

КОМИЛ ИНСОН

Ҳамма даврларнинг оқиллари инсоннинг камолоти, унинг ёвуз ва ярамас майллардан қутулиб, эзгулик тимсолига айланиши тўғрисида ўйлаганлар. Оламни исломий кўз билан кўриб, изоҳлашга интилган тасаввуф таълимоти вакиллари эса ҳар бир инсоннинг етук бўлишини орзу қилибгина қолмай, ўзлари ана шу етукликка интилиб яшашган. Ҳазрати Алишер Навоий ҳам бир умр етукликка – тамомликка эришиш орзусида яшаганлар. У кишининг «Камол эт касбким» деб бошланадиган қитъасидан тортиб, минглаб мисрали бутун ижодий мероси комил шахс шакллантиришга қаратилган.

Комил шахс ўз шахсий истак, майл ва манфаатларидан баланд тура оладиган, ўзининг ҳаётини Аллоҳ ризолиги йўлига бағишлаган кишидир. Шу маънода, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод, Ширин, Меҳинбону, Шопур, Баҳром, Хоқон тимсолларини комиллик йўлининг турли босқичларида кетаётган йўлчилар дейиш мумкин. Комил шахс ғояси қаердан пайдо бўлган? Жиддий эътибор қилинса, бу ғоя замирида улкан ҳақиқат ётганлигини ва унинг ўткинчи эмаслигини кўриш мумкин. Чунончи, одам туғилганида бир парчагина этдан иборат бўлади. Умри мобайнида жисми улғаяди, йириклашади. Дунёга келган одамда онг жуда ҳам ривожланмаган бўлади.

Умри давомида шу ривожланмаган ақл ўсиб, олам сирларини англайдиган даражага келади. Худди шу каби, одамнинг руҳи ҳам туғилган пайтидагидан кўра юксакроқ, покизароқ, тозароқ бўлиши лозим. Чунки тупроқдан пайдо бўлган жасад тупроққа қайтганда, Яратганнинг ақлидан олинган онг эгасига қайтарилганда олинган вақтдагидан юксалгани сингари, Аллоҳдан омонатга олинган руҳи ҳам дастлабки ҳолидан баландроқ ҳолда Яратганга қайтарилиши зарур бўлади. Аммо инсон ҳаммиша ҳам руҳини юксалтириш, унинг тозалигини сақлашнинг уддасидан чиқавермайди.

«Фарҳод ва Ширин» достонида туғилишидан бошлаб, ўзгаларга номаълум бир дард – Аллоҳга муҳаббат билан оғриган Фарҳоднинг комиллик йўли акс эттирилган. Фарҳоднинг бу дунё лаззатларига қизиқмаслиги, аждар, дев, шер сингариларни ўлдириши аслида ҳар бир одамнинг энг ёвуз душмани бўлмиш нафс, кибр, жаҳолатни енгиши, яъни комилликка эришишини кўрсатишга хизмат қилдирилган. Фарҳод севгиси маъжозий, яъни жисмининг жисмга муҳаббати эмас, балки ҳақиқий ишқ, яъни кўнгилнинг Олий руҳга севгисидир. Шунинг учун ҳам Ширинга етишишнинг ўзи йигитга олий мақсад эмас. Шу боис Фарҳод ўлимдан чўчимайди. Унга ишқнинг ўзи кифоя.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483–1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ ва шоир сифатида туркий халқлар маданияти тарихида ҳам, жаҳон тарихи тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Унинг отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурга ўғли Мироншоҳдан тарқаган эвара эди. Онаси – Қутлуғ Нигорхоним эса Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлиб, ўн иккинчи аждоди Чингизхонга бориб тақаларди. Бобур Умаршайхнинг тўнғич ўғли эди. 1483 йилнинг 14 февралда туғилганди. Унга Заҳириддин Муҳаммад деб от қўйишганди. Кейинроқ, Бобур сўзидан у ҳам исм, ҳам таҳаллус сифатида фойдаланадиган бўлди.



Умаршайх Мирзо (1455–1494) Фарғона вилоятининг ҳокими бўлиб, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Аҳси шаҳрини пойтахт деб тайин этганди. 1494 йилда Қутлуғ Нигорхонимнинг акаси Султон Маҳмудхон ва Умаршайх Мирзонинг отаси Самарканд подшоси – Султон Аҳмад Мирзо бирлашиб, Фарғонага босқин ясайдилар. Ана шундай таҳликали кунларда Аҳси қўрғонида яшаётган Умаршайх Мирзо жар ўпирилиб кетиб, бутун хобхона-ю¹ хосхонаси² билан тупроқ тагида қолиб ҳалок бўлади.

Отаси ҳалок бўлган таҳликали кунларда Бобур ўн икки яшар ўсмир эди. Ўша давр одатига кўра, ҳокимлик унга ўтди ва у шошилишч Андижонга бориб, юрт ҳимоясини уюштирди. Бола ҳукмдорнинг биринчи ҳарбий юриши омадли бўлиб, унга қарши босқин ясаган амакиси вафот этади, тоғаси эса жиянининг қаршилигини енголмай, Тошкентга қайтиб кетади.

Бобурга бахт ҳамиша ҳам кулавермайди. Аммо жисмонан ғоят бақувват, ўта иродали, тадбиркор ҳамда улкан истеъдодга эга Бобур тақдирдан марҳамат кутиб ўтирмайди. Қонуний ҳокимиятни олиш, туркий ватанни

¹ Хобхона – ётоқхон.

² Хосхона – давлат ишлари қилинмайдиган, ҳукмдорнинг шахсий хонаси.

бирлаштириш, уни босқинлардан сақлаш йўлида ҳаракат қилаверади. Самарқанд, Фарғона, Андижон, Ўш ва бошқа шаҳарлар учун қилинган саноксиз жангларда енгилаверган Бобур Мирзо юртдан ташқарига юриш қилиб, аввал Кобулни, сўнг Ҳиндистонни босиб олади. 1526 йилда Бобур 12 минг аскар билан Ҳинд султони Иброҳим Лўдининг 100 минглик қўшинини енгиб, Ҳиндистонда Буюк теурийлар салтанатига асос солади. Бу салтанат уч юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Ҳиндистонни бошқарди. Бобурнинг умри ўта нотинч, саргардонликда ўтишига қарамай, ижод билан шуғулланади. Қалби ижодкорлик ва бунёдкорлик билан тўла шоир ўзбек тилида гўзал шеърлар яратди, девон тартиб берди. Мусиқа билан шуғулланиб, «Чоргоҳ» мақомига «савтлар» битди, янги ёзув – «Хатти Бобурий»ни кашф этди. Етук олим сифатида аруз назариясига оид «Мухтасар» рисоласини ёзди, шунингдек, «Мубаййин», «Ҳарфиши», «Мусиқа илми» каби асарлар яратди. Таржимонлик билан ҳам шуғулланиб, Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» асарини туркий тилга ағдарди. Шоҳ шоир лирикаси ўзининг ранг-баранглиги, фалсафий теранлиги, бадиий етуклиги, тилининг соддалиги, ифоданинг равлонлиги, халқчиллиги билан ажралиб туради.

Бобур буюк саркарда, адолатли шоҳ, улкан салтанат асосчиси сифатида ҳам тарихда қолади. Лекин унинг бадиий даҳоси барча истеъдодларидан устун эди. Унинг дилбар ғазаллари, ғамгин рубойлари ҳанузгача ўқувчиларнинг дилларини қитиқлайди, руҳиятларига таъсир кўрсатади. Шу боис шоҳ шоирнинг битганлари неча асрлардан буён авлодларни қизиқтириб, уларнинг муҳаббатини қозониб келмоқда.

Бобур ижодида «Бобурнома» асари алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Мирзо Бобур ўз кўзи билан кўрган, эшитган ва гувоҳи бўлган воқеалар тасвирини ғоят холис, мардона ва таъсирли тасвирлайдики, бу хилдаги ижодий тантилик илмда ҳам, бадииятда ҳам ҳанузгача кам учрайди. «Бобурнома» дунёнинг жуда кўп тилларига таржима этилган.

БОБУРНОМА **(Мемуар асар)** **Алишер Навоий таърифи**

Яна Алишербек Навоий эди, (Ҳусайн Бойқаронинг) беги эмас эди, балки мусоҳиби¹ эди, кичиклигида ҳаммақтаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима² била Султон Абусаид Мирзо Ҳирий-


¹ Мусоҳиб – суҳбатдош.

² Не жарима – қандай гуноҳ.



дин¹ ихрож² қилди. Самарқандга борди, неча йилким Самарқандда эди. Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси³ эди. Алишербекнинг мижози⁴ нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин⁵ тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий⁶ экандур. Самарқандга эканда ҳам ушмундоқ нозукмижоз экандур.

Алишербек назири⁷ йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур⁸, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур, «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавоид ул-кибар» отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти⁹ борким, бу мазкур бўлғонларга боқа¹⁰ пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини¹¹ Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосили калом¹², ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирубтур. Яна «Мезон ул-авзон» отлиқ аруз битибтур, бисёр мадҳул¹³ дур. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат¹⁴ қилибтур. Баъзи бухурнинг авзонида¹⁵ ҳам янгилибтур, арузга мутаважжих¹⁶ бўлғон кишига маълум бўлғусидур. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда «Фоний» тахаллус қилибтур, баъзи абёти¹⁷ ёмон



¹ Ҳирий – Ҳирот.

² Ихрож – сургун, бадарға.

³ Муқаввийси – мададкори.

⁴ Мижоз – кишининг ўзига хос табиати.

⁵ Давлатининг ғуруридин – бойлиги билан ғурурланишдан.

⁶ Жибиллий – табиий, туғма.

⁷ Назири – тенги, ўхшаши.

⁸ Олти мансавий китоб назм қилибтур – шеърый йўл билан олти дoston ёзган.

⁹ Мусаннафоти – асарлари.

¹⁰ Мазкур бўлғонларга боқа – тилга олинганларга қараганда.

¹¹ Иншо – хат, мактуб.

¹² Ҳосили калом – ҳуллас калом, сўзнинг қисқаси.

¹³ Маҳхулдар – хатоли, нуқсонли.

¹⁴ Ғалат – хато.

¹⁵ Бухурнинг авзонида – адабий атама, бахрларнинг вазнлари.

¹⁶ Мутаважжих бўлғон – эътибор берган.

¹⁷ Абёти – байтлари.

эмастур, вале аксар сушт ва фурӯдтур¹. Яна мусиқийда яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари² бордур.

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад³ эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти⁴ била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг сайъ ва эҳтимоми⁵ била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким⁶ ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Ўғул ва киз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарид⁷ ўткарди. Авойил⁸ муҳрдор эди, авосит⁹ бек бўлуб, неча маҳал Астроботга ҳукумат қилди, авохир¹⁰ сипоҳиликли тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий¹¹ маблағлар пешкаш қилур эди. Султон Ҳусайн Мирзо Астробод черикидин янғонда¹² истиқболга келди, мирзо била кўрушуб кўпқунча¹³ бир ҳолате бўлди, кўполмади, кўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға-ўқ¹⁴ тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби ҳол¹⁵ воқеъ бўлубтур:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас¹⁶,
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар.

¹ Фурӯд – заиф, паст.

² Пешрав – куйнинг бошланиши, ашула олдидан чалинадиган мусиқа.

³ Саромад – мумтоз, илғор.

⁴ Тақвият – ёрдам, қўллаб-қувватлаш.

⁵ Эҳтимом – ғамхўрлик.

⁶ Бинойи хайр – яхши иморатлар. «Шундай яхшиликлар қилдики» маъносида.

⁷ Тавре фард ва жарид – танҳо, сўққабош.

⁸ Авойил – авваллари

⁹ Авосит – ўрталарида.

¹⁰ Авохир – охирида.

¹¹ Куллий – кўп, катта, ҳамма.

¹² Янғонда – қайтганда.

¹³ Қўпқунча – тургунча.

¹⁴ Тонгласиға ўқ-роса тонгда, тонгдаёқ.

¹⁵ Ҳасби ҳол – ўз ҳолининг баёни.

¹⁶ Мараз чу зоҳир эмас – нималиги аниқланмаган касаллик.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Бобур тасвирига кўра Навоий фаолиятига хос жиҳатларни «Кластер» усули бўйича ёритиб беринг. 2. Буюк бобомиз ҳақидаги Бобурнинг қайси фикрлари цитатага айланган? 3. «<i>Муаммоли вазият</i>»: муаллифнинг Навоий ижодини танқид қилиши буюк бобомиз ҳақидаги фикрларингизни ўзгартирдими?								
Таҳлил ва тапқин	   	1. Навоий ҳақида асардаги маълумот билан қуйи синфда ўрганган маълумотлар орасидаги фарқни изоҳланг. «<i>Инсерт</i>» усули орқали ҳақида фикрингизни изоҳланг. <table border="1"> <tr> <td>«V» – <i>биламан</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td>«+» – <i>билмайман</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td>«-» – <i>янги ахборот</i></td> <td></td> </tr> <tr> <td>«?» – <i>тушунмадим</i></td> <td></td> </tr> </table> 2. «<i>Ягона давра</i>» (давра суҳбати) усули орқали парча мазмунини таҳлил қилинг.	«V» – <i>биламан</i>		«+» – <i>билмайман</i>		«-» – <i>янги ахборот</i>		«?» – <i>тушунмадим</i>	
«V» – <i>биламан</i>										
«+» – <i>билмайман</i>										
«-» – <i>янги ахборот</i>										
«?» – <i>тушунмадим</i>										
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Бобур таърифига асосланиб, Навоийнинг маънавий портретини чизинг (сўз орқали). 2. Бобур ролига кириб Навоийга мактуб ёзинг (эркин мавзуда).								

Хусайн Бойқаро таърифи

Шакл ва шамойили: қийиқ кўзлук, шер андом бўйлуқ киши эди, Белидин қуйи инчка эди. Бовужудким, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллиқ бўлуб эди, хушранг қизил яшил абришимни кияр эди. Қора қўзи бўрк қияр эди ё қалпоқ, Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ёмон чирмон чирмаб, қарқаро ўтағаси санчиб, намозға борур эди.

Ахлоқ ва атвори; Аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздах имомни¹ хутбада ўқутғай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ ишкучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди. Мафосил заҳмати² жиҳатидин намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф³ ва хуш хулқ киши эди, Хулқи бир нима гузаророқ⁴ воқиъ бўлуб эди, сўзи ҳам хулқадек эди. Баъзи муомалотта⁵ шаръни⁶ бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқлариға топшуруб, дорулказоға⁷ йиборди.

Аввал тахт олғон маҳалда олти етти йил тоиб⁸ эди. Андин сўнгра ичкуга тушти, қирқ йилға ёвуқким Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиқим, намоз пешиндин сўнг ичмағай, вале ҳаргиз сабуҳий⁹ қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳиға ва шахриға бу ҳол эди, Ифрот била¹⁰ айш ва фисқ¹¹ қилурлар эди.

Шужоъ¹² ва мардона киши эди, Борлар¹³ ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада бордар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Хусайн мирзога қилич чопмиш бўлғай. Табъи назми бор

¹ Дувоздах имомни – ўн икки имомни. «Шиа мазҳабиға ўтмоқчи эди» дейилмоқда.

² Мафосил заҳмати – бўғин оғриғи.

³ Ҳарраоф – улфат.

⁴ Гузаророқ – беқаророқ, тайинсизроқ.

⁵ Муамалотта – муомалада.

⁶ Шаръни – шаръий қоидаларни.

⁷ Дорулказоға – қози уйи, қозихонаға.

⁸ Тоиб – тавба қилувчи. Бу ерда «ичмайдиган» маъносида.

⁹ Сабуҳий – бошоғриғини қолдириш учун эрталабдан ичиш.

¹⁰ Ифрот билан – ҳаддан ошиқ, керагидан ортиқ.

¹¹ Фисқ – гуноҳ ишлар, бузуқлик, ахлоқсизлик.

¹² Шужоъ шижоатли, ботир.

¹³ Борлар – неча бор.

эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Ҳусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазнадур. Бовужудким¹, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди.

Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис² Ҳири шахри мамлу³ эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази⁴ ул эдиким, ул ишни камолга тегургай.

...Султон Ҳусайн мирзо оламдин нақл қилғонда⁵, мирзолардин Бадиуззамон мирзо ва Музаффар Ҳусайн мирзо ҳозир эдилар, чун суюклик ўғул Музаффар Ҳусайн мирзо эди ва Муҳаммад Бурундуқ барлос соҳиби ихтиёр бек эди, аткаси эди. Онаси Ҳадичабегим эди, мирзонинг эътиборлиқ хотуни эди. Мирзонинг эли ҳам Музаффар мирзога ружуи хили бор эди. Бу жиҳатлардин Бадиуззамон мирзо тараддуд қилиб келмас хаёлда эди. Музаффар мирзо ва Муҳаммадбек ўзлари отланиб бориб тараддудни мирзонинг кўнглидин рафъ қилиб⁶, Бадиуззамон мирзони келтурдилар. Султон Ҳусайн мирзони Ҳириға келтуруб, подшоҳона расм ва ойин била бардошт қилиб⁷, мадрасасида дафн қилдилар. Бу фурсатта Зуннунбек ҳам ҳозир бўлди. Муҳаммад Бурундуқбек ва Зуннунбек ва яна Султон Ҳусайн мирзодин қолғон ва бу мирзолар била бўлғон беклар йиғилиб, иттифоқ қилиб, Бадиуззамон мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзони Ҳири тахтида баширкат⁸ подшоҳ қилдилар. Бадиуззамон мирзо эшигида соҳиби ихтиёр Муҳаммад Бурундуқбек. Бадиуззамон мирзо жонибидин шахр доруғаси Шайх Али тағойи, Музаффар мирзо тарафидин Юсуф Али кўкалтош. Бу ғариб арё⁹ эди, ҳаргиз подшоҳлиқта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи¹⁰ воқия бўлди. Нечукким, «Гулистон»да келтурубтур:

«Даҳ дарвеш дар гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд¹¹».

¹ Бовужудким – шундай бўлса-да, шунга қарамай.

² Батахсис – айниқса, хусусан.

³ Мамлу – тўла, тўлган.

⁴ Ғарази – мақсади, нияти.

⁵ Оламдин нақл қилғонда – оламдан ўтганда, вафот этганда.

⁶ Рафъ қилиб – қўтариш, йўқ қилиш.

⁷ Бардошт қилиб – кўтариб.

⁸ Баширкат – шерикликка.

⁹ Ғариб арё – ғаройиб ҳол.

¹⁰ Хилофи – тескариси.

¹¹ Мазмуни Ўн дарвеш бир гиламга сиғади, аммо икки подшоҳ ер юзига сиғмайди.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Ақлий ҳужум»: Ҳусайн Бойқаро ким? 2. Муаллиф кўзқарашилини матндан мисоллар келтириб, тушунтиринг. Муаллифнинг қаҳрамонга муносабатини ифодалаш усулларини аниқланг. 3. Нотаниш сўзларга эътибор беринг, мазмунини жуфтликда талқин қилинг.												
Таҳлил ва талқин	   	1. Ҳусайн Бойқаро ҳақида билган маълумотлар билан қуйидагича ўртоқлашинг. <table border="1" data-bbox="471 775 1175 894"> <thead> <tr> <th>«Биламан»</th><th>«Билишни хоҳлайман»</th><th>«Билиб олдим»</th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td></td><td></td><td></td></tr> </tbody> </table> 2. Асар парчасини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тўлдириг. <table border="1" data-bbox="484 1045 1181 1166"> <thead> <tr> <th>Энг қизиқ лавҳалар</th><th>Ёдда қолган жумлалар</th><th>Бош қаҳрамонга маслаҳатингиз</th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td></td><td></td><td></td></tr> </tbody> </table>	«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»				Энг қизиқ лавҳалар	Ёдда қолган жумлалар	Бош қаҳрамонга маслаҳатингиз			
«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»												
Энг қизиқ лавҳалар	Ёдда қолган жумлалар	Бош қаҳрамонга маслаҳатингиз												
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Ҳусайн Бойқаро ҳақида фикрингизни жамлаш учун «Шоҳ ёки шоир» мавзусида эссе ёзинг.												

Фарғона тасвири

...Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида¹ воқе бўлубтур. Шарқи Қошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур мисли Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким, кутубларда² Тарозкент битирлар, мўғул ва ўзбек жиҳатдин³ бу тарихда⁴ бузулубтур, асло маъмура қолмабтур. Мухтасар⁵ вилояттур, ошлиқ⁶ ва меваси фаровон. Гирдогирди тоғ воқе бўлубтур. Ғарбий тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин⁷ ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғий кела олмас. Сайхун⁸ дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдур, шарқ ва шимолий тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтиб, ғарб сори оқар, Хўжанднинг шимоли, Фанокатнинг⁹ жануби тарафидинким, ҳоло Шохруҳияга машҳурдур, ўтуб, яна шимолға майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хейли қуйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёға қотилмас¹⁰.

Етти пора қасабаси¹¹ бор: беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икиси шимоли жонибида. Жанубий тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, васатта¹² воқе бўлубтур. Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир¹³, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидин¹⁴ яхшироқ ношпоти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин

¹ Маъмуранинг канорасида – обод ернинг четида.

² Кутублар – китоблар.

³ Мўғул ва ўзбек жиҳатдин – мўғул ва ўзбек урушлари натижасида.

⁴ Тарихда – бугунги кунда.

⁵ Мухтасар – ихчам, кичкина.

⁶ Ошлиқ – ғалла, дон.

⁷ Жониб – томон, тараф.

⁸ Сайхун – Сирдарёнинг қадимий номи.

⁹ Фанокат – Бинкет, Банокат, Шохруҳия номлари билан юритулувчи қалъа-шаҳар. Сирдарёнинг шимолий қирғоғида жойлашган.

¹⁰ Қотилмас – кўшилмас.

¹¹ Етти пора қасаба – еттита шаҳри.

¹² Васат – ўрта.

¹³ Вофир – мўл-кўл.

¹⁴ Ношпоти – нашвати (мева).

сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки¹ жануб та-
рафида воқе бўлубтур. Тўққиз тарнов² сув кирар. Бу ажабтурким, бир ер-
дин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдогирди ҳандақнинг тош ёни сангрезалик
шоҳроҳ³ тушубтур. Қалъанинг гирдогирди тамом маҳаллоттур. Бу маҳал-
ла била қалъага фосила⁴ ушбу хандақ ёқасидоғи шоҳроҳтур. Ови қуши
доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким,
бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугата олмайдур. Эли туркдур.
Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам
била ростдур.

Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳи-
рида нашъу намо топибтур⁵, бу тил биладур.

Элининг орасида ҳусн хейли⁶ бордур. Юсуф Ҳожаким мусиқийда
машҳурдур, Андижонийдур. Ҳавосининг уфунати⁷ бор. Қузлар эл безгак
кўп бўлур.

¹ Арк – подшоҳ қароргоҳи, ўрда.

² Тарнов – нов, ариқ.

³ Сангрезалик шоҳроҳ – катта тош, йўл, тошли шоҳкўча.

⁴ Фосила – ажратиб турувчи.


⁵ Нашъу намо топибтур – машҳур бўлган.

⁶ Ҳусн хейли – чиройлилар, хусндорлар.

⁷ Уфунат – бадбўй, сассиқлик.



Тушуниш ва саволларга
жавоб бериш



1. «*Елпиғич*» усули асосида асар юзасидан очиқ ва ёпиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.

2. Нима сабабдан муаллиф Фарғона ҳақида мукаммал маълумотлар қолдирган?

Таҳлил ва талқин



1. «3-2-1» усули асосида парчани таҳлил қилинг. Асардаги 3 асосий ахборот; Қийинлик келтирган 2 масала; Асарда ёққан 1 жиҳат.
2. Парчанинг тарбиявий ва ижтимоий аҳамиятини «Концептуал жадвал» график органиайзери орқали баҳоланг.

Парча ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белги ва тавсиялар		
	«+»	«-»	«?»

Баҳолаш ва
қийёсий таҳлил



1. Парчадан географик билимларни юқори кўрсатувчи жиҳатларни топиб, иш дафтарингизга ёзиб олинг. Замонавий Андижон билан фарқини аниқланг.

2. Бобур берган маълумотлар асосида Фарғона тасвирини харитасини чизинг.

Самарқанд тасвири

Рубъи маскунда¹ Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмағон учун балдаи маҳфуза² дерлар. Самарқанд ҳазрати амирулмўъминин³ Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг⁴ тошидадур. Ҳоло мазори Шоҳға⁵ машҳурдур. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек подшоҳ Самарқандни пойтахти қилғон эмастур. Қўрғонини фасилнинг⁶ устидин буюрдумким, қадам урдилар, ўн минг олти юз қадам чиқти.

Эли тамом сунний ва пок мазҳаб ва муташарриъ⁷ ва мутадаийин⁸ элдур. Ҳазрати рисолат⁹ замонидин бери ул миқдор айммаи¹⁰ исломким, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским, мунча пайдо бўлмуш бўлғай. Шайх Абумансурким, айммаи каломиндиндур, Самарқанднинг Мотрид отлиқ маҳалласидиндур. Айммаи калом икки фирқадур, бирни мотридия дерлар, бирни ашъария дерлар. Мотридия Шайх Абумансурга мансубдур. Яна соҳиби «Саҳиҳи Бухорий» Хожа Исмоил Хартанг¹¹ ҳам Мовароуннаҳрдиндур. Яна соҳиби «Ҳидоя» ким¹², Имом Абу Ҳанифа мазҳабида «Ҳидоя»дан мўътабарроқ китоби фикҳ кам бўлғой, Фарғонанинг Марғилон отлиқ вилоятидиндур, ул доҳили Мовароуннаҳрдур¹³.

Маъмураинг канорасида воқе бўлубтур. Шарқи Фарғона ва Кошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳруҳияким, Банокат би-

¹ Рубъи маскун – ернинг одамлар яшайдиган қисми.

² Балдан маҳфуза – муҳофаза қилинадиган шаҳар.

³ Амирулмўъминин – мусулмонлар амири.

⁴ Оҳанин дарвоза – Самарқанд дарвозаларидан бири.

⁵ Мазори Шоҳ – Шоҳизинда қабристони.

⁶ Фасил – қалъа девори.

⁷ Муташарриъ – шариатга амал қилувчи.

⁸ Мутадаийин – диёнатли.

⁹ Ҳазрати рисолат – пайғамбар алайҳиссалом.

¹⁰ Аймма – пешволар, олимлар.

¹¹ Соҳиби «Саҳиҳи Бухорий» Хожа Исмоил Хартанг – «Саҳиҳи Бухарий» китоби-нинг муаллифи Хожа Исмоил ал-Бухорий.

¹² Соҳиби «Ҳидоя-ким» – «Ҳидоя» китоби эгаси Бурхониддин ал-Марғиновий.

¹³ Доҳили Мовароуннаҳр – Мовароуннаҳрга тегишли.

тирлар, жануби Балх ва Тирмиз. Кўҳак суйи¹ шимолидин оқар, Самарқанддин икки курух² бўлғай. Бу сув билан Самарқанд орасида бир пушта³ тушубтур, Кўҳак дерлар. Бу руд⁴ мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айириб турлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқанддин бир шаръий⁵ бўлғой. Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қорақўлгачаким, ўттуз-қирқ йиғоч⁶ йўлга ёвуқлашур⁷ Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур. Мундоқ улуғ дарё асло зироаттин⁸ ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорога сув етмас. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машхурдур: себи⁹ Самарқанд ва соҳибийи¹⁰ Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Қобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Қобулча йўқтур.

Темурбекнинг ва Улуғбек Мирзонинг имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўк саройға мавсум ва машхур¹¹ ва бисёр олий имораттур. Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин¹², аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида¹³ бу оятни «Ва из ярфау Иброҳимал-қаво-ида (ило охириҳи)»¹⁴ андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир курух ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий имораттур. Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза даврозасиғача хиёбон қилиб, тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар. Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида¹⁵ Кониғилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибтур. Нақши жаҳонға мавсум. Мен кўрган

¹ Кўҳак суйи – Зарафшон дарёси.

² Курух – масофа ўлчови: тўрт минг газ.

³ Пушта – тепалик.

⁴ Руд – ариқ, канал.

⁵ Шай – масофа ўлчови: 2-3 километр.

⁶ Йиғоч – масофа ўлчови: тахминан 8 километр.

⁷ Ёвуқлашур – яқинлашади.

⁸ Зироат – деҳқончилик.

⁹ Себ – олма.

¹⁰ Соҳиби – узум нави.

¹¹ Кўк саройға мавсум ва машхур – Кўксарой номи билан машхур.

¹² Сангин – тошли, тошлоқ. Тош йўнувчилар «сангтарош» дейилади.

¹³ Пештоқи китобаси – бинонинг олд томони тепасидаги ёзув.

¹⁴ Маъноси – «Ва мана, Ибраҳим уйнинг асосини кўтарди...» («Қуръон», «Бақара» сура-си. 126-оятдан).

¹⁵ Доманасида – этагида.

маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъага ёвуқтур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳишттур. Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош қўрғонида – Чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самарқандта подшоҳлик қилибтур аларнинг қабри ул мадрасададур.

Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар. Яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур, Мирзо ҳаммомиға машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур¹. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай. Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий² ва хитой нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи³ ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибо, бу масжид қибласининг самти⁴ мунажжим тариқи⁵ била амал қилибтурлар. Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким⁶, зич⁷ битмакнинг олатидур⁸. Уч ошёнликдур. Улуғбек мирзо бу расад била Зичи кўрогонийни битибтурким, оламда ҳоло бу зич мустаъмалдур⁹. Ўзга зич била кам амал қилурлар. Мундин бурун Зичи Элхоний мустаъмал эдиким, Хожа Насир Тусий Ҳалокухон замонида Мароғида расад боғлатибтур. Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Ғолибо, оламда етти-саккиз расад беш боғламайдурлар. Ул жумладин бир, Маъмун халифа расад боғлабтурким. Яна бир Ҳиндустонда рожа Бикраможит ҳинду замонида Ўжин ва Даҳордаким, Молва мулкидур, ҳоло Мандуға машҳурдур. Яна бир расад қидибтурдар, ҳоло ҳиндуларининг мустаъмал Ҳиндустонда ул зичдур. Бу расадни боғлагони минг беш юз саксон тўрт йилдур. Бу ул зичларға боқа ноқисроқтур¹⁰.

Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур. Боғи Майдонға мансуб. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсутун¹¹

¹ Фаршлар қилибтур – йўнилган силлиқ тош билан қоплаган.

² Ислимий – ўсимликсимон (бўртма ёки чизма) нақш тури.

³ Сақф – шифт.

⁴ Самт – томон.

⁵ Мунажжим тариқи – астроном услуби (Матн мазмуни: Афтидан, бу масжид қибласини белгилашда астроном услубига амал қилганлар).

⁶ Расад – Расадхона, Улуғбек обсерваторияси.

⁷ Зич – юлдузлар ҳолатини кўрсатувчи жадвал.

⁸ Олат – қурилма, асбоб.

⁹ Мустаъмал – қўлланади, амалда.

¹⁰ Ноқис – нуқсонли.

¹¹ Чилсутун – луғавий маъноси: қирқ устун.



дерлар, ду ошёна¹, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар² қўпорибтурларким, юқориға чиқар йўлар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзиний морпеч хиёра³ қилибтурлар. Юққориғи ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара⁴ уйдур. Иморат курсисисни⁵ тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тўли⁶ тахминан ўн тўрт-ўн беш қари⁷ бўлғой, арзи⁸ етти-секкиз қари, умқи⁹ бир қари. Мундоқ улуғ тошни хейли йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлғойдур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси¹⁰



тамом чиний, Чинийхона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур, Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар, тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амредур¹¹, ҳеч ким мунинг сиррини билмас.

Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияте борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг¹² бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут¹³ эмастур, тавр расмедур¹⁴. Хуб нонватаклари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Кони гилдан келаду. Конигил Сиёҳоб¹⁵ ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар.

¹ Ду ошёна – икки қаватли.

² Бурж – қалъа ёки қўрғоннинг бурчакларида қуриладиган минорасимон бино.

³ Морпеч хиёра – илон изи шаклидаги нақш кўриниши.

⁴ Чордара – тўрт томони эшикли.

⁵ Иморат курсиси – пойдевор.

⁶ Тўли – бўйи, узунлиги.

⁷ Қари – қарич.

⁸ Арзи – эни.

⁹ Умқи – чуқурлиги.

¹⁰ Изора уй деворининг ер ва точка орасидаги қисми ва шу қисмга копланадиган қоплама.

¹¹ Ғариб амре – ғаройиб, ҳайратланарли иш.

¹² Ҳирфагер – ҳунарманд.

¹³ Махлут – аралаш.

¹⁴ Тавр расмедур – ажойиб расм (одат).

¹⁵ Сиёҳоб – Қорасув.

Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким¹, атроф ва жавонибқа² элтарлар.

Гирдогирдида яхши ўланглари³ бор. Бир машҳур ўланг Конибил ўлангидур. Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидадур, бир нима шимолға монил, бир шарийий бўлғой. Қорасувким, Обираҳмат ҳам дерлар, Конибилнинг ўртасидин оқар, етти-секкиз тегирмон суйи бўлғой. Бу сувнинг атрофи тамом обгирдур⁴. Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур, вале тарихларда Конибил битирлар, хейли яхши ўлангдур. Самарқанднинг салотини⁵ ҳамиша бу ўлангни қўруқ⁶ қилурлар. Ҳар йил бу ўлангга чиқиб, бир ой-икки ой ўлтурурлар. Бу ўлангдин юқориноқ шарқи жануб сари яна бир ўланг воқе бўлубтур: Хон юртига мавсум⁷, Самарқанднинг шарқидур. Самарқанддин бир йиғоч бўлғай. Бу Қорасув анинг ораси бида ўтуб, Конибил борур. Хон юртида бу Қорасув андоқ юқориноқ эврлуб⁸ келибтурким, ичида бир ўрду тушгунча ер бўлғай. Чиқар ери хейли тор воқе бўлубтур. Бу ернинг сарфасини⁹ кўзлаб, Самарқанд муҳосараси¹⁰ неча маҳал мунда ўлгуруб эди. Яна бир ўланг Бўдана қўруғидур, Дилкушо боғи бида Самарқанд орасида воқе бўлубтур. Яна бир Кўли мағок¹¹ ўлангидур, Самарқандтин икки шарийига ёвушқай, ғарб саридур, бир нима шимолға мойил, Бу ҳам тавр улангедур. Бир ёнида бир улуг кўл воқе бўлубтур, бу жиҳаттин Кўли мағок ўланги дерлар. Самарқанд муҳосарасида мен Хон юртида ўлтурғонда бу ўлангда Султон Али Мирзо ўлтуруб эди. Яна бир Қўлба ўлангидур, бу мухтасарноқ ўлангдур. Шимоли Қўлба кенти¹² ва Қўҳак дарёси, жануби Боғи Майдон ва Дарвеш Муҳаммад тархоннинг¹³ чорбоғи, шарқи пуштаи Қўҳак.

¹ Қирмизи маҳмал – қизил баҳмал (мат).

² Жавониб – томонлар.

³ Ўланг – яйлов, ўтлоқ.

⁴ Обгир – кўл, сув босган ер.

⁵ Салотин – султон сўзининг кўплиги: султонлар, шоҳлар.

⁶ Қўруқ – ёзлик истироҳатгоҳ, қўриқхона.

⁷ Хон юртига мавсум – Хон юрти деб юритилади.

⁸ Эврлуб – айланиб, буралиб.

⁹ Сарфа – фойда, манфаат.

¹⁰ Муҳосара – қамал.

¹¹ Мағок – чуқур.

¹² Кент – қишлоқ.

¹³ Тархон – хизматлари учун подшоҳ томонидан солиқ ва тўловлардан озод қилинган шахс.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Парча мазмунини қайта ҳикоя қилинг. Қайси буюк инсонлар тўғрисида маълумотлар келтирилган? 2. Муаллифнинг иморатларга хос хусусиятларни тасвирлаган ўринларга эътибор беринг. Адиб, асосан, қандай жиҳатларга ўз диққатини қаратган?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	  	1. Парчани «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг. а) таҳлил қилиш – парча мазмуни бўйича 5 та савол тузинг; в) аниқлаш – берилган парчанинг қайси банди энг муҳим эканлигини далилланг; с) боғлаш – берилган маълумотларни тарих, география билан боғланг; д) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни яқунланг. 2. Самарқанднинг бошқа шаҳарлардан фарқ қиладиган жиҳатларини аниқлаш учун гуруҳда харита чизинг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	  	1. Парчадаги тасвирларни замонавий географик маълумотлар билан солиштиринг ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билдиринг. 2. Асрлар оша Бобур тасвирлаган шаҳар қиёфалари қанчалик ўзгарган? Тақдимот тайёрланг.

МЕМУАР АСАР

Мемуар французча сўз бўлиб, «эсдаликлар» маъносини билдиради. Муаллифнинг ўзи қатнашган ёки ўз кўзи билан кўрган воқеалар ҳикоя қилинган асар мемуар асар дейилади. Бобурнинг «Бобурнома», Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» сингари асарлари мемуар асарлар сирасига киради.

Воқеалар, одамлар ҳақидаги маълумотларни бериш йўсинига кўра мемуар асарлар кундаликларга ўхшайди. Тўқималарнинг йўқлиги, хронологияга амал қилинганлиги, далилларга бойлиги жиҳатидан эса илмий асарларга яқин туради. Мемуар асарларни тарихий ва бадий тарзда икки турга ажратиш мумкин. Бу ҳол тарихий мемуарларда бадийлик, бадий ёдномаларда эса тарихийлик белгилари бўлиши мумкинлигини инкор этмайди.

Мемуар асарларда ҳикоячи-муаллиф тасвир марказида туради. Бу жиҳатдан «Бобурнома» диққатга сазовор. Чунки унда тасвирланган барча воқеаларда ё муаллиф қатнашган ёки унинг нуқтаи назари ҳал қилувчи ўрин тутган. Асарда Бобур тасвир ҳақиқати йўлида ўзини ҳам, яқинларини ҳам аямайдиган мард ва дилбар шахс сифатида намоён бўлган. «Бобурнома» мемуарида сохталик, сунъийлик мутлақо сезилмайди.

II БЎЛИМ

ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ УЙЎОТМОҚ, НЕ БАХТ



АМИРИЙ

(1787–1822)

Ўзбек адабиёти тарихида «Қўқон адабий муҳити» деб аталадиган эстетик ҳодисанинг асосчиси, Қўқон хони (1810–1822), иқтидорли шоир ва кучли сиёсий арбоб Умарбек 1787 йилда минг уруғининг хонлик тахтига дахлдор вакилларида бири Норбўтабий хонадониди туғилди. Замонасининг тасаввуф илмидан яхши хабардор етук устозларидан бўлмиш Муҳаммад Ёқуб қўлида жуда чуқур таҳсил кўрган. Шу сабаб Умархон ёзган асарларида сўфийлик излари яққол кўзга ташланади.

Умархон Амирий таҳаллуси билан ижод қилган. Унинг ўзи ижод билан шуғулланибгина қолмай, ўз даври ижодкорларига қилган ҳомийлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унинг даврида Увайсий, Нодира, Дилшод Барно сингари аёл шоираларнинг ижод қилишига имкон туғдирилди. Шунингдек, Акмал, Гулханий, Махмур, Фазлий, Мушриф, Мирзо Қаландар, Мулла Абдукарим, Хон ва бошқа бир қатор шоирлар ижоди равнақ топди. «Мажмуат уш-шуаро» тазкираси Амирий ҳомийлигида дунёга келди. Унинг саройи маърифат ва ижод аҳли учун очик эди.

Амирий Алишер Навоийга эргашиб, ундан кучли таъсирланган ҳолда ижод қилди. Айни вақтда, унинг ўз услуби, ўз ифода йўсини бор эди. Шу жиҳатлар унинг асарларини бугунги кун ўқувчисига ҳам ўқимишли қилади. У ҳаётлигида бир девон тартиб берган шоирдир. Амирий машҳур шоира Нодирабегимнинг умр йўлдоши ва Хон таҳаллуси билан шеърлар ёзувчи Мадалихоннинг отаси эди.

Амирий ҳукмдор сифатида ҳам қатор хайрли ишларни амалга оширган. Чунончи, у ҳозирги Андижон вилоятига қарашли Шахрихон шаҳрига асос солган. Бир неча қишлоқлар бино қилди. Бир қатор ариқлар қаздириб, янги ерлар очдириб, халқининг ҳаётини яхшилашга уринди.

Шоир Амирий 1822 йилда 35 ёшида вафот этди.



Ғазаллар

Қизартиб чехра майдин ошиқи зорингни куйдирма,
Юзингга бодадин ўт солма, гул узорингни¹ куйдирма.

Ёнар ўтга хусумат айласа бўлғайму, эй зоҳид,
Муҳаббат аҳлига дам урма, дасторингни куйдирма.

Эрур саргаштаи мақсуди имон ёр гисуи²,
Кириб зоҳид сўзиға ушбу зуннорингни³ куйдирма.

Белу оғзи хаёлин муғтанам⁴ бўлмайсан эй кўнгул,
Наким йўқдир анга шукр айла, йўқу борингни куйдирма.

Ўлимдин ҳам эрур шўрроқ рашк ўти ошиқға,
Боқиб ағёрға бу хаста афкорингни куйдирма.

Гулу рухсор савдосида, жоно хоро бўлмишман,
Тароват берма бу гулзорға хорингни куйдирма.

Амир, ошиқларға яъси⁵ муҳаббат ҳам вафодиндур,
Боқиб ҳар дилрабоға рашкдин орингни куйдирма.

Табибо, шарти ўйнаб ичарга бермоғин яндим⁶,
Лабидин талху ширин сўз эрур доруйи гулқандим.

Агар ишқингни таркин қилмасам хор этма, эй золим,
Юзингни музҳафидин эрди бу сўзда савгандим.

Кел, эй машшота, раҳм эт, ёр зулфиға тароғ урма,
Эрур жон риштасидин они ҳар ториға пайвандим,

Лабидин ком топдим, эй Масихо, урмагал дамким,
Мани бир сўз ила тиргузди ул шакархандим,

Балодур зулфи пуртоби⁷, Амир, андин кўнгул узма,
Ки ҳар ториға бир пайванд зрур пайван-пайвандим.



¹ Узор – юз, чехра.

² Гису – соч.

³ Зуннор – насронийлар белбоғи.

⁴ Муғтанам – ўлжа, ғанимат.

⁵ Яъс – маъюслик, умидсизлик.

⁶ Яндим – ялиндим.

⁷ Пуртоб – ярқироқ.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Ягона давра» усули орқали ғазални ўрганинг. 2. Ғазалдаги: «Қизартиб чеҳра майдин ошиқи зорингни куйдирма, Юзингга бодадин ўт солма, гул узорингни куйдирма», мисраларида ифодаланган мазмунни тушунтиринг.				
Таҳлил ва талқин	   	1. Ғазалдан зоҳид салласини ёндирадиган қудрат нималигини ифодалаган ўринларни аниқланг ва изоҳланг. 2. «Соябон» усули орқали шеър юзасидан олган тушунчаларингизни айтинг. 3. «Табибо, шарти ўйнаб ичарга бермогин яндим, Лабидин талху ширин сўз эрур доруйи гулқандим» тасвири замирига бекитган муддаосини аниқланг. 4. Амирий ғазалларида қандай тасвирий воситалар ишлатилганига эътибор бериб, жадвални тўлди-ринг. <table><tr><td>Тасвирий воситалар</td><td>Далиллар</td></tr><tr><td></td><td></td></tr></table>	Тасвирий воситалар	Далиллар		
Тасвирий воситалар	Далиллар					
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Асарнинг авж нуқтасини топинг. 2. Амирийнинг ҳаёти ғазалларида қай даражада акс этгани ҳақида фикр юритинг. 3. Тарихий маълумотларга суянган ҳолда Амирий-нинг хонлик ва шоирликдаги ютуқларига баҳо беринг.				

Лаб уюр¹ такаллумга, зулфингни паришон қил,
Қанд қийматин синдур, нархи анбар арзон қил.

Хусн шоҳисен, жоно, бу ҳазин гадоларға,
Кўз учи ила боқиб, хайр бирла эҳсон қил.

Ишқ диниға мункир бўлса ошиқи ҳудбин,
Эй санам, лиқо² кўрсат, габрни³ мусулмон қил.

Истасанг кўнгулларни ғамза ёйиға партоб⁴,
Қошларинг ҳилолини моҳи ийди қурбон қил.

Шўхчашми навхостсан⁵, ноз даштида сайр эт,
Гарди ҳоки пойингни сурмаи ғазолон⁶ қил.

Ёр лаълидин ҳарфе айладим, Амир, иншо,
Эй кўнгул, бу гавҳарни жон ичинда пинҳон қил.

Қошингға тегузмагил қаламни,
Бу хат била бузмагил рақамни.

Бутхоналар ичра ҳеч тарсо,
Бир кўрмади сен каби санамни.



¹ Уюр – бур, оч.

² Лиқо – юз, бет.

³ Габр – оташпараст.

⁴ Партоб – отиш.

⁵ Навхост – 1. Янги очилган гул. 2. Ёш.

⁶ Ғазолон – урғочи кийик, яъни қиз бола.

Ошиқларингга тараххум¹ этгил,
Кўп айлама жабр ила ситамни.

Кўнглум қуши тойири ҳариминг²,
Сайд этма кабутари ҳарамни.

То беватан ўлмасин кўнгуллар,
Зулфунгдин аюрма печу хамни³.

Йўлунгда ғубори роҳ бўлдим,
Бошимга етурмадинг қадамни.

Иқлими вафо Амиридурсен,
Эй шоҳ, бу гадоға қил карамни.

¹ Тараххум – раҳм, марҳамат.

² Ҳарим – ҳарам. Мисранинг мазмуни: менинг кўнглим сенинг ҳарамингдаги қуш.

³ Печу хам – ўралган, буралган, чувалган (зулфга тегишли).



<i>Тушунтиш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Жон ичида яширилиши лозим бўлган гавҳар нима эканлиги ҳақида мулоҳаза юритиб кўринг. 2. Ҳазалда ошиқ ҳолати ва армони қай сатрларда ёрқин ифодаланган?
<i>Таҳлил ва таълқин</i>	   	1. Ҳазалда ифодаланган <i>«Лаб уюр такаллумга, зулфингни паришон қил, Қанд қийматин синдур, нархи анбар арзон қил»</i> сатрларида жонон лаби ва зулфининг ҳолати билан қанд ҳамда анбар нархи ўртасидаги боғлиқликни аниқланг. 2. <i>«Истасанг кўнгулларни ғамза ёйиға партоб, Қошларинг ҳилолини моҳи ийди қурбон қил»</i> сатрлари маъносини шарҳланг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. «Балиқ скелети» усули орқали тушунчаларингизни умумлаштиринг.

Нега арбоби хирад аҳли жунундан ори бор?
Ким булар урён аларнинг жуббайи дастори бор.¹

Гул юзунг олида зоҳир қилди шабнамдин арақ,
Ғунча хомушу лабингни гавҳари гуфтори бор.

Бўлма маҳзун боғбон, боғингга кирмас маҳвашим,
Сарвдур қадди ани, рухсоридин гулзори бор.

Соқие, май бирла бир соат мени шодон қил,
Нотавон кўнглумни ҳижрон дардидан озори бор.

Эй кўнгул, динингни пинҳон асра ишқ атворида,
Қошини ҳар бир хамида кўз деган айёри бор.

Кўҳкан Ширинга ошиқ бўлди, Мажнун Лайлига,
Ким муҳаббат шаҳрида ҳар кимсани бир ёри бор.

Риштаи зулфини бўйнулда кўруб таън айламанг,
Бир бираҳман бут йўлида бўйнида зуннори бор.

Ёр ишқидин парилар эътироз айлар магар,
Ҳар бирини бўйнида таъвиз ила туммори бор.

Дилраболар ичра яктолиққа машҳур ўлса, лек
Кўйида мен телба янглиғ бениҳоят зори бор.

Эй пари, бир кун бузук кулбам сари қилғил хиром,
Ҳеч агар йўқтур замони сояйи девори бор.

¹ Ушбу ғазал Амирий ва Нодира томонидан мушоира тарзида, яъни унинг биринчи мисраси Амирий, иккинчиси Нодира томонидан ёзилган.

Не сабабдин ўлмасун обод кўнглум кишвари,
Ишқ шоҳидек Амири маъдилат осори бор.

* * *

Бўлди то табдин ҳарифи лаъли жононим анор,
Гул қилур хуни жигардин хори мижгоним анор.

Хусн боғи мевасига ёр ноз айлаб деди:
Лабларим анжирдур, себи занахдоним анор.

Боғ гул бирла анориға агар ноз айласа,
Ёр айтур: Оразим – гул, лаъли хандоним – анор.

Лаблари шафтолусига зормен, эй боғбон,
Тўкмасун беҳуда истиғно била қоним анор.

Шарбатим қондур агар топсанг ул ой базмиға бор,
Лаъли хандониға еткур арзим, эй жоним, анор.

Ёралиғ кўнглумни кўз ёшида қилдим парвариш,
Ким эрур бу боғ аро мақбули султоним, анор.

Себи ғабғаблар фироқида биҳидек сарғориб,
Қон ютарменким эмастур боби дандоним анор.

Кўз, лабинг унноби ҳижронида йиғларким, тўкар
Қатра-қарта қон ёшимдин жайбу домоним анор.

Оразинг раммонини бу бўғ аро истар, Амир,
Муддаодур анго, эй сарви хиромоним, анор.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Амирий ва Нодиранинг мушоира тарзида битилган ғазалини мазмун-ғояси ҳақида фикр юритинг. 2. Мушоира жанри ҳақида нималар биласиз? 3. Амирий ва Нодиранинг ижоддаги ўзаро ҳамкорлигининг ижобий ва салбий томонларини тушунтиринг.
<i>Таҳлил ва таъқин</i>	   	1. Ғазалдаги асосий мавзун аниқланг. 2. Ғазал жанри ҳақида ўрганган маълумотларингизни синфга тақдим этинг. 3. «Концептуал жадвал» усули орқали ғазални фарқли томонларини кўрсатинг. 4. Ғазалда қандай шеърий санъатлар қўлланган?
<i>Баҳолаш ва қийсий таҳлил</i>	 	1. «БББ» усули орқали Амирий ва Нодира ижоди ҳақидаги тушунчаларингизни умумлаштиринг. 2. «Елпиғич» усули орқали асар юзасидан олган тушунчаларингизни мустаҳкамланг.

ҒАЗАЛ ТУРЛАРИ

Мумтоз шеърятда шакл, анъаналар ижодни, илҳомни бўғувчи қолип эмас. Ижодкор илҳоми маҳсулини муайян бир қолипга мўлжаллаб, мосламайди, балки шеър анъаналарига мувофиқ фикрлаш илҳом даражасига келганлигидан, асосан, асарлар ўз талабларига мос келади. Мос тушмагани эса жуда ҳам бегона бўлмайди. Ғазаллар мазмунни акс эттириш услуби, ишлатиладиган сўзлар, мавзу, шаклий белгиларига кўра тўрт мустақил кўринишга бўлинади:

1) мустақил байтлардан тузилган ғазал; 2) якпора ғазал; 3) воқеабанд ғазал; 4) мусалсал ғазал.

Мустақил байтлардан тузилган ғазаллар мазмун жиҳатидан тарқоқ бўлади. Уларда ягона бадиий мазмун, мавзу бўлмайди. Бундай ғазалларнинг ҳар бир байти ўзича мантиқий тугал мазмун ташийдиган. Уларнинг бир ғазал доирасида бирикишини қофия, радиф, вазн сингари бадиий бирликлар таъминлайди. Бундан ташқари уларни муаллифнинг бадиий мақсади ҳам бирлаштиради. Бу ғазаллар ички имкониятларига кўра якпора ва воқеабанд ғазаллардан устундир.

Якпора ғазалларда барча байтлар бир бадиий мақсадга хизмат қилади – бир мавзунинг ёритиш йўлида ўзаро боғланади. Ушбу услубда матлаъда тилга олинган мавзунинг мақтагача изчил давом эттирилиши кўзда тутилади, бироқ бунда маъновий изчиллик устун турганлиги ҳамда бадиий изчиллик шарт қилиб қўйилмаганлиги билан мусалсал ғазалдан фарқ қилади. Якпора ғазал имкониятлари ғазалиётда ижтимоий мазмундорликнинг кучайишига олиб келди.

Воқеабанд ғазалда воқеликнинг бутун, тугал қисми акс эттирилади. Воқеабанд ғазаллар мазмун-мундарижасига кўра икки хил бўлади: бирор конкрет тарихий воқеа тасвирига бағишланган ғазал; шунчаки лирик сюжетга эга ғазал. Табиийки, жанр имкониятларидан келиб чиққан ҳолда воқеабанд ғазаллар сюжети кичик, асосан, лирик кечинмалар билан боғлиқ бўлади. Воқеабанд ғазаллардаги барча мисра ва байтлар ягона бадий мақсадга хизмат қилганлиги, йўналганлиги важдан булар тўлиғича якпора ғазаллардир. Сюжетли асар битиш учун жанр имкониятлари торлик қилганлигидан воқеабанд ғазаллар жуда кам.

Мусалсал ғазалдаги байтлар занжир (силсила) халқалари каби ўзаро боғланган, кетма-кет ва босқичма-босқич давом этади. Ғазалнинг матлаъсидан мақтаъсигача байтларнинг ўзаро мантиқий, бадий узвийлик, босқичма-босқичлик принципи асосида қурилишига мусалсал ғазал дейилади. Тадрижий давом этган ҳар қандай ғазал ҳам мусалсал бўлавермайди. Чунки мусалсалдаги мисралар тартиби айнан мантиқий кетма-кетликда бўлмоғи лозим, бунда тартибнинг ўзгариши мумкин эмас. Унда тадрижий тарзда бирор буюм, хусусият, тимсол таърифланиши мумкин, ушбу услубдаги ғазалларда воқеа, сюжетнинг бўлиши шарт эмас. Мусалсаллик, яъни тадрижийлик бутун ғазал давомида бўлсагина, бу ғазал мусалсал бўлади. Бу нафақат ғазалнинг маъновий, балки шаклий – бадий жиҳатларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳар тўрт кўринишда ҳам юксак бадий савияга эга ғазаллар яратиш мумкин. Бу тўрт йўл эса уларнинг экспрессивлик даражасининг ошиши, бадий жиҳатдан янада мукаммаллашуви ҳамда тушунарлилигини оширишга хизмат қилади.



ЗАВҚИЙ


(1853–1921)

Убайдулло Солиҳ ўғли Завқий 1853 йилда Қўқон шаҳрининг Шайхон даҳасида майда ҳунароманд оиласида дунёга келди. Отаси маҳсидўзлик билан шуғулланар, оила моддий қийинчиликда ҳаёт кечирарди. Лекин қобилиятли Убайдуллони маърифатли қилиб тарбиялашга интилган уста Солиҳ ўғлини аввал мактабга ўқишга беради. Сўнг бўлажак шоир 1870-1871 йилларда Қўқондаги «Мадрасаи олий» ва «Мадраси чалпак» мадрасаларида таҳсил кўради. Турмуш шароитининг оғирлиги туфайли Убайдулло мадрасани тарк этишга мажбур бўлади, ота касби косибчилик билан шуғулланиб, рўзгор тебратади. Лекин у шарқ шеъриятининг ўзбек ва форс тилидаги энг нодир намуналарини тинимсиз ўқиб боради. Бадий ижодга қизиқиш ёш шоирни Муқимий, Фурқат, Нусрат, Муҳаййирлар билан учраштиради. Шуларнинг таъсирида Убайдулло ҳам Завқий таҳаллуси билан шеърий машқлар қилади.

Завқийнинг косиблар орасида баланд эътиборга эғалигини ҳамда ишчанлигини пайқаган Қўқон шаҳридаги пойафзал растасининг хўжайини Мўминбой уни мирзоликка таклиф қилади. Бир неча йил Мўминбой хизматида бўлган Завқий ўз вазифаси тақозоси билан Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Ўш, Андижон, Наманган, Хўжанд, Тошкент каби шаҳарларга боради. Савдо иши билан бир қаторда у халқ ҳаёти билан танишади. Шоир хўжайини ва унинг укаларини танқид қилувчи ҳажвий шеърлари туфайли ишидан ажралиб, шеър ёзиш билангина машғул бўлади.

90-йилларда Завқийнинг отаси, икки укаси вафот этади. Умр йўлдоши Тожиббининг кўзлари кўрмай қолади. Кетма-кет зарбалардан бир оз бўлса-да чалғиш мақсадида шоир Муқимийга ҳамроҳлик қилиб, водий қишлоқларини айланади. 1900 йилда Завқий тоғаси Муҳаммад Сиддиқ билан ҳаж сафарига отланади ва уч йил мобайнида ана шу муқаддас фарзни адо этади. У 1903 йилнинг кузига яқин Қўқонга кириб келганда, Муқимий дунёдан ўтган, Фурқат чет элга кетган эди.

Октябрь тўнтариши Завқийнинг ҳаётида ўзига хос босқич ясади. У жамиятда ижтимоий адолат ўрнатилишга ишонади, шунинг учун ҳам «Қўқон мухторияти», «Беклик (босмачилик) ҳаракати» сингари ҳодисаларга салбий муносабатда бўлди. Унинг «Фарғона», «Роҳзан (йўлтўсар) Эргаш» сингари ҳажвий шеърлари туфайли Эргаш қўрбошининг йигитлари Завқийни ушлаб олиб, қаттиқ азоблайдилар. 1921 йилнинг май ойида Завқий вафот этади. Завқийдан жуда катта миқдордаги шеърий асарлар мерос қолди. Унинг лирикаси қанчалик машҳур бўлса, ҳажвий асарлари ҳам адабиётимиз тараққиётида шундай ўрин тутди.



Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, билки расвои жаҳон бўлди.

Назокат орттурай десанг, мисоли ғунча хомуш бўл,
Надинким оғзини то очди гул, барги хазон бўлди.

Чаманда аргувондек суратаро бўлмағинг хуб йўқ,
Пишарда мевасиз шармандадур, сирри аён бўлди.

Агар иззатталабсан, камнамолиғ орзусин қил,
Қаю ажнос¹ бисёр ўлса, суди йўқ, зиён бўлди.

Садафлар кўп оғиз очмак билан кўкси бўлур холи,
Ки баъзиси лабин кам во қилиб² дурри ягон бўлди.

Эй Завқий, хаста оғзинг кам очиб, ибрат кўзинг очғил,
Ажабким, қўл яқода юргудек турфа замон бўлди.

¹ Ажнос – жинс, нарса.

² Во қилиб – очиб.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Завқий ҳаёти ва ижодини «Жигсо» усули орқали ўрганинг. 2. <i>«Назокат ортурурай десанг, мисоли гунча хо-муш бўл, Надинким огзини то очди гул, бар-ги хазон бўлди»</i> матлаъсини ҳаётий ва бадий жиҳатдан шарҳланг.
Таҳлил ва талқин	   	1. «Ягона давра» усули ғазал сатрлари замиридаги ҳаётий ҳақиқат ва ҳикматни тушунтиринг. 2. Шеърнинг: <i>«Завқий, хаста огзинг кам очиб, ибрат кўзинг очил, Ажабким, қўл яқода юргудек турфа за-мон бўлди»</i> мисраларини шарҳланг.
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Ғазалнинг асосий ғоясини айтинг. 2. Матн юзасидан очиқ ва ёпиқ саволлар тузинг.

Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл!
Ақчадин лангар чўп ушлаб, растанинг дорбози бўл!

Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи кар анга,
Бир ҳовуч олтин, кумушнинг хушжаранг овози бўл.

Тегмагай ҳаргиз нишонга отган ўқ юз ҳажв ила,
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳ тийрандоз¹ бўл.

Истамас бўлса замона Завқий ёзган шеърини,
Ким эшитсин арзини хоҳ рози, хоҳ норози бўл.

Нетай

Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай,
Сарф этарға хазона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Маскани кўз ичра десам, мардум аро калон экан
Таклиф этарға хона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Эски бузуқ ҳаробада чуғздек айладим ватан
Бир тузук ошёна йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Манъ этарга келмагин, кўп эмиш истихоралар,
Мундин ўтар баҳона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Таъна занонлар ўқлари кўксимизи ҳадаф қилур,
Қелмагинин нишона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Журъаи жоми васлидин бермаса-бермасун менга
Базми майи муғона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Кундузи партав афканим бўлмаса шамъи анжуман
Ваъдаси бир шабона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Жону кўнгулни(нг) торини, соз чекарга шунчаким,
Мутриби хуш тарона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

¹ Тийрандоз – ўқчи, мерган.

Кўзни тикиб қудумига токай ўлурман интизор,
Илмаса кўзга кулбами, келмаса-келмасун нетай.

Ишқ элини(нг) додига солмаса юрту эл қулоқ
Одили бир замона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Ул кўзи ваҳшимиз буён бўлмаса ром не ажаб,
Завқийда дому дона йўқ, келмаса-келмасун нетай.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Ҳазални ифодали ўқинг. Шоирнинг ҳазал матлаъ-сидаги чақириғини қандай тушундингиз? 2. Шоирнинг: <i>«Тегмагай ҳаргиз нишонга отган ўқ юз ҳажв ила, Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳ тийрандози бўл»</i> тарзидаги умидсизлиги сабабини изоҳланг.
Таҳлил ва таълқин	   	1. Ҳазал мақтаъсини шарҳланг. 2. Асарда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари тасвирланган мисраларни топиб, уларни шарҳ-ланг. 3. Асарнинг мазмуни ва ифода тарзига эътибор бе-ринг. 4. Ҳазалларда ишлатилган тасвирий воситаларга эътибор бериб, уларни муҳокама қилинг.
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Ҳазаллардан бирини ёд олинг. 2. Шоирнинг бадиий маҳоратига баҳо беринг.

Юзингни кўрсатиб аввал ўзунга бандалар қилдинг,
 Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг,
 Жамолинг партавин¹ солиб, ажойиб жилвалар қилдинг,
 Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар қилдинг,
 «Сенга мен то қиёмат ошно», деб ваъдалар қилдинг.

Қани, менга вафои аҳд қилғонинг, гули ғунча,
 Қани, булбулсифат олдингда тургоним очилғунча,
 Қани, бизларга ҳамсухбат рақиблардек тонг отқунча,
 Сани дарди фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,
 На деб эй меҳри йўқ, мен хаста қулга ғамзалар қилдинг.

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,
 Тикандек сухбатингда бир гули норинг бўлурман деб,
 Жафони сенга оз айлаб, вафодоринг бўлурман деб,
 Умидим кўп эди, ёлғиз харидоринг бўлурман деб,
 Ажабким халқ ичинда булҳавас² деб шиквалар³ қилдинг.

Манга мардумлар айди: берма кўнгул бевафо ёра,
 Сени овора айлар, аҳди ёлғонлар ситамкора,
 Вафоси йўқ, ишонма сўзига, шўхи жафокора,
 Дедимким, носихо⁴, инъом кўпдур ошиқи зора,
 Нетай, эй бемурувват, охири шармандалар қилдинг.

Кима айтиб, кима йиғлай бу золим ёр жафосини,
 Ҳақиқат қилмаса маъшук деган ошиқ хатосини,
 Ҳамиша фурқатин тортсам, рақиб кўрса вафосини,
 Қаю Лайли сифат мундоғ қилур Мажнун гадосини,
 Юзингни бир кўрай десам қўлингни пардалар қилдинг.

Юрагим раҳна бўлди, бас қил истиғнони, жононим,
 Фироқинг торта-торта ёшлигимда кетти дармоним,
 Аразингни қўюб, лутф айласанг ҳеч йўқтур армоним,
 Кўзим нури танимни қувватисан, эй дил оромим,
 На ҳўб бир неча кун Завқий қулингга шевалар⁵ қилдинг.

¹ Партав – нур шуъла, ёруғлик.

² Булҳавас – енгилтак, ҳар нарсага ҳавас қилувчи, ҳардамхаёл.

³ Шиквалар – шикоятлар.

⁴ Носихо – насихат қилувчи, маслаҳатчи.

⁵ Шевалар – 1. Ноз, ишва. 2. Одат тарз, йўсин.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Шеърни «Ягона давра» усули орқали ўрганинг. 2. «<i>Юзингни кўрсатиб аввал ўзунгга бандалар қилдинг, Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг</i>» деб бошланувчи бандда маъшуқадан миннатдорчилик сезиладими ёки изғирин? Фикрингизни матнга асослаб тушунтиринг.
<i>Таҳлил ва таъқин</i>	   	1. Ҳазалнинг иккинчи банди «Сани дарди фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча, На деб эй меҳри йўқ, мен хаста қулға ғамзалар қилдинг» тарзида тугалланиш сабабини изоҳланг. 2. Муҳаммасдаги «Юзингни бир кўрай десам қўлинг-ни пардалар қилдинг» мисрасида маъшуқа табиатидаги миллийлик ўзига хослик қандай акс этганлигини топинг. 3. Муҳаммас ва унинг турлари ҳақида айтинг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Асарнинг авж нуқтасини топинг. Ушбу мисра сизга қандай таъсир кўрсатганлигини муҳокама қилинг. 2. Асар ҳақидаги фикрингизни «Тўрт фикр» усули орқали ёритинг.

МУХАММАС

Ўзбек мумтоз шеъриятида энг фаол ишлатиладиган жанрлардан бири мухаммасдир. Мухаммас арабча сўз бўлиб, бешлик маъносини англатади. Мухаммас ҳар бири беш мисралик бандлардан ташкил топади. У а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а ва ҳк. шаклида қофияланади. Мухаммаслар қандай асосларда яратилишига кўра

а) мустақил мухаммаслар;

б) тахмислар

тарзида икки турли бўлади.

Мустақил мухаммаслар шоирнинг ўз таъби, илҳоми, истаги натижасида пайдо бўлади. Унинг беш мисралик бандлардан ташкил топиши тасвир йўналишидан келиб чиқиб, муаллиф ихтиёри билан амалга оширилади. Бундай мухаммасларнинг бандлари сони чекланмаган. У жуда кўп бандлардан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Тахмислар эса бошқа бирор шоир ғазалидан таъсирланиш, унга эргашиш, унга ўхшатма қилишга уриниш натижасида дунёга келади. Тахмис ҳам беш йўллик бандлардан ташкил топади. Лекин ҳар бешликнинг дастлабки уч йўлигина муаллифга тегишли бўлиб, сўнгги байт бошқа шоирнинг ғазалидан олинган бўлади. Тахмис бандларининг миқдори ғазал байтларига тенг бўлиши шарт. Тахмис йўли билан битилган мухаммаслар шунчаки бешликлар бўлмай, ғазал руҳига мос келадиган, ундаги етакчи фикрни ривожлантирадиган, икки шоирнинг ижодий имкониятларини намоён қиладиган тарзда яратилади.

Завқийнинг «Юзингни кўрсатиб аввал...» шаклида бошланадиган шеъри мустақил мухаммас бўлиб, муҳаббат туйғусини ўзига хос тарзда ифодалаганлиги, қаҳрамон ҳолатини беришдаги самимияти ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бу мухаммас асосида гўзал қўшиқ яратилган.



Аваз Ўтар 1884 йили Хивада сартарош Полвонниёз Ўтар Гадойниёз ўғли оиласида туғилди. Полвонниёз, касби сартарошлик бўлишига қарамай, ўз даврининг машхур санъаткорлари, забардаст шоирлари билан яқин муносабатда эди. У Огаҳий, Комил каби йирик шоирлар мушоирасида иштирок этар, вақти-вақти билан эса ўзи ҳам уйида шундай шеърий суҳбатлар ташкил қиларди. Шубҳасиз, бундай йиғинлар ёш Аваз кўнглида шеъриятга, илм-маърифатга меҳр уйғотмай қолмади. Отаси уни саккиз ёшида мактабга берди. Кейинчалик таълимни мадрасада давом эттирди. У шеър ёзиб, тезда халқ оғзига тушди. Муҳаммад Раҳимхон II уни ўз саройига

таклиф этди. Бир муддат саройда ҳаёт кечирган Аваз «Фалонийлар» туркум шеърлари сабабли хон қаҳрига йўлиқиб, қувғинга учради. Шоирнинг халқ орасидаги эътиборини ҳисобга олган хон уни қатл эттирмайди, аммо мудҳишроқ жазо беради: Аваз «жинни» дея эълон қилинади. Даволаниш учун шоирга икки юз дарра урдирилиб, Бобоэшон қабристонига «даво»ни давом эттиришга жўнатилади. Шоир у ерда 1909 йилнинг ёз ойларидан қиш чилласигача қолиб кетади. Шундай оғир шароитда ҳам Аваз ижоддан тўхтамади: «Таъну маломат», «Пора истар», «Шайх» каби шеърлар битиб, «Фалонийлар» туркумини охирига етказди.

У 1908 йили мавжуд шеърларининг барчасини икки девонга жамлаб, хаттот Мулла Болтаниёз Қурбонниёз ўғлига кўчиртирган. Унинг шеърлари, бундан ташқари, Хоразмда тузилган айрим қўлёзма баёзларда ҳам учрайди. Ўша даврдаги матбуот – «Ойина» журнали, Хивада 1913–1914 йиллари чоп этилган «Инқилоб қуёши» газеталарида ҳам Авазнинг шеърлари босилган.

Аваз Ўтар ўғли 1919 йили 35 ёшида дунёдан ўтади.

Фидои халқим

Фидои халқим ўлсун танда жоним,
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.

Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,
Будур мақсуди қалби нотавазим.

Мани солса фано йўлига даврон,
Юрур устимдин авлоди замоним.

Умидим: яшасун мактаб боласи,
Алар ҳар бири бир шери жаёним¹

На яхши ўйлаким, мақулу манзур,
Аваз, халқим учун тўкилса қоним.



Халқ



Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.

Бир неча авбошлар² мундоқ ҳукмрон айласа,
Қолмағай, оре³, на янглиғ меҳнату озора халқ?

На аларда бордурур илму адолатдин асар,
Не ажабким, топмаса доди дилиға чора халқ.

Етган офатни бошиға доимо тақдир деб
Ҳасрату армон била кетгуси бора-бора халқ.

Бўлмаин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ,
Бўлди қурбон бул сабабдин миллати ағёра халқ.

Халқи оламни бори айлар тараққий кун-бакун,
Биз таназзул айлабон қолдук энди не кора халқ.

¹ Шери жаён – ғазабланган шер, қудратли арслон.

² Авбошлар – бевош, безори.

³ Оре – тўғри, рост, албатта.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Аваз Ўтар ҳаёти ва ижодига доир қандай маълумотларни биласиз? 2. Ғазалларини ифодали ўқинг ва маъносини шарҳланг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. «Мани солса фано йўлиға даврон, Юрур устимдин авлоди замоним» мисраларида шоир неқбинлиги сабаби қандай акс этган деб ўйлайсиз? 2. Шеърда шоирнинг маърифатчилик ғоялари қандай ифодаланганини матн асосида тушунтиринг. 3. Шеърнинг насрий баёнини ёзинг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Асар юзасидан олган тушунчаларингизни «Тўплаштириш» усули орқали умумлаштиринг.

Ўлтурғуси

Бу дам мани дарду фироқ
ўлтурғуси-ўлтурғуси,
Ул ой бўлуб мандин йироқ
ўлтурғуси-ўлтурғуси.

Жавру ғамин ҳаддин фузун¹
айлаб мани бечораға,
Ул гулруҳи бодомқовоқ
ўлтурғуси-ўлтурғуси.



Ҳижрон қоронғу шомида дард ила меҳнат ўтиға,
Жонимни айлаб эҳтироқ ўлтурғуси-ўлтурғуси.

Сан нотавон ҳастадекким, ошиғ ўлса эй кўнгил,
Ул дилрабойи сийминсоқ² ўлтурғуси-ўлтурғуси.

То кўрмасам ул дилбари барнони бу соат аро,
Ман нотавонни иштиёқ ўлтурғуси-ўлтурғуси.

Васли муяссар бўлмаса, гар ул гўзални, эй Аваз,
Бул дам мани дарди фироқ ўлтурғуси-ўлтурғуси.

Қитъалар

Сипоҳи пора истар,
Мулла ижора истар,
Бечора чора истар,
Бир чора замон борму?

* * *

Билинг, ушбу замон ғамнокидурман,
Куйиб ўртанмиш элнинг хокидурман,

¹ Фузун – ортиқ, кўп.

² Сийминсоқ – кумуш баданли, оқ баданли, оқ болдирли.

Авазким, назм элин чолокидурман¹,
Бошин олмоққа хоннинг покидурман.

* * *

Фалон бедард ўзин қотгуси дард аҳли қаториға,
Ҳамоноким, магас² қилғон киби шаҳбоз³ ила парвоз.
Учуб не ерға борғай турфаким шунқорға баҳс айлаб,
Агарки жўжа ушбу соат учмоққа айласа оғоз.

* * *

Фалон номардким, ўзни қилур мард аҳлиға ташбеҳ,
Бор умрида бир йўл мардлик расмини кўргузмай.
Бошиға келса ҳам шамшири заҳролуд⁴, мард ўғлон,
Керакдур турмоқи собит ҳамиша аҳдини бузмай.

* * *

Фалони гарчи кўп олийнасабдур,
Вале нодону жоҳил беадабдур
Адабдур издиёдбахши иззат⁵,
Анга бу важҳдин «Махфий» лақабдур.



¹ Чолок – тетик, чечан, чаққон.

² Магас – чивин.

³ Шаҳбоз – лочин.

⁴ Шамшири заҳролуд – заҳарли шамшир.

⁵ Издиёдбахши иззат – иззат бағишлайдиган, иззатли қиладиган.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Биринчи байтнинг илк мисрасидаги «ўлтурғиси» сўзининг маъноси иккинчи мисрадаги «ўлтурғиси»дан қандай фарқ қилади? 2. Ғазал матнига таяниб, маъшуқанинг хушрўйлиги билан зулмкорлиги қаршилангириб тасвирланганлигини тушунтиринг.										
Таҳлил ва таълқин	   	1. Қитъаларни ўқинг ва уларни таҳлил қилинг. 2. Қитъада тилга олинган одамлар тоифаси ва уларнинг истаклари қандай тасвирланганлигини изоҳланг. 3. Луғатдан тушуниши қийин сўзларни топиб, изоҳланг.										
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Қитъанинг ифода йўсинига эътибор беринг. 2. Матн устида тадқиқот иши юритинг <table><tr><td>Матннинг асосий ғоясини топинг</td><td></td></tr><tr><td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td><td></td></tr><tr><td>Асардан ҳаётий хулоса чиқаринг</td><td></td></tr><tr><td>Фикрингизни изоҳланг</td><td></td></tr><tr><td>Тарбиявий аҳамияти</td><td></td></tr></table>	Матннинг асосий ғоясини топинг		Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		Асардан ҳаётий хулоса чиқаринг		Фикрингизни изоҳланг		Тарбиявий аҳамияти	
Матннинг асосий ғоясини топинг												
Аниқ ва ноаниқ маълумотлар												
Асардан ҳаётий хулоса чиқаринг												
Фикрингизни изоҳланг												
Тарбиявий аҳамияти												

ҒАФУР ҒУЛОМ

(1903–1966)



XX аср ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос ижоди билан катта ўрин тутган адиб Ғафур Ғулом 1903 йилнинг 10 майида Тошкентда туғилди. Савдини мактабга боришдан олдин онаси Тошбиби ая ва отаси Ғулом ака қўлида чиқарди. Оғаси ўз даврининг маърифатли, нозик дидли ижодкор зиёлиларидан эди. У яхшигина ғазаллар битган шоир эди. Бўлажак адиб 1912 йилда отасидан, 1918 йилда онасидан ажралди.

Етим қолган Ғафур кичик ёшидан тирикчиликнинг турли қўчаларига киришга мажбур бўлади. Этиكدўзга шогирд тушади, тегирмонга қоровулик қилади. Бойнинг боғини қўриқлайди. Аммо ғоят истеъдодли ва тиришқоқ йигит мустақил ра-

вишда ўқиб ўрганишдан тинмайди. Ғ. Ғулом 1916 йилда рус-тузем мактабида таҳсил олди. 1917 йилдаги октябрь тўнтаришидан кейин босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлади. Муаллимлар тайёрлайдиган саккиз ойлик курсда ўқиди. Умуман ҳар қандай янгиликка, хусусан, тафаккурдаги янгиланиш ва тажрибаларга ўч Ғафур Ғулом янги даврнинг талабини тез англаб етди. Янги мактабларнинг бирида аввал ўқитувчилик, сўнг директорлик қилди. Уруш ва инқилобий тўқнашувлар туфайли етим қолган болаларнинг ётоқмактабига мудир бўлди.

Ғафур Ғулом ўз даври билан ва унинг талабларига риоя этган ҳолда яшади. Адиб шахсий турмушининг фаровонлигига ҳам, унинг ижодкор сифатидаги мураккабликларига ҳам айна шу ҳолат сабаб бўлди. У ўз ижоди билан шўролар тузумига астойдил хизмат қилди. Айна вақтда, буюк истеъдод, ҳеч кимникига ўхшамайдиган шахсият эгаси бўлгани боис вақт синовларига бардош берадиган, унутилиб кетмайдиган юксак бадий асарлар яратди. Мунтазам таҳсил кўрмаган бўлса-да, ноёб истеъдоди, фавқуллодда меҳнаткашлиги туфайли ғоят кенг билимга эга бўлган Ғафур Ғулом 1943 йилда мамлакатимизда ташкил этилган Фанлар Академиясининг биринчи аъзоларидан бўлди.



Ғафур Ғулом ғоят серқирра ижод соҳиби эди. Унинг қаламидан чиққан фалсафий умумлашмаларга бой шеърлар, даврнинг энг муҳим муаммоларига жавоб сифатида битилган йирик дostonлар, инсон маънавиятининг мураккаб масалаларини тасвирлашга бағишланган қиссалар, ичакузди ҳажвий ҳикоялар, адабиёт тарихининг мураккаб масалалари тадқиқига бағиш-

ланган салмоқдор илмий мақолалар фикримизнинг далилидир.

Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан», «Алишер», «Вақт», «Соғиниш», сингари шеърлари, «Кўкан батрак», «Кўкан колхозчи» dostonлари, «Ёдгор», «Нетай», «Шум бола» қиссалари, «Афанди ўлмайдиган бўлди», «Ҳасан Кайфий», «Энг расво намози аср», «Менинг ўғригина болам» сингари ҳикоялари замонавий ўзбек адабиёти шаклланиши ва ривожига муҳим ўрин тутган асарлардар. Шўро замонида Ленин мукофоти лауреати бўлган ягона ўзбек адиби Ғафур Ғулом эди.

Ўзбекистон халқ шоири, қатор мукофотлар совриндори Ғафур Ғулом 1966 йилнинг 10 июлида вафот этди.

Ҳасан Кайфий (Ҳикоя)

Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан деганларидек, осмон тоғорасининг остида, ер тарвузининг устида бир подшоҳи азим яшар экан. Ери шунчалик кўп эканки, унга қарам қишлоқлардан биттадан гувалак йиққанда ҳам бутун сарой аҳлига сағана қуришга етар экан. Унга қарам фуқаролар шунчалик кўп эканки, агар ҳар биттасидан биттадан қўноқ¹ олинса ҳам, тўққиз хумда бўза солса бўлар экан.

Ана шу подшо десангиз эртадан-кечгача тахтда ўтиравериб, жуда зерикар экан. Кейин бош вазирнинг маслаҳати билан кечалари шаҳар айланиб, фуқароларнинг сиру асрорига, гапирадиган гапларига айғоқчилик қилиб юрадиган бўлиб қолибди. У устига малла тўн кияр экан, энгагига оппоқ соқол боғлар экан, бошига лайлак уядай салла ўрар экан, қўлига узун таёқ

¹ Қўноқ – дони тариқдан майдaroқ ғалла.

ушлаб олар экан, сарпойчан оёғига учи қайрилган баланд ўкчали сағри ковушни илиб кўча айланар экан.

Кунлардан бир куни аввал оқшомда кўча айланиб юрган подшо, шаҳарнинг чеккасида экин-тикинлар ўртасида қаққайиб қолган бир чалдевор уйга кўзи тушибди. Катта ҳовуз ўртасида бир палла ёнғоқ пўчоқдай турган лой томли уйда, тўрт томондан тирговучлар билан тиралиб қари байталдай аранг турар, эски эшиги юзига ёпиқ, ойна ўрнига ёғланган қоғоз ёпиштирилган, дарчасига ичкарида ёқилган сўниқ шамнинг қизғиш, бемадор шуъласи тушиб турарди. Кулба ичидан кимнингдир ранда емаган, дўриллаган овози хиргойи қиларди ва охирида:

«Ишқилиб, ақл билан меҳнатим бор бўлсин», – деб қўяр эди. Тааж-жубда қолган подшо эшикни тақиллатди:

– Марҳамат, кираверинг, бу эшикнинг қулфу занжири йўқ, марҳамат, – деган овоз келди.

Подшо ичкарига кирди. Уй эгаси ҳангу манг бўлиб, тавозе билан кутиб олди. Подшонинг савлати уни довдиратиб қўйди шекилли, қандай илтифот қилишни ҳам билмай эловсираб:

– Хизмат, тақсир, хизмат? – дер эди.

– Мен сенга қўноққа келдим, – деди унга подшо.

– Ҳай, ҳай, – деди уй эгаси, – ўзи келган қўноқ – атойи худо.

Югуриб бориб кўҳна бир сандиқ устига тахлаб қўйилган эски ўрин-бошдан бир кўрпачани олиб тўрга ёзди, ёнбошига бир бўз лўлабурма болиш қўйди.

– Қани, марҳамат, ўз уйларидек бемалол ўтирсинлар...

Подшо ковушини ечиб, таёғини деворга суяб кўрсатилган жойга ўтирди. Уй эгаси ўртага бир кир дастурхон ёзди, фотиҳа ўқишдилар. Уй эгаси шу фотиҳага ҳам: «Ҳақ илоҳим, ақлимиз билан меҳнатимиз бор бўлсин», – деб қўшиб қўйди.

– Хўш, – деди подшо, – сиз кимсиз, нима тириклик қиласиз?

– Аввал ўзларидан сўрасак бўларди, тақсир? – деди мезбон.

– Мен ҳазрати Хизр бўламан, жаҳон кезиб, Худонинг яқин бандаларидан хабар олиб юраман. Эрта намозни Қуддус шарифда ўқиган эдим, пешинни Истамбулда ўқидим, намозгарни Машҳадда, шомни Техронда, хуфтонни Бухорода ўқидим-да, сизнинг шаҳрингизга келдим.

– Ҳай, ҳай, – ёқа ушлаб, кўксига тупурди мезбон. – Чақмоқдан ҳам тез юраркансиз-а, тақсир. Авлиёга икки дунё бир қадам деганлари шудир-да.

Подшо мийиғида кулиб:

– Худди шундай. Шак келтирмай ишона беринг. Қани, хўш, энди ўзингиз...

– Менинг исмим Ҳасанбой, мусаллас ичишни яхши кўраман, шунинг учун халойиқ менга Ҳасан Кайфий деган лақаб қўйган. Катта Чорсуда ямоқчилик қиламан. Менга битта танга етади. Шунинг учун битта тангани

топгунча ишлайман. Кейин сўзан, бигизни йиғиштириб, иш қутимни ёпаман. Ортиқчасининг кераги йўқ. Ундан у ёғига маликанинг пошнаси узилган бўлса ҳам ямайдиган аҳмоқ йўқ. Ишқилиб, тақсир, ақл билан меҳнат омон бўлса бўлгани...

– Шунақа денг, – деди подшо ўсмоқчилаб. – Хўш, бу мамлакатнинг подшоси ким, адолатли подшоларданми?

– Тўғри, тўғри, бир хотинининг исми Адолат эмиш, деб эшитганим бор. Лекин менинг катта даргоҳлар билан ишим йўқ. Мен ўз меҳнатимни биламан, топган бир тангамга иккита нон олиб бирисин оқшом, бирисини эрта билан ейман. Ярим қадоқ гўшт, бир боғ ўтин, бир шиша шароб, битта анор, битта шам олиб хужрамга қайтаман. Шўрва қайнатаман... Анорни мана бу косачага эзиб ўртасига шамни ўтқазаман, анор сувининг қизил шуъласи менга ёқади, тақсиргинам. Мана бизга қўноқ бўлдингиз, биргалашиб шўрва ичамиз. Тақво қилмасангаз қиттай-қиттай шароб тотинамиз, – деб кулиб, «Хизр»га қаради.

– Биз ҳам андак тотинсак бўлаверади, чунки шаробнинг ўзи ҳаром эмас, унинг бадмастлиги ҳаром, – деди подшо.

Ўртага нон синдирилди, икки сопол товоққа шўрва сузилди. Бир шиша шаробни икковлаб сипқордилар. Ширин суҳбатда, чала, қуён уйқусида тонг ёришиб борар эди. Сўз орасида подшо сўради:

– Сиз, Ҳасан Кайфий, ҳадеб «ақлим билан меҳнатим бор бўлсин», деяверасиз, бирор марта... подшойингизни эсламайсиз. Подшоҳимиз омон бўлсин, бошимизга соябон бўлсин, худо ёр бўлсин, деган дуоларни ҳам гапингизга қўшиб қўйсангиз бўлмайдими?

Бе, – деди Ҳасан Кайфий, – шу кичкина рўзғоримга уларни аралаштириб нима қиламан. ...Подшога... турли-туман ўлпон, солиқ, у-бу керак. Иннайкейин, подшо деган махлуққа доим бўйин эгиш хуш ёқади, менинг солиқ тўлашга бисоти-бағалим йўқ. Шунинг учун ҳам менинг сиғинадиган нарсам – ўз ақлим, ўз меҳнатим, тақсир. Бошқасидан ҳеч қандай илинжим йўқ.

– Аввало шуки, одоб керак: ўз подшойингизни махлуқ деманг, подшо дегани худонинг ердага сояси бўлади-я!

– Мен ҳам шундай дейман-да, тақсир, соядан бирон нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади, – деди Ҳасан Кайфий.

– Астаффурулло, – деди «Хизр», – борди-ю, шу бугуннинг ўзидаёқ подшоҳингиз: «Менинг мамлакатимда ямоқчилик қилиш ман этилади, кимдаким ямоқчилик қилса дорга осилади», – деган буйруқ чиқазиб қўйса, нима бўлади?

– Ўшанда ҳам ақл билан меҳнат саломат бўлса, бир эви топилиб кетади, тақсир, – деди Ҳасан Кайфий.

– Кўрамиз, қачонгача шу эътиқодда тура олар экансиз, – деб пичинг қилди подшо. Унинг нияти Ҳасан Кайфийнинг оғзидан «подшо саломат бўлсин», деган сўзни юлиб олиш эди. Аммо у бу суҳбатда ниятига етмади.





Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Жигсо» усули орқали асар матнини ўрганинг. 2. Синфдошингизни «Иссиқ ўриндик»қа таклиф қилинг ҳамда унга ҳикоянинг дастлабки бўлими асосида очиқ ва ёпиқ саволлар беринг. 3. Ҳикоянинг «Ҳасан Кайфий» деб номланишига асар матнига таяниб далиллар келтиринг.												
Таҳлил ва талқин	   	1. Ҳикоянинг ёзилиш тилига эътибор беринг. Сизнингча, ёзувчи ўша давр руҳини қай даражада етказишга муваффақ бўлган? 2. «Аmmo у бу суҳбатда ниятига етмади». Ушбу гапга асосланиб, кейинги парчада подшо ўз ниятига етиши мумкинми ёки йўқлигини тахмин қилиб кўринг. 3. Подшо ва Ҳасан Кайфий қандай мавзулар юзасидан суҳбатлашганини «Тўплаштириш» усули воситасида ифодаланг. 4. Подшо ва Ҳасан Кайфий табиатига хос жиҳатларни «Т-жадвал» усули орқали ёритинг. <table><tr><th colspan="2">Подшо</th><th colspan="2">Ҳасан Кайфий</th></tr><tr><th>Ижобий</th><th>Салбий</th><th>Ижобий</th><th>Салбий</th></tr><tr><td></td><td></td><td></td><td></td></tr></table>	Подшо		Ҳасан Кайфий		Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий				
Подшо		Ҳасан Кайфий												
Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий											
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Ҳасан Кайфий табиатидаги сизга маъқул бўлган жиҳатларни кўрсатинг ва нима учун маъқул бўлганлигини асосланг. 2. Ҳикоянинг дастлабки қисми бўйича олган таассуротларингизга таяниб «5 дақиқали эссе» ёзинг.												

Тонг хўрози қичқира бошлаган-дан кейин меҳмон қўзғалди:

– Энди мен борай. Эрта намозини шаҳрингиз жомесида ўқишга ният қилганман.

– Бу оқшом ҳам меҳмон бўладиларми? – сўради Ҳасан Кайфий.

– Нега сўрадилар?

– Чунки бу оқшомда сиз менинг насибамга шерик бўлдингиз, бугун оқшом ҳам менинг кулбамга қўнмоқчи бўлсангиз икки танга ишлашга ҳаракат қиламан, нон тўртта, шам иккита, гўшт бир қадоқ, шароб икки шиша бўлади, тақсир, – деди Ҳасан Кайфий.

– Бўлмаса албатта келаман, – деди кулиб подшо.

Ҳасан Кайфий подшони кузатиб қўйиб хужрасига қайтди, қолган-қутган нонлар билан нонушта қилди. Хужрасини йиғиштирди, қуёш терак бошига келганда ҳар галгидан барвақтроқ иш қутисини кўтариб, катта Чорсуга йўл олди. Чунки бу оқшом ҳам унинг қўноғи бор, икки танга ишлаши керак.

Энди шинни бозорини босиб, галақассобликка етганда Катта Чорсу томонидан иш қутисини қўлтиқлаб ҳовлиқиб, энтикиб келаётган бир-иккита дўсти – ямоқчиларни кўриб қолди.

– Ҳасанбой, орқангга қайт, Ҳасанбой, иш расво, Ҳасанбой, орқангга қайт!!! Подшойимиздан буйруқ чиқиб қолди: «Менинг мамлакатимда ямоқчилик уят, – депти – Ким ямоқчилик қилса, дорга осаман», депти, – деди касбдошларидан бири – Мамашариф чокдўз.

– Ҳм, – деди Ҳасан Кайфий, – Хизрнинг айтгани бўпти-да; йўқ, қўлга туширолмайдди, ҳали ҳам меҳнат саломат бўлсин...

Югуриб уйига қайтди. Буvasидан қолган бир эски арра билан олчин тўқмоқ бўлгучийди. Артиб-суртиб шуни кўтарди, белига тешасини қистирди. Қўшнисининг катта болтасини қарз олиб, ўтин бозорига бориб, ёлловчи кутиб турди. Омадига бир йигит келиб, олтита тўнкани ёриб беришни ундан сўради. Йигитнинг мўлжали бир сўм бўлса ҳам, Ҳасан Кайфий хиз-



матига икки танга сўради. Йигит арзон мардикор топилганига қувониб, Ҳасанбойни уйига олиб кетди.

Ҳасанбой демаганинингиз ўқ еган арслондай ихраб-сихраб тушга ҳам қолдирмай ўтинларни ёриб, икки танга иш ҳақини олди. Бозорга қараб югурди. Ўринлатиб ҳаражат қилди: тўртта сўлқилдоқ, седана сепилган оби нон, икки шиша шароб, бир қадоқ гўшт, иккита шам, иккита анор, икки боғ оқ ўтин...

Кулбасига қайтиб, шўрвага уннаб кетди, тош қозоннинг тагига ўт қўйди. Кеч оқшомдан аллавақт ўтганда Хизр қиёфасидаги подшо Ҳасан Кайфийнинг эшигига қулоқ солар эди, ичкаридан Ҳасан Кайфийнинг одатдаги, хумга ари қамалгандай гўнғиллаган яллasi эшитилар эди: «Ҳа, ишқилиб, ақл билан меҳнат саломат бўлсин».

Хизр эшикни тақиллатди. Ҳасан Кайфий:

– Марҳамат, кираверинг, марҳамат, бу эшикнинг занжиру қулфи йўқ, ўз уйларидек бемалол кираверсинлар.

Яна кечагидан зиёда такаллуфотлар билан салому алайкум, алайкум саломдан кейин меҳмонни тўрга ўтқазди.

Бу оқшом икки анорнинг сиқилган суви ўртасига ўтқазилган бир қўша шамнинг қизғиш шуъласи кулбага айрим бир файз бериб турарди. Сопол косаларга шўрва қуйилиб, нонлар ушатилиб икки пиёладан шароб ичилгандан кейин:

– Бе, тақсир, – деди Ҳасан Кайфий. – Кечаги нафасингизга фаришта омин деган экан, Катта Чорсуга етар-етмас «ямоқчиларни осаман» деган подшонинг буйруғи чиқиб қолди. Жуфтакни тўғирлаб уйга қайтдим.

– Хўш, хўш, – деди Хизр.

– Кейин арра, болта кўтариб ўтинчилик қилдим. Ишқилиб, ақл билан меҳнат саломат бўлсин экан. Икки танга пул ишлаб, мана, жанобингиз келишингизга қозонни қайнатиб қўйдим.

– Баракалло, баракалло, – деди ҳазрати Хизр. – Мабодо эртага подшо ўтинчилиқни ҳам ман қилиб қўйса нима бўлади?!

– Ўшанда ҳам ақл билан меҳнат саломат бўлса, бир эви топилиб қолар, тақсирим, – деди Ҳасан Кайфий.

Аллавақтгача чақчақлашиб шаробнинг кайфини суриб, қуш уйқуси қилиб, мудрашиб ўлтирдилар. Тонг ёришай деганда меҳмон:

– Мен бугун тонг намозини Хаста Имомда ўқишга ният қилганман, менга жавоб, – дея ўрнидан қўзғалди. Ҳасан Кайфий уни кузатиб, ҳужрасига қайтди. Қумғон қайнатиб, қолган-қутганлар билан нонушта қилди. Кейин арра, болталарни кўтариб ўтин бозорига қараб равона бўлди.

Ҳасан Кайфий Кўмир саройига ҳали етгани ҳам йўқ эдики, кеча ўтин бозорида кўрган бир неча ўтинчилар нафаслари оғизларига тиқилиб:

– Ҳасан ака, қоч-чи-қоч! Бошингни панага ол! Пошшоликдан, ўтинчилар осилсин, деган буйруқ чиқиб қолди, – дедилар.

Шошилиб кулбага қайтди. Ҳужранинг шифтида, тоқилар орасига қис-тириб қўйилган бир эски меш бор эди. Уни олиб бориб булоқ суви билан тоза ишқаб юмшатди, ичини булоқ сувига тўлдирди. Мешни белига кўтариб, шўрва ичадиган иккита сопол косани олиб, чоршанба куни бўлгани учун қўй бозорига жўнади. Орқасида бир меш муздек булоқ суви, қўлида коса, бозор оралаб иссиқ кунда чанқаб қолган бозорчиларга оби худойи улаша бошлади.

– Оби худойи, оби худойи, текин сув, ҳазрати Уккоша Булоғининг суви, табаррук сув, муздай сув!..

Чанқовлар коса-коса сув ичиб, баъзилар ҳеч нарса бермай, баъзилари косага бир тийин, икки тийин, беш тийин ташлаб кетар эдилар. Ҳаш-паш дегунча, мешдаги сув ярим ҳам бўлмасдан Ҳасан Кайфийнинг мўлжалидаги икки танга нақдина қўлга кирди. Қанчадан-қанча сувсовларнинг илтимосига ҳам қулоқ солмай қолган сувни тўкиб ташлаб, мешни буклаб қўлтиққа урди, бозорга қараб югурди...

Тун оқшомда қиёфасини ўзгартирган подшо эшик қоқиб келганда Ҳасан Кайфий ўзининг қадрдон: «Ҳа, ишқилиб, ақл билан меҳнат саломат бўлсин» сўзини айтиб шўрва шопириб ўтирар эди.

Яна кечаги оқшомдагидек суҳбат давом этди, кайф қилдилар. Ўтирган жойда унча-мунча от уйқуси ҳам қилиб олдилар. Бир-бирлари билан ҳолаҳвол сўрашдилар. Хаста Хизр тилла Шихбой мачитини мақтаб кетди. Кейин Ҳасан Кайфийдан ҳол сўради. Ҳасан Кайфий мешкобчилик қилганини айтди. Хизр подшо буйруқларидан қаҳ-қаҳ уриб кулган бўлди.

Бу бедард меҳмонни ўлгудай дўппослаб, оч биқинига тепиб ҳайдаб чиқаришга Ҳасан Кайфийга хос меҳмондўстлик одоби йўл қўймас эди. Тонгга яқин, яна кечқурун келишга ваъда бериб, хайр хўшлашиб меҳмон жўнади. Бу тонг Ҳасан Кайфий нонушта ҳам қилмади. Меҳмоннинг қораси ўчгандан кейин тикка Булоқбошига жўнади. Бу ердан шаҳар мешкоблари сув олардилар. Битта-битта келган мешкобларга сув олдирмай тўхтатиб турди. Мешкоблар йигирма кишига етгандан кейин:

– Биродарлар, – деб сўз бошлади Ҳасан Кайфий, – шу йигирма киши икки тийиндан икки танга йиғиб берсаларинг сизларга бир хушхабар айтаман. Икки тийинларингга арзийди – Мешкоблар бир-бирларига қарашиб ҳамён ковлаб икки танга йиғиб, Ҳасан Кайфийга беришди. Ҳасан Кайфий бафуржалик билан икки тангани киссага солиб:

– Энди, биродарлар, хушхабар шуки, уйларингга тарқайвурларинг. Ҳали замон подшоликдан «мешкоблар дорга осилади», деган буйруқ чиқа-

ди, – деб сўзини тугатмаган ҳам эдики, пошшоликнинг жарчиси от ўйна-тиб овоз қўйиб келди.

– Пошшоликнинг фармойиши: шаҳарда мешкоблик ман қилинади. Кимда-ким буйруққа қулоқ солмай мешкоблик қилса, дорга осилади!!!

Ўз бошининг ташвишида қолган шўрлик мешкоблар чилнинг боласидай тумтарақай тарқалиб кетдилар. Ҳасан Кайфий бозорга қараб чопди...

* * *

Ҳасан Кайфий хужрасидаги бу оқшомги суҳбат ҳам ўтган оқшомлардагидай давом этди. Яна ҳар галгидай бир-бировларининг кундуз кунлик саргузаштларини суриштирдилар. «Ҳазрати Хизр» бугунги намозларини Зангиотада адо қилганлигини баён қилди. Айниқса, адолатли подшонинг мешкобларни дорга осиб ҳақидаги фармойишидан ғоятда мамнун бўлганлигини айтди.

– Э, тақсири олам, – деди Ҳасан Кайфий, – ақл билан меҳнат саломат бўлса, киши лол қолмас экан. Мен бугун нима иш қилганимни жони дилим билан сизга айтиб беришим мумкин. Лекин нафасингиздан чўчиб қолдим. Бошида мен сизнинг Хизрлигингизга ҳам унча ишонмаган эдим. «Мен Хизрман», деганингизда, ҳа, энди шунчаки гиёванд, мияси айниган чолдирда деб қўя қолган эдим. Лекин қилган нафасларингиз кетма-кет ўринлайверганидан Хизр эканлигинизга энди ишондим. Шунинг учун ҳам бугун қилган ишларимни сизга айтмайман. Айтсам, тағин бирорта совуқ нафас қиласиз-да, ишимнинг пачавасини чиқарасиз.

– Йўқ, йўқ, худо ҳаққи, ёмон нафас қилмайман, айтаверинг, на яхши, на ёмон нафас қилмайман...

Ҳасан Кайфий Булоқбошида қилган ишини айтиб берди.

– Қойилман, – деди «Хизр» – айтган гапингизда турадиган ўжар эътиқодли одам экансиз. Шундай зеҳн билан пошшога навкар бўладиган йигат экансиз, эҳтимол...

– Ана холос, – деди Ҳасан Кайфий, – бундан ҳам расво нафас бўладими, тағин бу эҳтимол эмиш, мен аҳмоқ бўлмасам, биринчи куниёқ сизни хужрага таклиф қилармидим, эҳ, аттанг, аттанг!

Ҳасан Кайфий бу нафасдан жуда ранжиди. Тонг отди. «Хизр» жўнагунча палағда тухум ютгандай миқ этмай, жим ўтираверди, уни кузатиб ҳам қўймади. «Хизр» жўнагандан кейин, ярим соат ўтар-ўтмас бир отни миниб, яна бир отни етаклаган бир сипоҳи йигит, қамчи дастаси билан эшикни тақиллатиб қолди.

– Ҳасан Кайфий, Ҳасан ака, деган киши шу ерда турадими?



– Шу ерда, шу ерда, – деб Ҳасан ака ташқарига чиқди. Қараса, бошдан-оёқ қуролланган, мўйлови шопдай бир ҳарбий йигит. Бошида дубулға, эгнида совут, билагида қалқон, қўлида найза, елкасида камон, бир ёнбошида садоғ, бир ёнбошида қилич.

– Ҳасан ака сизми?

– Мен, мен бўламан.

– Сиз пошшонинг хос навқари бўлиб тайинландингиз. Мана бу яроғ-аслаҳаларни кийинг, тақининг! От ҳам сизники. Тез бўлинг, мен билан саройга юринг!

Ҳасан ака баднафас Хизрни сўка-сўка уч пуд келадиган темир-терсакларни кийиниб, тақиниб, бояги сипоҳи ёрдамида отга аранг миниб, саройга жўнадилар. От ўлгур ҳурковуч экан, йўлда бир замбилғалтак думалатиб кетаётган кишидан ҳуркиб, Ҳасан Кайфийни олиб қочишига, кўтариб уришига оз қолди.

Саройда уларни бош мирохур билан навқарбоши кутиб олди.

Ҳасан акага вазифасини тушунтира бошладилар.

– Сиз подшонинг хос навқарисиз, – деди навқарбоши. – Бир қўлингиз қилич дастасида, подшо ўтирган тахтнинг орқасида уни қўриқлаб турасиз. Мабодо подшонинг ҳаётига бирор хавф туғилса, ким бўлмасин бошини шартта чопиб ташлайсиз. Моянгангиз қирқ саккиз танга. Ойнинг ўттизида оласиз. От таги билан ўзингизники, ем-хашаги сиздан. Эрта билан соат саккизда келиб, кечқурун бешда кетасиз. Кундузлари от пошполик охурида бўлади. Туш вақтида сарой аҳлларига бир марта шулон қайнатилади, бирор коса ичишингиз мумкин. Шулон ҳақи ичсангиз-ичмасангиз моянгангиздан ушлаб қолинади. Шу қоидаларга итоат қилмасангиз, бўйнингиз чопилади. Мана бу ҳужжатга бармоқ босинг. Омин облоҳу акбар. Сизга худо ва худонинг ердаги сояси бўлган адолатли подшоҳимиз ёр бўлсин.

Ҳасан Кайфий тахт орқасида қилич қабзасини ушлаб кўзини юммай, уч пуд темир-терсак елкасидан босиб қотиб турар эди. Ичида: «Ёпирай-ей, бу баччағар Хизр мени ўз ишончимдан айнатмоқ пайига тушди шекилли. Бугун қоидадаги дастурхонини ёзиш учун икки тангани қаердан оламан? Шарманда бўладиган бўлдим. Ё ақлим, ё меҳнатим, ўзларинг менга мададкор бўлларинг!» – деярд эди.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Ҳасан Кайфийнинг «Ишқилиб, ақлим ва меҳнатим саломат бўлсин» деган ниятига подшонинг муносабати қандай ва нима учун? 2. Ҳасан Кайфий табиатидаги қайси хислатлар сизда ҳам бўлишини истардингиз ва нима учун? Фикрингизни далиллар асосида исботланг.						
<i>Таҳлил ва таққин</i>	   	1. Ҳикояда халқимизга хос қандай қадриятлар акс эттирилган? Ўз фикрларингизни «Кластер» усулида тақдим этинг. 2. «Елпиғич» усули асосида ҳикоя матни юзасидан очиқ саволлар бекатини уюштиринг. 3. «Ақлий ҳужум». Ҳасан Кайфий мешдаги сувни нега тўкиб ташлади? 4. «Ўйла, изла, топ!» <table border="1" data-bbox="429 932 1123 1060"> <tr> <td>Асар нима учун қизиқарли бўлди?</td><td>Асардаги сизга ёққан жумлалар</td><td>Асар сарлавҳасини яна қандай аташ мумкин?</td></tr> <tr> <td> </td><td> </td><td> </td></tr> </table>	Асар нима учун қизиқарли бўлди?	Асардаги сизга ёққан жумлалар	Асар сарлавҳасини яна қандай аташ мумкин?			
Асар нима учун қизиқарли бўлди?	Асардаги сизга ёққан жумлалар	Асар сарлавҳасини яна қандай аташ мумкин?						
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Сизнингча, подшо шахсиятида қайси жиҳатлар устувор ҳисобланади? 2. Асардан олган таассуротларингизни «ПОПС формуласи» орқали ифодаланг. 1-гап: Менинг фикримча, ... 2-гап: ... сабаби, уни мен бундай тушунтираман, ... 3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман ... 4-гап: шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки, ...						

Соат тўртлардан ошганда подшо ҳарамга кириб кетди. Ҳамма сипоҳиларга, шу қатори Ҳасан Кайфийга ҳам жавоб бўлди. Дарров бориб оғилдан отни ечди. Бошқа навкарлар ёрдамида отга миниб пичоқ бозор томон йўртиб кетди. Унинг бошига ялтироқ бир фикр келган эди. Унинг бир пичоқчи дўсти бўлиб, шунинг дўконига борди. Пичоқчи Ҳасанни бу қиёфада кўриб, ранги қув ўчиб, дағ-дағ қалтираб қангу манг бўлиб қолган эди.



– Қўрқма, кўрқма! Усти бошим бошқа бўлгани билан мен ўша ўзининг Ҳасанингман. Ман шу қиличимнинг тиғи Исфиҳоннинг байзо пўлатидан бўлган. Шунинг синдириб сотсам оласанми?

– Жоним билан оламан.

Ҳасан қилични суғуриб, пичоқчига узатди. Пичоқчи тиғни обдон текшириб эговга солиб кўрди.

– Яхши экан, асл экан.

– Қанча берасан?

– Олтмиш танга.

– Чиқаз пулингни!

Ҳасан қилични бўғзидан тўрт энли қолдириб, қолганини сумбага қўйиб синдириб пичоқчига узатди. Пичоқчи тиғни олиб, пўстак тагига яширди. Нақдина олтмиш тангани Ҳасанга санаб берди.

Ҳасан қоидадаги икки тангали бозор-ўчарини қилиб, кулбасига қайтди. Ечинди, отнинг ҳам устидаги аслаҳа, эгар-жабдуғларни олди. Боғдор қўшнисини чақириб чиқди.

– Ўртоқ, – деди, – мана шу от кечқурун соат бешдан эрталаб соат саккизгача сеники. Ер сураганми, мойжувоз ҳайдаганми, аравага қўшасанми,

ихтиёрингда. Аммо ҳар куни эрта билан яхшилаб тўйдириб, қашлаб, совутиб менга топширасан. Бу ҳаром ўлгур кундуз пошполик охурида боқувда ётади. Бу таклифга қўшниси жон-жон деб кўнди, отни етаклаб олиб кетди.

...Кеч оқшом ҳазрати Хизр келганда Ҳасан Кайфий ҳеч нима бўлмагандай қадрдон ялласини айтиб шўрва шопирар эди.

Навбатдагидай бемалол, хушқайф, серчақчақ суҳбат давом этар эди.

Хизр бугун қаерда намоз ўқиганини айтди. Ҳасан Кайфийдан аҳвол сўради.

– Овора бўласиз, айтилмайди, тақсир. Нафасингизни шамол учирсин, бўлди-е!

– Худойи таолонинг бирлиги ҳурмати, подшомизнинг шафқат ва меҳрибонликлари ҳурмати, чурқ этган нафас қилмайман. Фақат менга мана бу қозикларда осифлик қалқон, қилич, дубулғаларнинг эгаси кимлигини айтсангиз, бас.

– Қасам ичинг, ҳазрати Хизр!

– Нафас қилсам, каломулло урсин!

– Бўлмаса айта қолай, бу аслаҳалар кеча қилган нафасингиз натижаси. Мен подшога навкар бўлиб қолдим.

– Қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин, хўш, бу кунги зиёфатнинг харажати қаердан бўлди, мойнани нақд берар эканларми?

Ҳасан Кайфий қилич воқеасини яширмай айтди. Кейин қилични қозикдан олиб:

– Эндиги қолган эллик саккиз тангани шифтга қистириб қўйдим. Мое на чиққунча ҳар оқшом зиёфат, тақсир. Қиличга бўлса тахтадан тиғ йўниб улаб қўйдим. Мана, кўринг...

Қилични суғуриб кўрсатди. Дарҳақиқат, тиғнинг синган қисмига тахтадан тиғ қилиб, жуда ҳунармандлик билан уланган эди.

– Тасанно, – деди Хизр, – мабодо, эртага подшо бировга ғазаб қилиб, сизга: «Ҳасан, бу гуноҳкорнинг калласини чоп!» деса, унда нима бўлади.

– Минг лаънат, ишнинг аталаси чиқди, Хизр бўлмай хинзир бўлинг! ...Ҳа майли, бўлар иш бўлди, ўшанда ҳам ақл билан меҳнат саломат бўлсин. Бир иложи топилиб қолар...

* * *

Бугун ҳам Ҳасан Кайфий тахт орқасида қўли қиличнинг дастасида қаққайиб турар эди.



Шулон вақти яқинлашиб қолганида пошшо билан бош вазир ўртасида жанжал чиқиб қолди. Бош вазир Олабайтал қишлоғига тушган ўлпон ҳаддан ташқари ортиқ бўлганлигини, камайтириш зарурлигини айтар эди. Ўжар подшо қайтага қайсарлик қилиб ўлпоннинг икки баравар оширилишини буюрар эди. Вазир билан подшо ўртасида олди-берди гап кучайиб кетди. Ғазабига чидолмаган подшо орқасига қараб:

– Ҳасан, вазирнинг, бу аблаҳнинг бошини чоп! – деб амр қилди. Ҳасан югуриб бориб, вазирнинг икки қўлини орқасига боғлади. Подшонинг олди-га тиз чўктирди.

Ҳасан Кайфий кўкка юзини тутди, қўлини муножотга кўтарди:

– Эй бор худоё! Ўзинг кўриб турибсан, ҳукм сенинг ҳукминг. Мен ҳозир вазирнинг бошини чопишим керак. Агар подшо ҳақ бўлса, қиличим қиличлигича қолсин. Агар вазир ҳақ бўлса, қиличимнинг тиғини пўлат эмас, тахта қилиб қўй! Облоҳу акбар, – деб қилич суғурди...

Қиличнинг тиғи гўё тахтага айланиб қолган эди. Ҳасан Кайфий, қилич-ни кўтариб:

– Адолатли худойимдан айланай, вазир ҳақ экан, мана, подшоҳим, ўзингиз кўринг...

Ҳасан Кайфий тахт томонга ўгирилиб қараса тахтда подшо эмас, Хизр ўлтирибди (Подшо ясама оқ соқолини иягига боғлаб олган эди.)

– Э, ҳа, – деди Ҳасан Кайфий, – Хизр ҳам ўзим, подшо ҳам ўзимман десангиз-чи, тилимиз битта денг, қўша-қўша кароматлардан сезинқираган эдим-а, тақсир...



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «Ақлий ҳужум». Ҳикояда Ҳасан Кайфийнинг отга бошқа навкарлар ёрдамида минганлиги тасвири нега келтирилган деб ўйлайсиз? 2. Ҳикоядаги асосий фикрга мос келувчи мақол ва маталлар айтинг.
<i>Таҳлил ва таъқин</i>	   	1. Ҳикояни ўқиш жараёнида ўрганган сўзларингиз асосида изоҳли луғат тузинг ва синфга тақдим этинг. 2. Асарни «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг. а) таҳлил қилиш – ҳикоя мазмуни бўйича 5 та савол тузинг; в) аниқлаш – ҳикоянинг қайси қисми энг муҳим эканлигини далилланг; г) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғланг; д) хулосалаш – ҳикояда кўтарилган масалани хулосаланг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. Ҳикоя қаҳрамонининг турли қийин вазиятлардан чиқиш маҳорати сабабларини «Кластер» усулида ифодаланг. 2. «Ақл ва меҳнат бирлиги – муваффақият калити» мавзусида эссе ёзинг.

ОМОН МАТЖОН

(1943 йилда туғилган)

Замонавий ўзбек шеъриятининг йирик вакили Омон Матжон 1943 йил 14 февралда Хоразм вилояти Гурлан туманининг Боғолон қишлоғида туғилган. Отаси Матжон Жуманиёз ўғли қишлоқ почта бўлими бошлиғи бўлган. Катта боболари Жуманиёз йирик савдогар бой бўлган. Омоннинг онаси Хотира опа гўзал ва оқила аёл бўлиб, бўлажак шоир ҳали гўдак эканида дунёдан ўтган.

Истеъдодли, таъсирчан ва ғоят кўп ўқийдиган Омон Матжон учинчи синфларда ўқиб юрган пайтларида шеърлар ёзган. Илк шеъри Янгибозор район газетасида 1958 йилнинг 15 мартада босилиб чиққан. Ўн олти ёшида ўрта мактабни тугатган Омон сўзга меҳр қўйгани сабаб филологликни танламоқчи бўлади. Аммо отасининг истагига бўйсуниб, Алоқа институтига ҳужжат топширади. Имтиҳонлардан ўтолмагач, радио-телефон тузатиш курсида ўқиб, монтерлик қилади. Кейинги йили Самарқанд университетининг филология факультетига ўқишга киради. Ўртада Германияда, шўро қўшинлари сафида ҳарбий хизматда бўлади. Қисмдаги катта кутубхонадаги деярли барча асарларни ўқиб чиқади. Ҳарбийдаги уч йил бўш кетмасин деб, ҳар куни камида биттадан шеър ёзади. Хизматдалигида ёзган шеърларидан бир туркумини ўзидан бир йил олдин уйига кетган дўстидан бериб юборади. «Шарқ юлдузи» журналининг 1965 йил 5-сонида аскарнинг шеърлари босилиб чиқади.

Шундан буён шоирнинг «Очиқ деразалар» (1970), «Карвон қўнғироғи» (1973), «Қуёш соати» (1974), «Ёнаётган дарахт» (1977), «Ярадор чақмоқ» (1979), «Ҳаққуш қичқириғи» (1979), «Сени яхши кўраман» (1981), «Дарахтлар ва гиёҳлар» (1984), «Гаплашадиган вақтлар» (1986), «Минг бир ёғду» (1989), «Ўртамизда биргина олма» (1990), «Қуш йўли» (1993), «Имон ёғдуси» (1994), «Сайланма» (1997), «Ардахива» (2001) сингари йи-





гирмадан ортиқ китоби дунё юзини кўрган.

О. Матжоннинг иш фаолияти ҳам ҳавас қилгулик. Шоир олий мактабни битиргач, Тошкентга келиб, Ғафур Ғулом номидаги нашриётда муҳаррир, бўлим мудир, сўнг «Ёшлик» журнали бош муҳаррири, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Ўзбекистон давлат Матбуот қўмитаси раиси ўринбосари, «Чўлпон» нашриёти

директори лавозимларида меҳнат қилган. Омон Матжон 1993 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлди.

Ёнаётган дарахт

Тунда яшин тушди боғнинг четига,
Зулмат бойўғлидек чекинди карахт.
Вулқондек портлади қоронғуликда
Ёнаётган дарахт!

Салобатли яшил салтанат эди,
Эркин қушчаларга зангор пойтахт.
Учқунлардек тўзитди қушларини
Ёнаётган дарахт!

Нега, нега ёнди?! Кечқурун бехос
Булутлар гулдираб қилгандилар жаҳд –
Уйғоқ эди, ўзи илк зарбни олди
Ёнаётган дарахт!

Ана, ёнар, ёнар тунга ўчма-ўч,
Юракдай патирлар ҳар барг оловсахт.
Огоҳ этаётир ўз боғин хавфдан
Ёнаётган дарахт!

Дарахтлар ёнмоқда бугун дунёда,
Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт!

Дўстларимдир барча ёнаётганлар,
Юрагимдир ЁНАЁТГАН ДАРАХТ!

Огаҳий ғазалига мухаммаси муқолот

Кўклам эди. Жунбуш келиб ўю, хаёл, ёд устина,
Руҳин зиёрат этгали бордим мен устод устина,
Сас берди ул: «Ҳолим забун, келдингму имдод устина,
Мушкин қошининг ҳайъати¹ ул чашми жаллод² устина,
Қатлим учун нас келтирур³ нун элтибон сод устина⁴!»

«Эй пир, дедим, ёдлар бугун ашъорларингни Хоразм...»,
«Қўйгил, деди, фахриянгни, дардимни топгил чорасин,
Ён, ошиқ ўл, ҳеч босмасин даврон чанги кўз қорасин,
Қилғил тамошо қомати зебоси бирлан оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина!»

Кетдик удуғ шоир билан боғлар сари, қўйдик қадам,
Олам ғамин сўзлай десам, оламни суйган ул ҳакам,
Ишқий ғазал айтур эди: «Ошиқ туморидур ситам,
Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Ваҳ мунча офатму бўлур бир одамизод устина!»

Ногоҳ шу он қўзғалди кўк-кўк ичра не сир борким,
Чақмоқ чақиб, ел даф қилиб, еткурди кўп озорким,
Роз қилди устоз: «Ёр десам, ҳақдин бу қандай корким,
Мен хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким
Қотил кўзи бедод⁵ этар, ҳар лаҳза бедод устина!»

Тез пок ўлиб осмон юзи, диллардан ҳам кетди кадар⁶,
Чаҳ-чаҳ илан қушлар келиб, юз очди гуллар бехатар,
Сухбат фалак мавзусига кўчгайми деб солсам назар,

¹ Ҳайъати – шакли, кўриниши.

² Чашми жаллод – жаллод кўз, «Кўзлари жонни олувчи» маъносида.

³ Нас келтирур – аниқ далил, ҳукм келтирар.

⁴ Нун элтибон сол устина – араб ёзувидаги ҳарфлар ёрдамида ҳарфий санъат қўллаш. «С» ҳарфи устига «н» ҳарфи қўйилса ва «а» товуши қўшиб ўқилса, «нас», яъни «ҳукм» сўзи пайдо бўлади.

⁵ Бедод – зулм, жабр, ҳақсизлик.

⁶ Кадар – қайғу, ғам.

Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому сахар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъи¹ фарёд устина!
«Минг ёр демак бирлан, дедим, жоми висол бир тўлмоғой,
Ҳақдин карам йўқ, у бизим орзулара қотилмағой!»
Лутфимга ул зот айтди: «Қўй, дардим санга эш ўлмоғой,
Бошимга ёққан ғам тошин мингдан бирича бўлмоғой,
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устина!»

Сўз йўқ, дедим, сурмак қийин дилдан дила ишқ рахшини²!
«Чўнг ҳам чуқур фикр эт, деди, тингларда шоир, бахшини!
Ишқ ҳақинда шеър битиб – шоҳларга айганман шуни:
Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нури тенг тушар вайрона обод устина!»

«Обод замон, тенглик, дедим турмуш гўзал, қушдек қўнгил...»
«Ўғлон, деди, бу ларзакор очунга кенг наззора қил,
Олам билан бўй ўлчашиб кўрмай ҳаво эттингми бил,
Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина!»

Бирдан тилимни тишладим, изза боқиб ён-вергаким,
Даркорми сўз устозларинг сўз айтмаган бир ердаким,
Бор журъатинг, ёзгин, Омон, юртинг овозин шеъргаким,
Не журъат ила Огаҳий очгай оғиз сўз дергаким.
Юз хайли ғам³ қилмиш ҳужум ул зору ношод устина!

¹ Навъи – тури, жинси.

² Рахш – югурик, чопқир от.

³ Хайли ғам – ғам тўдаси, ғам қўшини.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Ёнаётган дарахт» шеърининг дастлабки икки бандида ифода этилган ҳолат бўйича ўз фикрингизни баён этинг. 2. Шеърдаги манзарани тасаввур қилиб, ўз сўзингиз билан тушунтириб беринг.								
Таҳлил ва талқин	   	1. Омон Матжон шеърларининг ўзига хос услуби ҳақида тақдимот тайёрланг ва синфдошларингиз билан ўртоқлашинг. 2. Мухаммасда қандай шеърий санъатлар қўлланилган? Жадвални тўлдиринг. <table><tr><td>Шеърий санъат</td><td>Далил</td><td>Шарҳ</td></tr><tr><td></td><td></td><td></td></tr></table> 3. Мухаммасдан Огаҳий қаламига тегишли бўлган мисраларни кўчириб ёзинг. Унинг жанрини аниқлаб, таҳлил қилинг.	Шеърий санъат	Далил	Шарҳ					
Шеърий санъат	Далил	Шарҳ								
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Сизнингча, «Ёнаётган дарахт» шеъри орқали шоир қандай фикрни илгари сурган деб ўйлайсиз? 2. «Ёниб ўзгаларни уйғотмоқ не бахт» мисралари орқали шоир нима демоқчи? Фикрларингизни «Тўрт фикр» усули орқали (бир гап билан) билдиринг. <table><tr><td>Фикр</td><td></td></tr><tr><td>Далил, исбот</td><td></td></tr><tr><td>Мисол</td><td></td></tr><tr><td>Хулоса, яқун</td><td></td></tr></table>	Фикр		Далил, исбот		Мисол		Хулоса, яқун	
Фикр										
Далил, исбот										
Мисол										
Хулоса, яқун										

Кетишим шарт эди. На илож, кетдим,
ёлғизлик қаърида қолдириб сени.
Шу маъюс кўзларга жо бўлар энди
тун деган азобнинг бўйи ва эни.

Хуш дамлар ҳамдаминг – кўзгу бу кеча
тикка турган кўлдек ютишга тайёр.
Бир пайтлар бахтингдан шаҳодат берган
юлдузлар бу оқшом олис ва бекор.

Оқ ёстиққа бошни маълул босасан,
оқликда илинжсиз тўлғанар гавда.
Сочларинг юзингга айлана тортар
тутилган қуёшдек қора, безовта.

Соат бирми-икки. Туриб юрасан,
ёстиқ сезмасин деб қалб санчиғини.
Қулиб, жим қучасан ҳалигина мен
ўтирган курсининг суянчиғини.

Кўнглим, ўзингдан кўр: энди ҳеч тинмай
таъқиб этар сени ул маъюс нигоҳ –
аёлни тун билан ёлғиз қолдирмоқ
гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ!

Сени яхши кўраман

1

Сен оппоқ кўйлакда қорасоч –
Тушимда кўриндинг ёш пари
Ва бор-йўқ хотирот оламим
Чекинди руҳимдан ташқари.

Ким бўлдинг? Танимни осмондан
Қуёшга нур қилиб элатган!
Ким бўлдинг? Мудроқ бу танамда
Саноқсиз дарахтлар гуллатган!

Бу сенсан, Муҳаббат, танидим,
Ўйлаган, кутганим, деганим.
Лекин сен, наҳотки, билмадинг,
Бу – бир туш, уйқуда эканим?

На орзу этолмай бир бўса,
Изҳорга на бир сўз узилмай,
Туш бирдан узилди...
Армонлар Қолдилар қатлари бузилмай.

Лекин сен келишга ваъда бер,
Майлига, тушимда, бир замон –
Муҳаббат, мен сени кутаман,
Кутаман, уйғонмай ҳеч қачон!



2

Соғиндим мен сени. Кўргим келади,
Лекин айтолмайман ҳеч кимга буни.
Шаҳар ғуж тош ўрмон. Бошимга тушган
қуёшга талпинган оғочнинг куни.

Соғиндим. Кун-тунлар қатланди қалбда
Рангин ипаклари соғинчнинг. Агар
ёйсам йўллардаги симёғочларга
зорланиб етарди Самарқанд қадар.

Соғиндим, жаҳонда балки ҳеч бир тил
ҳижронни мукаммал ёзганмас ҳали.
Қадим ёзмалардек ул кунлар йитди,
бир сўзингни эслаш олам тасалли...

Дарахтман. Мен миллион япроғим билан
боқаман зор титраб сен келар кунга.
Соғиндим мени сени. Кўргим келади.
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Ақлий ҳужум». Шоирнинг юқорида берилган икки шеъри қандай мавзуда ёзилган деб ўйлайсиз? 2. «Кетишим шарт эди» деб бошланувчи шеъридан 7 та таянч сўзни топинг ва улар асосида шеърнинг насрий баёинини айтинг.												
Таҳлил ва таққин	   	1. Шеърдаги лирик қаҳрамон кечинмалари аниқ тасвирланган сатрларни аниқлаб, уларга ўз муносабатингизни билдилинг. 2. «Сени яхши кўраман» шеъри устида тадқиқот иши юритинг. <table border="1" data-bbox="405 790 1148 987"> <tbody> <tr> <td>1-гурух</td><td>Шеърнинг асосий ғоясини аниқланг.</td><td></td></tr> <tr> <td>2-гурух</td><td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td><td></td></tr> <tr> <td>3-гурух</td><td>Шеърдан ҳаётий хулоса чиқаринг.</td><td></td></tr> <tr> <td>4-гурух</td><td>Шеърдан тарбиявий хулоса чиқаринг.</td><td></td></tr> </tbody> </table> 3. «Соғиндим мени сени. Кўргим келади. Лекин айтолмайман бунини ҳеч кимга» мисраларида лирик қаҳрамонга хос қандай жиҳатлар акс этган деб ўйлайсиз? 4. «Инсерт» усули воситасида шеър ҳақида олган билимларингизни мустаҳкамланг.	1-гурух	Шеърнинг асосий ғоясини аниқланг.		2-гурух	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		3-гурух	Шеърдан ҳаётий хулоса чиқаринг.		4-гурух	Шеърдан тарбиявий хулоса чиқаринг.	
1-гурух	Шеърнинг асосий ғоясини аниқланг.													
2-гурух	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар													
3-гурух	Шеърдан ҳаётий хулоса чиқаринг.													
4-гурух	Шеърдан тарбиявий хулоса чиқаринг.													
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. «Сени яхши кўраман» шеърининг 2-бандидаги саволларга шеър матнига таяниб жавоб беринг. 2. «Муҳаббат» сўзига «Синквейн» усулини қўллаб, шеър тузинг.												

Энг сўнгги хазина

Худойберди Дониёровга

I

Кўп қизиқдир кўҳна мозий тақдири,
 Кўп қизиқдир унда халқлар тақдири.
 Агар кимдир машҳур эса қадимда,
 Йўқдир бугун у ҳеч кимнинг ёдинда.

Кимдир кеча хору хасга юрса тенг,
 Бугун унинг шон-шуҳрати кўкда денг.

Наҳот ҳеч ким боқий умр олмаса,
 Наҳот ҳеч бир зот устувор қолмаса?!
 Савол кўпдир, аммо чархда тиним йўқ,
 Гўё унда ҳеч нарсага қўним йўқ!
 Шу тахлитда замин-замон дўнипти¹,
 Ҳамма шунга кўнипти.

II

Бири катта, бири эса кичикроқ,
 Икки уруғ ўтган экан эски чоқ.
 Ери, эли беҳад катта бирининг
 Ва ҳар жиҳат қўли калта бирининг.
 Халқнинг феъли ўз ерига ўхшаркан:
 Катта уруғ ялқов, лоқайд яшаркан!
 Кичиги-чи, қайнаган қон, ишчан эр,
 Меҳнатидан зар тугаркан ҳар кафт ер.
 Ёндош яшаб, доим ол-бер қилишиб,
 Ҳач беғараз боришиб ҳам келишиб,

¹ Дўнипти – ўтибди.

Бул иккови чин қўшнига дўнипти,
Ҳамма бунга кўнипти!

III

Катта мулкка, катта ерга ўчлар кўп,
Зимдан қараб, тиш қайровчи кучлар кўп.
Бир кун улли¹ уруғни ёв босибди,
Нақ ғоз узра қирғий қанот ёзибди.
Кўп қирибди ёв бепарво элатни,
Бошига ҳам солибди хўп кулфатни.
Хўш, кичкина қўшни-чи, у тийран, қурч,
Жим турдими, йўк, ёрдамни билди бурч!
Шундай қилиб икков бир саф бўлдилар,
Ёвни бирга олқон-талқон қилдилар.
Уруш тугаб, қўшни дўстга дўнибди,
Ҳамма шунга кўнипти!

IV

Мана базм! Ичар икки оқсоқол,
Катта қучиб кичкинани, айтар ҳол:
«Зўр синовдан бирга ўтдик, бердик дош,
Оға-ини бўлдик энди қариндош!
Ғалабада сўзсиз улкан ҳиссанг бор,
Кам-кўстлар кўп... яна сал-пал қарашвор...»
Бу мақтовдан кичик бошлиқ жўшибди,
Тилни тилга, элни элга қўшибди!
«Э, ол!» дебди топган-тутган борини,
Аямабди ҳатто сийму зарини.
Ул оғага, бул укага дўнибди,
Ҳамма шунга кўнипти.

V

Оға уруғ катта-да! Ҳеч тўймас, денг,
Инича ҳам «илтифот»ни қўймас, денг!
Боғин ташир, донин ташир, чорвасин

¹ Улли – улуг, катта.

Тўйдирмоқнинг лекин топмас чорасин!
Иш не ҳолга етибди денг, алқисса,
Укасига заҳмат ортмиш тўрт ҳисса.
Кўргани ҳам, билгани ҳам даласи –
Шунда ўтар энди ҳар бир палласи.
Санъат, билим, камол қайда, унутдир,
Орзу-армон, хаёл қайда, унутдир.
Ахир нечук ини қулга дўнибди,
Ҳамма шунга кўнипти!

VI

Элнинг бутун аҳволидан хабардор
Яшар экан бир донои бузруквор.
Уни олиб эл бошлиққа борибди,
Бориб барча дарди ҳолин ёрибди.
Бошлиқ дермиш: «Биз кичкина – у катта,
Ёвлар кўпдир, ҳимоя йўқ, қўл калта!»
Дона дебди: «Юртга бир боқ, оқсоқол,
Унда ҳали ўзи билмас зўр ганжи бор!
Бу ғурурдир! У – ҳар қалбнинг қаърида!
Шуни уйғот ҳали имкон борида!
Уйғотолсанг – халқинг халққа дўнади.
Йўқса буткул сўнади!»

VII

Кўп қизиқдир кўҳна мозий тақрири,
Кўп қизиқдир унда халқлар тақдири.
Агар кимдир машҳур эса қадимда,
Бугун йўқдир у ҳеч кимнинг ёдида.
Кеча кимдир хору хасга юрса тенг,
Бугун унинг шон-шуҳрати кўкда денг!
Хўш, не бўлди кичик уруғ тақдири,
Бугун қандай унинг ҳоли тақрири?!
Ул эл ўзда ғурур пайдо этганми
Ё энг сўнгги хазина ҳам йитганми?!
Ким билади?! Шунча замон дўнгандир!
Балки бордир, балки буткул сўнгандир...



<i>Тушунуш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «Ақлий ҳужум». Шеърга яна қандай сарлавҳа қўйиш мумкин? 2. Шеърда таъкидланган «Энг сўнгги хазина» нима экан? 3. «Ҳамма шунга кўнипти» сатрлари орқали шоир шу халқнинг қайси жиҳатларига ишора қиляпти? Нима учун?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Шеърдан ўзингиз истаган қисмини ифодали ёд олинг ва диктофонга ёздиринг ҳамда эшитиб кўринг. Синфда уни тақдим этинг. 2. Катта ва кичик уруғнинг ўзига хосликларини «Венн диаграммаси» орқали таҳлил қилинг. 3. Шеърдаги асосий фикр қайси мисраларда ўз аксини топган? Асар матнига таяниб, уни таҳлил қилинг. 4. «Ғурур» сўзига «Тўплаштириш» усули ёрдамида таъриф беринг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Рефлексия. «3-2-1» асардаги уч асосий ахборот; қийинчилик туғдирган икки масала; дарсда ёққан бир жиҳат. 2. «Ғурур ва орият – энг муҳим қадрият» мавзусида эссе ёзинг.

ШЕЪРИЙ ТУРОҚ ВА БАНД


Ўзбек шеъриятида оҳанг ҳал қилувчи ўрин тутади. Шунинг учун ҳам шеърнинг муваффақиятини таъминлашда оҳанг унсурлари катта аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан туроқ ва бўғиннинг шеърдаги вазифаси жуда муҳим.

Ҳар бир шеърий мисра муайян тартиб, зарб асосида такрорланиб келадиган бўғинлар гуруҳидан иборат бўлади. Шеър мисраларидаги бўғинларнинг муайян оҳанг ва ритм асосида гуруҳланиши туроқ дейилади. Туроқ битта мисранинг ва бутун шеърнинг оҳанги ва мусиқасини тайин этади.

Мисраларнинг ички мазмун, туроқ ва қофиялар асосида бирикуви, яхлитланиши бандни ташкил этади. Жумладан О. Матжоннинг сиз ўрганган шеърларининг айримлари тўрт мисралик («Ёнаётган дарахт», «Сени яхши кўраман», «Кетишим шарт эди»), баъзилари беш йўллик («Огаҳий ғазалига мухаммаси мулоқот») бандлардан иборат. «Энг сўнгги хазина» шеърида эса ҳар икки йўл ўзаро қофияланиб келган ва мазмуний йўналишига қараб етти бандга бўлинган.

III БҰЛИМ

МИСРАЛАРДА ЯШИРИНГАН ҲАҚИҚАТ



Тоҳир Малик
(1947–2019)

Тоҳир Малик (Тоҳир Ҳобилов) 1946 йилнинг 27 декабрида Тошкентда зиёли оилада дунёга келди.


Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультети кечки бўлимида ўқиди. Қурилишда дурадгор, ғишт терувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасида адабий ходим, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади (1966).

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Республика радиосида, Чўлпон, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилди. 1995 йилдан буён Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўзбек тилидан дарс беради.

Ўзбек адабиётида кам эътибор берилган фантастика жанрига айнан талабалик йилларида қўл урди; бир қатор асарлари китобхонлар эътиборини ўзига тортди. «Ҳикмат афандининг ўлими» (1972) асари ўзбек адабиётида фантастика йўналишидаги биринчи қисса саналади. Шу йўналишдаги бир қатор ҳикоялари, «Фалак» (1976), «Заҳарли ғубор» (1978), «Сомон йўли элчилари» (1979), «Тириклик суви» (1984) қиссалари, «Девона» романи (1985, дастлаб «Чорраҳада қолган одамлар» номида нашр этилган), «Қора фаришта» (2005) китоби чоп этилди; бу асарлар рус ҳамда бошқа хориж тилларига таржима қилинди.

Адиб XX аср бошларидаги ўзбек зиёлилари фаолиятини ўрганиб, Абдулла Авлоний ҳаёти мисолида «Савоҳил» (1987, аввал «Қалдирғоч» номида нашр этилган) романини ва Мирзакалон Исмоилий хотирасига атаб «Озод инсон ҳақида қўшиқ» (2008) қиссасини ёзди. Бу мавзу кейинчалик «Сўнгги ўқ» (1990), «Ов» (1997) қиссаларида давом этди. «Сўнгги ўқ» асосида етти қисмли телефильм яратилди. Унинг маънавий масалаларига, ахлоқий қадриятларга бағишланган «Бир кўча, бир кеча» (1988), «Иблис девори» (2006), «Энг кичик жинойт» (2007) асарлари ҳам китобхонларга манзур бўлди. «Иблис девори» асосида бадиий фильм сураатга олинди. Адиб инсоннинг маънавий-руҳий оламини тадқиқ этишга кўп эътибор қаратди. Бунинг самараси ўлароқ «Жинойтнинг узун йўли» (2001), «Аёвсиз





илон» (2009), «Ақл ва Оқил» (2010), «Келинлар дафтарига» (2010), «Тилингни асра», «Меҳмон туйғулар» маърифий асарлари ҳамда уч китобдан иборат «Одабийлик мулки» (2012) асари дунёга келди.

Тоҳир Маликнинг яна «Алвидо, болалик» (1989), 5 китобдан иборат «Шайтанат» (1994, 1995, 1997, 2001, 2011), «Мурдалар гапирмайди» (1994), «Ёмонликдан йироқ бўлинг» (2001), «Талваса» (2007), «Тилла каламуш» (2007), «Вой, онажоним» (2009), «Соҳилсиз денгиз», «Падаркуш» (2011), «Самум» (1-2 китоб, 2012–2013), «Чархпалак», «Ҳаловат», «Шайтанатнинг жин кўчалари», «Номус», «Куёв бола, сизга айтар сўзим бор» (2012), 12 жилдли «Танланган асарлар», «Муножот» (2013), «Умидлар дашти», «Умидимиз юлдузларига» (2014), «Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи» (1-2 китоб, 2015) каби роман, қисса, ҳикоялар, бадеалар китоблари нашр этилди.

Адиб таржимон сифатида «Ташналик» (булғор ҳикоялари, 1980), Э. Амитнинг «Капалак» (1981), А. Ҳакимовнинг «Оқсоқ бўри» (роман, 1981), Ф. Достоевскийнинг «Маъсума» (роман, 1985), В. Икскулнинг «Номус ва ажал» (2010), «Номус ва қасос» (2011), К. Гоцдининг «Буғуга айланган қирол» (пьеса, 2011), Л. Толстойнинг «Сакраш» (1980) асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Айни пайтда адибнинг асарлари ҳам араб, рус, қирғиз, қozoқ, уйғур тилларига таржима қилинди.

Адиб қатор киносценарийлар ва радиопьесалар муаллифи ҳамдир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик 2019 йил 16 майда бетобликдан вафот этди.

Сўнгги ўқ (қисса)

«ҚОТИЛМАН», ДЕГАН ОДАМ

*Бу бобда майор Санжар Солиҳовнинг қотилга ишонмагани
ҳақида гап боради.*

Тоғларга ошиқмай келган баҳор ҳақини қўймади – кеч кетди. Кеч келган ёз шошқалоқ кузнинг заҳар нафасига дош беролмай чекина қолди. Дарахт барглари шошқич равишда заъфарон тус олиб, майлларини тентак

шамолга бера қолдилар. Бўлар иш бўлди: Дайдидаранинг асл хўжалари – изғирин, совуқ ҳукм ўтказа бошлади.

Майор Солиҳов Дайдидаранинг қилиғидан беҳабар, шаҳардаги юпун кийими билан чиқаверган эди. Мурда топилган жойни синчиклаб кўздан кечириб, район жиноятга доир қидирув бўлими бошлиғининг маълумотини эшитгунча совқотиб, тишлари такиллаб қолди.

– Демак, ашёвий далил йўқми? – деди Солиҳов маълумотни тинглаб бўлгач.

– Далил йўқ. Фақат иккита из қолган. Бири эски этик изи. Қирқ учинчи размер. Иккинчиси ботинка изи. Қирқинчи размер.

– Этикнинг эгаси Муҳаммадризаевми?

– Ҳа.

– Айбини дарров бўйнига олгани сизга ажабланарли туюлмаяптими?

– Йўқ. Ёши бир ерга бориб қолган, бўйин товлашнинг фойдасизлигини фаҳмлаган, – деди Жабборов.

– «Ёши бир ерга бориб қолган» дедингизми? – майор қунишиб бош чайқади.

– Эллик олти ёшда тақдирга тан беради, деб ўйлайсизми?

Капитан Жабборов елка қисди. Майорнинг шу оддий ҳақиқатни билмаслигидан ажабланди.

– Рецидивист¹ учун бу жуда кўп. Оғир жиноят у ёқда турсин, бировга қараб қаттиқроқ аксириб юборса ҳам қамалишини яхши билади. Терговчини қийнамаса иши осон кўчиши ҳам унга маълум.

– Яхши... – Солиҳов лабини қимтиб капитанга тикилиб қолди. – Ишни судга ошираверайликми?

Капитан марказдан келган бу одамнинг гапи чинми ё пичинг эканини фаҳмлай олмай гангиди. Кейин ноилож елка қисди:

– Ўзингиз биласиз...

Бу жавобдан Солиҳов ғижинди. Кўпларнинг тошюраклиги оқибатида қанча одам бадном бўлди, қанчаси жон берди. У дамда қатағон эди, ўйлашга, мулоҳаза юритишга фурсат етмасди. Энди-чи? Бир одамни ушлашибди, у «Мен қотилман», дебди. Булар эса ишонишибди...

– Сиз... урушда бўлганмисиз? – деб сўради Солиҳов дағал оҳангда.

– Йўқ... мен уруш ортида хизмат қилганман. Бир неча марта жангга бораман, деб...

– Бу гапнинг кераги йўқ. Мен бошқа мақсадда сўрадим. Эндигина ўн саккизга тўлиб биринчи жангга кирган йигитлар ўлимдан қўрқишарди. Бу тушунарли. Лекин «ёши бир ерга бориб қолганлар» ҳам ўзларини душман ўқидан пана қилишарди. Барвақт ўлим ҳеч кимга ёқмайди, биродар, ҳатто учига чиққан жиноятчи ҳам жондан тўймайди. Умид билан яшайди. Лекин қандай умид билан яшайди – биз шуни билишимиз керак. Қани, кетдик бу ердан. Бу туришда илигим тўғнаб қолади.

¹ Рецидивист – қайта-қайта қамалган жиноятчи.

Капитан унинг мақсадига тушунмай қолди. Бу депарага у бошқа вилоятдан келган, Солиҳов билан шунчаки танишган, иш юзасидан эса биринчи марта юзма-юз бўлаётган эди. Ҳозир кичикроқ лавозимда бўлса-да, у ўзига юқорироқ баҳо берарди. Ҳар ҳолда бу соҳада ишлаётганига йигирма йилдан ошди. Жамиятни неча-неча «халқ душмани»дан халос этди. Лавозими ҳам, унвони ҳам шу одамникидан баландроқ эди. Қандайдир «махмаданалар» чиқиб «ҳибсда ётганлар халқ душманлари эмас», дейишди, уларнинг гапларини бошқа калтабинлар ёқлашди. Ишлар қайтадан қўзғалдию... оқибатда мана шу овлоққа келиб қолди. Келиши билан қотилликка рўбарў бўлди. Ўттиз икки йилдан бери бу қишлоқда одам ўлдирилмаган эди. Шу капитан бо-яқишни кутиб туришганми, олтмишни қоралаган бир одамни куппа-кундуз куни отиб қўйишибди. Қотил айбини бўйнига олиб ўтирибди. Марказдан келган бу «улуғ» нима дейди ўзи? Капитан бир кун ичида қотилни ушлаб, тайёр ошни сузиб берса-ю, бу майор олифталиқ қилса...

Капитан шуларни ўйлаб ғижинди. У ўзини жабрланган, хўрланган, вақтинча чекинган, деб ҳис қиларди. Ҳали яна замони келишига, олға интилишига ишончи катта эди. Майорга айтар гапларини ўша яхши кунларга асраб, қияликдан сирғана-сирғана унинг изидан пастга туша бошлади.

Сирғанчиқ қияликда тез юрганиданми Солиҳовнинг бадани қизиб, совуқ таъсир этмаётгандай туюлди. Аммо тепасига брезент тортилган «Газик» эшикларининг тирқишидан суқилиб кираётган совуқ шамол барибир устун келиб, район марказига етгунча бўлари бўлди.

Солиҳов бир пиёла чой ичиб олгач, маҳбусни олиб киришни буюрди. Дам ўтмай соқчи йигит баланд бўйли, елкалари кенг, сочи устарада қирилган, бошланг кишини бошлаб кирди.

Солиҳов бу одамнинг оёғидаги бироз уринган хром этикка, эғнидаги қора шим, кўк кўйлакка тезгина разм солиб олди. Уни маҳбуснинг кийимлари эмас, пешонасидаги ёзув ҳайратга солди. Қамоқ кўрган одамлар кўкрагига, билагига игна билан тешиб суратлар солдирар, ёзувлар ёздирар эдилар. Аммо пешонасига ёздирган одамни Солиҳов энди кўриб туриши.

Маҳбус Солиҳовнинг ўзига қадалган нигоҳини, ажабланаётганини сезди. Лиқиллаб қолган ўриндиққа ўтира туриб минғирлаган овозда деди:

– Пешонамга «Алқасосу минал Ҳақ», деб ёзилган. Ўқийман деб ўзингизни қийнаманг. Арабча ҳарфларни билмайдиган одамга ёздирган эдим. Яхши ёзолмаган.

– Кимдан қасос олмоқчи эдингиз? – деб сўради Солиҳов.

– Бу эски гап, начайник, эскини кавламанг.

– Ҳар ҳолда қизиқиб қўйишим керак: қасос олганмисиз?

Маҳбус индамади. Пича ўйга берилиб қолди. «Қасос олдимми? – деб ўзидан ўзи сўради. – Йиллаб кутган фурсатимни қўлдан чиқармадимми? Нима учун яшовдим, шу фурсат учун эмасми? Энди-чи...»

Маҳбуснинг бу фикрларга берилиши бежиз эмасди. У Дайдидарадаги қотилликни эшитганидан бери шу саволларга банди. Савол беради-ю, жавоб топа олмайди. Миясини, юрагини нимадир кемираётганга ўхшайди, баъзан эса аламга чидай олмай инграб юборади.

Солиҳов унинг индамай қолганини бошқа нарсага йўйди. «Ўтмиш хотиралар қийнапти шекилли», деб ўйлаб, унга бироз тин беришни лозим топди. Аммо маҳбус бу имкониятдан фойдаланмади, унга тик қаради:

– Сўрайдиганингизни сўранг, начайник?

Солиҳов стол устидаги қоғозларни тартибга солган бўлди. Кейин перони сиёҳдонга ботириб ёза бошлади.

– Мен Санжар Солиҳовман. Область жинойт қидирув бўлиmidанман. Дайдидарадаги қотиллик изини очиш билан шуғулланаман. Қарши эмасмисиз?

– Менга барибир, сиз шуғулланасизми, бошқасими – фарқи йўқ.

– Исмингиз?

– Жаҳонгир Муҳаммадризо ўғли. Қирқбел қишлоғида ўрусча ҳисобда бир минг тўққиз юз биринчи йилда туғилганман. Волидаи мукаррамам ўн олтинчи йилда, жаннатмакон отам йигирма иккинчи йилда оламдан ўтганлар. Уйланмаганман. Қариндош-уруғларим қолмаган. Ўзим шаҳарда тураман. Мактабда қоровулчилик қиламан.

«Мактаб кўрган жинойтчи эканини яширмайди ҳам, – деб ўйлади Солиҳов унинг айтганларини ёзиб олар экан, – берадиган саволларимга биратўла жавоб қайтара қолди».

– 1957 йил бешинчи октябрда қаерда эдингиз? – деди Солиҳов Жаҳонгирга синовчан тикилиб.

Жаҳонгир жавобни ўйлаб ҳам ўтирмади:

– Дайдидарада.

– Нима қилдингиз у ерда?

– Болалигим ўтган ерларни кўргим келиб чиқувдим.

– Марҳумни танирмидингиз?

Бу сафар Жаҳонгир ўйланди.

– Йўқ, – деди у эзгин бир оҳангда.

Солиҳов ундаги ўзгаришни сизди. Тоза қоғозга «Марҳумни ростдан танимайдими?» деб ёзиб қўйди.

– Танимасангиз... нимага ўлдирдингиз?

– Шайтон йўлдан урди. Ўқ хато кетди. Архарни мўлжалга олувдим.

– Ов милтиғида отувдингизми?

– Ҳа.

– Ўқ марҳумнинг қаерига тегди?

– Билмайман... қўрқиб қочиб кетдим.

Солиҳов Жаҳонгирнинг ёлғон гапира бошлаганини билди. Шу сабабли нафас ростлашга ҳам қўймай саволларни ёғдириб ташлади:

– Тахминан ҳам билмайсизми? У сизга орқа қилиб турганмиди ё юзма-юзми?

– Юзма-юз эди шекилли...

– Милтиғингиз қани?

– Дарёга ташлаб юбордим...

Солиҳов яна савол бераман, деганда Жаҳонгир қўлини кўтарди:

– Начайник, бошқа савол берманг, – деди у қатъий оҳангда, – айбимга иқрорман. Уни мен ўлдирдим. Энди мени отиб ташлайверинг.

Солиҳов унга тикилиб қаради-да, мийиғида кулди.

– Сиздай кўпни кўрган одамга гўллик ярашмас экан. Менинг отадиган одам эмаслигимни биласиз. Дунёда суд деган нарсалар борлиги сизга маълум. Ҳатто... ёлғон гапираётганингизни ҳам биласиз. Жонингиздан тўйган бўлсангиз умрингизга бизнинг қўлимиз билан нуқта қўйманг. Терговни чалғитаман, деб ҳам ўйламанг. Бизга сизнинг жонингиз керак эмас. Сиз қотилни яширяпсиз. Ёнингиздаги ким эди, айтинг.

Жаҳонгир унинг ўткир нигоҳига бас кела олмади. Бошини эгди.

– Ёнимда ҳеч ким йўқ эди. Ўзим ўлдирдим, – деди паст овозда.

Солиҳов «ана, кўрдингизми», дегандай капитанга қараб олди. Капитан бу нигоҳга яширинган маънони уқмагандай ҳиссиз тураверди. Солиҳов асабийлашиб столни бир-икки чертди. Боши эгик маҳбусга тикилиб, ундан яна сас чиқишини кутди.

– Мен ўлимга шошаётганим йўқ. Умрининг вақти-соати Оллоҳнинг қўлида. Керак бўлса жонимни сизнинг қўлингиз билан олади, хоҳласа бошқанинг қўли билан. Мен Оллоҳим юборган барча жабру жафоларни кўриб бўлдим. Дилимдан чиқариб бир оҳ урсам олам-жаҳон барбод бўлади. Оллоҳ иймонимни берса, бир мўминнинг қўли билан жонимни олса, бир мўмин покиза танамни манзилимга қўйса, бас. Орқамдан биров фарёд урмайди, биров чироқ ёқиб ёд этмайди. Шунақа... начайник... – Жаҳонгир бошини кўтарди. Солиҳов унинг кўзларида нам кўрди. – Мени ҳам қийнаманг, ўзингизни ҳам. Суддан қўрқманг, гапимдан тонмайман.

Солиҳов унга бошқа савол бермади. Жаҳонгирнинг гаплари ёзилган қоғозни стол четига суриб, ручкани узатди:

– Ўқиб чиқинг. Гапларингиз тўғри бўлса, имзо чекинг.

Жаҳонгир ўқиб ҳам ўтирмай имзо чекиб берди-да, ўрнидан туриб қўлини орқасига қилди. «Бунчалар мўмин бу одам», деб ўйлади Солиҳов унинг қилиғидан ажабланиб.

Жаҳонгирни район милициясининг ярим ертўла авахтасига қайтаришди. У ўн кишига мўлжалланган, икки қаватли тахта сўрилар қўйилган бу нимқоронғи зах авахтада тунни ёлғиз ўтказган эди. Бу авахтада йигирма иккинчи йилда ҳам ётган. У пайтда ерга сомон тўшалган экан, туни билан бургага ем бўлиб чиққан эди. Дастлаб келганида авахта гавжум эди. Кеча

кириб, кўзларига ишонмади. Кейин «Бу юртда жиноятчи дегани қолмабди-да, мендан кейин авахтани бузиб ташлашса керак», деган тўхтамга келиб, деразани эслатувчи туйнук ёнидан жой олди.

Аниқ ёдида: сўроққа чиқаётганида соқчи эшикни қулфламай очиқ қолдирган эди. Қайтгач, эшикка осиглиқ қулфни кўриб ажабланди. Ичкари кириб ориқ бир йигитга кўзи тушгач, «Авахтанинг иши ҳали бор экан», деб қўйди ўзича. Йигит ёши улуғ бу одамни кўриб, салом берди.

– Ҳа, иним, у ерларга қайси шамол учирди? – деб сўради Жаҳонгир унинг саломига алик олиб.

– Ҳе, бунақа шамолнинг энасини... – йигит беихтиёр сўкиб юборди-ю, бу қилиғидан ўзи изза чекиб, гап оҳангини сал юмшатди. – Хотинимни урган эдим, бу ерга тиқиб қўйишди падарлаънатилар.

– Чакки бўлибди, – деди Жаҳонгир жойига бориб ўтириб.

Йигит бу гапни «Қамашгани чакки бўлибди», деган маънода уқиб дадилланди.

– Эр бўлгандан кейин эрликда туриш керак. Хотин хотинлигини қилсин. Эрга гап қайтармасин, чизган чизигидан чиқмасин. Хотин деган эрга чақчайиб турса...

– Хотин киши эрнинг ҳурматини жойига қўйиши керак, гапингиз тўғри.

– Чақчайиб тургандан кейин калтак ейди-да.

– Йўқ, иним, номард одам хотинини уради.

– Ие, қизиқ экансиз-ку?..

– Расулуллоҳ аёлларни хўрлашни ман этганлар. Ҳар бир мўъмин расулуллоҳнинг ҳадисларига амал қилиши шарт.

Йигит қарасаки, бу тақирбош одам унга эл бўладиган эмас, шу боис гапни давом эттирмади.

Аммо узоқ жим ҳам ўтира олмади.

– Патинкамнинг ипини ҳам ечиб олишди. Ипни нима қилишади?

– Ўзини осиб қўймасин, деб олишади.

– Ким ўзини осади, менми? Жинни бўпманми?

– Ҳа, энди буларнинг таомили шунақа-да.

– Сизникини ҳам олишдими? Ҳа... сиз этикда экансиз. Ўзи... сизни нимага қамашди?

– Э, иним, менинг ишим чатоқ. Мен одам ўлдирдим.

– Одам ўлдирдим? Кимни? Ҳалиги... Дайдидарадаги одамними? Нимага ўлдирдингиз?

Жаҳонгир бу йигитнинг феъли торроқ эканини билиб, ҳазил билан жавоб берди:

– Хотинини урган экан.

Ҳазил гап билан йигитдаги ҳадикни қувмоқчи бўлган Жаҳонгир уни баттар саросимага солиб қўйди. Йигит унга бақрайиб қараб қолди. Жаҳон-



гирнинг пешонасидаги ёзувни кўрди-ю бадбашара одамхўрга дуч келгандай хушини йўқотди. Сапчиб ўрнидан туриб орқасига тисарилди. Уни тинчлантириш учун Жаҳонгир ҳам ўрнидан қўзғолди. Йигит буни бошқача тушуниб, орқаси билан деворга урилгунча тисарилаверди. Сўнг кескин ўгирилиб, эшикни дўмбира қила кетди.

– Начайникни чақир, чақир дейман! – деб жон ҳолатда бақирди.

Жаҳонгирнинг «Ҳой, иним, ҳазиллашдим», дегани қулоғига ҳам кирмади. Йигитнинг жавабаси авжга чиққанда эшик очилди.

– Нимага ғалва қиялсан? – деди соқчи ўдағайлаб.

– Мени бошқа хонага олиб чиқинглар. Талаб қиламан!

– Бу энангни уйими, кўнглингга қарайдиган. Ғингшимай ўтир, бўлмаса адабингни ейсан.

– Мен...

– Ўчир овозингни! Бор жойингга, – соқчи уни кўкрагидан итарди-да, Жаҳонгирга қаради:

– Сен эса мен билан юр.

Жаҳонгир «Яна сўроққадир», деб ўйлади. Ҳар ярим соатда чақириб гангитадиган терговчиларни ҳам кўрган. Туни билан тик турган ҳолда саволларга жавоб берарди. Сўроқдан қайтиб энди ётганида «Ризаев, тур ўрнингдан», деб кириб келишарди. Кундузи ухлашга рухсат йўқ, соқчи дам-бадам эшик тирқишидан қарайди. Ётиш у ёқда турсин қаравотга ўтиргудай бўлса, «Тур ўрнингдан!» деб бақиради. Жаҳонгир айби нималигини билмайди. Терговчига маъқул жавобларни бераверади.

Ҳозирги чақирув қирқ еттинчи йилдаги ўша сўроқларни ёдига солди. Майор билан бўладиган савол-жавобга шайланиб хотиржамлик билан юрди. Бироқ соқчи идорага эмас, ҳовлида турган усти ёпиқ, бурни пачоқ машина сари бошлади. «Шаҳарга олиб кетишаркан, – деб ўйлади Жаҳонгир, – демак иш чўзилади. Районда қолганда тезроқ битарди. Бу Санжар деганлари ханжар бўлиб дилимни тилим-тилим қилиб поралайди шекилли...»

Жаҳонгир «Бу юртимга энди қайтиб келмасам керак», деб ўйлаб бир зум тўхтади. Атрофга суқланиб боқди. Тоғ бағридаги унинг жаннат қишлоғи бу ердан кўринмайди. Лекин у ҳозир атрофга боқиб, қишлоғини кўргандай бўлди. Димоғига жийда гули ҳиди урилгандай туюлди. Бу атрофда жийда йўқ, қолаверса, ҳозир куз. Бу ҳид қайдан келди, ўзининг ҳам ақли лол.

– Қочишни ўйлама, қочсанг – отиласан, – соқчининг кескин гапи хаёлини тўзитди. Аста-секин босиб, машина томон юрди. «Ҳе, эси йўқ бола, қаёққа қочаман? Ўлимдан қочиб бўларканми? Ўзим ўлим истаб юрибман-ку... Ё ростданам қочиш қилиб берсамми? Шартта отади, тинчийман, қўяман?...» Шу фикр миясига равшанлик бериб, яна тўхтади. Бир қарорга келмасидан соқчи милтигининг қўндоғи билан туртди. «Қаёққа қочаман?

Отаман, деб пўписа қияпти. Оёқ-қўлим енгил, чаққон бўлсам экан, қочсам. Энди Оллоҳим тайин қилган кунни кутишдан ўзга чорам йўқ».

Қуёш нурлари ўлимтик туюлса ҳам қамоқхона машинасининг темир баданига таъсир ўтказган эди. Панжарали дарчаси ҳам бўлмаган бу машина ичи қоронғи ҳамда жуда дим эди. Бирпасда Жаҳонгирнинг нафаси қайтди. Хайриятки, машина узоқ турмай, юрди. Совуқ шамол темир баданнинг ёриқларидан ўзига йўл топиб ичкари кирди. Жаҳонгирнинг назарида бу тоза ҳаво, юрт ҳавоси у билан хайрлашиш учун биқиниб киргандай эди. У чуқур-чуқур нафас олди. Томоғига нимадир тиқилди. Йиғлагиси келди. Аввал олиб кетишганда бу ҳолга тушмаган эди. Қайтиб келишига, ота юрт тупроғини кўзига суртишига, сувидан тўйиб-тўйиб ичишига, ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишига ишонарди. Энди... бундай ишонч йўқ унда. Энди... қайтмас бўлиб кетяпти. Энди... онаси, отаси ҳам ёлғиз қолди. Энди... уларнинг арвоҳлари қишлоқ кўчаларида паноҳ излаб чирқираб юради. Кеча қабристонга бориб зиёрат қилгани дуруст бўлди. Бу дунёда сўнгги марта борди. Энди у дунёда дийдор насиб этади. Ҳаммалари жамул-жам бўлишади. Онаси, отаси... ниҳоят, акаси... Айбдорни Оллоҳнинг ўзи жазолайди...

Машина нотекис йўлда чайқалиб боради. Омонат ўтирган Жаҳонгирни баъзан итқитиб юборади. Жаҳонгирга йўл азоби таъсир этмайди. У руҳи ҳукмига банди бўлиб ўтирибди. «Ё Оллоҳ, билиб-билмай, тушуниб-тушунмай, шайтон йўлига кириб, тўғри йўлдан озиб, иймондан, инсофдан, виждондан чекиниб қилган гуноҳларимни ўзинг кечир. У дунёда она-отам билан, акам билан учрашадиган онларим яқин қолди. Ё Оллоҳ, уларга ёруғ юз билан рўбарў қил. Акам тўғри йўлдан озган эди, ўзинг мағфират қил уни. Бу дунёда гуноҳларига тавба қилмаган бўлса, энди тавба қилади, тавбаларини даргоҳингда қабул эт. У кўрмаган азобларни мен кўрдим. Унинг гуноҳларини ҳам мен сўраб оламан. Шу кунга қадар акамга айтадиган гапларимни дилимда сақладим. Ўзингга шукр, гапим ичимда қолиб кетмади. Акамни мен отишим керак эди. Умр бўйи шундан қўрқиб яшадим. Акамни ўлдириш азобини қандай кўтараман, деб эдим, шукр, бу азобдан ҳам қутқардинг. Акамнинг жонини бировнинг қўли билан олдинг. Аммо унинг гуноҳини мен бўйнимга оламан. У дунёга шу гуноҳ билан бораман. Ё Оллоҳ, гуноҳимни ўзинг кечир. Аммо мен жаннатдан жой сўрамайман. Шу таъмада сенга сиғиниб юрган бўлсам, албатта дўзахдан жой бер менга. Бу дунёда кўрган роҳатларим эвазига дўзах азобини тортай. Мен расулинг Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтган сўзларингга амал қилиб келдим. Энди иймонимни берсанг бас...»

Темир баданли машина «ҳей, эсингни йиғ» дегандай Жаҳонгирни силкиб-силкиб қўяди. Жаҳонгирнинг руҳга батамом банди бўлишига йўл бермайди.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Майор Солиҳов Дайдидарага қандай иш юзасидан келган эди? 2. Капитаннинг Солиҳов билан бўлган гаплардан кейинги ҳолатини изоҳланг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Майор билан маҳбус ўртасидаги савол-жавобни ролларга бўлиб ўқинг ва ўз мулоҳазангизни билдиринг. 2. Жаҳонгир характериға баҳо беринг. 3. Жаҳонгирнинг авахтадаги йигитга берган насихатидан кейин сизнинг унга бўлган муносабатингиз ўзгардими? 4. Солиҳовнинг ўз ишининг устаси эканлигига ёзма усулда баҳо беринг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Жаҳонгир нима учун «Бу юртимга энди қайтиб келмасам керак», деб ўйлади? Фикрингизни изоҳлашга урининг. 2. Машинада кетаётган Жаҳонгир хаёлидан ўтган сўзларға муносабат билдиринг.

2. КАЛАВАНИНГ БИР УЧИ

Бу бобда парда-девор ортидаги аёлнинг ўйлари билан ҳам танишасиз.

Майор Санжар Солиҳов маҳбусни шаҳар турмасига кўчириш ҳақида буйруқ бергач, Жабборов билан хайрлашди. Капитаннинг кўнглида нохуш ҳис уйғонди. Дайдидарадаги қотилликка оид ишнинг мураккаблигини энди тушунди. Солиҳов ишни енгил кўриб чиқадиغانга ўхшамайди. Демак, иш ниҳоясига етгунча район жиноят қидирув бўлимида ҳам тинчлик бўлмайди.

Капитан Жабборов Солиҳовга унча ёқмади. Солиҳов унинг ўтмишини эшитган эди. Аммо ўша давр уни шу ишларга мажбур қилгандир, давр талабига қарайман, деб бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлгандир, деб ўйлаган эди. Бугунги қисқа учрашувдан билдики, капитан ўтмишдан ҳуло-са чиқармаган ёки унинг табиати, бўлган-тургани шу: ишни енгил-елпи кўриш. Солиҳов у билан хайрлашгач «ишни олиб борувчи гуруҳга қўшиб бўлмайди уни», деган қарорга келди.

«Газик»нинг ғилдираклари гўё ҳар бир тош, ҳар бир чуқурликни пайпаслаб топаётгандай эди – машина тинмай чайқаларди. Солиҳов пешонасига «алқасосу минал ҳақ», деб ёзилган одамни кўз олдига келтириб ўйларди. «Уч марта қамалган. Яна энг қалтис даврлар – 1922, 1938, 1947-йилларда. Кўп азоб чеккан. Қарашларида маъно бор. Аҳмоқ одамга ўхшамайди. Қотилликни нима учун бўйнига оляпти? Марҳум орқа томондан, ов милтиғида эмас, тўппончада отилган, ўқ миясини ўпириб кетган. Муҳаммадризоев уни отилгандан сўнг кўрмаган, кўрган бўлса аввал кўргандир. У билан гаплашган. Нимани гаплашган? Кейин кетган. Қаерга кетган? У кетгач, қотил келган. Ким у қотил, нимага келган? Кекса одамдан нима талаб қилган? Шарипов Дайдидарада нима қилиб юрган эди? Йигирма иккинчи йилда хорижга ўтиб кетган бу одам икки йил аввал Қашқардан қайтган. Бу овлоқ жойда нима бор экан унга?»

Машина тинмай чайқалади. Гўё Солиҳовни чулғаб бораётган саволлар булутини тўзитмоқчи бўлади. Солиҳов бундай йўл, бундай чайқалишларга кўникиб кетган. Урушдан аввал қайси бир ҳамроҳи нолиганда ярим ҳазил, ярим чин билан «Замон чайқалиб турибди, машинанинг чайқати-

лиши нима экан», деган эди. Солиҳов замонларнинг энг қалтис чайқалишларидан ўтиб келди. Гуноҳи нима эканини билмай бош эгиб сукут сақлаб ўтирган доноларни, мунг тўла кўзларни кўрди. Баъзан шу кўзлар уни таъқиб қилади. Ана шунда кўринмас панжалар юрагини сиқувга олади. У кўнглига фақат бир нарсадан паноҳ топади: бегуноҳларни кўрди, аммо уларни қириб ташлашда иштирок этмади. Бахтига (ҳа, бунинг бебаҳо бахт эканини энди билипти) сиёсий маҳбуслар билан шуғулланмади. У қотиллар, ўғриларни тутиш билан машғул эди. Ҳозир кўнглига бироз бўлса-да, таскин берадиган ҳам шу жамиятга зарур иш билан шуғуллангани.

Солиҳов идорага қайтгунча биринчи галда қиладиган ишларини белгилаб олган эди. Хонасига бора туриб Рамазоновни чақирди. Капитан Рамзиддин Рамазонов уруш кўрган, оқ-қорани яхши ажрата оладиган инспектор бўлгани учун ҳам Солиҳов уни қадрларди. Кўп ишларда унинг ёрдамига суянардди.

Майор Дайдидарадаги қотиллик, район жинойт қидирув бўлимидаги ўртоқларнинг хулосаси билан таништириб, Рамазоновдан жавоб кутди. Аммо Рамазонов жавобга шошилмай «Казбек»ни тутатиб ўтирарди. Ташқаридан қараган киши бу одам муҳим гапларни эшитди, энди жиддий бир фикр айтиши керак, деб ўйламас, оёғини чалиштириб ўтирган капитан шунчаки бекорчиликдан папирос тутатаяпти, деган хаёлга бориши мумкин эди. Солиҳов у билан дастлаб учрашганида бу қилиғидан ранжиган ҳам. «Бу бемалолхўжа ўйлаб ўйига етгунча жинойтчи ишини битириб бўлади». Кейин-кейин кўникиб кетди. Ҳатто чуқур мулоҳаза юритадиган бу одамни яхши кўриб қолди.

Рамазонов папиросни охиригача чекиб, қолдиғини кулдонга эзиб қўйди. – Тушунарли, – деди бошлиғига қараб, – архивни титиб кўраман.

Рамазонов ўзи сезмаган ҳолда яна чўнтагидан «Казбек» қутисини чиқариб бир дона олди-да, папироснинг тамакили томонини аста эзиб, иккинчи учи билан қутига уриб-уриб қўйди. Бир нафас ўйланди. Папиросни лабига қистирди. Бироқ тутатмади. Сўнг тайин бир қарорга келиб ўрнидан турди.

Солиҳов идорада узоқ ушланмади. Ташқарига чиқиб эски шаҳар томон йўл олди. Оқшом қўна бошлаган палла, кўча тирбанд. Одамлар уч вагонли трамвайнинг зиналаригача осилиб олишган. Дўмбоқ паттачи трамвайнинг силкинишига эътибор бермай одамлар орасида суқилиб, туртилиб ўз ишини қилади. Йигитлар атайин хиралик қилиб уни ўтказгани қўйишмайди. Паттачи буни билади, бироқ ўзини билмаганга солиб йигитларнинг биқинига тирсагини тираб ўтади. Вагон ўртасида турган Солиҳов Ҳадрага етганда паттачининг орқасидан эргашиб эшик томон силжиди. Чорсуда бир амаллаб тушиб қолиб, поябзаллар обдан суртилган

шимининг почасини қоқди. Бозор томон юрди. Узун кўчанинг икки томонидаги дўконлар ёпилган. Кўчада одам сийрак. Фақат ресторанлар олди гавжумроқ. Ичкарида жазавали куй эшитилади. Баҳору ёз меҳнат қилиб етиштирганини сотиб тугатган, чўнтаги пул кўрган деҳқон йигитлар болалари ризқининг бир улушини шу ерга сочиб кетишади. Гўлроқлари баъзан шип-шийдам бўлиб ҳам чиқишади. Кўкраклари тирсиллаб турган хонимлар, фуражкасини бостириб кийиб олган йигитлар бу атрофда бекор изғиб юришибдими? Улар ҳозир ҳеч нарса билан иши йўқдай, бефарқ туришибди. Атрофга қоронғулик чўкиб, ичкарида оркестр авжга чиққанда уларнинг «ови» бошланади.

Семизлигидан ёрилиб кетай деяётган милиционер Солиҳовни кўриб салом берди. Солиҳов алик олди-ю, бошқа гап айтмай ўтиб кетди. Бозорга айланишадиган киссавуру чайқовчидан «солиқ» ундириб турадиган бу одамнинг пойдевори мустаҳкам эканини билади. Бунини йўқотиб ўрнига ҳалолроқ милиционер қўйишни талаб қилганида бошқармадагилар «Унга тегманг», деб гапни калта қилишган эди. Солиҳов бозорга бориб тақаладиган жиноятларни очишда бу одам билан икки-уч суҳбат қурган, бироқ тайинли бир гап ололмаган. Ҳозир уни кўриб ғижиниб қўйди-ю, тўхтамай ўтиб кетаверди. Милиционер эса, бундан ўзича хулоса чиқариб, «Атрофда одамлари бормикин», деб аланглади. Кейин шошилиб ресторанга кирди.

Солиҳов бозорни кесиб ўтиб, қадимда масжид, бўлган, маданий инқилобдан сўнг мактаб ихтиёрига берилган ғиштин иморатни, сўнг гавжум чойхонани ортда қолдириб, болохонали уй қаршисида тўхтади. Бу ерларни беш қўлдай яхши билганидан марҳум Сиддиқ Шарипов яшаган уйни қийналмай топди.

Дарвозанинг бир қавати очиқ, йўлак кимсасиз, ҳовлида эса одамлар кўринарди. Шом тушиб ҳассакашлар эндигина ичкари кирганлар. Солиҳов дарвозани тақиллатиши ҳамон тўн кийиб, белбоғини қўлида ушлаб олган ўттиз ёшлар чамасидаги йигит кўринди. Ҳозиргина ечган белбоғини қайта ўраб, меҳмонга пешвоз чиқди. Яқин келгач, салом бериб, қўшқўллаб сўрашди-да, ичкари таклиф қилди.

Ҳовлидаги супада уч эркак бор эди. Юзини рўмол учи билан тўсиб супа четида ўтириб гаплашаётган аёл Солиҳовга кўзи тушиши билан шошилиб ўрнидан турди-да, парда-девор ортига ўтди.

Солиҳов супадагилар билан саломлашиб, қариялардан бири тиловат қилгач, иккинчиси унга гулдор, юпка хитойи пиёлада чой узатди.

Мезбонлар Солиҳовни кўнгил сўраб, таъзия билдиргани келган одам деб ўйлашган, лекин, танимай туришган эди. Солиҳов маъноли қарашлардан

буни дарров сездӣ. Орадаги ноқулай вазиятни кўтариш учун ўзини танитди.

– Марҳумнинг яқинларидан сўрайдиган гапларим бор эди. Ишимиз шунақа, кўнгилга олмайсизлар. Вақт ўтишини кутиб тура олмаймиз.

– Қани, иним, дастурхонга марҳамат қилинг. Аввал таом, сўнгра калом, деганлар. Сўнг, мана, Йўлчивой билан бафуржа суҳбат қураверасиз. Йўлчивой – раҳматли Сиддиқбекнинг пушти камари, – деди чой узатган қария.

– Инна лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун¹. Оллоҳнинг марҳамати шуда, мусофирликда олмай, ўз юртида олди жонини. Шунисига ҳам шукр қилиш керак. «Юртимга келволдим, бу ёқдаги ҳаётим энди фойдага қолди», дерди раҳматли.

– Сизлар қариндошмисизлар? – деб сўради Солиҳов, чойдан ҳўплаб.

– Аслида-ку... бегонамиз, аммо мусофирликда қариндошдан афзал бўлиб кетганмиз. Қашқарда насибамизни териб еганмиз.

– Шарипов... Сиддиқбек ака қачон кетганлар бу ерлардан?

– Ленин ўлмасидан анча аввал, дерди раҳматли.

– Сабабини билмассизлар?

– Э, иним, сабабини ўзингиз биласиз-ку! Отамизда битта сигир бўлса ҳам «бой» деб, «унсур» деб дағдаға қилишган. Раҳматли Сиддиқбек ҳам бошқаларга қўшилиб кетворганлар. Мана, Йўлчивой ўшанда йўлда туғилган экан.

Девор-парда ортида шарпа сезилиб, Йўлчивой ўрнидан турди-да, узатилган косаларни олиб изига қайтди.

Солиҳовнинг қорни оч эди, тортиниб ўтирмади. Қариялар ҳам гулдор қизил чўпларни бармоқларига қистириб олганча лағмонни иштаҳа билан ея бошлашди.

– Кимникидан келибди, жуда бошлапти-да, а? – деди қариялардан бири.

– Муродилланикидандир? – деди иккинчиси.

– Шунақа бўлса керак, – деди Йўлчивой.

Овқат ейилиб фотиҳа ўқилгач, қариялар қўзғолишди.

– Йўлчивой, ўғлим, энди биз борайлик. Худо сабр берсин. Оллоҳ насиб этса, пайшанба куни дийдор кўришамиз.

Улар шундай деб чиқиб кетишди.

Супада икковлон қолишди. Солиҳов Йўлчивойга қаради. Пешонаси кенг, киприклари узун, қора қош, қиррабурун бу одамни қаердадир кўргандай эди.

– Қотилни топганмишсизлар? – деб сўради Йўлчивой.

¹ Албатта, биз Худонинг бандасимиз ва унга қайтувчимиз.

– Ҳали топганимизча йўқ. Бир одамда гумонимиз бор. Шунинг учун ҳам сиз билан гаплашиб олишим керак. Сиз ўзингиз ёки онангиз бирон кишидан гумон қилаётганларинг йўқми?

Йўлчивой ўйланиб туриб елка қисди.

– Ҳайронман... кимга керак экан бу...

– Дадангиз бирон кишининг таъқиб этаётганини айтмабмидилар?

Йўлчивой яна ўйланди.

– Йўқ, тинчгина яшардик. Бу шаҳарга келиб, жой қилиб, ҳали дўст-душман орттиришга ҳам улгуролмовдик.

– Дадангиз Дайдидарага нима учун борганлар? Айтиб кетган эдиларми?

– Бир биродаримни йўқлаб келаман, девдилар. Кимлигини сўрамабман. Дадам... раҳматли ҳам айтмовдилар.

Аввалига «раҳматли» дейишга Йўлчивойнинг тили бормади. «Раҳматли» дейиш ўзинг учун азият бўлган одамнинг ўлимини тан олиш-да. Ўғил ҳали бу даҳшатли фожиани тан олгиси йўқ. Назарида дадаси ҳализамон Дайдидарадан қайтадигандек. Ўқ ўпириб юборган бош, очиқ кўзлар эса... булар қўрқинчли туш эди.

Йўлчивой ўзи истамагани ҳолда бунга тасдиқлади. Отаси ерга қўйилгач, уч кун ўтиб, унинг ўлимини тан олди. Аммо шу сўзни айтиши билан бадани титраб, пешонасига совуқ тер чиқди. Солиҳов ундаги ўзгаришни сизди. Шу сабабли қайта саволга тутмай, сабр қилди.

Бу қисқа жимликда Йўлчивой йўлга отланган отасини кўз олдига келтирди. «Дайдидара деган қишлоқда биродарим бор. Ўттиз йил кўришмадим хабар олишим фарз», деб жилмайган эди. Жилмайишида саросима зоҳир эди. Йўлчивойнинг сезгир нигоҳи илғаган эди бу саросимани. Демак... саросимали жилмайиш... ўлим шарпаси экан-да?!

Йўлчивой кўзларини юмиб олди. «Нимага тўхтатмадим. «Тобингиз йўққа ўхшайди, борманг», десам бўларди-ку! Нимага индамадим? Нимага бирга бормадим? Худо менга хабар берган экан-ку, нимага илғамадим бу хабарни?...» Ҳар бир савол миясида яшин сингари чақнаб, юрагига найза каби санчиларди. Уч кун давомида келди-кетдилар билан овуниб бундай хаёлларга банди бўлмаган эди. Хаёллари эшигининг ланг очилишига рўпарасидаги одам айбдорми? Бу одам келмаганда хаёллари занжирбандлигича қолармиди? Йўқ, эртами-кечми бу хаёллар, бу саволлар занжирларни узар эдилар, Йўлчивойнинг юрагини бурувга олар эдилар. Бу одам баҳонасида барвақт бошладилар қийновни.

– Бу томонда душман орттиришга улгурмабсизлар, у томонда-чи? Душманларинг бормиди?

Солиҳовнинг овози узоқдан келгандай тўлиб, Йўлчивой ажабланди. Шу боис дарров жавоб бермади. Ўйлашга, фикрини жамлашга бироз фурсат талаб этилди. Солиҳов бунга бошқача тушунди. «Эсламоқчи», деб ўйлаб, жавобни кутди.

– У томонда бизлар мусофир эдик. Мусофирлик тузини тотганлар бир-бирига ёв бўлмайди. Менинг билганим – шу.

– Дадангиз асли қаерликлар?

– Юсуфхона деган қишлоқ бор, эшитганмисиз?

– Ҳа, биламан. Сиз бобонгизни эслайсизми? У киши нима иш қилардилар?

– Бобомни эслай олмайман, чунки... кўрмаганман. Ўртаҳол деҳқон бўлган эканлар.

– Сиздан бир илтимосим бор. Дадангизнинг дўстларидан сўрашнинг мавриди эмасдир. Сўраганимда ҳам менга айтмасликлари мумкин. Сиз улар билан алоҳида-алоҳида гаплашганингизда «Кимнинг қасди бўлиши мумкин?» деб сўраб кўринг. Айтишса, менга маълум қиласиз. Энди мана бу суратга қаранг, – Солиҳов кўкрак чўнтагидан Жаҳонгирнинг расмини олиб унга узатди. – Танийсизми?

– Ҳа, – деди Йўлчивой суратни қўлига олиб. – Бир-икки келган бу одам. Гумон қилаётганингиз шуми?

– Сиз гаплашганмисиз бу одам билан?

– Йўқ. Дадам... раҳматли гаплашганлар. Кейин... «Мен йўғимда киритманглар», деб айтган эканлар.

– Кимга?

– Онамга.

– Онангиз танийдиларми бу одамни?

– Билмайман.

– Чақирсангиз, шуни сўраб олсам?

– Мумкин эмас. – Йўлчивойнинг овозида қатъийлик сезилди. – Аёл киши номаҳрамнинг олдига чиқмайди.

– Парданинг у бетида туриб гаплашишлари мумкинми?

Йўлчивой расмни олиб парда орқасига ўтди. Ундан бир неча дақиқа дарак бўлмади. Солиҳов чинни пиёлани чертиб қўйди. Жарангига ҳуши кетиб, яна чертди.

Йўлчивой қайтиб, суратни узатди:

– Танимас эканлар, – деди қуруққина қилиб.

Солиҳов муомаладаги бу ўзгаришни сезиб, ажабланди.

– Чойдан ичинг, ака.

Солиҳовга бу «гапингиз тугагандир, сизга рухсат», деган маънода эшитилди. Ўзича «калаванинг бир учи шу ерда», деб қўйди-да, йигитга раҳмат айтиб, ўрнидан турди. У парда-деворнинг бир томони сал сурилганини, бир жуфт қора кўзнинг таъқиб этганини сезмади.

Парда-девор ортидан Йўлчивойнинг онаси, Сиддиқбек Шариповнинг беваси Ҳадича ўғринча қараб қолган эди. Нима учун қараганини ўзи ҳам билмайди. Ўғли суратни кўрсатганида вужудидан жон чиқиб кетгандай бўлди.

Аъзойи бадани музлади. Тили калимага келмай ғудранди. Ғойибданми бир куч топиб, «Танийсизми?» деган саволга «Йўқ», дея олди. Ўғли яна бир нималарни сўраганида ё ҳушидан кетарди ё ақлдан озарди. Хадича – руҳи ҳаётнинг тегирмон тошлари орасида эзилиб адо бўлган муслима ана шу чегарага келиб қолган эди. Ситамлар уни ҳар сиқувга олганида «Бас, бошқа чидай олмайман», деб ўйларди. Аммо ситамлар келаверарди, у муштипар эса чидайверарди...

«Ватан дарвозалари очилди, Оллоҳ юртимиз йўлини ёритди», деган хабарни эшитганида қувониш ўрнига бир чўчиб тушди. Бошқаларга ота юрт кучоқ очарди. Назарида уни ўлим бетоқат кутарди. Ватан сари босилган ҳар бир қадам ўлим чоҳи сари қўйилгандай туюларди. Ўлим шундай келиб жонини суғура қолса майли эди. Дунёда кўрадиганини кўрди. Худога мингдан-минг нолалар қилди. Муножоти ижобат бўлди – оч қолмади, хорланмади, хўрланмади... Бироқ... яшашнинг лаззати қорин эмас экан. Кўнгли ҳамиша ҳувиллаб турди. Шу Сиддиқбекка никоҳланган куни ўзини осмоқчи ҳам бўлди. Фақат шу Йўлчивойи... шу ўғли кўзига кўринмаганида бу аламлар йўқ эди... Хадича ҳаётдан тўйган, дейиш ноўрин. Эси бутун одам ҳаётдан тўярмиди? Энг оғир шароитда ҳам «балки эртага хайрли тонг отар», деб умид қилади. Хадича бундай тонгларни кўп кутди. Ҳозир ҳам кутади. Бунинг бефойдалигини билса ҳам кутади. Ҳа, у ҳаётдан тўйган эмас. Фақат кўз очиб кўргани билан учрашишдан қўрқарди. Ўлим эмас, ана шу дийдор кўришуви унинг учун даҳшатли эди. Мусофирликда юрганда Худодан унга умр тиларди, бахт тиларди. Юртига йўл олганида шайтон «Илоҳим, омонатини топширган бўлсин!» деган машғум фикрни миясига урди. Бу фикрдан сачраб кетди. «Астағфируллоҳ!» деб кўкрагига туфлади. Шайтон – шайтон-да, бу фикрни, у қўлидан-бу қўлига олиб, отиб ўйнайверди. Дам-бадам ўйинга Хадичани ҳам тортди. Аёл «Астағфируллоҳ!» деб калима қайтарганида шайтоннинг бадани зириллаб, қоронғи уясига даф бўлди. Кейин яна чиқди... Бу ўйин мана шу ҳовлида Жаҳонгирни кўрганига қадар давом этди.

Уни кўрди-ю, кўзларига ишонмади: кўзлар ўша, қарашлар ўша, овоз ўша. Ўша ораста кийиниш... Фақат пешонасига бирнима ёзилган. Бу нимаси?..

Хадичанинг ўша дамдаги ҳолатини баён этиш мушкул. Ўлимларига рози бўлиб кетди. «Менинг тириклигимни билмасин, кўрган кунимни билмасин, жонимни олақол, Худо!» деб бошини деворга урди. «Жон энам, жон отам, ёнингларга чақирсангиз-чи!» деб нола қилди. Дўзах у дунёда дейдилар. Хадича дўзах ўтига шу дунёнинг ўзидаёқ рўбарў бўлган эди.

Ўғли ҳозир суратни кўрсатгач, дўзах олови яна забтига олди.

Солиҳовни таъқиб этган бир жуфт кўз эгаси мана шу ўтда ёнаётган Хадича эди.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Майорнинг қотилликни бўйнига олаётган Жаҳонгир ҳақидаги ички кечинмаларини асар матнига таяниб сўзланг. 2. Солиҳов: «Замон чайқалиб турибди, машинанинг чайқатиши нима экан», деган гапи билан нимани назарда тутяпти?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Майорнинг Йўлчи билан бўлган суҳбати берилган ўринларни сўзланг. 2. Йўлчи шахсиятини ифодаланг. 3. Терговчининг «калаванинг учи шу ерда» дейишига қандай фактлар сабаб бўлди? 4. Хадичанинг парда ортидан жавоб беришини қандай изоҳлайсиз?
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. «Ягона давра усули» орқали Хадича ўтмиши берилган ўринлар ҳақида фикр юритинг.

3. ТҮЛҒОҚЛИ КЕЧА

«– Мусулмонлар, ахир бу Муҳаммадризонинг пушти камари-ку?! Ношу-кр бўлманг, раҳматлининг яхшиликларини унутсак кўр бўламиз-ку! Бой, бой, дейсиз, бой бўлиб бизнинг бўйнимизга миниб олмаган эди-ку?! Ўзи ишлаб топарди-ку?!

– Отаси раҳматли яхши одам эди, болаларининг қилиғини кўрдинг-ку! Биттаси қочиб қолди. Бу ҳам бўридай олайиб турибди...»

«– Жаҳонгир Муҳаммадризо ўғли, қишлоқ фаолларини отишда иштирок этганингизни тан оласизми?

– Йўқ, мен отмадим.

– Хой, қизил қози биродар, гапига ишонманг, отган.

– Бекор айтяпсан, занғар, Жаҳон йўқ эди уларнинг ичида... Бу ҳам ўзимизга ўхшаган деҳқон бўлса...»

«– Ишчи-деҳқон жумҳурияти номидан...»

Икки қўлини болиш қилиб чалқанча ётган Жаҳонгир кўзини очди. Ухладими ё туш кўрдими ёки йилларнинг чиғириғидан ўтиб келаётган хотиралари уйғондими?

Жаҳонгир шаҳар қамоқхонаси ҳовлисида машинадан тушдию таниш манзарани кўрди. Одам руҳини эзиб чилпарчин қилиб юбуровчи ўша тошбино, ўша темир панжарали тўйнуқлар. Ўша совуқ нигоҳли соқчилар. «Бу ерга яна қайтиш пешонамда бор экан-да. Сўнгги манзилим шу ер экан-да. Бундан кўра озодликда, ўриснинг ўша ўрмонларида ўлиб кетганим дуруст эмасмиди?.. Астафидуллоҳ ношукур бандангни ўзинг кечир. Ўша ўрмонларда сендан умр тилаган эдим, бердинг. Ниятимга етай дегандим, етказдинг. Ўзингга шукр. Жонимни озодликда олдинг нима-ю, бу тошбинода олдинг нима, бандангга барибир эмасми? Бу дунё азобларидан қутқарсанг бас. Бандангга ўзинг раҳм қил».

Шу хаёллар билан қамоқхона ичкарисига кирди. Ўша таниш манзара: икки қаватли тахта каравотлар, киртайган кўзлар, рангпар чехралар, ўша таниш ҳид – тошдеворнинг зах нафасига қоришиб кетган бадбўйлар.

Бу ернинг таомили ҳам маълум унга: беайблар, биринчи марта тушганлар, беҳос жиноят қилиб қўйганлар янги тушган маҳбусга дарров эътибор

қилишмайди. Улар ўз дардларига қоврилиб ётган бўлишади. Янги келган одам дастлаб қамоқхона ҳавосини олганлар диққатига рўбарў бўлади. Таомил ўзгармабди: сочи қошигача тушган йигит қўлларини чўнтакка солганча, ўрдакдай лапанглаб келиб унинг қаршисида тўхтади. Безбетларча тикилди. Сўнг Жаҳонгирнинг пешонасидаги ёзувга совуқ бармоқларини теккизди. Йигит «қаршимдаги тирик жон эмас, шунчаки бир матоҳ, уни ушлаб кўришим ҳам мумкин, эзгилаб кўришим ҳам мумкин», деган манманлик фикрида эди. Жаҳонгир бу тоифанинг феълини ҳам, бунақа одамнинг нима қилишини ҳам билади.

- Бу ерингга нима ёзилган? – деди йигит унинг пешонасига чертиб.
- Тишинг ўтмайди бунақа гапларга, – деди Жаҳонгир қўрслик билан.
- Зўрсан-ку! – йигит шундай деб унинг юзига енгил шапатилади.

У янги келган одамни шу зайлда биров мазах қилмоқчи эди. Аммо улгурмади. Жаҳонгир йирик, бақувват панжалари билан ёқасига чанг солди-да, уни худди бир боғ пичандай нарига улоқтириб юборди. Ёрдамга шошилган икки йигит ҳам шериги ёнига учиб тушди. Уч йигитдан иборат «ғарам»ни жойлаб бўлгач, Жаҳонгир бўш каравотга бориб ётди. Узоқ вақт тош қотгандай қимирламади. Биров унга гапирмади ҳам. Бундан фойдаланган Жаҳонгир майлини хаёллар измига бергач, кўзи илинибди...

Ахир «Ҳой, мусулмонлар!» деган овозни аниқ эшитди-ку? Илтижо билан, дард билан айтилган сўзлар... Инобатга олинмаган илтижо, бефарқ қолдирилган дард. Ўшандаги бефарқ нигоҳлар уни укубатли айрилиққа кузатган эди. Ҳар қалай ўша дамда шундай деб ўйлабди. Кейин билса, бу нигоҳлар уни бир умрлик азобга кузатган экан. Бу бефарқ нигоҳлар уни ўттиз беш йил муқаддам ўлимга юборган экан. Ўттиз беш йил ер юзида эмас, ўлим дарасида сарсари кезди. Қорни тўқ мушук сичқонни панжалари орасида эзгилаб ўйнаганидай Азроил ҳам уни шу кўйга солди. «Жонингни ана оламан, мана оламан», деб ўттиз беш йил у бурчакдан-бу бурчакка ҳайдади. Мана, ниҳоят, шу манзилга бошлаб келди. Кунда шу тошиморатда. Бош қўйса бас. Шу тошиморат ичида жони кетади. Киндик қони тупроққа тўкилган эди. Юрак қони тошга сачрайди, кейин... тошдан кафан топади. Унинг мурдасини сўраб оладиган яқини йўқ. Бўлганда ҳам беришмаса керак. Ўзлари кўмишади. Кўмишса – хўп-хўп. Ёқиб юборишса-чи? Мурда ўтга кирганда тирик одамдай сакрайди, дейишади. Шуни эсласа, Жаҳонгирнинг бадани музлайди. Ҳозир ҳам шу гап хаёлига келди-ю қамоқхонада эмас, муз ўликхонада ётгандай сесканди. Қаддини кўтариб, кафтларини икки юзига босди.

Маҳбуслар, бесўнақай гавдали бу одамдан ҳайиқиб қолишганмиди, унга эътибор беришмади. Ҳол-аҳвол сўрайдиган ё танишиб олиш истагида бўлган, ё «ёруғ оламда нима гаплар», деб қизиқадиган кимса топилмади. Бу Жаҳонгир учун муддаонинг ўзи эди. Биров билан гаплашиш у ёқда турсин, Жаҳонгир одам зотини кўрмасам, деган кайфиятда эди. Аммо чора қани, бир тўда маҳбуснинг ичига ташлаб қўйишгандан кейин у нима қила оларди.

У ҳамхоналарига зимдан назар ташлади: ёшда ҳам, шакл-шамойилда ҳам ўхшайсиз бу одамлар тошиморат ичида шундай кунлар бошига тушишини билганми? Бу иморатдан қачон чиқиб кетишади – билишадими? Ташқарида бир коса овқатни кирита олмай сарғайиб турган жигарлари билан қайта кўришиш насиб этадими уларга? Буни ҳеч бири билмайди. Аммо қуёшли оламга қайтиш умиди билан яшайди. Бундай умид фақат Жаҳонгирда йўқ. Бунақа умиднинг пайдо бўлишини истамайди ҳам. Унинг умид-мақсади бир – Парвардигори берган омонатни топшириб, ота-онаси ёнига бориш. Депара авахтасида ётганида қайтиш онлари яқинлигига имон келтирган эди. Бироқ шаҳарлик бу майор пайдо бўлди-ю, режалари чигаллашиб кетди.

Чироқ хиралашиб, маҳбуслар бирин-сирин каравотларига чўзилишди. Хонада пишиллаш, хуррак овозлари қоришиб кетди. Жаҳонгир бир ўтирди, бир ётди, бир туриб юрди. Беҳаловат кеча унинг назарида анча чўзилди. Назарида энди мутлақо тонг отмайдигандай эди. Бу пишиллаган, хуррак отаётганлар ҳам тирик одамлар эмас, мурдалар эди. Ётган ери ҳам қамоқхона эмас, эринмай қазилган, ғоят кенг бир гўр эди. Афтидан, Оллоҳ унинг жонидан аввал эс-ҳушини олгану тўппа-тўғри шу гўрга тикқан эди.

Тонгда илиқ сув бўлиб сувга, шўрва бўлиб шўрвага ўхшамаган бир нарсани ичиб бўлгач, уни сўроққа чақиришди. Ўша таниш майор торгина хонада эринмай сўроқ бошлади. Жаҳонгир сўроққа киришда «Начайник, айбимга иқрорман, ишни судга оширавер», демоқчи эди, майорнинг саволларидан гангиб гапларини айтилмай қолди. Тергов Жаҳонгирнинг назарида бир-бир ярим соат чамаси давом этди. Майор худди «иш вақтим саккиз соат, шу сўроқдан бошқа юмушим йўқ, кечга қадар гаплашаман сен билан», дегандай эринмасдан сўроқ қиларди. Бу майор Жаҳонгирни ўттиз беш йил бадалида калака қилиб келаётган Азроилдан ҳам баттар экан. У ҳам Жаҳонгирни беркинмоқчи бўлган ҳали у бурчакдан, ҳали бу пастқамликдан тортиб чиқариб, ҳақиқат офтобига рўбарў

қилаверди. Жаҳонгир бу офтобдан қўрқар эди. Шу сабабли сўроқларга узоқ дош беролмади. Майор Солиҳов сўроқ охирлаб қолганини ҳис этгач, соқчини чақирди.

Жаҳонгир маҳбусхонага кириб, жойига ёнбошлади. Рўбарўда ўтирган йигит эса гапирайми-гапирмайми, деб иккиланиб турди-да, охири кўнгил сўраган бўлди:

– Тинчликми, ака?

Жаҳонгир ажабланиб унга бир қараб қўйди-да, «Тинчлик», дея пўнғиллади. Йигит «келиб-келиб шу тўнкадан кўнгил сўрайманми», дегандай ўрнидан туриб, нари кетди. Жаҳонгир ўзининг бу қилмишидан пучаймон бўлди. Бир одам яхши ният билан кўнгил сўрабди, далда бергиси келибди. Пўнғиллаши нимаси эди! Бироқ бу ҳолда Жаҳонгирни айблаш ҳам ўринсиз. Тегирмон тошлари орасидан ўтиб, бир мўъжиза билан тирик қолган одамни тасаввур этинг-а? Жаҳонгир ҳозир сўроқдан эмас, айнан тегирмон тошлари орасидан чиқиб келиб «Тирик қолганим чинми?» деб тургани эди. Унга бир оғиз гап ҳам ортиқча эди. Шу бир оғиз гапни қўшни каравотдаги йигит айтиб қўйди. Бошқа пайт бўлганида Жаҳонгир гапни маромига буриб унинг кўнглидаги хижилни ёзиб юбориши ҳам мумкин эди. Ҳар ҳолда Жаҳонгир йигит ўйлаганчалик тўнг эмас, вақтида улфат кўрган одамлардан эди. Лекин ҳозир йигит кўнглини юмшатишга ҳоли етмади.

У икки қаватли тахта каравотларни, шарпадай юрган, ўтирган, ётган одамларни кўргиси келмай кўзини юмди. Юмди-ю тахта каравотлар оралаб шарпадай юрган, ўтирган, ётган одамлар ўрнида қаттиқ тикилиб турган майор пайдо бўлиб, терговни бошлаб юборди:

«– Муҳаммадризаев, тўғриси айтинг, нима учун терговни чалғитмоқчи бўляпсиз. Сизни қўрқитишдими?»

– Ким қўрқитади? Одам ўлимдан кўрқади. Мен эса ўлимдан кўрқмайман.

– Шунинг учун айбни бўйнингизга оляпсизми?

– Худодан яширмаган сирни сиздан яшираманми?

– Сиз кўп жабр тортган экансиз. Бу ҳақданми ё ноҳақданми ҳозирча билмайман. Лекин...»

Жаҳонгир кўзини очди. «Ҳозирча билмайман...» Ҳа, шундай деди майор. Лекин Жаҳонгир ўша тобда бу гапга кўп ҳам аҳамият бермаганди. «Ҳозирча...» Нима демоқчи? Ҳали ўттиз беш йиллик гапни, ўттиз беш йиллик эски пахтани титиб кўрмоқчими? Нимага? Кимга керак

экан бу ҳақиқат? Биз сизни ўттиз беш йил ноҳақ азоблаган эканмиз, дегани билан умри қайтиб берилармиди? Суйган хотини, хориж йўлида киндик қони тўкилган ўғли бағрига қайтадими?.. «Ишчи-деҳқон жумҳурияти номи билан...» Бехос миясини зириллатган бу гап тош иморатни ҳам ларзага солгандай бўлди. Тош деворларга тегиб жаранглаган бу гап миясига қайтиб урилиб, товонигача зирқиратиб юборди.

«Ҳали Худо олдида гуноҳим кўп экан. Оллоҳ суйган бандаларини бу дунёда обдан қийнаб, гуноҳини тўкиб, сўнг у дунё бағрига олади, дейишарди. Отамнинг хунини олмаганим учун Худо гуноҳимдан кечмаяпти. Гуноҳларим тўкилиб битганда ўша қишлоқ авахтасидаёқ омонатимни топширардим. Гуноҳим кўп экан ҳали... Ё Тангрим! Ҳеч бир бандангни бунчалик қийнама. Омонатингни олгинг келмаётган бўлса нима қилай, айт. Ўз жонимни ўзим суғуриб олайинми?! Наузубиллоҳ! Ўзинг асра бундан, Тангрим, шайтон йўлидан ўзинг қайтар. Ўзинг берган омонатни ўзинг қайтариб ол. Сен берган неъматга мен хоинлик қилолмайман...» Жаҳонгир шундай деб калима қайтарди.

Дастлаб турмага тушганидан бери неча марта жонига қасд қилишни ўйлади. Ўрусиянинг совуқ ўрмонларида, Германиянинг ҳашаматли шаҳарларида юрганида ҳам бу фикр кўнглига гулгула солган, аммо шайтон йўлига кирмаган, Яратган берган омонат жонига хиёнат қилмаган эди. Шунча азобга чидаб келиб, энди, сўнгги қадам қолганда хиёнат қиладими? Йўқ!

Жаҳонгир ўнг ёнбошига ағдарилди. Жанггоҳни зулмат қанотлари билан босиб турган қоронғулик бағрини тилганча ёруғ излар қолдириб учаётган ўқлар каби хаёллари унинг қоронғу миясини нишонга олган эди. Майорнинг ҳар бир саволи ўша ўқ мисол зулмат қаъридан отилиб чиқар эди.

«— Сиддиқ Шарипов билан қаерда танишгансиз?

— Мен бунақа одамни танимайман.

— Аниқ эсланг: Дайдидарадаги ҳодиса эрталаб юз берганми ё оқшомда?

— Эрталаб ҳам, оқшомда ҳам эмас, кундузи.

— Милтиғингизнинг номи нима эди?

— Ов милтиғи...

— Милтиқ турларининг ўзига яраша номи бўлади.

— Номини билмайман.

— Милтиқни қаердан олгансиз?

— Отамдан қолган. Эски милтиқ эди.

– Ўқ марҳумнинг қаерига теккан?

– Билмайман.

– Муҳаммадризаев, ўзингизни гўлликка солсангиз солаверинг, бироқ бизни бефаҳм деб ўйлманг. Ҳар ҳолда биз милтиқ ўқи билан тўппонча ўқининг фарқига борамиз. Ўқ орқадан отилганми, юзма-юзми, буни ҳам ажрата биламиз.

– Начайник, ўзингизни қийнаб нима қиласиз, қўрқманг, судда тонмайман гапимдан. Менга ачинмай қўя қолинг.

– Ачинмай қўя қолинг? Мен сизга эмас, марҳумга ачиняпман.

– Унга ҳам ачинманг, арзимаёди.

– Арзимаслигини сиз қаердан биласиз, уни танирмидингиз?»

Шу савол берилганда Жаҳонгир илинганини сезди. Майор «марҳумга ачиняпман», деганида индамай қўяқолмасдан «унга ҳам ачинманг», дейиши нима эди?! «Марҳумларга ачиниш керакмас, дуои фотиҳа зарур уларнинг руҳига», деб қўя қолмайдими? Шундай дейишга деди, аммо фурсатни ўтказиб, «уни танирмидингиз?» деган саволдан сўнг айтди. Қирғийкўз майор анойи эмас, илинтириб олди. Ҳали «ачинишга арзимаёди», деган гап атрофида кўп айлантиради. Жаҳонгирга буларнинг феъли маълум.

Жаҳонгир авваллари инсон тақдирига бефарқ қараганлари учун бу терговчилардан нафратланар эди. Энди эса аксинча бўлапти ҳақиқатни очишга интилаётган майорни кўрарга кўзи йўқ. «Энди бу ҳақиқатларнинг менга нима кераги бор, – деб ўйларди у, – ҳаётимни барбод қилишган бўлса, бу дунёдан илинжим қолмаган бўлса...»

Жаҳонгир минг бир хаёл қуршоведа уйқуга кетди. Уйқу бошқаларга ором улашса, унга азоб беради. Кўзи уйқуга кетиши билан миясига уя қуриб олган кўрган-кечирганлари кўршапалакдек уйғониб, уни ҳар кўйга солади. Арвоҳлар билан гаплашади, иблислар қанот чиқариб уни учирадилар, осмонга олиб чиқиб чумчуқ патидай ўйнайдилар.

Айниқса, қамоқдаги тунлар беором кечади.

Бу сафар иблислар уни холи қўйишди. Кўзига Дайдидаарадаги ўша чинор кўринди. Чинор... барглари битта қолмай тўкилган. Шамол бу баргларни қайгадир учуриб кетган. Атрофда шиша синиқлари. Дарахт остида кимдир ўт ёқиб унинг танасини одам сиғадиган даражада ўйиб юборган.

– Сизга озор етибди, Чинор бобо, – дейди Жаҳонгир, – менинг бағрим ҳам сизнинг куйган танангиздек ўйилиб кетган. Ўшанда баргингизни

тўка қолганингизда бу кўргуликлар йўқ эди менга. Айтинг энди, бу бошга яна қандай савдолар тушади?

Чинор жавоб бермайди, қайғу билан тебранади. Танасидаги ўйиқ – гўё унинг оғзи. Тили эса суғуриб олинган...

Тепадан овоз келди. Жаҳонгир шошиб қарайди: йўғон шох устида Зокирхўжа ўтирибди. Қўлида тасбеҳ.

– Эҳтиёт бўлинг, йиқилиб тушасиз, – дейди Жаҳонгир унга.

Шундай дейиши билан шох қарсиллаб синиб, Зокирхўжа тўғри Жаҳонгирнинг устига қулайди...

Нафаси қайтиб, терга пишган Жаҳонгир чўчиб кўзини очди: қамоқхона ҳали ҳам тун ҳукмида. Бир неча маҳбус ким ўзарга баралла хуррак отади. Ташқаридаги қадам овозлари соқчиларнинг бедорлигидан дарак.

Жаҳонгир кўп йиллардан бери Зокирхўжани эсламас эди. Биринчи марта қамоқ жафосига учраганида ҳамдард бўлган бу одамнинг жасади узоқларда қолиб кетган. Бир умр Оллоҳ йўлида хизмат қилган бу муслимга кафан, жаноза насиб этмади. Жаҳонгир Зокирхўжани ҳар эсланида «Мусофирликда олтин топиш осон, жон таслим қилиш қийин», деб қўярди. Аслида бу – Зокирхўжанинг гапи. Танаси кафан кўрмаган, лаҳад кўрмаган муслимнинг гапи. Қулоғига Оллоҳ номи билан азон айтилган, «Оллоҳ», деб тили чиққан, умр бўйи тоат-ибодатда бўлган муслим жанозасиз кетди. Инсон боласи бошига турли кулфатлар тушиши мумкин. Бу дунё азобларини беҳад кўп тотиши мумкин. Лекин, Жаҳонгирнинг назарида кулфатларнинг энг бешафқати ўша Зокирхўжага насиб этди. «Бир ҳовуч она тупроққа зор бўлиб, кўз юмишни ҳеч бир бандага насиб этмасин». Бу ҳам Зокирхўжанинг гапи.

Одамнинг бир елкасида шайтон, иккинчисида фаришта ўтиради, дейдилар. Шайтон Жаҳонгирга:

– Аканг бир ҳовуч тупроққа зор бўлиб ўлади, – дейди.

Фаришта эса:

– Акангни туз-насиб тортиб келади. Худо унинг жонини сенинг қўлинг билан олади, – дерди.

Шайтон ҳам, фаришта ҳам алдади.

Шу алдовга учратгунча ўшанда Зокирхўжа ўрнига унинг жонини олмайдим...

«Астафидуллоҳ!» Жаҳонгир яна калима қайтарди. Хаёлини чалғитмоқчи бўлди. Бироқ Зокирхўжадан узоқлаша олмади...





<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Жаҳонгир қамоқхонага қандай хаёллар билан кирди? 2. Тошиморат ичидаги аҳволни изоҳланг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Гуруҳда «Суд» усули орқали Жаҳонгирнинг хатти-ҳаракатини талқин қилинг. 2. Жаҳонгирнинг Зокирхўжани эслашига нима туртки бўлди? 3. Асарда тасвирланган давр ҳақида нима биласиз? Тарих билан боғлаш орқали тушунтиринг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. Асарни «Моделлаштириш» усули орқали таҳлил қилинг.

ТОҒАЙ МУРОД
(1948 йилда туғилган)



Истеъдодининг ўзига хослиги билан ажралиб турадиган адиб Тоғай Мурод (Тоғаймурод Менгноров) 1948 йилда Сурхондарё вилояти, Денов туманига қарашли Хўжасоат қишлоғида туғилди. Ўрта маълумотни қишлоғидаги 43-мактабда олди. 1966–1972 йиллар давомида Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида ўқиди. Олий маълумотга эга бўлгач, 1972–1976 йиллар мобайнида Республика радиосининг «Ватандошлар» таҳририятида муҳаррирлик қилди. 1976 йилдан бошлаб «Ўзбекистон физкультурачиси» газетаси, «Фан ва турмуш» журналида ишлади. 1985–1987 йилларда Москвадаги Жаҳон адабиёти

институтини курсларида ўқиди.


Дунёга ўзига хос назар ташлайдиган, одамлар табиатини, ҳис-туйғуларини, сўзлашиш йўсинларини ўзига хос тарзда идрок этадиган Тоғай Мурод инсонни уни қуршаб турган атроф-муҳитдан, шароитдан, тилдан, жониворлардан айри тасаввур этмайди. Шунинг учун ҳам унинг қаҳрамонлари фақат Сурхон воҳаси фарзандларидир. Ёзувчи бу ерда яшаётган кишиларни билибгина қолмайди, балки уларни ичдан туяди, ҳис этади. Уларнинг ўзлигини ёрқин намоён этадиган жиҳатларни кўрсата билади. Бу ҳол, айниқса, ёзувчининг тилида ёрқин намоён бўлади. Тоғай Мурод асарларининг қаҳрамонлари адабий нормаларга кўп ҳам мос келавермайдиган ўзига хос бир тилда гапиришади. Аслида, ҳаётдаги одамларнинг жуда катта кўпчилиги бир-биридан айнан ўзгача сўзлашуви билан ажралиб туради. Ёзувчи юртдошлари нутқидаги шу ҳолатни жуда нозик илғайди ва асарларида маҳорат билан тасвирлай билади.

1976 йилда Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади», 1979 йилда «От кишнаган оқшом», 1980 йилда «Ойдинда юрган одамлар», 1985 йилда «Момо Ер қўшиғи» қиссаларини ёзди. Улардан ташқари ўнлаб ҳикоялари

яратди. 1992 йилда «Отамдан қолган далалар», 2001 йилда «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романлари дунёга келди. Бу асарларда ёзувчи оддий одамларнинг оддий бўлмаган ҳаётини, инсон тақдирининг кўзга ташланмайдиган мураккаб ички жиҳатларини маҳорат билан акс эттирди.

Тоғай Мурод барча асарларини мувозанатдан чиқиб, куйиб-ёниб, гоҳ изтироб, гоҳ фарёд, гоҳ кўкси тўла ғурур, гоҳ оламни бузгудай қувонч билан ёзади. Шу боис ўқувчини ҳам лоқайдликдан чиқаради. Ўқувчи унинг асарларини шунчаки ўқий олмайди. Унинг қаҳрамонлари инсоний жозибаси билан китобхонни ром этади, ўзиникига айлантириб қўяди. Ҳамнафасу тақдирдошга эвиради. Негаки, Тоғай Мурод тасвирлаган қаҳрамонлар – тирик одамлар. Тирик одамларни эса, ярим йўлда ташлаб кетиш мумкин эмас. Тоғай Мурод ўзи чуқур ҳис этган, юрагидан ўтказган нарсалар тўғрисида ёзгани учун ҳам унинг асарлари – таъсирчан, самимий, юқумли.

1999 йилда Тоғай Муродга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилди.



От кишнаган оқшом (Қиссадан парча)

Асар қаҳрамони танти, тўғрисўз, мард, айни вақтда, қайсар Зиёдулланинг бошига болалигида тузалмас яра чиқиб, кал бўлиб қолади. Сочи йўқлигидан уялиб мактабни олтинчи синфдан ташлаб кетади. Зиёдкалнинг жониворларга, айниқса, отга меҳри баланд эди. У ҳалолликни, тўғрилиқни ҳамма нарсадан устун қўяди. Шунинг учун ҳам Зиёдулла подачини ёқтирмайдиган кишилар анчагина эди.

Бир сурув қўй сотдим. Пулини белимга ўрадим. Намоз чавандозни олдимга солиб, Обоқлига жўнадим.

Биродарлар, бизнинг Сурхонда мана бундай гап бор: от олсанг, Обоқлидан ол, аёл олсанг, Ирғалидан ол!

Бунинг маъзи шуки, от деганлари дев! От бепоёнликни дейди. От масофа нималигини билмайди, ҳудуд нималигини билмайди. От қаҳратон қишда дашт-биёбонларда чошиб ўсади. Ана шунда диркиллаган от бўлади! Қўлтиқлари чўзилади, кўкраклари энлик бўлади! Учқур келади! Бедов от бўлади!

Обоқли ана шундай дашт!

Ана, билдингизми, элнинг гапи қаёққа бораяпти? Мен икки кун от сайладим.

Галани айланиб юрдим. Бир бўзга кўзим тушди. Шуни ушладим. Тишларини кўрдим. Ёши еттида бўлса-да, ҳали озиқли тиши чиқмабди. Аслида, беш ёшда чиқади. Демак, энди чиқмайди. Озиқ тишсиз от хосиятли бўлади!

Биродарлар, шу бўзга дил кетди!

Онамиз норози бўлди. Бети буришиб-буришиб оғринди. Лабини буриб мингиллади:

– Отим нима... отдан машина яхши... – деди.

– Машинам нима? Оти борнинг – қаноти бор, – дедим.

– Отга емиш қани...

– Емиш? Худо ҳар бир жониворни ўз ризқи рўзи билан яратади. От битди – қанот битди. Емиш топилади.

Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади. Боиси, отнинг жони бор, юраги бор-да!

Биродарлар, от аззанча хосиятли бўлса-да, аззанча фаҳм-фаросатли бўлса-да, аззанча хушсуврат бўлса-да, барибир, от, ўз оти ўзи билан от! Тўрт оёқли жонивор! Дуч келмиш тўрт оёқ жониворни қандай бўлса, шундайлигача эл орасига олиб кириб бўладими? Бўлмайди!

Тўрт оёқли жониворни от қилиш учун, авваламбор, кўнгилда бўлмоғи лозим! Авваламбор, баданда бўлмоғи лозим!

Баракалла! Бор-да, баданда бор-да! Кўнгилда бор-да! Шу боисдан от олдим-да! Аҳай-аҳай!

Биродарлар, сара от, чавандоз ақл-заковатидан бино бўлади! Сара от, чавандоз қалб қўридан бино бўлади!

Биродарлар, бўз от қандай бўлади? Сурпдай оппоқ бўлади! Борди-ю, аждодида бўлса, тўққизга тўлганда тарлон бўлади. Тўққиз ёшида бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у бўз эмас, Тарлон от бўлади. Тарлон – хол-хол от! Тарлон – отлар сараси!

Биродарлар, тўриқ отнинг юздан бири яхши бўлади, тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади!

Биродарлар, от танимасанг, Тарлон ол!

Бизнинг бўз тўққизга тўлди, тўққизда бўлди. Шунда... шунда, бир орзум, ўн орзу бўлиб болалади, бир қувончим ўн қувонч бўлди!

Биродарлар, бўз отим – Тарлон бўлди! Мен Тарлон отли бўлдим!



Отнинг сараси менда, қулинг ўргилсини менда! Тарлонни бойловга ташладим. Отхонадаги баланд охурга боғладим.

Гўнг чиқариладиган тешикни жанда билан кечалари ёпиб қўйдим, кундузлари очиб қўйдим.

Тарлонга арпа ем бериб бошладим.

Азонда тўрт кило арпа ем бердим.

Тушда олти кило арпа ем бердим.

Оқшомда беш кило арпа ем бердим.

Кафтимда туз бердим.

Тарлон тузни капалаб-капалаб еди.

Кафтимда оқ қанд тутдим.

Тарлон қандни лаблари билан олди. Қарс-қарс еди.

Энди сўйилган қўй қуйруғини тузлаб-тузлаб бердим...

Биродарлар, от усти беҳишт, оғзи дўзах!

Тарлонни қирқ кун совутдим. Тарлон бир ерда туrolмай қолди, туёқлари ерга тегар-тегмай юрди. Ўйноқлаб-ўйноқлаб, осмонга сапчиди. Қуюндайин учгиси келди!

Тарлон диркиллаб-диркиллаб ўйнади. Бирдан оёқ илди. Орқа оёқларини кенг ёйди. Бошини сарак-сарак қилди. Олд оёқларини кўтарди! Тагин, тагин-да кўтарди. Қулоқлари олға динг бўлди.

Тарлон орқа оёқларида тик турди!

Девор узра олис-олисларга қаради. Боботоғ чўққиларига қаради. Қаради-қаради... бор овози билан кишнади!

Қишлоқ узра кишнаш таралди. Хаёл қилдим, адирлардан акс-садо келди. Хаёл қилдим, кишнаш Боботоққача борди.

Биродарлар, тани жоним роҳат қилди! Жоним энтикди, таним яйради! Кўнглим хўрсинди, кўнглим жўшди.

Аҳай-аҳай! Ҳа, овозгинангдан-а! – дедим. Ўзим кулиб, ўзим айтдим.

Ҳа, жон, – дедим.

Кишнаш эмас, рубобий мусиқа эшитгандай бўлдим! Дўмбира сози эшитгандай бўлдим!

Биродарлар, от – рубобий мусиқа, от – кўркам суврат! Бали-е, Тарлон-бой-е, бали-е!

Пахта терими тамом бўлди. Тўйлар бошланди.

Улоқ келди.

Тарлонни гижинглатиб-гижинглатиб бордим. Улоқни искатиб-иска-тиб олдим. Улоқ бутидан кўтариб-кўтариб кўрдим. Улоқ бир тана бўлди.

Эллик-олтмиш килолар келди. Улоқ жиққа хўл бўлди. Боиси, кечаси билан сувга пишиб қўйилган бўлди. Бунинг нафи – улоқ зилдай оғир бўлди. Ана энди торта-торта улоқ териси айрилмайди, бўлак-бўлак бўлиб кетмайди. Бўлмаса, торта-торта улоқ бутун қоладими?

Тарлонни улоққа солдим. Тарлон пишқириб-пишқириб кимтинди. Улоққа мен ўйлаган, мен хоҳлагандан-да вақтлироқ, осонроқ борди. Одатича улоқни бир айланди. Улоқ бошида оёқ илди.

Бир чавандоз Тарлон ўктамлигидан ғашланди. Тарлон сағрисиға қамчи урди.

Тарлон бир сесканди. Лекин жойидан қимирламади. Икки кўзи улоқда бўлди.

Мен улоққа тескари ёқдаги товонимни узангидан олмай, эгар корсониға илдирдим. Улоқ тараф узангидаги оёғимни букдим. Тиззамни Тарлон биқиниға босдим.

Тарлон менга кифт берди, кифт!

Мен энкайдим, улоқни бир қўллаб ушладим. Қоматимни кўтараётиб, букилган оёғимни узангига тик тирадим. Бор қийинчилик шу оёғимга тушди. Бусиз улоқни кўтариб бўлмайди.

Улоқни тақимимга босиб олдим. Ёнимга чалқайдим. Жилловни қўйиб юбордим. Улоқни қўшқўллаб ушлаб олдим.

Кўп отлар аввал-аввал аста-аста чопади. Кейин-кейин тезлаб чопади.

Бизнинг Тарлон бўлса турган жойидан забт олади. Биринчи қадами-даноқ шиддат билан, бирдан отилиб чопади. Ўзга отлар бундайин забтли шиддатга ҳозирланмаган бўлади. Оқибат, ўзга отлар ўзини ўнглаб олгунларича, Тарлон ўзиб кетади. Ҳозир-да шундай бўлди.

Тарлонда яна бир фазилат бор. Борди-ю, бирор-бир от етиб олса, Тарлон шу от билан баравар чопади. Ўзиб-да кетмайди, кейинда қолиб-да кетмайди. Гўё, охирги ҳоли шундай, бир меъёрда чопади. Қабатидаги от шу меъёрга кўникади. Баравар чошиб бораётгани билан қаноатланади. Шунда, Тарлон бирдан забт олади, шиддат олади! Бундай бўлишини ҳаёлига-да келтирмаган қабатидаги от кейинда қолиб кетади.

Ана шу вазиятда чопаяпмиз! Мендан Тарлон учун бир сўз кифоя бўлди. – Ҳа-а!

Тарлон, тарлонлигини қилди, ҳориқулодда юлқинди, забтини бирдан оширди.

Мен жўшиб кетдим:

Ҳу-у-уй, ҳу-у-уй, ҳу-у-уй!.. Тарлон юлдуз учгандай чопди!



Ҳало-о-ол. Тарлонники ҳалол! Ташла, Тарлон, ташла!

Эллик-олтмиш килолик улоқни ердан қандай қилиб кўтариб олдим? Белим баробар деворда ўтириб, эллик кило юкни ердан бир қўллаб кўтариб ололмаيمان. Эллик кило юкни қўшқўллаб кўтариб, отга кучана-кучана ортаман. Кўпкарида бўлса, отда энқайиб, эллик кило улоқни бир қўллаб кўтариб оламан! Бунинг сири нимада?

Биродарлар, отнинг шамоли бор! Улоқни ана шу шамол олиб кетади! Эътибор этган бўлсангиз, от улоқдан кўзини узмади! От менга кифт берди! Атайин, мен учун қулайлик яратди! Улоқни кўтараётганимда эса, елкасига юк олаётган одамдайин бир силкинди! Ана шунда мен улоқни ерга ташлаб юбормасам бўлди, бировга бериб юбормасам бўлди. Чавандоз-лигимни қилсам бўлди! От – отлигини қилади! Биляпсиз, кўпкарининг саксон-тўқсон фоизи отнинг бўйнида бўлаяпти. Шу боисдан-да кўпкарида чавандоз эмас, от номи айтилади! Кўпкари бошидан-адоғигача от номи жаранглайди! От номи шарафланади! От номи улуғланади!

Тарлон эллик-олтмиш килолик улоқ билан, яна тагин мен билан қандай қилиб чопди? Атайин отга олтмиш кило буғдой ортиб олдим, дейин. Яна тагин, ўзим-да миниб олдим, дейин. Ана шундан кейин ана шундай шиддат билан чополадими? Чополмайди! Улоққа келганда эса қуюндай учади!

Биродарлар, улоқнинг ҳавоси бор! Отга ана шу ҳаво қувват беради, қанот беради!

...Биродарлар, ҳамсоямиз Қулмат полвон бозорлаб келди. Майиз сотиб келди.

Деворимиздан авайлаб бўйладим. Нарх-навони сўрадим.

– Қани, полвон, – дедим, – майиз қанчадан бўлди?

Полвон қўлларини кўкси баробар қилди. Кифтларини катта-катта очди. Ўнта бармоғини ёйиб кўрсатади. Оғзини тўлдириб: – Ўн сўм!

– Йўғ-е?

– Чиним, ўн сўмдан бўлди. Майизингиз бўлса, армонда қолманг! Майиз бизда-да бор! Олти унхалта! Саратондай сариқ майиз!

Қўчқордай-қўчқордай ўғилларим бор! Катта бўлса отнинг тарлонини минаман деяпти! Майизни шуларнинг тўйига босиб ётибман! Бу қиш кучим етмайди, келаси қиш катта тўй бераман! Насиб бўлса!



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Матнга таянган ҳолда бош қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига таъриф беринг. 2. Асар қаҳрамонининг жониворларга бўлган меҳрининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? 3. Асарда келтирилган миллий спорт тури ҳақида нималар биласиз? 4. Сизнингча, асар қаҳрамони от бўлиши мумкинми?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. «Блум ромашкаси» усули бўйича матн юзасидан очиқ саволлар тузинг. 2. Асардаги адабий тил ҳодисаларини ифодалаш турларини таҳлил қилинг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. Асарда одатдагидай инсонлар ҳақида эмас, жониворлар ҳақида ҳам фикр юритилганлигига қандай муносабат билдирасиз? 2. Жониворлар ҳақида яратилган яна қандай бадиий асарларни биласиз?

Шанба оқшоми омбордан бир халта майиз судраб чиқдим. Супадаги гиламга ёйдим. Ғалвирда элаб-элаб, чангдан покиза этдим. Субҳи содиқда тарлон билан бозорладим. Қизилсувга дохил бўлдим. Дарёдан кечиб ўтиб, юқориладим. Мол бозори олдида тевараги сим ўралган ер бўлади. Бозорлаб келувчилар от-уловларини ана шу ерга боғлаб қўяди. Тарлонни-да шу ерга боғлаб қўйдим.



Майизимни орқалаб, бозор ораладим. Букилиб-букилиб юрдим.

– Пўшт-пўшт! – деб юбордим.

Бозорчилар қаторидан жой олдим. Майиз халтамни очдим. Майизимни мақтаб-мақтаб ўтирдим. Ўн сўмдан пастга тушмадим! Чипор галстукли бир одам майизимни кафтига олиб кўрди. Салмоқлаб-салмоқлаб кўрди.

– Сал тушинг, деҳқонсиз-ку! – деди.

– Нима, деҳқон майизни кўчадан топиб оладими? – дедим.

– Ток тугган ноз-неъматни ўн сўм деб ўтирибсиз-а!

– Ноз-неъмат дегани деҳқоннинг пешона тери дегани!

– Кўп миннат қилманг! Шусиз ҳам, ой битсаям, кун битсаям, деҳқонга битиб ётибди!

– Битади-да! Уст-бошларингдан тортиб, еган-ичганларинггача деҳқоннинг пешона теридан келаяпти! Идорада ўтириб қоғоз қоралаганларинг билан осмондан ейдиган, ё, киядиган бирор нарса тушмайди! Деҳқон топганининг тўқсон фоизини сизларга жўнатиб, ўн фоизинигина ўзи ейди!..

Чипор галстукли одам ундай деса, бундай дедим, бундай деса, ундай дедим. Ишқилиб, галстуклидан қолишмадим! Биродарлар, сочим бўлма-са-да, тарағим тилладан! Қарадим-қарадим, савдонинг маъқули бўлмади.

– Бор-е, етти сўмдан бўлди! – деб юбордим.

Шу захотиёқ бир майизжаллоб диконглаб келди. Кўтарасавдо қилиб олиб кетди.

Халтамни тиззамга уриб, қоқдим. Буклаб-буклаб қўлтиғимга қисдим.

Бозор оралаб, бозорлик қилдим. Ноз-неъматлар олдим. Жийдага бошқоронғи аёлимизга Хоразм жийдаси олдим. Ўғилларимизга хўрозқанд, қоғозида кучуги бор тешиккулча олдим. Барини халтамга солиб, чойхонага йўл олдим.

Шу вақт, бозор дарвозаси тарафдан овозлар келди.

– Ушла, ўғрини, ушла! – деди овозлар.

Ғуж-ғуж одамлар орасидан бир бола чопиб чиқди. Кетидан бир беқасам чопонлик одам қувиб келди.

Бола кўчани кесиб чопди. Юқоридан келаётган қизил машинага бел бўлди. Машина «шиғ» этиб, тойиб келиб тўхтади. Бола ўзини йўлнинг бериги бетига отди. Қоп-қора сувли ариққа шалоплаб тушди. Лой бўлмаган ери қолмади.

Қувиб келаётган одам машина кетидан ўтди. Боланинг лой ёқасидан жуфтлаб ушлади. Бола типирчилади, аммо беқасам чопонлик чангалидан чиқолмади. Беқасам чопонлик, боланинг оёқларига қўшиб, қоқиб, ерга юмалатди.

– Пулни чиқар! Қани пул?! – деди беқасам чопонлик.

– Мен эмас! – деди бола.

– Сен! Қўлингни киссамда ушладим-ку! Яхшиликча чиқар, бўлмаса энангни Учқўрғондан кўрсатаман!

– Мен эмас деяпман-ку!

– Унда ўзим топаман! Торт қўлингни! Манави киссангни кўрсат!

Йўлдан ўткинчи-кеткинчилар оёқ илди. Чойхонадагилар бориб қаради. Тумонат одам бўлди. Мен сўрида тик туриб қарадим.

Беқасам чопонлик боланинг киссасини ковлади. Қўйнига қўлини тиқди. Қўйнидан бир даста пул олди. Боланинг тумшуғига олиб борди.

– Бу нима, энангнинг қалиними? – деди.

Бола бошини елкалари ичига олди. Юзини лой кафтлари билан пана қилди.

Беқасам чопонлик боланинг қулоқ-чаккасига қулочкашлаб солди. Бола балчиқ сувга шалоп этиб тушди.

Беқасам чопонлик боланинг ёқасидан жуфтлаб ушлади. Сувнинг оқишига қараб судради.

– Сенга киссавурлик қилишни кўрсатиб қўяман! Юр мелисага! Бола оёқларини тиради, гавдасини орқасига ташлади.

Шу вақт, оломон орасидан иккита новча бўзбола суғурилиб келди. Икковининг-да сочлари елкасида бўлди. Уст-бошлари баданларига чиппа ёпишиб турди. Ботинкалари товони от туёғидай-от туёғидай қалин-қалин бўлди.



Бўзболалар беқасам чопонлик кетидан келди. Бир бўзбола беқасам чопонлик тирсагидан ушлади. Беқасам чопонлик, болани қўйиб юборди. Кетига қайрилиб қаради. Шунда, бўзбола беқасам чопонлик иягига қулочкашлаб бир урди. Беқасам чопонлик зуваласи пишиқлардан бўлди. Кетига гандираклаб-гандираклаб борди. Аммо йиқилмади.

Оломон ҳайбаракаллачи бўлди:

– Ур! Сол, тумшуғига!

– Ур! Мушт турганда муомала нима керак!

Беқасам чопонлик бир бўзболани қўшқўллаб бир урди. Бўзбола чалпак бўлиб тушди. Омон турган бўзбола беқасам чопонлик кетидан келди. Биқинига созлаб бир тепди. Беқасам чопонлик энкайди. Биқинини ушлаб-ушлаб, энкайиб қолди.

Оломон ҳайбаракаллачи бўлди:

– Ур! Калла қил, калла!

Шунда, майдагина бир қора кучук вангиллаб-вангиллаб чопиб келди. Келди-ю, беқасам чопонликни ураётган бўзбола бутига ёпишди. Бўзбола кучукка оёғини сермади.

Кучук кетидан сермўйлов балиқпаз чопқиллаб келди. Кучугини уришиб-уришиб, олдига солиб ҳайдаб кетди.

Чалпак бўлиб йиқилган бўзбола жойидан сапчиб турди. Беқасам чопонликни тепа кетди. Лойга белангани-да қўшилиб тепди. Бўзболалар кўзларига қарамай тепди. Беқасам чопонлик юзлари буришди. Бир ичини, бир биқинини ушлади. Кейин, ерга чўк тушди.

Мен олазарак бўлдим. Теварак-атрофимга алангладим. Бурчакда ўтирган милиционерларга қарадим.

– Ай, анавиларни орача қилинглар-ай! – дедим.

Милиционерлар парвойи фалак бўлди. Беғам-беғам чой ичди. Бошларини сарак-сарак этди.

– Бизга алоқаси йўқ! – деди.

– Бу ер бошқа бировнинг участкаси! Бизнинг участкамиз винзавод тарафда! – деди. Оломон якун ясади:

– Тамом, нокдаун! Йўқ, тамом бўлмади.

Беқасам чопонлик чўккалаб ўтирди-ўтирди-да, бирдан сапчиб турди. Биқинига тепган бўзбола юзига калла қилди.

Бўзбола юзларини кафтлари билан ёпди. Хиёл энкайди. Бармоқлари орасидан қон сизиб чиқди. Шунда, бирови кафтига бир қора нима қўйди. Шу қора нима билан беқасам чопонликнинг пешонасига қулочкашлаб бир урди.

Беқасам чопонлик:

– Воҳ, ўлдим-а! – дея бақирди. Пешонасини ушлади. Талтанглади, гандираклади. Ана йиқиламан, мана йиқиламан деди.

Калла еган бўзбола турган жойида сапчиб, беқасам чопонликнинг кўкрагига тепди. Беқасам чопонлик баргдай учиб тушди. Қўллари энарига ёйиб, қимирламай қолди. Бўзболалар беқасам чопонликни ўртага олиб тепди. Оёқлари остига олиб тепди. Кўзларига қарамай тепди.

Биродарлар, эзилиб кетдим, ич-ичимдан эзилиб кетдим! Жоним ҳалқумимга келди!

Алам ҳам армон билан бурчакка қарадим. Йўқ, милиционер йўқ. Тева-рак-атрофга алангладим. Милиционерлар олдинма-кейин бўлиб, чойхона ёналаб писиб-писиб кетаяпти.

Қаҳр билан, нафрат билан сўридан таппа ташладим. Беқасам чопонлик билан бўзболаларни орача қилайин, дедим. Оломонни қулочларим билан ёриб, ўртага кириб бордим.

Бир бўзболани билагидан қўшқўллаб ушладим. Кетига сермаб юбордим. Бир бўзболани сочларидан ғижимлаб ушладим. Сочларидан четга тортдим.

– Имонинг куйгурлар! Бир мўмин бандани ўлдирасанми! – дедим. Сочларини ғижимлаб тургандим, юлқинди. Бўлмади. Тағин юлқинди. Яна бўлмади. Кейин, чотларим орасига ўхшатиб бир тепди.

Биродарлар, орачига – олти таёқ!

Эсанкираб қолдим, довдираб қолдим. Жон ширин-да! Жон аччиғида қўлим юзаси билан бўзбола кўзларини оралатиб бир солдим.

Бўзбола чинқириб юборди.

Шу вақт, машина овози эшитилди. Катта кўчадан беморхона машинаси келди. Оломон ўзини четга олди. Кўча юзида тўп бўлди.

Машинада ўтирган оқ кийимлик одам кўзойнагини устидан қаради. Сулайиб ётган беқасам чопонликни кўрди.

– Нима бўлди бунга? – деди. Хўрлигим келиб... йиғлаб юбордим...

– Бечорани қаранг... Улар учов бўлса, бу бечора биров бўлса! – дедим.

– Тушунарли! Дам олиш куни деб, ўзидан кетиб қолмай, камроқ ичсин!

– Буни олиб кетинг, биродар, ўлиб қолади...

– Бизнинг заказимиз бор! Бошқа «Скорий помош» чақиринглар! Кетдик, ҳайданг! Беморхона машинаси шундай олдимдан ўтиб кетди. Кетидан қараб қолдим. Кейин, қонига беланиб ётган беқасам чопонликка қарадим. Қарадим-қарадим...

Биродарлар, ўпкам тўлиб келди. Тўлиб-тўлиб келди... Енгларимга йиғладим, чопонимнинг ёқаларига йиғладим, ўнгирларимга йиғладим...

Оломонга алангладим. Ай, биродарлар, бир бечора инсон шундай ўлиб кета берса яхшими? Уйида бола-бақраси бордир! – дедим.



Биров овоз берди:

– Танишингиз бўлса, олиб кетинг! – деди.

Шундай кўча юзида турган майдагина машина хўжасига эландим. Бир амаллаб кўндирдим. Беқасам чопонликни елкасидан судраб келдим. Қучоқлаб кўтариб, машинага солдим. Ерда шалвираб қолган оёқларини ичкари олдим. Ўзим қабатида ўтирдим. Бир қўлим билан билагидан ушлаб олдим.

Биров энди келиб, шу ердагилардан сўради:

– Нима бўлди-а, нима бўлди? – деди.

– Зўр томоша бўлди! Уччаласи биттасини шунақанги солди! Пақ-пақ! Нокдаун!

Чойхонага қайтиб бордим. Бозорлик халтамни қарадим. Йўқ. Сўри остини қарадим. Йўқ, бозорлик халтам йўқ.

Чойхоначидан сўраб-суриштирдим.

– Мабодо, бизнинг халтамизга кўзингиз тушмадими? – дедим.

– Йўғ-а, кўзим тушмади-я! – деди чойхоначи. – Шунга кўзим тушмади-я! Қандай, беқасам чопонлик ошнагинангиз қандай?

– Бир бало қилиб жойлаштириб келдик...

– Ия-ия...

Чойхоначи анграйиб қолди. Юзлари бўзарди. Қўлларини этагига артди. Фотиҳа ўқимоқчидай, кафтларини ҳозирлай бошлади.

– Бандачилик қилдими-а, – деди. – Вой, бечора-е, вой, бечора-е...

– Йўғ-е, беморхонага жойлаштириб келдик, деяпман.

– Э, ҳа-а, шундай денг...

Бозор оралаб, бошқатдан бозорлик қилдим. Барини белбоғимга тугиб олдим.

Тарлонимиз олдига бордим. Тугунимни эгар қошига илиб олдим. Дарвоза олдида ўтирган чолга бир сўм узатдим. Ўзимга ўзим оқ фотиҳа бердим. Отланиб, бозордан қайтдим.

Биродарлар, осмондан тушгандай бўлиб қолдим, дунёни энди кўраётгандай бўлиб қолдим...

Бир маҳал оқ халатлик бир одам йўлимни тўсди. Бу ўша балиқпаз бўлди. Балиқпаз тирсагимдан ушлаб, мени балиқхонага етаклади. Қозондан холисроқ бир жойга ўтирғизди. Тиззамга кафтини қўйиб сўради:

– Мени сиз чақдингизми, ака?

– Чаққанам йўқ.

– Чақибсиз-да! Шу! Чақиш бундан зиёда бўладими?

– Мен кўрганимни айтдим, биродар.



– Ака, чақиш – аёлнинг иши! Шу! Сиз бинойидай эркаксиз-ку! Кўрганимни айтдим, дейсиз. Нимани кўрдингиз? Хўш, қани?

– Энди, биродар, мен сизга айтсам, ўзингиздан ҳам ўтди-да, кўриб туриб бормадингиз-а. Ит боши билан кучугингиз чошиб келди.

– Энди, у – ит! Шу! Ўз оти ўзи билан ит! Бўлган-бўлмаганга аралашиб, ҳуриб ётади! Бўлмаса, биров билан нима иши бор? Ўзини билиб ётмайди-ми? Ит – ит-да! Итлигига боради-да! Ахир сиз билан биз одаммиз-ку, одам! Келиб-келиб, итга тенг бўлиб ўтирамизми! Итга тенг бўлмаслигимиз керак! Шу! Ўзи қариндошингиз ажаб одам экан. Болалар уриб йиқитади, яна туради, яна йиқитади, яна гандираклаб туради.

– Нима қилсин бўлмаса?

– Ёта берсин! Шу! Уч йигитга ёлғиз ўзи бас келармиди? Мен бўлганимда биринчи мушт келиб тушдими, бўлди, ўзимни ерга таппа ташлардим – қайтиб жойимдан турмасдим! Шу! Турсам, барибир, яна уради-да! Улар кетгунча ўзимни беҳушликка олиб ётардим. Қарабсизки, бир мушт билан қутулиб қолардим! Бирон ерим ҳам шикаст емасди! Шу! Ана, оқибат, қариндошингиз чалажон бўлиб, касалхонага кетди! Шу! Ҳолидан хабар олиб турибсизми? Қандай энди?

– Борганим йўқ!

– Ия, нега?

– Мен уни танимасам, билмасам...

– Ия, ҳали танимайсизми?

– Эса-да.

Балиқпаз юзимга энкайиб қаради.

Гапим жиддийлигини билиб, тиззасига уриб кулди.

– Э, ака-е, ака-е! Афанди экансиз-ку!

Балиқпаз ёғоч панжара олдида ётган кучугига қаради. Ўзича бошини чайқади. Тағин кулди.

– Э, ака-е, ака-е! Қариндошингиз бўлмаса, ақалли танишингиз бўлмаса, сизга нима? Қип-қизил Афанди экансиз! Шу! Ё ундан бирон нима ундирдингизми?!

– Нима ундирардим, биродар...

Балиқпаз бармоқларини бир-бирига ишқаб кўрсатди.

– Пулми? Ундай деманг, биродар, ундай деманг...

– Бўлмаса, нимага бунча куйиб-пишасиз? Э, ака-е! Афанди! Шу! Ҳали яна борасизми? Унда, бундай, ака, сиз мени кўрганингиз йўқ, мен сизни кўрганим йўқ. Агар яна чақсангиз, қаттиқ хафалашамиз!

Биродарлар, бошим оғрияпти, бошим...





<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Матндаги бозордаги муштлашиш воқеасига изоҳ беринг. 2. Парчада инсониятнинг қайси хислати ёрқин ифодаланган? Жуптликда муҳокама қилинг. 3. Балиқпаз нима учун асарнинг бош қаҳрамони устидан кулди?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Бозордаги муштлашув воқеасида бош қаҳрамоннинг ва бошқа одамларнинг қандай жиҳатлари кўринди? Ўз фикрларингизни «Венн диаграммаси» орқали изоҳланг. 2. Матндан бадиий тасвир воситаларини аниқланг ва иш дафтарларингизга белгиланг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Асардаги авлодлар давомийлиги кўринишини замонавий нуқтаи назардан қийёсланг. 2. Беш минутлик эссе. Хулосаларингиз асосида эссе ёзинг.

Оқшом вақти бўлди.

Оламга-да оқшом қўнди, кўнглимга-да оқшом қўнди. Кўнглим оқшомдай маҳзун бўлди.

Беихтиёр кетимга қайрилиб қарадим. Бир қизил машинани кўрдим. Ўтибор бермадим.

Адирга ўрладим. Адир қоқ устида тагин кетимга қайрилиб қарадим. Машина қорама-қора келди.

Адирдан эниб бошладим. Адир тиккалигидан Тарлон ўзини кетига ташлаб-ташлаб юрди. Олд оёқларини оғир-оғир босди.

Адир адоғига тушдим. Машина адир устида имиллаб қолди. Ҳайрон бўлдим. Машина деганлари тез юрар бўларди, бу машина хийладан буён бир отдан ўтолмайди. Ё, бирон ери носозмикан?

Йўлни кесиб ўтадиган ариққа келдим. Ариқдан лойқа сув оқибди. Ичи қип-қизил лой бўлибди. Лой от тиззасига келади.

Шу боис, Тарлонни ариққа солмадим. Ариқдан ҳатлаттирмоқчи бўлдим. Аммо бу ниятимдан-да қайтдим. Важи, ариқ ёқалари-да лой. Тарлон тойиб кетади.

Ариқ ёқалаб, юқориладим. Саёзроқ ер қидирдим.

Машина-да қуйига энди. Ариқ бўйида оёқ илди. Ўтолмаслигин билди шекилли, бизнинг изимиздан юрди.

Бизнинг Тарлон торроқ бир ердан чўчиб ўтди. Машина Тарлон ҳатлаган ерда оёқ илди.

Машинадагиларга қамчи сопи билан юқорини кўрсатдим.

– Яна сағал юрсаларинг юқорида ёйилма бор! Ўшандан машина ўтади!

Шундай дея йўлимга бурилдим. Шунда, кетидан овоз келди:

– Ў, шеф! Тормоз!

Овозни танимадим. Нима деяпти, тушунмадим. Ким бўлса-да, бир инсон овоз бераяпти, бораин, дедим. Ариқ ёқалаб бордим.

Машинадан тўрт одам тушди. Иккови олисроқдан чопиб келиб, ариқдан ҳатлаб ўтди.

Тарлон ҳуркиб, кейинига тисарилди.

Кейин, қолган иккови-да келди. Барининг кўзида қора кўзойнаги бўлди. Кўзлари кўринмади. Сочлари елкасига тушди, қулоқлари сочи остида бўлди. Кийимлари ажабтовур бўлди. Бировининг соқоли-да бўлди. Ўзи-

миздай ўрта ёшли одаммикан, дея синчиклаб қарадим. Йўқ, у ўттизларда бўлди.

– Чақиргандай бўлдиларингизми, биродарлар? – дедим.

Улар миқ этмади. Соқолдори олдин юрди.

– Отдан тушинг-чи, шеф! – деди.

– Айта беринглар, қулоғим қар эмас, – дедим.

– Туш дегандан кейин, туш!

Уларнинг сенсираши кўнглимга тегди. Туша-туша, кўнглимни айтдим.

– Сенсираманг, биродар, салкам отангиз қаториман-а, – дедим.

– Ҳе, сендай отам қаторининг...

Қўлимда жилов, серрайиб қолдим. Қаҳрим келди. Қамчи сопини маҳкам ушладим.

– Отингни боғлаб, бу ёққа юр!

– Нима гапингиз бор, биродар, шу ерда айта беринг.

– Юр, дегандан кейин, юр!

Улар ариқ ёқалаб юқорилади. Бирови-да кўзойнагини олмади. Жилов-ни эгар қошига қистирдим.

Тарлонни бўш қолдирдим.

Кейин, улар олдига бордим.

– Ўзи кимсизлар? Кимнинг боласи бўласизлар? Ўзларингни танитинглар-да ахир, биродарлар, – дедим.

Улар мени ўраб олди. Гўё ёввойи одамни томоша қилаётгандай бўлди. Бирови ўз-ўзидан тўнғиллади.

– Ҳали танишиб қўямиз! – деди.

Тавба, буларнинг менда нима иши бор экан? Эртароқ айтмайдими, кеч бўлаяпти...

– Ай, биродарлар, зарил гапларинг бўлса, айтинглар. Бўлмаса, кетайин, бола-бақра алағда бўлади, – дедим.

– Кетасан, кетасан, шошилма. Қайтмайдиган бўлиб кетасан...

Зардам қайнади, кетимга бурилдим.

Шунда, улардан бирови йўлимга ғов бўлди. Бирови чапимга ўтди. Иккови оралиғидан ўтиб кетмоқчи бўлдим.

Шунда, ўнгимдагиси елкамдан ғижимлаб ушлаб олди.

Мен қўлини шартиллатиб уриб ташладим.

– Қўлингизни олинг, биродар! – дедим.

Шунда, у иягим остига ўхшатиб-да бир урди!

Кетимга гандираклаб-гандираклаб бориб, ўтириб қолдим. Ногирон қўлим зирқираб оғриди.



Қамчи ўримини қўлимга ўраб-ўраб жойимдан қўзғолдим. Шу урган-нинг бўйин томирини мўлжаллаб қулочкашладим.

Кетимдагиси қамчини ушлаб қолди.

Яна ўтириб қолдим. Энди қамчини ушлаб қолганига қараб, қўзғолдим.

Шунда бирови кетимдан келди, белимга тепди.

Мен юзтубан йиқилдим. Ногирон қўлим зирқираб-зирқираб оғриди.

Туриб ўтирдим. Теваракка алангладим. Район ўнг ёғимдаги адир ортида бўлди. Кўринмади. Қишлоқ чап ёғимдаги адир ортида бўлди. Қишлоқда кўринмади. Осмон бошимда бўлди. Бари-бари олисда бўлди.

Хўрлигим келди: ай, ёлғизлиги қурсин-а!

Кўнглим бузилди: ай, ногиронлиги қурсин-а!

Ўпкам тўлиб келди. Қўйнимдаги ногирон қўлимни ташқарига чиқардим.

– Биродарлар, Жўра бобонинг отидан йиқилиб, қўлим чиқиб эди, мана... мана... – дедим.

Улар ҳоҳолаб-ҳоҳолаб кулди. Ўзаро гапиришди:

– Бу ўзи унга ким бўлади?

– Ҳеч ким!

– Ҳеч ким? Йўғ-е?

– Демак, бу ўзича рицарлик қилмоқчи бўлибди-да!

– О, рицарь! XX аср рицари!

– Дон Кихот!

– Дон Кихот! XX аср Дон Кихоти!

Мен шундагина улар кимлигини билдим. Қўлим ногиронлигини айтиб, йиғламсираганларимга минг-минг пушаймон бўлдим...

Ерга қарадим. Қўлимни қўйнимга солмадим. Соғлом қўлимдайин ерга тирадим.

Ногирон қўлим зирқираб оғриди. Тишимни тишимга босдим. Юзларим ловуллаб ёнди...

Бир бало қилиб, жойимдан турдим. Оёқларимда тик турдим.

Шунда бирови жағимга урди.

Мен кетимга тисарилиб-тисарилиб, бунисига бориб урилдим.

Буниси елкамдан суяб қолиб, ҳароммағизимга урди.

Гандираклаб-гандираклаб, унисига бордим.

Унисидан иягимга едим.

Бир айланиб тушдим. Осмон гир-гир айланди. Осмон қоп-қора бўлди.

Тагин турдим. Далбанглаб-далбанглаб бордим. Бировининг бўйнига осилдим.

– Биродарлар, мен сизларга нима қилдим... – дедим.



Уни жонимнинг борица қучоқлаб турдим.

У, ичимга кўр мушт урди.

Нафасим ҳиқиллаб бўлинди. Ичимда бир нима эзилди. Қўлларим бўшашиб, елкасидан сидирилиб тушди.

Оёғимда мажолим қолмади. Ўзимни ерга чалқанча ташладим...

– Биродарлар, айбимни айтинг, айбимни... – дея инграндим. Белимга учли бир нима зарб билан тегди. Кейин биқинимга тегди. Зарб ҳар текканда жоним ҳалқумимга келиб кетди.

– Биродарлар, мен ҳам одам-ку... – дея инграндим.

Шунда... шунда, от кишнади.

Умрим от билан ўтди. Ҳай бир отларни кўрдим, ҳай бир кишнашларни эшитдим.

От сувсаб кишнади, от очқаб кишнади. Шунда от кўнглини сув бериб олдим, от кўнглини ем бериб олдим.

От авлод-аждодаларини қўмсаб кишнади, от улпи-томирларини йўқлаб кишнади. Отлар овозини эшитиб кишнади, байталлар ҳавосини олиб кишнади. Шунда, отни эгарладим, дашту далаларни айлантирдим, от оёғини ёздим. Отни совутдим, отни юпатдим.

От илон шарпасини олиб кишнади. Уйдан отилиб келдим. От ёнини олдим, бўйинларини уқаладим. Отга йўлдош бўлдим.

От бўри ҳидини олиб кишнади. Ҳа, жонивор, ҳа, дея овоз бериб чопдим. От бўйнига қўлимни қўйдим, от ёлларини силадим. От олдида бўлдим. Отга гапириб-гапириб турдим, биродар бўлиб-бўлиб турдим.

Кишнаш кўрдим, кишнашлар кўрдим, аммо ушбу оқшомдагидайини кўрмадим.

Во дариғо, бу қандайчикин кишнаш бўлди? Кишнаш кўнгил-кўнглимни ўйиб юборди, вужуд-вужудимни қақшатиб юборди. Танамдаги оғриқлар-да билинмай қолди.

Бизнинг Тарлонга нима бўлди, биродарлар? Нима бўлса-да, ёмон бўлди! Бизнинг Тарлон нима кўрди, биродарлар? Нима кўрса-да, ёмон кўрди!

Бизнинг Тарлон илон кўрдимикин? Йўқ, бизнинг Тарлон илон кўрса бундайин кишнамайди. Бизнинг Тарлон бўри кўрдимикин? Йўқ, бизнинг Тарлон бўри кўрса-да, бундайин кишнамайди.

Бизнинг Тарлон илондан-да ёмонини кўрди, бизнинг Тарлон бўридан-да ёмонини кўрди!

Тарлонни йўқлаб қарайин дедим. Бошимни кўтарайин дедим.

Бўлмади, бўлмади!

Кўзим осмондалигича қолди. Осмон олис, ер қаттиқ бўлди... От узиб-узиб кишнади.

Кўзларим тинди. Бепоён осмон, беғубор осмон қоп-қора қозон бўлди...
Юзимни чапимга бурдим. Аввал-аввал бир нима-да кўрмадим. Кейин-кейин оқ билан қорани фаҳмладим. Ана шунда Тарлонни кўрдим.

Тарлон бўйнини гажак-гажак қилди. Тоғларга қаради, зорланиб-зорланиб қаради.

Тарлон думлари ёйилиб-ёйилиб кишнади, ёллари хурпайиб-хурпайиб кишнади.

Адирларга қаради, чорлаб-чорлаб кишнади.

Тарлон қулоқлари чимирилиб-чимирилиб кишнади, пишқириб-пишқириб кишнади.

Қишлоққа қаради, ёлвориб-ёлвориб кишнади, зор-зор кишнади.

Тарлон жиловини силкиб-силкиб кишнади, юлқиб-юлқиб кишнади.

Кейин, мен сари юзланди. Оёқларини катта-катта ёйди. Бўйнини чўзди, тумшуғини чўзди. Қулоқларини чимирди.

Тарлон зинкийди!

Олд туёқлари билан тарсиллатиб-тарсиллатиб ер тирнади. Кесаклаб-кесаклаб ер отди. Туёқлари ости чангиди.

Тарлон қахр ҳам изтироб билан кишнади. Оқшом кишнашдан зор титради. Оқшом, Тарлон кишнашидан, Тарлон кишнаши оқшомдан-да мунгли бўлди, оқшомдан-да аянчли бўлди.

Учли зарб, чап тиззам кўзига келиб тегди. Чинқириб юбордим. Кўз олдим қоп-қора бўлди...

– Тепиб ўтирасанми, биқинига тиқиб ол!..

– Э-э-э, от!

– Қоч, от келаяпти!

Шунда, тагин ҳушимга келдим. Оҳиста кўзимни очдим.

Тарлон тумшуғини чўзиб зинкийиб, уларни қувди. Бирини қўйиб, бирини қувди.

Улар ариқдан ҳатлаб қочди. Бирин-кетин машинасига кирди. Аммо бирови Тарлондан қочиб қутулолмади. У ёққа буриб солди, бўлмади, буёққа буриб солди, бўлмади. Нима қилишини билмади. Охири ердан нимадир бир нима олиб, Тарлонни бошига бир урди.

Тарлон бошини силкиб-силкиб оҳисталади.

Униси-да ариқдан ҳатлаб ўтди.

Тарлон-да ариқдан ўтди. Машина олдига келди. Олд туёқлари билан ер тирнаб-ер тирнаб кишнади.

Машина ғизиллаб жўнади.

Тарлон машина кетидан хийла йўлгача чопиб борди. Кейин, изига қайтиб келди.



Ариқдан ўтиб, бошимга келди. Юзларимга тумшуғини теккизиб-тек-кизиб кўрди. Юзларимни искаб-искаб кўрди.

Мен Тарлон нафасини туйдим. Тумшуғини кўш қўллаб қучоқладим. Жағлари, пешонасини силадим.

Шунда, кафтим ҳўл бўлди. Тер, от тери деб ўйладим. Кафтимни кўзла-римга олиб келиб қарадим. Кейин, Тарлонга тикилиброқ қарадим.

Тарлон пешонасидан қон сизди...

Ўнграб йиғлаб юбордим. Ўпкамни босайин дедим, босолмадим...

Қош қорайди.

Одам одамни танимайдиган бўлди.

Бир амаллаб чап ёнбош бўлдим. Тарлон оёғини қучоқладим. Тиззасига пешонамни қўйдим. Узалиб, олд қопқоғига шапатиладим.

Тарлон елкаларимни искади. Кейин, олд оёқларини аста-аста букди. Тарлон тиззалади!

Мен чап қўлим эгар қошидан олдим. Эгарга кўкрагимни бердим. Тим-таланиб-тимталаниб эгарга бел бўлиб ётдим. Нафасимни ростлаб олдим. Тағин қимтиниб, оёғимни эгардан оширдим. Тарлонни қучоқлаб олдим.

Тарлон қаддини ростлади.

Шамол бошимни ялаб ўтди. Шунда, бош яланглигимни билдим. Тел-пагим ерда қолибди.

Тушайин дедим, тағин, минишимни ўйладим. Телпагимга қўл силта-дим. Белбоғимни ечиб, бошимни танғиб боғлаб олдим.

Катта йўл четидан юрдим.

Бор бўйича қоронғи тушди. Адирлар қоп-қора соядай бўлди. Эгарда чайқалиб-чайқалиб, кўнглим шу кечадай зим-зиё бўлиб-бўлиб, ўксиб-ўк-сиб бордим...

Тарлон-ай, нима кунларга қолдиг-а?.. Тушда бўлаяптими, ё ўнгда бўлаяптими?

Сен фарқламасанг, мен фарқлай олмай қолдим, Тарлон... Ҳалигилар қандай жонзот эди, Тарлон! Син-синбати одамга келбат беради. Уст-бош-лари-да бор. Одамга майзаб гапиради, одамга майзаб кулади...

Билмадим, Тарлон, билмадим. Сен билмасанг, мен билмадим.

Мен сени биладим, Тарлон. Улар мен учун бегона, Тарлон...

Аё Тарлон, сен менинг укамсан, укам.

Бўлди, мен энди уларни укам демайман. Менинг укам сенсан, сен ме-нинг укамсан, Тарлон. Ўзи менга ўхшайсан, Тарлон, менга. Укаси акаси-га ўхшайди-да, Тарлон...

Тарлон укам-ов, энди нима қиламиз? Энди, бола-чақага бориб нима деймиз? Эл сўраса нима деймиз?..



Аё Тарлон, сен менинг жиянимсан, жияним.

Бўлди, мен энди уларни жияним демайман. Менинг жияним сенсан, Тарлон. Жиян тоғасига тортмаса, кимга тортади, Тарлон...

Тарлон жияним-ов, ё йўлда йиқилдик, деймизми? Кўзларинг бор эди-ку, десалар-чи? Ариқ лой экан, тойиб кетдик, деймиз. Бинойими, Тарлон жияним? Бўлмас, элга эрмак, халққа шалоқ бўламиз...

Аё Тарлон, сен менинг акамсан, акам.

Бўлди, мен энди уларни ака демайман. Менинг акам сенсан, Тарлон. Ука деса дегулик, мендаин уканг бор, ака деса дегулик, сендаин акам бор, нима ғамим бор, Тарлон...

Аё Тарлон, сен менинг биродаримсан, биродарим.

Бўлди, мен энди уларни биродарим демайман. Менинг биродарим сенсан, Тарлон...

Аё Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик биродарим...



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Парчада ифодаланган фикрларга муносабат билдиринг. 2. Инсон ҳис-туйғуларининг ифодаланишини «Ҳис-туйғулар» графиги орқали ифодаланг.
<i>Таҳлил ва таъқин</i>	  	1. Асар сюжети қисмларини белгиланг. 2. Асар воқеалари силсиласини «Матннинг денотант структураси» усули орқали ёритинг. <pre> graph TD A[матн] --> B[матн] B --> C[матн] </pre>
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Асардаги инсоний қадриятларни белгиланг ва шу асосида ижодий иш ёзинг. 2. Мустақил равишда асарнинг тўлиқ матни билан танишинг.

ҚИССА

Қисса атамаси арабчадан олинган бўлиб, «ҳикоя», «воқеа» маъноларини англатади. У ўзбек адабиётида жуда қадим замонлардан буён бор. Сиз олтинчи синфда ўқиганингизда Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асари билан танишгансиз. Ўша асар илк миллий қиссалардан ҳисобланади. Қисса ҳам романга ўхшаб кетади. Лекин қиссанинг қаҳрамонлари романдаги каби жуда мураккаб ва кўламли ижтимоий, руҳий вазиятларда кўрсатилмайди. Одатда, қиссанинг ҳажми ҳам бир қадар кичик бўлади. Жумладан, «Оқ кема», «Юлдузлар мангу ёнади», «Саодат соҳили» сингари асарлар қисса жанрига мансубдир.

ШАВКАТ РАҲМОН

(1950–1996)

XX аср ўзбек шеърияти ривожда ўз ўрнига эга шоир, миллатпарвар зиёли Шавкат Раҳмон 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш шаҳрида туғилган. Шоирнинг отаси Раҳмонберди асли Шаҳрихон туманидаги Сарой қишлоғидан бўлиб, Ўш шаҳрига келиб, муқим туриб қолганди. Онаси Офтобхон ҳам шаҳрихонлик эди. Шавкатнинг ота-онаси савдо ишлари билан шуғулланишган. Улар эрта кўкламдан то кеч кузга қадар Помир тоғи этакларидаги яйловларда пода боқадиган чорвадорларни керакли товарлар билан таъминлаганлар. Ота-она, кўпинча, узоқ тоғ яйловларида бир неча кунлаб қолиб кетишганлари учун уй юмушлари тиришқоқ ва хаёлчан Шавкатнинг зиммасида бўларди.



Бўлажак шоир 1966 йилда ўрта мактабни битиради. Шавкат Раҳмон Ўш вилояти газетасида ҳарф терувчи, сўнг мусахҳиҳ бўлиб ишлайди. Вилоят газетасида ўша пайтлари анча таниқли бўлган шоир Турсунбой Адашбой ишларди. Шавкат Раҳмон шоир билан яқинлашиб қолади ва битганларини унга кўрсатиб, маслаҳатлар олади. Истеъдодли йигитнинг шеърлари шу тариқа бирин-кетин босила бошлайди.

Жуда кўп ўқийдиган, ҳофизаси ўткир, тиришқоқ Шавкат Москвадаги Адабиёт институтига эълон қилинган ижодий танловда қатнашади. Омади келиб, танловдан ўтади. Сўнг ўша вақтдаги пойтахтга бориб, кириш имтиҳонларини ҳам яхши топширган Шавкат Адабиёт институти талабаси бўлади. Москвада таълим олганлиги уни дунё адабиётига яқинлаштиради. Жаҳон шеъриятидаги энг янги йўналишларни ўзлаштиради. Испан шеърияти, айниқса, Лорка ижоди уни ўзига ром этади.

1975 йилда Москвадаги таҳсилни тамомлаган Шавкат Раҳмон Тошкентга келиб, бир қатор нашриётларда муҳаррирлик қилади.

Қизғин ижод билан машғул бўлган талабчан шоир шу йилларда «Рангин лаҳзалар» (1978), «Юрак қирралари» (1981), «Очиқ кунлар» (1984),

«Гуллаётган тош» (1985), «Уйғоқ тоғлар» (1986), «Хулво» (1987) сингари шеърий китобларни чоп эттиради.

Дунё шеъриятидаги энг янги ва ижобий жиҳатларни миллий шеъриятимизга киритиш йўлида изланган Ш. Раҳмон 1979 йилда атоқли испан шоири Федерико Гарсиа Лорка шеърларидан иборат китобни рус тилидан ўзбекчага таржима қилиб, «Сайланма» номи билан чоп эттиради. Оташ-нафас шоир шеъриятига шайдо бўлиб қолган Шавкат Раҳмон мустақил равишда испан тилини ўрганади. 1986 йилда Испанияга ижодий сафарга бориб, Лорка яшаган мамлакат ҳаёти, одамлари, уларнинг яшаш тарзи ва руҳияти билан яқиндан танишади. Натижада, испан шоирининг шеърларини бевосита унинг она тилидан ўзбекчага таржима қилади. 1989 йилда Лорканинг «...Энг қайғули шодлик» шеърий китоби бизнинг тилимизда чоп этилади. Шавкат Раҳмон нафақат ўз шеърига, балки таржималарига ҳам ғоят улкан масъулият билан ёндашар, ҳар қандай бадиий асарнинг чиройли эстетик замзама эмас, балки чинакам инсоний жасорат бўлишига интиларди.

Шавкат Раҳмон ўз кайфиятларинигина тасвир этиш билан кифояланадиган шоирлар сирасидан эмасди. У ҳамиша миллат дардини, халқининг армонларини ифодалашга интиларди. Чунки шоир ўз тақдирини, ҳаётини миллатининг ҳаёти ва тақдиридан айри тасаввур этмасди. У ҳар бир миллатдошининг қўнгил мулкига кириб боришни орзу қилиб, шу йўлда тинимсиз дард чекиб яшаган шоир эди. «...Бир қўшиқ бўламан дарёдай юракнинг энг чуқур ерида» дея орзу қилган шоир ҳамиша чин ва самимий туйғуларни беқиёс бадиий кенгликда ёниб қуйлади. Шоир: «Ёнмоқлик бунчалар ёқимли», – дейди бир шеърида.

1996 йилда Шавкат Раҳмонга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган.

Шавкат Раҳмон қисқа умр кечирди. У узоқ давом этган оғир касаллик сабабли 1996 йилнинг 2 октябрида вафот этди. Вафотидан сўнг 1997 йилда шоирнинг «Сайланма»си нашр қилинди.

Савол

Ким эдиму ким бўлдим энди,
қайга кетар ёшлигим, кучим,
исёнларга, ғазаб, нафратга,
оғриқларга тўладир ичим...



Кўпроқ яшаб қўйдим шекилли:
ой, кун сайин хотирам оғир,
етти қават осмон тепамда,
елкаларим сирқираб оғрир.
Ташладими ёки бир
умр кўзимга ғам кўлкаларини,
парвардигор, бор бўлсанг агар,
эзма ўғлим елкаларини.
Ким эдиму ким бўлдим энди,
кўриб турар қуёш, сув, тупроқ.
Кўзларимдан кўра ҳаётни
елкаларим кўрибди кўпроқ.

Бўрилар

Қирғин келди вабо келгандай,
мурдалар ҳам турди гўрида,
кўпикланган қора селлардай
урчиб кетди қонхўр бўрилар.
Очлик ўрган туркий ўлкада,
офат чаққан маконларда ҳам
парчаланган зулмат кўлкаси
пайдо бўлар эди дафъатан.
Кунлар очиқ ярадай қонли,
тунлар – ойдин харобазорлар,
жасадларга тўла тонгларни
сирқиратар фарёди борлар.
Эл қирилди туркий ўлкада,
эр қолмади келди ажали,
ким қонига ботди йўлкада,
ким ғажилди намоз маҳали.
Йиллар ўтди. Гўё ҳаммани
чалғитгандай вақтинча кулфат,
қонга ташна милён шарпани
яширгандай қаърида зулмат.

Аҳли муслим, энди огоҳ бўл,
қонхўр гала ҳали тирикдир,
ўлар бўлсанг озодлардай ўл,
қолар бўлсанг, энди бириккин.
Токим ёвуз тумшуғин суқса,
аждодларнинг азиз гўрига,
жим турмасин қўймижозли халқ,
бас келолмай битта бўрига.
Кўрсам дейман қаҳру ғазабдан
гўрларида турсин мурдалар,
руҳи озод бўлсин азобда
ғулларини¹ суйиб юрганлар.
Токим,
ҳар бир муслим қабрига
ҳеч яширмай кўзда ёшини,
авлодлар ҳам лаънат лавҳимас,
қўйса дейман қабр тошини.




¹ Ғулларини – занжирларини.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни «Кластер» усули орқали тўплаштиринг. 2. Шоир шеърларида ифодаланган мазмун-ғояни аниқланг. 3. Шеърӣй матндан калит сўз ва бирикмаларни аниқланг.										
Таҳлил ва тапқин	   	1. Жадвал асосида шеърлардаги бадийй тасвир воситаларини топинг.<table border="1" data-bbox="430 847 1115 1074"><tr><td>Ўхшатиш</td><td></td></tr><tr><td>Сифатлаш</td><td></td></tr><tr><td>Жонлантириш</td><td></td></tr><tr><td>Қиёслаш</td><td></td></tr><tr><td>Қаршилантриш</td><td></td></tr></table> 2. Муаллифнинг сўз қўллаш маҳоратини таҳлил қилинг.	Ўхшатиш		Сифатлаш		Жонлантириш		Қиёслаш		Қаршилантриш	
Ўхшатиш												
Сифатлаш												
Жонлантириш												
Қиёслаш												
Қаршилантриш												
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Шавкат Раҳмон шеърларини сиз ўрганган қайси шоир шеърлари билан қиёслаш мумкин? Фикрларингизни «Венн диаграммаси» орқали ифодаланг.										

Тутзор хотиралари

Тутлар – каллакланган, биродарларим,
осмонга бош тираб турибсиз ҳамон,
майишган тимсоҳдай баданларингиз,
дахшатли қудрат-ла эзгандай осмон.
Турибсиз ҳабаший қуллардай маҳзун,
йўқ, туркий шевали паҳлавонлардай,
қадимдан боболар қолдирган дузни¹
ҳар турлук балодан сақлаётгандай.
Тилимни, дилимни билган ўзларим,
дузларда қопкетган содда нарларим
шамол бўлай дердим, тўзғитайин деб
бошингиз устида сузган дардларни.
Бугун-чи, бир зумга тут бўлгим келди,
осмонни кўтариб турай бир нафас,
сиздай посбон бўлиб асрайин элни,
мен-да замин билан пинҳон сирлашай.
...Тўсатдан қоматим қисирлаб кетди,
сизлардай майишдим, бироқ синмадим,
осмоннинг бўлаги тушди елкамга,
тупроққа ботдиму буткул сингмадим.



Воҳ, ер тагидаям боболар эрди,
шу лаҳза тиғ мисол илдизларимга,
кафтларини тираб тасалли берди,
кўзингни узма деб юлдузларингдан.
Энди мен ҳам тутман, қувват берар ер,
шоҳларим гуркираб ўсган чоғида,
енгилроқ бўлсин деб, қийналмасин деб,
каллаклаб туришар мени гоҳида.
Аммо мен – азалдан исёнкор бола,
қанчалик тутациб чопқи урсалар,
ҳар чопқи зулмидан янги руҳ ола


¹ Дузни – далани, текис ерни.

шоҳларим шунчалик ўсар гуркираб.
Айтарсиз, бу қадар исён қаёқдан,
аммо тут дардин билажак тутлар,
фақат темир косов турар таёқдай
одамлар ит каби бойланган юртда.
Боболар хокларин тўнғиз босипти,
қум каби тўзғиган қадим ҳудудлар,
золимга басма-бас ўсмоқ лозимдир,
одамлар тупроққа айланган юртда.
Кессалар кессинлар, чандон ўсармиз,
эркимиз бордигин кўриб қўйсинлар.
Ҳар баҳор чоғида чандон жўшармиз,
золимлар зулмга қараб тўйсинлар.
Ўсмасак, келипти балоғат гали,
тиғ каби илдизлар ердан узилар,
бу ғариб масканда асқотар ҳали
девюрак ботирлар учун гурзилар.

Жангда ўлган эмас бирор баҳодир,
бари ҳалок бўлган хиёнатлардан,
тошдай ухлаганда тўшларин очиб
ё заҳар қўшилган зиёфатлардан.
Бирор асотирда баҳодирларни
ҳаттоки юз бошли аждар емаган,
минг бир синоатли ялмоғизлар ҳам
тоғларни ўйнаган девлар енгмаган.
Бари ҳалок бўлган хиёнатлардан,
барига орқадан санчилган ханжар.
Шундай бўлиб келган азалу азал
мана шу жафокаш, кўҳна Ватанда.
Ҳар гал баҳодирлар йиқилар экан
куракка санчилган номард тиғидан,
қайта тирилгандай бўларди ногоҳ
ҳар бир болакайнинг қорачиғида.
Ишонгил, ҳеч қачон сени алдамас
софдил элатларнинг асотирлари,
бирорта баҳодир ўлганмас жангда,
қўрқоқлар ўлдирган баҳодирларни.





<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Шеър сарлавҳасига эътибор беринг. Шоирнинг асосий мақсади нима? 2. Диққатингизни тортган сўз ва ибораларни белгилаб чиқинг. Бу сўзларнинг маъноларини гуруҳда аниқланг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. «Фишбоун» усули воситасида шеърларда ифодаланган муаммолар ва уларнинг ечимини кўрсатиб беринг. 
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Шавкат Раҳмоннинг шеърлари анъанавий шеърятдан нимаси билан фарқланади? Фикрингизни далилланг. 2. «Нафис сатрлар соҳиби» мавзусида адабий эссе ёзинг.

Тариқат

Дунёга сиғмадим, сиғмади дунё
 ғурбатдан торайган табиатимга,
 қоп-қора чечакдай сочилмиш ҳулё
 жўмардлар кўмилган тариқатимга.
 Майлига, чечаклар қоп-қора бўлсин,
 йиқитса шу йўлда йиқитсин тақдир,
 қуртлаган истаклар шуъласи сўлсин,
 худойим сийлаган ҳурлигим яхши.
 Бичилган қулларнинг, қулзодаларнинг
 малак сиймоларин ўйнатган дунё,
 яралган лаҳзадан ҳур одамларни
 иблислар тилида сўйлатган дунё.
 Чиройли эрмаклар маҳзанидир ул,
 мағизи қайғудан, пўстлоғи зардан,
 сарғаяр очилмай туриб қизил гул,
 тупроғи жимгина қусган заҳардан.
 Чайқалар жаҳолат оғочларида
 неча минг Машрабу Мансури Ҳаллож...
 ҳамон юксалади йўл бошларида
 одамзод қонига тўймаган жаллод.
 Токай бу иблислик, токай бу ёлғон,
 токай тиф кўтарар қора гуруҳлар,
 токай бижғиб ётар ғариб оломон
 ичига тириклай кўмилган руҳлар.
 Зулфиқор руҳ керак, керак чин ёғду,
 чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин,
 жисмимни тобласин фақат чин оғриқ,
 чечаклар қоп-қора бўлса-да бўлсин.
 Бағрикенг худойим кечириб кўяр,
 йиқилсам етмай ул ҳақиқатимга,

кўмилсам, кўмилай ўлими гўзал –
жўмардлар кўмилган тариқатимга.

Қасам

Шавкат Раҳмон деган бир ўжар шоир,
бир куни қайтадан яраладимми?
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
сайладим сўзларнинг сараларини.
Ҳар бир сўз юз сўзнинг ўрнини босар:
Ватан Халқ Жасорат Кураш Озодлик.
Ҳар бир сўз етажак юзта умримга
ҳар бири бахш этар руҳимга шодлик
Ҳозирлик кўраркан буюк сафарга,
пуштиранг пардали минглаб дарчадан
мўралаб ўтирган гўзал сўзларни,
қолдириб кетаман энди барчага.
Аслида атиргул бўйин таратган
бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.
Менга нондай зарур, қиличдай кескир,
заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир.
Сайладим сўзларнинг сараларини,
курашлар шамоли кирди назмимга.
Юртимни кезаман, энди ҳар нарса,
эгилган нарсалар тегар ғашимга.
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
токим буюк тоғлар салтанатида
эгилган бошларни қиличлар кессин.



Тушунш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Тариқат» шеърида қандай тушунча ифодаланган? Сиз бу тушунча ҳақида қандай манбалардан маълумот олгансиз? 2. «Қасам» шеърини автобиографик характердаги шеър дейиш мумкинми? Фикрингизни далилланг.
Таҳлил ва таққин	   	1. Шеърлар орқали шоирнинг қандай дил изтироблари акс эттирилганлигини аниқлаш учун «ПОПС» формуласи орқали фикр билдилинг. 1-гап: Менинг фикримча,.. 2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман... 3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман... 4-гап: Шунга асосланиб, мен бундай хулосага келдимки,..
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. «Шавкат Раҳмон шеърларидаги туйғулар ранг-баранглиги» мавзусида тақдимот тайёрланг. 2. Шоир шеърлари бўйича фикрларингизни ижодий иш шаклида баён этинг.

ИЖТИМОЙ ВА ИНТИМ ЛИРИКА

Лирика сўзи юнончадан олинган бўлиб, рубобга ўхшаб кетадиган чолғу асбобининг номини англатади. Бу асбоб жўрлигида ошиқнинг ички кечинмалари ифодаланган қўшиқлар қуйланган. Кейинчалик инсон туйғулари тасвири етакчилик қилган шеърӣй асарлар лирика атамаси билан юритиладиган бўлди. Лирик асарлар мавзу йўналишига кўра иккига бўлинади

- а) интим лирика;
- б) ижтимоӣй лирика.

Интим лирика тўлиғича шахсий кечинмалар изҳоридан иборатдир. Унда шоирнинг ўзига тегишли бўлган туйғулар тасвирланади. Лекин туйғулар шахсий бўлса-да, унинг гўзал ва таъсирчан тасвири бошқалар учун ҳам аҳамият касб этади. А. Суюннинг «Гўзал», «Сени танидиму...», «Муҳаббат» сингари шеърлари интим лириканинг яхши намуналаридир.

Ижтимоӣй лирикада шоирнинг ўз кўнглидагина кечаётган ички жараённинг натижаси эмас, балки ҳаёт ҳодисалари, одамлараро муносабатлар туфайли жунбушга келган туйғулар тасвирланади. Жамиятдаги адолатсизлик, одамларнинг бебурдлиги, зўравонлик, босқинчилик, риёкорлик, сотқинлик ва бошқа ижтимоӣй иллатлар оқибатида туғёнга келган сезимлар ифодаси ижтимоӣй лирикани юзага келтиради. Шавкат Раҳмоннинг сиз яқиндагина ўрганган шеърлари айни шу хил хусусиятга эга. «Қасам» шеърида Ватан, халқ, озодлик, эрк учун курашга киришни ҳаёт мазмунини деб билган, «Тариқат»да эса ҳаётини ҳақиқат ва уйғониш йўлига тиккан жўмард йигит ҳис-туйғулари ифодаланган. Бундай шеърларда даъваткор, чақирувчи, ундовчи руҳ етакчи бўлади.

ШУҲРАТ

(1918–1995)

Шўро даври ўзбек адабиётининг таниқли на-
мояндаларидан бири шоир ва носир, драматург
Шуҳрат (Ғулом Алимов) 1918 йили Тошкентда ҳу-
нарманд оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугат-
гач, Тошкент Давлат педагогика институтида таҳ-
сил кўрди (1936–1940). Аммо Шуҳратнинг ҳаёти
ва фаолияти анча серташвиш ва нотекис кечди.



Ўша 1937 йилги машъум қатағонлик шамоли
ёш Шуҳратни ҳам четлаб ўтмади. Унга «Отан-
гиз савдогарлик қилган экан. Ўзингиз косибдан
чиқмаган экансиз, хотинингиз эскича, жиякли
лозим билан атлас кўйлак кийиб юрибди. Болангиз эса бешикда ётибди.
Яқинда хатна қилар экансиз, туриш-турмушингиз эскича. Бу нарса шеър-
ларингизда ҳам акс этиб турибди, деб союздан ҳайдашади. Иккинчи бор
50-йиллар бошида «Усмон Носирнинг пропагандисти, Абдулла Қодирий
билан Чўлпон китобларини ўқиган ва тарғиб қилган»ликда айбланиб беш
йил «Сибиру Шимолий Қозоғистондаги қамоқхоналарда ўтириб» келади.
«Жаннат қидирганлар» (1968) романи нашр этилгач, яна ташвиш устига
ташвиш келади. Устози Абдулла Қаҳҳор туфайли ҳам бир бор туртки еди.
Шуларнинг ҳаммаси унинг соғлигига путур етказди.

Шоир Ёзувчилар уюшмасининг маслаҳатхонасида, нашриётда муҳаррир
бўлиб ишлади.

Ўз ижодини 1935 йили шеърлар ёзиш билан бошлаган Шуҳратнинг
«Истак ва ўч» (1940) поэмаси босилди.

1940 йил кузида ҳарбий хизматга чақирилган Шуҳрат Улуғ Ватан уру-
ши жангларида офицер лавозимида душманга қарши мардонавор жанг
қилиш билан бирга қаламини немис-фашист босқинчиларига қарши қа-
ратди. Кейинчалик бу давр «Шинелли йиллар» романининг яратилишига
асос бўлди.

Урушдан сўнг Ўзбекистон газета ва журналларида адабий ходим бў-
либ ишлаган шоирнинг шарафли меҳнатни мадҳ қилувчи «Ҳаёт нафаси»

(1947), «Қардошлар» (1950) шеърий тўпламлари китобхонларга янги тортиқ бўлди.

Ёш авлоднинг ахлоқ-одоби, меҳнатсеварлиги, ватан мудофааси қаҳрамонликларини, озодлик ва тинчлик учун курашган ота-боболарга муносиб ворислар бўлиб етишишларини ифтихор билан тасвирловчи «Бизнинг кўча», «Балогат» (1957–1958), «Қудуқ» (1973) асарлари яратилди. Адибнинг «Сенинг севгинг» (1961), «Ишқингда ёниб» (1964) лирик китоблари, «Кавказ дафтари», «Қиз табассуми», «Буюк муҳаббат» каби шеърий туркумлари, балладаларида ватан ва инсон, севги ва муҳаббат, қадр ва қиммат, меҳнат ва меҳнатсеварлик улуғланади.

Ҳаётий воқеаларни кенг кўламда тасвирлаш эҳтиёжи ижодкорни роман жанрига ундади. Улуғ Ватан уруши фронтларида орттирган катта ҳаётий тажрибалари асосида халқимизнинг жанговар ҳаёти, қаҳрамонлиги, ватанпарварлиги, қийинчиликларга бардошлилиги, келажакка умид ва буюк ғалаба ҳақида ҳикоя қилувчи «Шинелли йиллар» (1947–1957) асарини яратди.

Шоир ва адиб Шухрат ҳам қатағонлик даврининг иккинчи тўлқини маънавий қурбонлари М. Шайхзода, С. Аҳмад, Шукрулло каби адолатсизлик зулмини тортган, ҳурфикрлилиги туфайли Шўро ҳокимияти ҳибсхоналари жабрини чеккан.

Шухратнинг «Олтин зангламас» (1967) асарида маърифат соҳиби – ўқитувчи деган шарафли касб улуғланса, «Жаннат қидирганлар» (1968) романида ватангадолик фожеалари бадиий ифодасини топган. Шоирнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари ифодаланган шеър ва тўртликлардан иборат «Лирика» (1973) тўплами, «Беш кунлик куёв», «Қўша қаринглар» комедиялари санъаткорнинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси бўлди. Унинг кўпгина асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Г. Гейне, А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, А.Мицкевич, Т. Шевченко, М.Вокиф асарларини, шунингдек, япон ва вьетнам, озарбайжон шоирларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Шухрат 1995 йил 23 июнда 76 ёшида вафот этган.

Вафотидан сўнг 2003 йили «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.



1. АТЛАС КЎЙЛАКЛИ ҚИЗ

Қодир умри бино бўлиб бунақа келишган қизни кўрмаган эди!

У боғда, майса устида, кўйлагини чиқариб, ботинкасини ечиб, майкада дарс тайёрлаб ўтирарди. Ҳаво дим. Қилт этган шамол йўқ. Дарахтларнинг барглари кўрғошиндан қуйилгандек вазмин солланиб туради. Фақат анҳор четидаги ўсиқ гиёҳларни сув эпкинни ўз ҳолига қўймай тортқилайди, «юр биз билан!» дегандек букиб кетади.

Қодир на ҳавонинг димини, на вақтнинг ўтганини биларди. У билан ўчакишгандек бир жуфт мусича парр этиб қаёқдандир олдинма-кейин учиб келди-да, унинг ёнига тушди. Олдин учиб келгани кеингисига тутқич бермас, у «ку-ку»лаб қаршисига борса қочади. Йўрғалаб ёнига ўтса, учиб сал нарига тушади. Яна кейингиси хушомад қилади... Бирдан чўқилашиб кетишди. Икки юввош парранданинг бу ножўя иши Қодирнинг гашига тегиб, энди ҳайдамоқчи бўлиб турган эди, биттаси дарахтга учиб ўтди, кейингиси кетидан қараб қолди. Қодир «қани, энди нима қилар экан!» деб турган эди, қаршисида бир қиз кўринди. У кенг атлас кўйлагига шамол тўлдириб, қаршисидаги соясини қувгандек елиб келарди. Қиз Қодирга яқинлашгач, қадамини секинлатди. Қодир унга тузуккина қарагунча бўлмай, қиз сўради.

– Шу ердан иккита қиз ўтмадими? Биттаси чамандагул дўппили.

– Пайқамадим, – деди Қодир. У илон авраган қурбақадек бақрайиб қолган эди.

– Олдидан ўтган қизни пайқамайдиган қанақа йигит экансиз!

Қиз шу сўзни кулиб айтди-ю, йўлида давом этди. Кулганда икки қатор садаф тишлари бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборди. Қиз нарироқ бориб «гапимни уқдингизми, яхши йигит» дегандек яна бир орқасига қараб қўйди. Мана шу қараш умрида бирон қиздан, айниқса, «бугун тушдан кейин дум бераман» деб турган қовундек етилган қиздан икки оғиз ширин сўз эшитмаган Қодирни адойи тамом қилди. Қўлида дафтари билан кетидан бақрайиб қолганини анчадан кейин пайқади. Пайқади-ю, фикрида шу кунгача



**Олтин
зангламас**

бўлмаган ажиб ғалаён бошланганини, бу ғалаён унга ҳам ширин, ҳам ваҳимали алланарсалар ваъда қилаётганини ҳис этди. Унинг фикри-ўйи шамол шопирган ўша атлас кўйлак қатига ўралиб кетган эди. «Ойиси баҳорда, қизил гул сайлида туққанми, бунча кулиши чиройли бўлмаса», деб қўйди ўзича.

Қиз ўша бедана йўрғалашида сўқмоқ йўлдан бориб дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлди. Бир оздан кейин ўша томондан қизларнинг кулгиси эшитилди! Бу кулги ичидан Қодир қизнинг овозини таниди ва юраги гурсиллаб уриб, ларзага келди...

Қодир ўзини зўрлаб дарс тайёрламоқчи бўлган эди, кўзи китобда яхма-лак отиб, ҳеч нарса бошига кирмади. Лекин, нима учундир, бирдан хаёлига ўша атлас кўйлак, чилвир соч, кулиши ёқимли қиз эмас, бояги мусичалар келди. Атрофига қараб уларни кўрмади. Шунда яна хаёлига келди: қизиқ, улар ўша қиз келгунча учиб кетишдими, ёки кейинми? Нега мен пайқамай қолдим? Улар ярашганмикин, ёки ҳали ҳам қувлашиб юришибдими? Ярашгандирлар! Ярашишлари керак. Гуноҳи бўлса ҳам кечирishi керак, ялиниб-ялпоғланиб ўляпти, бечора! Бағри тошлик яхши эмас. Аҳиллик, меҳру муҳаббатга нима етсин!

Қодирнинг хаёли мусичаларда бўлса ҳам, кўзи қиз кетган томонга йўл чизиб қолди. Уни яна бир кўргиси, жонон пиёла жаранггидай товушини эшитгиси келди. Юраги қиз кетган томонга ундаса ҳам, оёғи тортмади. Лекин кечаси шундай аҳволга тушдики, орада тубсиз жар бўлса ҳатлаб ўтишга, чўққида бўлса тирмашиб чиқишга тайёр эди. У қизни кўриш орзудан кўра эҳтиёжга айланган эди.

Эрталаб туриб, «йўқ, боққа чиқмайман, шу ерда дарсимни тайёрлайман», деб аҳд қилди у. Йўғон қайрағочга суяб қўйилган тумбочкага мук тушди. Бир оз тайёрлаган бўлди. Сал ўтмай сояси қалин, япасқи қайрағоч тагида кулги кўтарилди. Кимдир хуштак чалди. Атрофга қараб қулай жой тополмади: институт ҳовлиси каравотларга тўла. Уларнинг усти қурама. Бирининг устига беқасам тўн кўндаланг ташланган бўлса, бирида шинель, бирининг ёстиғи остида каттакон тугун, бирида кимдир ҳалигача ухлаб ётибди...

Ҳаммаси кўзига эриш кўриниб, ҳар куни шу ерда бепарво дарс тайёрлаганига, тинимсиз, шовқин-суронни пайқамаганига ажабланди. Фақат кечагина боққа чиққан эди. Боғ эсига тушди-ю, қалби ўша томонга ундади. Назарида, кечаги атлас кўйлакли, кулиши ёқимли қиз кутиб тургандек, ёки у бориб ўтириши билан яна олдидан ўтадигандек бўлиб кўринди. Лекин қиз у ерда йўқ эди, Қодир тушгача дарс тайёрласа ҳам ўтмади. Олдинроқ ўтиб кетдими, деб кеча кулги келган томонга қулоқ

солди: жимжит. Фақат тўғондан ошиб тушган сувнинг шарқирашигина эшитиларди. Кимдир унинг қулоғига «энди кулишмасдан тўғри гаплашиб ўтирибди» дегандек бўлди. Қодир бу меҳрибон ғойиб ҳамроҳининг сўзига жон деб ишонди. Ўрнидан туриб кеча қиз кетган томонга йўл олди. Юраги гуп-гуп урар, кўз олди баъзан жимирилашиб кетар эди. Ҳар дарахт, ҳар чечак, ҳар гиёҳ жонли, кўзи тўрт бўлиб уни кузатиб тургандек. Олам нақадар чиройли! Ҳар нарсанинг ўз ҳаёти, ўз ҳусни, ўз камолоти бор. Ўз кўрки, ўз фазилати билан бир-бирини тўлдиради, бир-бирининг ҳуснини очади, бир-биридан ажралмас бир бутунлик ташкил этади.

Қодир илгари ҳеч қачон пайқамаган ажойиботлар орасидан ўтиб бораётгандек завқланиб, ҳар япроққа, ҳар гиёҳга, ҳатто маржондек тизилишиб сўқмоқни кесиб ўтаётган чумолиларга гап қотгиси келар, улар дунёсини қалбига яқин сезар эди. Лекин бу билан бир вақтда унинг юрагида номаълум бир ташвиш, ҳис-ҳаяжон ётарди. Нимадандир чўчир, нимадандир ҳадиксираётгандек бўлиб, аланглаб қўярди. «Тўхта, – деди ички бир нидо, – ҳўш, у қизни топдинг. Кейин нима? Унга айтадиган бирон гапинг борми? Йўқ!! Шундай бўлгач, қидириб нима қиласан. Бор, жойингга ўтир, дарсингни қил, у қиз баҳор шамолидай ўтди-кетди!»

Қодир чиндан ҳам бундоқ ўйлаб қараса, у қизда ҳеч қандай иши ҳам йўқ, айтадиган сўзи ҳам! Шундай бўлса-да, кеча кулги эшитилган томонни айланиб келди. Учратиб қолса, нима дейишини билмаса ҳам, уни қидирди. Ҳеч қаерда йўқ: на ерда, на кўкда.

Қайтиб кеча ўтирган жойига келса, мусичалар донлашиб юрибди. Жуда аҳил, бир-бирига меҳрибон, сахий. Ё кечагилар эмасми? Йўқ, ўшалар. Ўшаларнинг ўзи! Аҳиллик, меҳрибонлик қандай яхши!!!

Атлас кўйлакли, кулгиси ёқимли ўша очиқ қиз Қодир учун олтин узукнинг сувга тушиб кетган зумрад кўзи бўлди.

Эртасига, индинига, бир ҳафтагача уни шу боғдан излади – топмади, кўча-кўйни кузатиб борди – учратмади. Унга қизнинг ўзидан ҳам хаёли ширин бўлиб қолган эди. Охири, «тушимда кўрдиммикан», деди ўзига ўзи.

Атлас кўйлакнинг оловидан бағрига тушган учқунни кул босгандек бўлди.



Қодир институтга қабул қилиниб, уч-тўрт кун она шахрининг ҳавоси билан нафас олгани қайтганида имтиҳонлардан яхши ўтганидан хурсанд бўлса ҳам, юрагининг аллақаери нимадандир ачишиб турарди. Ўсиб-улгайган ҳар битта тошигача унга таниш бўлган она шахрини тарк этганида юраги қанча энтиккан бўлса, институтга кириб, ўз шахрига қайтаётганида ҳам кўнгли шунчалик ғалати бўлиб кетди. Бегона шаҳарда нимасидир эсидан чиқиб қолгандек, нимасидир кўнглига ғашлик солаётгандек туюлди. Ҳеч ким уни кузатгани чиқмаган бўлса ҳам, кўзлари жавдираб кимнидир қидирди, кимгадир айтадиган гапи бордек ўзича пичирлаб қўйди. Поезд жилганда-ку, купеда туролмай, ўзини деразага урди, кимнидир кўрмоқчи эди... Бу ҳолатнинг боиси ўша атлас кўйлакли, кулгиси ёқимли қиз, олтин узукнинг сувга тушиб кетган зумрад кўзи эканини Қодир яхши биларди.

Қодирдаги бу ўзгаришни ҳаммадан олдин унинг онаси Адолат хола оналик қалби билан сезди шекилли, катта ўғли Содиққа:

– Йўқ, болам, уканга бир нарса бўлган. Бунақа эмас эди, – деди. – Ўқишга киргани ростми? Ё номусдан ёлгон гапириб, ич-этини еб юрибдими?

– Қоғозини кўрсатди, ўз кўзим билан кўрдим, – деди Содиқ ишонч билан.

– Бўлмаса уканг касал, биздан яширапти.

– Чарчаган бўлса керак, менинг кўзимга ҳам шунақа кўринади. Яна суриштирарман.

– Шундай қил, жон болам, ёш, билмайди.

– Хўп, хўп!

Фарзанд доғини кўравериб, юраги безиллаб қолган Адолат хола, Қодирнинг дардини билолмай армонда эди. Бир чеккаси, ёлғиз ўзини ўқишга юборишга ҳам раъйи йўқ. Шунинг учун, Содиқ укаси ўқишга кирган шаҳарга кўчиш, у ердаги катта докторларга Жаннатни кўрсатиш, ўзи ҳам аспирантурага кириш ниятида эканини айтганда, аввалгидек, «мени ота-онам ёнига қўйгин, кейин ўз билганингни қил» демади, тезгина кўна қолди. Икки йил Армияда «мусофир» бўлган Қодирни яна бегона шаҳарда ёлғиз ўзини мусофир қилгиси келмадими, ёки яна соғиниб кўз ёши тўқишга бардоши етмаслигини билдими, Содиқни қувватлади:

– Майли, жон болам, ҳаммамизнинг бир жойда бўлганимиз маъқул. Қодир ҳам иссиқ-совуқсиз қолмайди, ёнимда бўлади.

Содиқ бу қарорни Қодирга билдирганда, унинг ортиқча қувонмаганидан ҳайратда қолди.



Бу лоқайдлик Содиққа оғир ботди. Укасига бир нарса бўлганига шубҳа қилмай қўйди. «Ойим бекорга ташвишланмаган экан», деди-ю, сабабини билишга жиддий киришди. Уни бошлаб сойга кетди. Йўл-йўлакай укасининг қўйнига қўл солди. Бир-икки шўнғиб чиқиб, офтобда ўтиришар экан, пайти-пайти билан унинг ҳаракатини кузатиб, гап ташлади:

– Марказда анчадан бери бўлганим йўқ, жуда обод бўлиб кетгандир.

– Ҳа.

– Боғларида ҳалиям дам олиш кунлари одам кўп бўладими?

«Боғ» сўзи Қодирни уйқудан уйғотгандек бўлди, ғалати бўлиб кетди.

Содиқнинг бугунги сайлдан фаҳмлагани шу бўлдики, Қодир аввалгидан камгап, кишилар билан учрашишга майли йўқ, ёлғизликни хуш кўради. Тани-жони соғу, фақат қаттиқ чарчаган. Вақти билан ёзилиб кетади. Икки йил Армия хизматини ўтаб, бугунги кунда институтга имтиҳон бериб киришнинг ўзи бўладими!

Лекин Қодир имтиҳон азобларини аллақачон унутган, очиғини айтганда, унчалик ҳис қилмаган, фақат ёшликнинг бошқа бир имтиҳони олдида минг бир хаёл билан турарди.

Бу имтиҳон аввалгисидан осон эмас эди.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Асар бошидаги табиат тасвири ва қаҳрамон руҳиятидаги боғлиқликни аниқланг. 2. Содиқнинг шаҳарга кўчиш қарорининг асосий сабаби нима бўлди?
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Парчадаги воқеалар ва бош қаҳрамон ҳолатини «Ҳис-туйғулар графиги» услуби воситасида таҳлил қилинг. Ҳис-туйғулар  воқеалар 2. Асар композициясига оид фикр билдиринг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. Матнга таянган ҳолда асар қаҳрамонларининг оилавий қадриятларга амал қилишларига баҳо беринг. 2. Беш минутлик эссе. «Туйғулар оламининг асири».

Дунёда бефарзандликдан ёмон нарса борми! Ёшликда билинмайди, умр ўйин-кулги билан ўтаверади. Бола муҳаббатини эр-хотинликнинг қайноқ бўсаси ва ҳеч тамом бўлмайдигандек ширин суҳбати босиб туради. Шундай пайт келадики, бу муҳаббат ва бўсани фарзандга кўчириш керак, фарзанд эр-хотинликка файз киритади, оилани безайди. Лекин фарзанд йўқ. Ана шунда зил кетади, ҳалигача ширин деб шимиб келган оғзингдаги обакидандоннинг тахири чиққандек бўлади. Айниқса сен билан олдинма-кейин турмуш қурганлар бир-икки фарзанд кўриб, каттасини етаклаб гузарга чиқадиغان бўлганда, қўғирчоқдек ясашиб, бошлаб юрганда ёмон! Ардоқлаб оққа кўчираётган хатингга сиёҳ тўкилгандек юрагинг ачишади.

Содиқ билан Жаннатнинг ҳаёти худди шундай бўлган эди. Улар севишиб турмуш қуришган, юлдузлари жуда ўнг келган, бир-бирларини кўпдан синашган кишилардек фазилатларини ошириб, нуқсонларини яшириб, бошқалар ҳавас қилгудек тинч-тотув яшашиди.

Ҳамма ўзбек келинларида бўлганидек болага ҳавас бошлаб Жаннатда уйғонди, ахир қизлар бекорга муштумдаклигидан «оббо, болам!» деб қўғирчоқ қучоқламайди-да! Йиллар ўтган сари бу ҳавас заруратга, энг зўр заруратга айланди. Аввалига эрига билдирмай ичида куйди, бировга айтгани уялди, ёшлик қилди, хилватга ўтиб аччиқ-аччиқ йиғлади. Таниш-билишнинг кўзи ёриганини эшитса, аъзойи бадани зирқираб, изтиробдан титраб кетарди, кимдир «нега сен туғмайсан?!» деб таъна тоши отаётгандек бўларди. Унинг кўнгли бузилганини кўрган Адолат хола дарров бошини силарди:

– Сабр қилинг, жон болам, худо севган қулини бефарзанд қўймайди. Сабр сўнги – сариқ олтин.

– Сабр қилмай, нима қиялпман, ойижон! – дерди Жаннат ва яна баттар ёнарди, сирти қулиб, ичи йиғларди.

Адолат хола табиатан ҳалимдек юмшоқ, ширин сўз аёл эди. «Сиз» ҳам, «сен» ҳам бир оғиздан чиқади. «Сиз»ни «сен» қилиш яхшимас! – дерди, ўзи шу ақидасига амал қилар, икки сўзининг бирида «жон болам» деб турар эди. Шунинг учун бутун маҳалла унинг исмини айтмай «жон болам хола» дейишар, бу сўз холанинг қулоғига кириб қолса қулиб қўя қоларди.

«Жонболам хола» бундоқ қараса, Жаннат кундан-кун чўпдек бўлиб кетяпти, кечагина бармоғига зўрға сиққан узуги бугун бармоғидан тушса ту-


шиб қолгудек. Рангини айтмайсизми? Йил – ўн икки ой кўрпа-ёстиқ қилиб ётган касалнинг ўзи! Нима қилсин она бечора! Қўлидан келган ирим-сиримни қилди – бўлмади, аллақачон ирғитиб юборган паранжисини аллақайси бурчакдан топиб фолбинга қатнади, отинга ўқитди – бўлмади, доя хотин айтган «дори-дармон»ни қилди – бўлмади. Хеч нарсадан қайтмади. Тирик илонни ют, шу сенга шифо деса, уни ҳам ютишга тайёр эди, Жаннат бечора!

Жаннатнинг назарида тинч турмушнинг қасри боласизлик туфайли йилдан-йилга нураб бораётгандек кўринарди. Кимдир «орқангда бир туёқ қолмаган умр умрми!» деб кесатаётгандек бўларди. Тўй-ҳашамга боришдан юраги безиллайди, хотинлар «туғмас Жаннат ана шу» деб бир-бирига кўрсатаётганга ўхшайди, фарзанддан гап очилган тўйдан ҳамма хурсанд қайтса, у йиғлаб қайтади.

Жаннат «эрим ичида куйса керак», деб ўйларди. Чунки эри билдирмас эди. Минг қилса ҳам эркак! Бунинг устига иши бошидан ошиб ётибди. Яқинда мактабга директор қилиб қўйишди. Қишлоқ жой эмасми, айнхиқса, қиз болаларни ўқишга тортиш қийин. Сал бўйи чўзилди дегунча кетиб қолади, ота-онаси қўймайди. «Бу ишингиз яхшимас!» деб излаб борса, «хотин кишидан пайғамбар чиқибдими» дейишади. Ўша кезларда Содик хотинини ўқишга киритиб қўйди. Боғча мураббияларини тайёрлаш мактабини битиргач, боғчада ишлатди. Бу билан, бир томондан, уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатмоқчи бўлса, иккинчи томондан хотинини овутмоқчи, «болага бўлган меҳрингни шу ерга тўк!» демоқчи эди.

Жаннат буни пайқади. Демак, эри уни хафа қилмоқчи эмас. Ичида ёнади-ю, ташқарига тутунини ҳам чиқармайди. Шундан биладики, Содик унинг ярасини тирнамоқчи эмас, демак, у қалбида, Жаннат эса кўзида кўрсатиб йиғлайди!

Нима учундир, Жаннат ҳамма айбни ўзида кўрарди. Шунинг учун Содик марказга кўчиш қарорини унга айтганда йўқотган нарсасини бирдан топган кишидек қувониб кетди. Лекин, шу билан бир вақтда юрагининг аллақаси «жиз» этиб ачишди, нимадир кўнглини хира қилди.



– Хўш, нима дейсан, сенга маъқулми? У ерда катта докторлар бор, ўзингни ҳам қаратасан, – деди Содиқ.

«Ўзингни ҳам қаратасан» сўзи Жаннатнинг қулоғига алланечук бўлиб эшитилди. У, шу вақтгача ўзининг туғмаслиги бир касал эканини билмас, касални бунақа хили борлигини тасаввур қилмас эди. Демак, эри уни касал ҳисоблайди, касал ҳисоблаганда ҳам катта докторлар муолажа қиладиган касал экан. Мана шу «катта докторлар» сўзи ҳам унинг бағрига учли найза бўлиб қадалди. Яхши, булар у шаҳарга кўчиб боради, Жаннат эри айтган ўша «катта докторлар»га ўзини кўрсатади, дардига даво топса-ю, нур устига аъло нур, борди-ю топмаса, «дори-дармоннинг фойдаси йўқ!» деса нима бўлади? Йўқ, катта доктор бўлганидан кейин ҳар қандай касалга даво топиши керак.

Жаннат шундай қарорга келган бўлса ҳам, ҳалиги «нимадир» ҳамон кўнглининг бир чеккасини хира қилиб турарди. Бўлмаса унинг бу ерда қоладиган ҳеч кими йўқ. Энг яқин кишиси – эри, энг меҳрибони – қайнанаси.

Ўша «нимадир» унга кечаю кундуз тинчлик бермади. Ҳамон кўнглининг бир чеккасини хира қилиб ётарди. Марказга кўчиш эсига тушди дегунча энтикади, қалбини муздай бир нарса кесиб ўтади... Эрталаб кўчишга оёғи тортмаётганини аниқ ҳис қилди. Сабабини тушунтириб беролмайдиган бўлгани учун эрига айтмади. Фақат дея олди:

– Кўчмасак нима қилади? Доктор бўлса, Қодиржоннинг олдига бориб туриб...

– Нима? У ер сенга ёқмаяптими? Жуда яхши шаҳар, кенг, ёруғ, гавжум...

– Яхшиликка яхши-ю, шундай бўлса ҳам... кўчмайлик... оёғим тортмаяпти...

– Жинни! – деди кулиб Содиқ, - юрагинг увишяптими? Ўрганиб кетасан.

Содиқ хотинининг руҳий ҳолатини тушунмади, тўғриси хотинларда бўладиган «нуқсон»лардан деб кулиб қўяқолди. Лекин бу «нуқсон» Жаннатнинг қалби тубига чуқур ботиб борар, кўнгил ғашликдан диққатга айланмоқда эди.

– Бормайлик! – деди охири қатъий.

– Чарчабсан, хотин, дамингни ол!

«Нега Жаннатнинг феъли бунақа айниган? Нега яна кўчишга раъйи бўлмай қолди? Сабабини тузук суриштирмай, гапини қайтарганим яхши бўлмади».

Содиқ ўзича муҳокама қилди: Жаннатнинг катта бир далили бўлиши мумкин эмас. Туғилиб ўсган шахрдан кетгиси, сирдош ўртоқларидан



ажралгиси келмаётгандир. Ё ишини қизғанияптими? Эҳ, аттанг, у ерда ҳам ишлашини айтсам бўлар экан. Тўғри, шу иши учун қиялпти. Хафа бўлма, Жаннат, у ерда ҳам севган боғчангда ишлайсан. Ўзингнинг болаларинг ҳам бир боғча бўлиб кетса ажабмас. Ажойиб бир доктор Ленинграддан келибди деб эшитдим. Ўшанга боқтирасан. Ўксима! Оёғинг тортаверсин, жоним!

Кўчиб кетишлари аниқ бўлгандан кейин, Содиқ маориф бўлимининг илтимосига кўра, ўз ўрнига одам танлади. У билан бир неча кун ишлашди. Севган мактабининг келажакда ҳам мавқеи тушиб кетмасин учун қўлидан келган бутун маслаҳатларни берди. Ўқитувчиларга қисқа-қисқа характеристика ҳам бериб чиқди, «баъзи сир»ларгача ўртоқлашди. Бир кекса ўқитувчи:

– Кўнглимизни чироғи олиб чиқиб кетилган уйда қилиб кетяпсиз, Содиқжон, – деган эди.

– Ёритиб турган мен эмас, сизларсиз, сизларнинг ўзингиз, – деб кулди Содиқ. Қоровулдан тортиб, янги директоргача ҳамма билан қўл олиб хайрлашди. Хайрлашув орасида ҳар кимнинг ўзига яраша ҳазил қилди, гап қотди. У суяб юрган, ишчидан чиққан ёш ўқитувчи бағрига ташланиб «энди менинг аҳволим нима кечади?» деганга ўхшаган бир гап қилган эди, Содиқ:

– Кўпчиликка суянинг, кўпчилик кўтаради. Лекин мутолаани сусайтирманг. Мен сизнинг ҳаракатингизга ишонаман, - деди ва бағрига босиб ўпди, қўлини қаттиқ сиқди. Лекин мактабдан чиқиб кетиши енгил бўлмади, юрагининг аллақаери узилиб қолаётгандек ачишиб кетди. Нимадир эсидан чиқиб қолгандек орқасига бир-икки қараб қўйди, аммо рангининг сал оқаринқираганидан беҳабар эди. Эшик олдида мактабга кириб келаётган болани тўхтатиб, иши бўлмаса ҳам исмини сўради, синфини суриштирди, унинг жавоб беришидан завқ олаётгандек кулиб турди, кейин бағрига босиб, лўппи юзларидан чўлп-чўлп ўпди:

– Яхши ўқи, хўпми? – бола ҳайрон эди. Содиқ нарироқ бориб болага хайрлашиб, қўл силкиди.

Содиқ ҳамма билан хурсанд хайрлашган бўлса ҳам, уйига кўнгли ғала-ти бўлиб қайтди. Ана шунда мактабини қанчалик севганини бутун қалби билан ҳис этганди. У ўйинчоғи сувга оқиб кетган боладек анча вақт хомуш юрди. Фақат кечқурун, оила аъзолари жамулжам бўлиб, овқатга ўтирганда кўнгли аста-секин ёришди. Чунки суҳбат энди бутунлай эртаги кунга, кўчиб борадиган шаҳардаги ҳаётга, ишга бағишланган эди.

Маслаҳат шунга келиб тўхтадики, Содиқ Қодиржон билан бирга олдинроқ кетиб, уй-жой тараддудини кўрадиган бўлишди.

Кўчишга ҳаммадан олдин рози бўлган Адолат хола, иккала ўғлини кузатиш вақтида ўпкаси тўлиб йиғлади. Ёшлигини, бу уйга келин бўлиб тушган чоғларини, кетма-кет нобуд бўлган болаларини эслади. Эрталаб туриб, ҳали-ҳозир жўнаб кетаётгандек, ота-онасининг қабри тепасига бориб келди. «Аллақаерларда ўлиги қолиб кетган» – мардикордан қайтиб келмаган раҳматли эрини ёдлади. Нобуд бўлган болалари тирик бўлганида неча ёшга киришини хаёлидан ўтказди. Охири Содиқнинг қилич-қалқон тақиб «Оқ подшонинг думи – босмачиларни бира тўла йўқотмасак, яна бева-бечора кўпайиб кетадиганга ўхшайди», деб чиқиб кетгани, у йиғлаганда: «Йиғламанг, ойи, сиз йиғласангиз, босмачи қаҳ-қаҳ уради», дегани эсига тушди. Ўшанда коптокдек ерга урса кўкка сакрайдиган азамат йигитча эди. Мана, кеча кўрса унинг ҳам чаккасига иккита оқ тола из солибди. Лекин манглайи шўр келди, фарзанд кўрмади. Битта сиқиладигани шу, бўлмаса кам-кўсти йўқ. Эл орзу қилса қилгудек, маслаҳат солса ақл олгудек эс-хушли. Келини Жаннатдан ҳам айбситадиган жойи йўқ. Очса кафтида, юмса муштумида. Йўқ, йиғлаши бекор. Яхши умидлар билан бошланган сафарнинг оқибати хайрли бўлади. Майли, Содиқ олдин борсин, жой топсин, кўчиб кетади. Болаларининг ўз қаноти остида бўлганига нима етсин! Қодиржон икки йил аскарда юрганида соғингани ҳам бўлади. Энди кўтаролмайди. Мусофир бўлса ҳам болаларининг олдида бўлади, айниқса, Қодиржонга кўз-қулоқ бўлиб туриши шарт. Яхши қиз топса, ўзи бош бўлиб уйлантиради, ёши ҳам анчага бориб қолди. Аслида, шу ердан уйлантириб кетганда яхши бўларди. Боласи тушкур, кўнмади, «олдин ўқийман» деб туриб олди. Онасига қолса-ю, йиглаб-сиқтаб кўндирарди, ўртага Содиқ тушди, «шахтини қайтарманг!» деди. Жаннат бўлса, «шаҳар кўрган йигит қишлоқдан уйланадими, кўз остига олганлари борми ҳали», деб ҳазилга олди. Шунда ҳам она қарши турмади, «вой айланай, розиман. Ҳар ким кўнгли тортган ошни ичади», деди. Лекин Қодирдан ҳадеганда садо чиқмади, фақат анчадан кейин: «Мен оладиган қизнинг қулоғини кеча тешибдилар, бугун исирға буюртириб келаман!» дея китобини қўлтиқлаганича чиқиб кетди. Ана шу «олдин ўқиш» деган ўғли муродига етаяпти. Ўқишга кирди, беш йил ҳам «ҳа-ху» дегунча ўтиб кетади. Аскарга жўнаганда «икки йил қачон ўтади!» деб бекор куйган эканман, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Буниси ҳам ўтади. Майли, ўқиши битгунча уйланади, эс-хушини таниб уйланган яхши бўлади. Ишқилиб, танисоғлик, хотиржамлик бўлиб турса бас.

Адолат хола хаёлида ҳамма ишни тарозига солиб, ўзини тутиб олгандан кейин, йўл тараддудини кўраётган ўғиллари олдига кирди. Дераза остида, бир тирсагини рапига қўйиб ўтирди.

– Ҳой, болам, қулоғингда бўлсин: жой олсанг қўни-қўшнисини суриштир. Қўшнинг тинч – сен тинч. Кейин, мен гаплашадиган қари-қаранг ҳам бўлса яна яхши, – деди у. Чамадоннинг қорнидан камар боғлаётган Содиқ онасига қараб, тузатди:

– Квартир олсанг денг.

– Квартир бўлса, квартир. У ёқларда турадиган жойни квартир дейишадими-а, жон болам? – Адолат хола келини Жаннатга мурожаат этди. У «ҳа, шундай» дегандек бош силкиб қўяқолди. Унинг юраги ҳамон ғаш. Кўчишни эшитган куни юрагида пайдо бўлган, сабабини ҳалигача билолмаган «алланима» ҳозир ҳам тинчлик бермас эди. Бу яхшиликдан кўра, кўнгилсизликни ваъда этаётгандек бўларди. Кечаси жиндай йиғлаб, юрагини бўшатиб ҳам олди.

Содиқ вазминлик билан тасалли берди:

– Киши унар-унмасга диққат бўлиб, ҳар нарсани ўзига ола бермайди. Бағрингни кенг тут.

Содиқ хотинини ҳам, ўзини ҳам чалғитмоқчи бўлди:

– Сен ишдан бўшашингни кўп чўзма.

Хотинининг кўнглига қил сиғмас эди, жавобни қисқа қилди:

– Хўп.

– Узоқ хаяллаб кетсанг, хат ёз, жон болам! – деди она.

Эшик тагида, хайрлашиш вақтида она ўзини тетик тутди.

Ирим қилиб, битта кулчани ушатиб, бир бурдадан иккала ўғлига берди, қолганини олиб қолди:

– Ризқимиз бир-биримиздан узилмасин!

Содиқ кулиб оғзига солар экан, ҳамон кўнгли ғаш Жаннатга назар ташлади: «Бунча хафа бу! Орамизда бир нарса ўтгану, мен билмайманми? Ё ойим билан... Йўғе... Баъзан киши ўзи шунақа сабабсиз диққат бўлади», деди ичида ва Жаннатнинг қўлини олиб, қаттиқ сиқди. Бу билан «хафа бўлишнинг сира ўрни йўқ, жоним!» демоқчи бўлди.

Бир ҳафтадан кейин Содиқдан «йўлга чиқинглар» деган телеграмма келди.

Содиқнинг иккита ўртоғи уларни поездга кузатиб қўйди, Адолат хола бир оз хомуш, Жаннатнинг кўзида ёш милтилларди.

– Сафар олдидан ниятингизни яхши қилинг, жон болам! – деди Адолат хола келинига.

Жаннат ноилож кўзини артди.

Аслида унинг оёғи тортмаганича бор эди, истиқболда уни бахтсизлик кутарди.





<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Парчани қисмларга бўлган ҳолда гуруҳларда ўқиб чиқинг. 2. Бўлинган қисмларга сарлавҳа қўйинг ва режа тузинг. 3. Оиладаги муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари ҳақида асар матнига таяниб мулоҳаза юритинг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Парчадаги муаллиф услубини кўрсатувчи ўринларни аниқланг. 2. Парча бўйича гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг. Очиқ саволлардан унумли фойдаланинг. 3. «Девордаги тимсол» услуби асосида асарнинг бош қаҳрамонлари Жаннат ва Содиқ тимсолларини таҳлил қилинг.
<i>Баҳолаш ва қийсий таҳлил</i>	 	1. Парча мазмунини сиз мустақил равишда мутолаа қилган ёки бошқа дарсларда ўрганган асарлар билан қийсий таҳлил қилинг. 2. «Фарзанд – оила гултожи» мавзусида тақдимот тайёрланг.

Шаҳар маорифи бўлиmidан йўлланма олиб, район маорифига келганда Содиқнинг биринчи учратган кишиси Мирсалим бўлди. Ғўлабирдан келган, сурма ранг дўппили сертакаллуф бу одам маориф эшигида унга рўпара келди-ю, саломлашганга ўхшаш бир ҳаракат қилиб, унинг диққатини ўзига тортди. Одатда нотаниш ерга кириб келаётганингда илк учрашган одамдан, айниқса, у очик юз билан сенга боқса, кўнглинг сув ичгандек бўлади, ўзингда унга яқинлик сезасан. Содиқ ҳам худди шундай бўлди, ундан маориф мудирининг кабинетини сўради. Кейинчалик ўқитувчи Мирсалим эканлиги маълум бўлган бу одам кўриниб турган эшикни «ху, ана!» деб қўя қолмасдан аввал юмшоқ кулди, кейин Содиқнинг олдида тушиб бошлаб кетди. Уч эшик ўтгандан сўнг қора дермантин қопланган қўш қанот эшикни сал қия очиб:

– Марҳамат!Мудирнинг ўзлари ҳам шу ердалар! – деди. Бунга ҳам қаноат қилмай, унинг кетидан мушукдек силлиқ кириб, шафтоли қоқидек камгўшт секретарь хотинга тушунтирди:

– Бу кишига ўртоқ мудиримиз керак экан.

Секретарь хотин «ўзининг тили йўқми» дегандек, унга кўзойнаги остидан қараб қўйди, кейин бу «корчалон»га зарда қилгандек, бир ҳаракат билан машинкасига қоғоз қўйди. Унинг бутун ҳаракатидан кўриниб турардики, бу одамни у яхши билади, унинг нимасидир хотиннинг ғашини келтирарди, энсасини қотирарди. Лекин секретарь хотин машинкасида иш бошлашидан олдин кўзидан кўзойнагини олиб, ёқимли бир табассум билан Содиққа мудирнинг олдида одам борлигини айтди ва ўтиришга таклиф қилди.

Содиқ кўрсатилган ерга ўтираётиб овора бўлгани учун Мирсалимга миннатдорчилик билдирган эди, у яна ўта такаллуф билан нималардир деди, лекин машинканинг шақ-шуқидан эшитилмади. Мирсалим Содиқ билан қуюқ хайрлашиб, ҳатто ўз ишига банд секретарга ҳам хайрлашув ишорасини қилиб эшикдан чиқди.

Маориф мудир кабинетидеги кишини кузатиб чиқиб, Содиқни кўриб қолди.

– Сиз Содиқ Қўчқоровмисиз? Жуда яхши. Эрталаб менга телефон қилишган эди. Қани, марҳамат!

Мудир Содиқни кабинетига эмас, коридорга бошлади. Йул-йўлакай аҳволини, соғлигини сўради, келиб тушган жойини суриштирди. Меҳмонхонадалигини эшитиб:

– Ўша ерда турмоқчимисиз? – деди

Содиқ «меҳмонхонада туриб ўқитувчилик қилиш жуда бойваччалик бўлади-ку» дегандек маъноли кулиб жавоб қайтарди.

– Йўқ. Ишлайдиган мактабим аниқ бўлгандан кейин, ўша атрофдан жой қарасам деган ниятдаман. Маорифнинг жойи бўлмаса керак?

– Бору, банд. Яхшиси ҳозирча ижарага ўтириб турингу, бир бошпана қуришга ҳаракат қилинг. Биз ёрдам берамиз.

Мудир кадрлар бўлими билан келишиб қўйган экан, кира солиб :

– Мана, ўртоқ Қўчқоров келдилар. Йўлланмаларини беринг, эртаданок иш бошласинлар. Сизга эса, ўртоқ Қўчқоров муваффақият тилайман. Сизнинг тўғрингизда яхши гаплар эшитганман, аминманки, ўшандай ғайрат билан бизни ҳам хурсанд қиласиз.

Бундай ширин-чучмал гапларга Содиқнинг тоқати йўқ, ҳижолат тортса ҳам жавоб қайтаришга мажбур бўлди:

– Ишончингиз учун раҳмат! Лекин ким мени бунчалик улуғлаб айта қолди, ажаб!

– Ёру биродарлар, иннайкейин, жумҳурият муаллимлар кенгашида сўзлаган нутқингиз ҳам эсимда. Тарих фанини ўқитиш ҳақида жуда мантиқли гапирган эдингиз.

Содиқ қулоғигача қизариб, ўнғайсиз аҳволга тушди. Индамади.

– Ҳа, айтгандек, – деди мудир, кадрлар бўлимига қараб, – директорга икки энлик хат қилиб беринг, ўртоқ Қўчқоров бу томонларда янги, яхши билмайди, квартира топишга кўмак беришсин. Оилангиз каттами? Қачон кўчириб келасиз.

Содиқ иккинчи саволга жавоб бериб қўя қолди:

– Жой топдим дегунча хабар қиламан. Шундай келишганмиз.

– Жуда яхши. Демак, тезлатсин, шундай деб ёзинг директорга .

Кадрлар бўлими ходими муҳим бир нарсa бирдан эсига тушгандек ирғиб ўрнидан турди, кўзини эшикка тикди:

– Мирсалим ака ҳали шу ерда юрган эди, кетиб қолмадимикин?

Кадрлар бўлими мудир эшикка елиб чиқиб кетди.

– Мирсалим бунақа ишларни жонини киритади, – Мудир ён чўнтагидан папирос олиб Содиққа тутди, у чекмаслигини айтгач, бир донасини ўзи лабига қўндирди, гугурт чақиб тутатгунча йўқ эди, кадрлар бўлимининг мудир боя Содиққа дуч келган ғўлабир, сурма ранг дўппили, сертакаллуф кишини бошлаб кирди.

– Мирсалим ака, бу киши билан танишиб қўйинг, бундан кейин бирга ишлайсизлар. Бу кишининг сизга жиндай илтимоси бўлади, – деди мудир «шу қуш боласи уясида тушиб кетибди, жойига олиб қўймасангиз увол бўлади» дегандек бир оҳангда.

Мирсалим, район маорифи мудирининг унга иши тушганиданми, ёки табиати шунақаи бирдан ёйилиб кетди, юзида табассум қалқди, қаддини сал эгиб, қўлини кўксига қўйди:

– Бош устига! Биз танишмиз. Приёмингизга ўзим бошлаб кирган эдим.

Мудир, бемеҳр отанинг совуқ ўғлини эркалашдек бир табассум қилиб қўйди.

Мудир айганидек, Мирсалим «ишнинг жонини киритди». Шу куннинг ўзидаёқ Содиқни мактабга бошлаб бориб, ҳамма билан таништирди. Кейин:

– Дарс жадвалингиз билан танишиб турунг, мен бир соатларда келаман. Илтимос: кетиб қолманг, – деди.

Мирсалим майда қадам билан шошганича чиқиб кетди. Содиқ орқасидан «бунақа одамлар юриб чарчамайди» деб қўйди. Мактаб илмий мудирдан уни суриштирди: биринчи босқичда илмий мудир ва она тилидан дарс берар экан.

– Дарсдан ҳам кишиларнинг ҳожатини чиқаришни яхши кўради. Оёғидаги куч-қувват бошида бўлганида... билмадим, ким бўларди, – деди илмий мудир, – бирор нарса илтимос қилганмидингиз?

– Бирор жой бўлса девдим.

– Ҳа, бунақа ишларга суяги йўқ. Дўндириб ташлайди. Томи қанақа бўлсин, туникалими, тупроқлими, демадими? Полини-чи?

Илмий мудир Мирсалимнинг ипидан-игнасигача биладигандек, унга кўп иши тушган, ҳаммасини ўзи айганидек «дўндириб ташлаган» кўринадди, лекин унинг лабидан Мирсалимнинг нимасинидир менсимаслиги, паст кўришлиги, таҳқирлашга яқин бир назарда эканлиги сезилиб турарди. Илмий мудир Содиқ буни пайқаганлигини сизди шекилли, изох берди:

– Ўзи тузук одам. Сал бачканалиги бор, холос. Табиати шунақаки, тўрвасини тешган сичқонга ҳам индамайди. Оиласи кичкина: хотини-ю, бир қизи. Бутун шаҳарни танийди, ярми қариндош-уруғи ёки дўсти. Яхши қизи бор. Бу йил ўнинчини битириб кетди. Қарқиноқдан булбул чиққан. Ўғлингиз борми?

– Ўғлим йўғу, укам бор, – ҳазилига ҳазил билан жавоб қилди Содиқ. – Баҳорда армиядан келган.



– Ниятингиз бўлса, отингизни қамчиланг, тўғриси, отини укангиз қамчиласин.

– Нега укам?

– Совчи билан эр қиладиган қиз эмас.

Содиқ бундай қизни кўз олдига келтира олмади. У шунча йил директор бўлган мактабда бунақасини учратгани йўқ. Минг қилса ҳам бу ер пойтахт, маданияти баланд.

Мирсалим одатдаги шошинқираши билан айтган вақтдан анча олдин келди. Тез юргани шундоқ кўриниб турарди. Оққа мойил юзлари қизил тортган, манглайида майда тер резалари бор. Лекин қўлидаги қоғоз папкасини қаергадир ташлаб келган. «Уйига ҳам кириб чиққанга ўхшайди, шу атрофда экан-да!» деган фикр Содиқ ҳаёлидан ўтди. Лекин унинг уйига «меҳмон келади!» деб тайинлаб чиққанидан хабари йўқ эди.

Мирсалимнинг ўз ҳисоби бор эди. Ўзи билан танишмоқчи бўлган одамдан ҳайиқса ҳам, лекин биров билан танишувни яхши кўради. Бегона одам билан қўл олишиб танишаётгандаёқ ҳаёлидан ўтади: «бир кун асқатиб қолиши мумкин». Шу ҳаёл билан сертакаллуф муомала қила бошлайди. Бу танишнинг ўнг қўлтиғидан кириб, чапидан чиқади, юзидан табассумни аритмайди. Чойхона олдида бўлса, чойга, ошхона яқин бўлса овқатга таклиф қилади. Эпини қилса, ҳақини тўлаб «ўтқизиб қўядилар», ўзининг тили билан айтганда «қўлтиғига сув пуркайди», мабодо ўша одамга иши тушиб қолса, салом-алиқдан сўнг бир амаллаб шу ўтиришни шама қилади.

Худди шундай, Содиқ билан ҳам тезда иноқлашади. Ахир қўлидан бир иш келмаса, бир нарсасига ишонмаса, қишлоқдан шундай шахри азимга келадими! Албатта, бир нарсаси бор. Ҳаракати бардам, боқишлари тетик. Маориф мудирининг олдида туришини қара, «истасанг иш бер, бўлмаса ўзим топиб оламан!» дегандек виқор билан турибди. Хурмат юзасидан тишининг оқини кўрсатмади-я! Бунинг, албатта, бир балоси бор. Ҳали кўтарилиши ҳам мумкин. Бугун ўқитувчи, эртага директор бўлмайди деб ким айтади! Ҳозир унинг ҳеч кими йўқ, ёрдамга муҳтож. Айни пайти.

Бу режасининг дебочаси сифатида йўл ости уйига кириб, қазилик ош буюриб қўйди. Ундан чиқиб асосий ишга киришди: квартира масаласида маҳалла комиссиясига йўлиқди. Яқинини келиб кўрди, биладиганини кўз олдига келтириб, иккитасини танлади. Ишнинг бунчалик тез битганидан хурсанд Мирсалим: «Кўр, сенинг учун қанчалик куйиб-пишяпман» дегандек, Содиқлар олдига кириши билан катта дастрўмолини олиб, юзи ва бўйин терларини артди.

– Сизни кетиб қоласизми деб... Ҳа, айтгандек, сўраб олмабман: томи қанақа бўлсин, туникалими ёки ўзимизнинг жайдари – тупроқлиги ҳам бўлаверадими? Биттаси шунақа, лекин поли ер.

Илмий мудир ўзининг боя айтгани тўғри чиққани учун ялт этиб Содиққа қараб кулиб юборди. Содиқ ўзини аранг тутди. Мирсалим кулгининг маъносини тушунмай, сўзини изоҳлади.

– Тўғри-да, сўраган яхшида. Ҳар кимнинг ўз диди бор. Масалан, мен, қишда тахта полли уйни, ёзда ўзимизнинг жайдаримизни яхши кўраман, салқин бўлади.

– Гапингиз тўғри, – унинг ёнини олди Содиқ. – Квартира кўргани кетганингизни билмадим, бўлмаса сизни икки-икки овора қилмасдан, бирга бора қолардим.

– Ҳечқиси йўқ. Киши кишига яхшилик қилиш учун дунёга келади. Бугун мендан, эртага сиздан...

Шу гапдан кейин Мирсалим Содиқни бошлаб кетди. Мўлжалдаги квартираларни кўрсатди. Содиққа биттаси ёқди. Бу бир одамнинг алоҳида эшикли ташқариси эди. Икки уй, бир айвон. Сал эскироқ демаса, ўзи бежирим, кичкина ҳовли саҳни ҳам бор.

– Шу дуруст, – деди Содиқ хоналари айланиб чиқиб, – бу ёғини ўзингиз гаплашасиз-да!

У ижара ҳақи тўғрисида ишора қилган эди, Мирсалим пайқади:

– Хотиржам. Сизга ёққан бўлса бас.

Содиқ ишнинг бунчалик енгил кўчганидан мамнун булиб, Мирсалимга миннатдорчилик билдирди. Кўча муюлишида яна бир марта ташаккур айтиб хайрлашувга қўл узатар экан, Мирсалим қўлини олди-ю, қўйиб юбормади:

– Каминанинг кулбалари ҳам шу яқинда. Бугун бизда бўласиз. Барибир борадиган жойингиз йўқ. Мусофирхона (у меҳмонхонани шундай дерди) бир зарурат кунидан тушиладиган жой. Хўп денг. Бу ёғини ҳам айтай: келинингиз ҳам сал огоҳлантирилган. Тиқ этса, кўзи эшикда бўлиб, пойлаб ўтиргандир. Хўп денг. Содиқ шунча яхшилик қилган одамнинг сўзини ерда қолдиргани ботинмади. Унинг розилигидан Мирсалимнинг боши осмонга етди:

– Сизни маорифда кўрдиму, «шу одам мен боп» дедим. Юлдузингизга юлдузим тўғри келди-қўйди. Бўлмаса, ҳар ким билан иноқлашавермайман. Ҳозир яхшидан ёмон кўп. Дил тортиб гаплашадиган одамнинг ишдан бўшамайди. Ҳали сизнинг ҳам ишингиз кўпайиб кетса...

– Истаган киши вақт топади.

– Албатта, албатта! Дилнинг яқинлигига боғлиқ.





<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Содиқнинг маориф бўлимига бориш сабабини изоҳланг. 2. Мирсалимнинг Содиққа яхшилик қилишидан мақсади нима эди? 3. Ўша даврда билимга катта эътибор бериш сабабларини тушунтиринг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. «Ягона давра» (давра суҳбати) усули орқали роман парчасини таҳлил қилинг. 2. Муаллиф кўзқарашини матндан мисоллар келтириб, тушунтиринг. Муаллифнинг қаҳрамонларига муносабатини ифодалаш усуллари аниқланг. 3. Асарнинг мавзу ва муаммолар доирасини унинг долзарблиги нуқтаи назаридан ва шахсий кўзқарашингизни далиллаган ҳолда аниқланг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Адиб асарига замонавийлик нуқтаи назаридан баҳо беринг. 2. Романдан олган таассуротларингиз асосида кичик ижодий иш ёзинг.

Содиқнинг тахмини тўғри чиқди. Мирсалимнинг ҳовлиси мактабга яқин экан. Эшикка яқинлашувлари билан Мирсалим олдинга ўтиб шопинқираганича ичкарига кириб кетди. Бу билан Содиққа «сиз бир оз сабр қилинг», деган маънони англатди. Содиқ буни тушуниб, эшик олдида тўхтади. Эшикка назар солди: ўз вақтида анча кўркам бўлган ўймакор эшик. Албатта, аввал бўёқсиз бўлган. Кейинги вақтда замоналаштириб кўкка бўялгани кўриниб турибди. Ҳатто газета-журнал ва хат учун қорнидан кўндалангига ингичка туйнук ҳам очилган. Қадди паст, ялпоқ эшикка бу туйнук бўз кўйлакка садаф тугмача қадалгандек ярашмас эди. Содиқ кулиб қўйди.

– Нега тўхтаб қолдингиз, марҳамат! – деди Мирсалим ичкаридан чиқиб. Ваҳоланки, у атайин аввал кириб хотинига хабар берган, хотинининг «бефаросат»лигидан баъзан ҳовли юзида қоладиган жомашов, супургига ўшаш нарсаларни четга олдирган эди. Эшикка қайта туриб, ҳатто ўрикнинг паст шохига қийиқни ҳам юлиб олиб, думалоқлаб хотинига отди.

Содиқ Мирсалимнинг орқасидан кириб борганда хотини қўл қовуштириб ариқнинг тепасида турар эди, салом бериб сўрашди. Уйнинг ижозати хотинда бўлгандек, Мирсалим меҳмонни бошлаб ўтар экан, деди:

– Каравотга ўтақоламиз-да, а, хотин? Ё уйга жой қилганмисан?

Мирсалимнинг совунига кир ювиб ўрганиб қолган хотини дарров жавоб қилди:

– Вой, уй дим, ҳовли яхши!

Мирсалим бу билан меҳмонга бўлган эҳтиромини яна бир марта сездирмоқчи эди, ниятига етди. Хотинининг зийраклигидан хурсанд бўлгандек, Содиқнинг елкаси оша кулиб қўйди. Лекин хотинининг «Сохта меҳмондўст бўлмайд ўлинг!» дегандек энсаси қотди.

Содиқ квартира қидириб, бир неча ерда бўлганидан беихтиёр унинг назарини Мирсалимнинг ўз ҳовлиси тортди. Ҳовли у кўрган ҳовлилардан ортиқча фарқ қилмайди. Фақат «замоналаштириб» тартибга солинган, саранжом. Ҳатто тарновнинг остига сув тушиши учун мусулмон ғиштдан жой қилиб, нишобини ҳам олиб қўйилган. Девор остига ётқизилган йўлка бир текис ва кенг: ғиштлири ўтмас тешада қириб тозаланган бўлса керак, теша излари сап-сариқ йилтиллайди. Ундан пастда ҳафсала билан ўтқазилган гуллар тизими. Садарайҳон баҳор булутидек ҳурпайиб, ҳожи-

райхон бақатеракдек кеккайиб, бинафша ранг баргларини очик кафтдек тутиб туради. Улар орасида хинанинг қизил оёғи ва чақмоқ гули дарров кўзга ташланди. Гулбеор бўлса, осмонга чиқиб пақ этиб сочилган ранго-ранг мушакдек ёнади.

Рўпарада икки уй. Ўнг томондагисининг бир деразаси ердан бир газ баланд, ганчланган сиркор айвонга очилади. Айвоннинг пешида ўймакор устун. Унга қараб Содиқ: «Хунар! Эринмаган устанинг иши», деб қўйди. Айвон тоқчаларининг ҳаммаси кейинчалик кесак қалаб урилгани ингичка чизик бўлиб қолган зиҳидан кўриниб турибди. Унга мажнунтолга ўхшаган қандайдир гул сурати солиниб, бир шохига хум чойнакдек қуш қўндириб кўйилган. Оғзини очиб, сайраб туришидан булбулга, думининг ерга тегиб туришидан товусга ўхшайди. Худди шунга ўхшаган суратни Содиқ болалигидан дадаси хизматкор бўлиб ишлайдиган Омил қори юзбошининг меҳмонхонасида кўрган эди. Ҳа, ўша меҳмонхона кейинчалик колхоз идораси бўлди.

Мирсалим меҳмонини ёғоч каравотга тўшалган атлас кўрпачага ўтқазиб, «одатимиз қурсин» деб кискагина фотиҳа тортди-да, ўзи ошхонага ўтиб кетди. Хотинига нималарнидир шивирлаб, орасида бир хўмрайиб, кейин очик юз билан каравотга келар экан, меҳмоннинг гулларга маҳлиё бўлиб турганини пайқаб, садарайхонни кафти билан чайқаб атрини таратди.

– Асл нарсa,жонивор. Ҳиди ҳам антиқа! – деди ва шохидан биттасини синдириб, Содиққа узатди, кейин қизил гулларни мақтади, улардан ҳам бир нечтасини қайчилаб, ясаггулик хонтахтанинг меҳмон ўтирган томони-га қўйди.

– Сизнинг ҳам дидингиз яхши экан, – деди Мирсалим каравотга чиқиб ўтиргач, нон ушататуриб, – аввал кўрган ҳовлимизни ёқтирармикинсиз деб ўйловдим, йўқ, кейингисини, ҳовлисида сув ўтадиганини танладингиз. Авваламбор, суви яхши, қолаверса, ҳовлисига гул-пул дегандек, кўнгил очар нарсалар экса бўлади. Бай-бай, бунинг ҳидини қаранг. Шунинг сувини сиқса атир бўлади-да, а! Табиатда мўъжиза кўп. Мана шундан сизга иккита қаламча олиб бераман. Анавинисидан ҳам. Унисини тўқ қизил, ҳозир сал вақти ўтди. Райхонни шунинг учун экаманки, кузда баргини янчиб олса ҳам бўлади. Суюқ ошга жуда кетади-да! Хўп десангиз, келин-нингизга айтаман, тўғрилаб беради.

Мирсалимнинг меҳмон кўнглини олишга астойдил киришгани чой қуйишидан тортиб, Содиқнинг олдига гоҳ сарийё, гоҳ мураббо, гоҳ хандон писта суришигача, райхоннинг фазилатидан тортиб, эртага у иш бошлайдиган мактаб қўнғироғининг овозини мақташигача ҳамма нарсада сезилиб турарди.

Содиқ ҳали яқинда нонушта қилгани учун унча иштаҳаси бўлмади. Мирсалимнинг тез-тез дастурхонга таклиф қилиб туришига қарамай, ундан-бундан бир-икки чўқилади, асосан чой ичди. Мирсалимнинг нима биландир ивирсиб, ҳовлида юрганини кўриб, чўнтагидаги газетани қўлига олди. Бунинг устига келиб қолган Мирсалимга меҳмоннинг шундай нозу неъматли дастурхонга бепарво қараб, газета ўқиб ўтириши энсасини қотирган бўлса ҳам, ётиғи билан савол ташлади:

– Оламда нима гап, тинчликми?

– Тинчлик. Мана шу Леваневскийнинг топилмаётгани яхши бўляпти-да.

– Яна шу ҳақида ёзишибдими? – Мирсалим биров «ўзинг газета кўрасанми?» деяётгандек қўшиб қўйди: – Ҳали бугунги газетани кўрганим йўқ.

– Ёзганда қандай! Москва-Шимолий Америкага учишларини уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг маълумоти бор. «Красин» пароходимиз Аляскадан Шимолга йўл олибди. Америка учувчилари Руббинс, Стюарт излашга қатнашибди.

– Дарагини топишолмабдими?

– Йўқ. Об-ҳаво ёмонлигидан йўлдан қайтишибди. Ўзимиздан ҳам тўққизта кучли аэроплан сафарбар қилишибди. Булар ичида Шимолий қутбга учиб бориб келган Совет Иттифоқи қаҳрамонлари Мазурук билан Козловнинг АНТ-6 аэроплани ҳам бор. Топса ана шулар топади. Об-ҳавонинг сал жўнашиб кетишини кутиб Рудольф оролида турганимиз.

Мирсалим янги олиб келган чойини қайтариб, тинитиб қўйди. Кейин «шамаси тушиб кетмасин» дегандек эҳтиёткорлик билан жилдиратиб пиёлага қуяр экан, сўради :

– Кечаги газетада эди шекилли, шу иш учун Америкадан қандайдир аэроплан сотиб олибмизми?

– Аэроплан эмас, гидроплан. Сувда ҳам сузадиган.

– Америкада шунақаси ҳам бор денг! – Мирсалимнинг завқлангани кўриниб турарди. Буни фаҳмлаб, Содиқ изоҳ берди:

– Вақти билан бизда ҳам бўлади!

– Албатта-албатта! – шошиб қолди Мирсалим. Лекин тилини бермади: – Бир машҳур учувчиси ҳам учади дейилган эди.

– Жемс Маттернми? Йўқ, учмабди. Катта пул сўрабди. Ҳозир ана шуни ўқиб, ҳайрон бўлиб турган эдим. Минг қилса ҳам буржуа кишиси-да, пул сўрабди, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди. Уялмагани! Ахир биз уни қутқарганда пул сўрамаган эдик.

– У ҳам шунақа бўлганми?

– 1933 йилда Арктикада қолиб кетганда ана шу Леваневскийнинг ўзи уни ҳалокатдан қутқарган эди.



– Унда пул сўраши жуда ноинсофлик.

– Ноинсофлик эмас, виждонсизлик бу. Совет ҳукуматидек буюк бир мамлакат бутун имкониятини сафарбар қилиб, олий инсонпарварлик билан иш тутиб турган бир пайтда ўртага пулни аралаштириш – ўта пастлик. Сиз билан биз талабаларимизни ана шу балодан ҳазар этадиган қилиб тарбиялашимиз керак. Бу бизнинг муқаддас бурч. Бу сўз Мирсалимга ёқинқирамадими, гап чалғитди:

– Олинг, биродар, дастурхонга қаранг, чойингиз ҳам совуб қолди.

Мирсалим Содиқнинг олдидаги пиёлани энгашиб олиб, совиган чойни бир четга тўкди, иссиғидан қуйиб узатди.

Чой охирига етиб қолганида хотини ошхонадан чиқиб кўриниш берди, эри тушунадиган бир тилда узоқдан лабини қимирлатди. Мирсалим сиполик билан кўзини оғир юмиб қўйди, «яхши» имосини қилди. Кейин каравотдан аста тушиб, ошхонадан дид билан тайёрланган помидор закускани олди, йўл ости ариққа ташлаб қўйилган шишага қўл узатди. Кетидан хотини гулдор хитой лаганда ихчам бўйинтуруқдай қазини норин пичоқ билан олиб келди. Сувда қоғози кўчиб кўндаланг ёпишиб қолган ароқни одобсизлик бўлмасин дегандек, хонтахтанинг тагига олиб қўйиб, қазини олдига тортди. Қўлига пуф-пуфлаб, паррак қилиб тўғрай бошлади, ора-сира таърифини қилди.

– Жонивор яхши нарса, кишининг йигитлигини эсига солади. Қишда ку қаҳратонга қалқон. Қани энди яхшилаб қартаси билан еб, почапўстинга ўралиб, ойдин кечаси қалин қорда ғарч-ғурч юрсанг.

– Ченада кезсанг-чи, – қўшиб қўйди Содиқ, – ёки овга чиқсанг.

– Бу ҳам маъқул. Сиз овни яхши кўрасизми? Афсус менинг ўқ товушидан қулоғим битиб қолади.

Содиқ унинг бу гапини ҳазил тушунди:

– Ишқилиб, каклик кабобига тишингиз қамашмайдими?

– Оҳ, оҳ, қани энди кетма-кет келиб турса!

Мирсалим оғзининг суви келиб бир паррак қазини оғзига солди, кейингисини Содиққа тутди:

– Бай-бай-бай, айни вақти экан, олинг!

Мирсалим қазини бутун қоидаси билан тўғраб бўлгач, жайдари сиркада ўлдирилган пиёз билан ўртага сурди. Хонтахта остидаги арақни олиб, чети гулдор бол пиёлаларга бир текисда қуйди.

– Олинг, биродар! Ёмон кунимиз шунга ўхшасин!

Содиқнинг ичкиликка майли йўқ эди. Улфатга кириб қолгандагина битта-яримта оғзига олмаса, бошқа вақтларда эсига ҳам келмас эди. Шу ёшга келиб, бирор шишанинг оғзини очганини билмайди, ўзиникида ичи-

либ қолса ҳам, кимдир, бошқа одам очади. Одоб юзасидан очишга уринса, ўртоқлари «шунга қолганда талантингиз йўқ, азизим», деб қўлидан олишарди. Узоқ қийналиб ичишини кўриб, «игнанинг кўзидан қуйяпсизми, Содиқжон, симирсангизчи», деб мазах қилишарди. Шунинг учун Мирсалим узатган пиёлани олишга олди-ю, ташвишга тушди: билмаган одам «жўртага таранг қияпти» деб ўйлаши мумкин.

Мирсалим «меҳмон бошлагани уяляпти» деган андишага боди-да, «мен кетдим» деб битта ташлади. Содиқ «бўш пиёлани ҳазил қилди» деган ҳаёлга борди. Йўқ ичибди. Закуска қилаётганда билиб қолди. «Бунақа ичадиганлари бўлар экану», деганича кўзини чирт юмиб, биринчи қадахни ярмигача аранг ютди. Иккинчисини хўплаб қўя қолди. Мирсалим шунча қистаса ҳам «қўлидан келмаслигини» айтиб, узр сўради, ўзининг тортинмасдан ичаверишини таъкидлади.

Одатда ичкиликнинг бир пиёласи кишиларни бир-бирига таништиради, икkitаси тилини ечиб, қулфи-дилини очади, учинчиси ҳасрат бошлатади, ундан кейингилари эса, ё мақтанчоқликни учтигача чиқаради, ё алам булоғининг кўзини очиб, йиғлатади, ниманидир қасам ичириб, дўстлигини пеш қилдиради. Ичкиликнинг не-не гадой топмас кўчаларига кириб чиққан Мирсалим кейинги йилларда ҳадди сиғадиган кишилар билан ўтирса, учинчи-тўртинчини бемалол ичаверар, кимдандир тапториб, ичидаги гидири юзага чиқишидан ҳайиқса, иккинчисидан нари ўтмас, ўтса ҳам хўплаш билан чегараланар эди. Ҳали синашта бўлмаган Содиқ олдида ҳам ҳудди шундай қилди. Иккитадан ортиқ ичмади. Улфатининг ортиқча майли йўқлигини билиб, ҳатто ичишни ёмонлаб ҳам қўйди.

– Кўп ичган билан кишининг шоҳи чиқади дейсизми! Эрмак қилармиз девдим, сизнинг ҳам менга ўхшаган ҳафсалангиз йўқ экан. Расмга кириб қолди бу савил, бўлмаса, ичмаган маъқул.

Аслида Мирсалимнинг ичини бояги тушган икки пиёла ёстиқ жилтга ўралиб қолган мушук боласидек тимдаларди, учинчисини чақирарди. Унинг қўли беихтиёр гоҳ шишага, гоҳ тагида жиндай қолган пиёласига кетиб қолар, кўзи закускага қадаларди. Содиқнинг яна бир «сиз ичаверинг!» деган таклифига муҳтож эди-ю, лекин Содиқ «бефаросатлик» қилиб индамас, тўғриси унинг ҳолатини фаҳмламас эди.

Мирсалим чидолмади, ош келиши билан иккала пиёлага боягидан кўра жонлироқ қуйиб, Содиқни қистади.

Уни бир хўплашиб, ўзи эса:

– Ошдан олдингиси яхши бўлади, иштаҳа очади, – дея оқ урди. Меъёридан ошган бу учинчиси Мирсалимни қора терга пишитди.



Бу шаҳарда иссиқ ёзнинг ҳам кечқуруни баҳаво бўлиб туради-да, кейин гир-гир шамол эсиб қолади, кундузининг бутун ҳордиғини чиқариб юборади.

Мирсалим меҳмонини «ётиб қолсангиз ҳам бўларди, ўз уйингиз» деб кузатиб чиқиб келаётганда кеч шамоли садарайхонларнинг ичини човуриб, атрини анқитарди. Гулибеор эса, аллақачон кўзларини юмиб олган эди.

Мирсалим ариқ бўйига келишганда Содиқни тўхтатиб, гулзорга шўнғи-ганда эшикдан атлас кўйлакли бир қиз кириб кела берди. Баъзи қизларга ўхшаб четлаб ўтмасдан Содиқнинг қаршисига юрди, одоб билан салом бериб, бошини қалқиди. Худди шундай Мирсалим билан ҳам саломлашди. Шунда:

– Келдингми, қизим, қайчини узатиб юбор, бўлмаяпти, – деди Мирсалим.

Қиз қайчини олиб чиқиб, дадасига узатмади:

– Сиз чиқа қолинг, дада, мен ўзим узаман, – деди ва гулни оралаб келди. Бир зумда бир даста гул узиб чиқди.

– Амакинг билан сўрашдингми? Янги ўқитувчимиз, қўшни маҳаллага кўчиб келяптилар. Борди-келди қиласизлар, – деди Мирсалим Содиққа гулларни текислаб тутар экан, – сувга солиб қўйсангиз бир ҳафта туради.

Содиқнинг хаёли мактаб илмий мудири билан бўлган суҳбатда, кўзи эса қизда эди: айтганича бор! Ақли ҳам ҳуснидай етукмикан?

Содиқ Мирсалимникидан тўғри почтага бориб, тўйга хабар қилаётгандек қувонч билан «йўлга чиқинглар» деб уйига телеграмма берди.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «<i>Ақлий ҳужум</i>»: романнинг тузилиш таркиби қандай? Шу даврда ёзилган аксарият асарларнинг умумий жиҳатларини белгиланг. 2. Илмий мудирнинг Мирсалим ҳақида айтган фикрларига қўшиласизми?
---	--	--

<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Асар тимсоллари ҳақида ўз фикрларингизни билдиринг. Улардаги қайси жиҳатлар сизга ёқмади ва нима учун? 2. «Воқеалар тоғи» усули воситасида асар сюжетини таҳлил қилинг.
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. «Фишбоун» усули воситасида асардаги авлодлар давомийлиги кўринишини замонавий нуқтаи назардан қиёсланг. 2. Воқелар давомини тахмин қилинг ва мустақил ҳолда изланиб, роман мазмуни билан танишиб чиқинг. 3. Сизнингча, нима сабабдан асар «Олтин зангламас» деб аталади? Сиз қандай атар эдингиз, фикрингиз ва мулоҳазаларингиз?



УСМОН АЗИМ

(1950 йилда туғилган)

Замонавий ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларидан бири Усмон Азим 1950 йилнинг 13 августиди Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. 1967 йилда қишлоғидаги ўрта мактабни, 1972 йилда ҳозирги Ўзбек Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган. У аввал радиода, сўнг бир қатор газета-журналлар таҳририятларида, нашриётларда фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Президенти девонида маслаҳатчи лавозимида хизмат қилди. Ҳозирги кунда адиб, асосан, ижод билан машғул. Усмон Азим ўзбек шеъриятига ўзига хос жарангдор овоз ва кучли тўлқин билан кириб келди. У XX асрнинг 70-йилларидан эътиборан матбуотда кўрина бошлаган бўлса-да, биринчи китоби «Инсонни тушуниш» 1978 йилда чоп этилди.



Шундан кейин унинг «Ҳолат» (1979), «Оқибат» (1980), «Сурат парчалари» (1983), «Ғусса», «Дарс» (1987), «2 апрель» (1988), «Бахшиёна» (1988), «Уйғониш азоби» (1991), «Сайланма» (1995), «Куз» (2001) сингари шеърӣ ҳамда «Жоду» (2003) насрий тўпламлари босилди. Болалар учун бир қатор китоблар, насрий асарлар, киносценарийлар яратди.

Усмон Азим 2000 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвони, шунингдек, йилнинг энг яхши шеърӣ асарлари номинацияси бўйича «Офарин» мукофоти, Грузиянинг В.Маяковский номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Усмон Азимнинг шеърлари француз, немис, инглиз, поляк, эстон, грузин, македон, литва, турк, тожик, рус, қозок, қирғиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ўз навбатида, Усмон Азим Элюар, Доғларжа, Вознесенский, Ватсиетис, Марсинкявичус каби ўнлаб шоирларнинг ижодидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилган. Шоирнинг кўплаб шеърлари таниқли ҳофиз ва хонандалар томонидан қўшиқ қилиб, ижро этилади. Ижодининг илк даврида радиодраматургияда («Бахтли бўлайлик», «Ҳужжатли фильм учун сюжет», «Баҳодир ва малика» пьесалари) ўзини синаб кўрган

шоир, кейинги йилларда драма ёза бошлади. Адибнинг «Бир қадам йўл», «Кундузсиз кечалар», «Ал-помишнинг қайтиши», «Адибнинг умри» драмалари томошабинлар эътиборини қозонди. «Алпомиш» достонининг киноталқини учун муаллиф Бухорода ўтказилган кинофестивалда махсус мукофот билан тақдирланди.



Карвон кўрдим

Карвон кўрдим туялари бўзлаб борар,
Нортуяда менинг ёрим музлаб борар.
Менга берган ваъдалари эсдан чиқиб,
Остонаси тилло юртни излаб борар.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,
...Жоним чиқар – қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Ойтуман ёр кетиб борар карвон билан,
Оғринма дил, мард қолади армон билан.
Мол-дунёнинг измин тутиб кетаверсин,
Мен қолайин юрак деган сарбон билан.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,
Жоним чиқар – қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Ойтуман ёр, тумандайин сузиб кетдинг,
Юрагимнинг қалъасини бузиб кетдинг.
Парчалансам – мени қўшиқ йиғиштирар,
Сен қўшиқсиз қолдинг, гулим – тўзиб кетдинг.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,
Жоним чиқар – қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Карвон йўли кетгунича қизғалдоқзор,
Йиғламагин, йиғлагандан дунё безор.

Кулиб-кулиб, қувнаб-қувнаб кетавергин,
Ғамга ўзим харидорман, ўзим бозор.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,
Жоним чиқар – қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Қорли тоғдан наридадир ўзга диёр,
Ўзга юртда келин бўлиб қолишинг бор.
Ўзга юртда ўз юртингни эслаб тургин,
Менга эмас, тупроғингга бўл интизор.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,
Жоним чиқар – қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

Мен-чи? Менга гоҳ шодлик, гоҳ алам тўлар,
Ҳар сатримга кулгум тўлар, нолам тўлар.
Бу олам-ку, маним дилим ярим этди,
Ярми билан куйласам ҳам олам тўлар.

Пешонангнинг ёздиғидан айрилма, ёр,
Жоним чиқар – қўшиқ айтсам қайрилма, ёр!

«Ҳа» осон

«Ҳа» – осон.

«Йўқ» – қийин. Умр эса битта.

«Ҳа» – ёлғон.

«Йўқ» – виждон. Умр эса битта.

«Ҳа» – фақат ўпканг қолади кўксингда.

«Йўқ» – фақат юрагинг.

У «йўқ» деди. Чунки
Аниқ биларди
Умр битта эканлигини.





Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Шеърларнинг мазмуни ва бадиияти ҳақида фикр юритинг. 2. Шеърдаги «Нортуяда менинг ёрим музлаб борар» тасвирини тушунтиринг. Қизғалдоқлар очилган фаслда ёрнинг музлаши сабаби нимада? 3. Нима учун «Ҳа» осону, «Йўқ» қийин? Фикрингизни матнга асосланиб далилланг.															
Таҳлил ва талқин	   	1. Шеърни «Концептуал жадвал» график органиайзе-ри орқали таҳлил қилинг. <table><tr><th rowspan="2">Ўрганилаётган асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар</th><th colspan="3">Муҳим белгилар, тавсифлар</th></tr><tr><th>1-белги</th><th>2-белги</th><th>3-белги</th></tr><tr><td>1-жиҳат</td><td></td><td></td><td></td></tr><tr><td>2-жиҳат</td><td></td><td></td><td></td></tr></table> 2. «Карвон кўрдим» шеърига басталанган қўшиқни тингланг. Қўшиқ сизда қандай туйғулар уйғотди?	Ўрганилаётган асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар			1-белги	2-белги	3-белги	1-жиҳат				2-жиҳат			
Ўрганилаётган асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар																
	1-белги	2-белги	3-белги														
1-жиҳат																	
2-жиҳат																	
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Шоир шеърларини сиз қозоқ адабиётида ўрганаётган бошқа бир шоир шеърлари билан қиёсий таҳлил қилинг. 2. Усмон Азим шеърларидаги инсоний қадриятлар ҳақида ёзма фикр билдиринг.															

Илк шеърнинг ёзилиши

Кўкда учар қирқта кабутар,
Бир ўспирин югурар ерда.
Қушлар билан манзиллар ўтар,
Ўтиб борар даладан, қирдан.

Қирқ кабутар фалакда учар,
Бир ўспирин югурар ерда.

Осмон билан ер фарқи ўчар,
Ҳар қадами айланар шеърга.

Ўфқларга ташлаб кўз қирин,
Қирқ кабутар учади тинмай.
Югуради ерда ўспирин,
Қирқта қушдан кўзини олмай.

Машрик тараф қорая бошлар,
Мағрибда-чи, шафақ сўнади.
Кабутарлар осмонни ташлаб,
Бир ялангга келиб қўнади.



Улар ечар қуш либосларин –
Қирқта пари бўлади пайдо.
Бутазорлар аро ўспирин,
Термулади уларга шайдо.

Эшитилар қандайдир бир куй,
Шўх янграйди танбурми, чилтор.
Қирқта пари – тонглардай хушрўй –
Базм бошлайди, айтишиб алёр.

Ой нурида сочлар йилтирар,
Қуй мавжида буралар беллар.
Қўйлаклари шўх-шўх ҳилпирар,
Қўшилганда рақсга еллар.

Қирқта пари қирқ гулхан ёқар,
Қирқ муқомда қилади хиром.
Бутазордан ўспирин боқар –
«Оҳ»лар уриб қўяр ҳар замон.

Юрагида уйғонган баҳор,
Ўрай бошлар ёғдуга бошин.
Шунда елдай келиб беозор,
Қўлга олар бир қуш либосин.

Тўзғиб-тўзғиб туннинг қаърида,
Учадилар парилар шошиб.
Бири қолар яланг бағрида,
Қўлларини ҳавода ёзиб.

Алангадир ўспирин кўзи –
Паризодга тўймай тикилар.
Ой нурида қалтираб, тўзиб,
Оёғига келиб йиқилар:

«Севаман», дер, сўрайди шафқат,
Сўзлар айтар шириндан ширин.
Пари эса ёлворар фақат:
Либосимни қайтариб беринг!



«Севаман», – деб йиғлар ўспирин,
Пари эса аврайди:
– Ўғлон,
Гар ваъдангиз ҳаётдан ширин,
Ер – сиздадир, мендадир – осмон.

Осмон билан ўйнашманг – қўрқинг,
Кўз ёш тўкманг, ишқдан урманг лоф.

Ҳали замон қудратли қўшин –
Қўзғалади бутун Кўҳи Қоф...

«Қўрқмайман!» – дер ўжар ўспирин,
Қуш либосни қучади маҳкам.
Пари эса ёлворар бетин:
Либосимни беринг, эй одам!

Силкинади ҳозир бу жаҳон,
Зулмат чўқар, бўрон елади.
Ўғлон, сизни этгани қурбон,
Учиб лак-лак девлар келади...

«Келаверсин!» – ёнар ўспирин,
Пари ўйлар минг ҳийла-макр:
Энди сизга очай бир сирым –
Пари зоти бевафо ахир!

Жамолимга бир қаранг-чи, оҳ!
Бир боқишдан асир бўлмас ким?
Бу тун биров васлимга муштоқ,
Эртага-чи, бошқада севгим.

«Чидайман...», деб инграйди ўғлон,
Ғижимлайди қақшаб кўксини.
Пари унга боқар беором,
Аллақандай титраб, ўксиниб:

Биз тушганмиз эртак маҳрига,
Парилар – руҳ, йигит, сиз – вужуд.
Дучор бўлманг худо қаҳрига,
Қолманг абад дўзахни қучиб.

«Майли, – дейди ўғлон – шу тақдир –
Ишқ йўлида худо йўқ – тамом!»
Хўрсилади бечора пари,
Югуради ялангда ҳар ён:

Барча гапим ёлғондир, ёлғон,
Қора қилманг шаън ҳаётимни.
Яшолмайман ахир беосмон,
Ука, беринг шу қанотимни.

Девлар сизга бас кела олмас,
Кўҳи Қофдан балки сиз азиз.
Аммо эрксиз сиз ҳам бир қафас,
Қанотимни ука берсангиз...

Эрк! Кўзларини юмади ўғлон,
Тебранар бир тўлқин мавжида.
У майсага ўхшайди шу он,
У гулларга ўхшайди жуда.

– Ол! – парига либосин тутар...
Учиб кетар лаҳзада пари.
Учиб кетар оппоқ кабутар,
Эркинлиги – осмони сари.

Кўзи чақнаб болакай қайтар,
Кўксида Ер, Осмон оқади,
Адашмасдан айни тонг сахар,
Эшигимни келиб қоқади.

Гаплашамиз осмон ҳақида,
Унинг тили найдир – бўзлайди.
Гоҳ куйлайди қушлар бахтидан,
Баъзан тўхтаб ердан сўзлайди.

Баҳслашади кўксига уриб,
Ниманидир ўйлаб мўлтираб.
Кейин мени бир четга суриб,
Столимга келиб ўлтирар.

Нурга тўла бошлайди олам,
Гувиллайди соҳилсиз ҳаёт...
Илк шеърини ёзади бола,
Бахш этгани ҳаммага қанот!





Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Асардаги «Осмон билан ер фарқи ўчар, Ҳар қада-ми айланар шеърга» тасвирини шарҳланг. 2. Шоирнинг «Эрк! Кўзларини юмади ўғлон, Тебрана-нар бир тўлқин мавжида. У майсага ўхшайди шу он, У гулларга ўхшайди жуда» тарзидаги таъкид-ларини тушунтиринг. 3. Шеърдан 7 та таянч сўзни аниқланг ва уларни иш дафтарингизга ёзинг. Сўзларни гуруҳларда изоҳ-ланг.
Таҳлил ва талқин	  	1. Асарни «<i>Адабий давра</i>» усули бўйича таҳлил қи-линг. а) таҳлил қилиш – асар мазмуни бўйича 5та савол тузиш; б) аниқлаш – асарнинг қайси мисраси энг муҳим эканлигини далиллаш; в) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғлаб далил-лаш. г) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни хулосалаш.
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Асардаги авлодлар давомийлиги кўринишини за-монавий нуқтаи назардан қийёслаб, янгилигига баҳо беринг. 2. Шоирнинг фикрлари билан келишасизми? Ўз фикрларингизни далиллаган ҳолда ихчам танқи-дий мақола тайёрланг.

Она, келганингизда

Она, келганингизда,
Кўйлак олиб бермадим...
Пулим йўқ эди, она.

Она, келганингизда,
Очилиб гаплашмадим...
Вақтим йўқ эди, она.

Она, келганингизда,
Кулиб-кулиб юрмадим...
Бахтим йўқ эди, она.

Она, келганингизда,
Йиғламадим ўксиниб...
Ҳаққим йўқ эди, она.

Она, бахтиёр бўлинг!
Сизни қўлласин тақдир.
Она, бахт ўзи нима,
Она, бебахтлик надир?..

Чидагин

Устозим деганинг шеърфуруш чиқса,
Суйганим деганинг эрфуруш чиқса,
Подшоҳим деганинг элфуруш чиқса, –
Чидагин, болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.

Чидагин, болам-а, чидагин,
Охларинг қўшиққа айлансин!

Чин қолиб, ёлғонлар топса марҳамат,
Яхшимас, ёмонлар топса марҳамат,
Алдамчи замонлар топса марҳамат –
Чидагин, болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Охларинг қўшиққа айлансин!

Амир ўғри бўлса, қози – риёкор,
Вазир – шухратпараст, ўғри – зиёкор,
Ва улар халқингдан кулсалар беор –
Чидагин, болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Охларинг қўшиққа айлансин!

Донолар қорани оппоқ десалар,
Шоирлар ҳаромни шу пок десалар,
Қўрқсалар, душманни ўртоқ десалар –
Чидагин, болам-а, чидагин,
Дардларинг танингга жойлансин.
Чидагин, болам-а, чидагин,
Охларинг қўшиққа айлансин!

Одамман деб турса темирлар, тошлар,
Десалар: дунёда битди кўз ёшлар.
Туғларнинг устидан юрса молбошлар, –
Сен чида, болам-ей, сен чида.
Куйлагин – тўхтама бир нафас!
Сен куйла қиличнинг тиғида,
Ўшанда эл-юртинг чидамас!



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Шоир шеърларининг мавзу доирасини белгиланг. 2. Шеърдаги «Кўйлак олиб бермадим... Пулим йўқ эди, она» иқрорини изоҳланг. 3. «Чидагин» шеъридаги миллат ҳаёти учун энг муҳим паллада шоирнинг тўғри гапи муҳимлиги қайси сатрларда акс этган?														
Таҳлил ва талқин	   	1. Шеърнинг тил хусусиятлари ҳақида фикр юритинг. 2. Шеърни жадвалга асосланиб таҳлил қилинг. <table><tr><td>Жанри</td><td></td></tr><tr><td>Вазни</td><td></td></tr><tr><td>Қофиядош сўзлар</td><td></td></tr><tr><td>Ўхшатиш</td><td></td></tr><tr><td>Сифатлаш</td><td></td></tr><tr><td>Қаршилантириш</td><td></td></tr><tr><td>Жонлантириш</td><td></td></tr></table>	Жанри		Вазни		Қофиядош сўзлар		Ўхшатиш		Сифатлаш		Қаршилантириш		Жонлантириш	
Жанри																
Вазни																
Қофиядош сўзлар																
Ўхшатиш																
Сифатлаш																
Қаршилантириш																
Жонлантириш																
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. «Она, келганингизда» шеърини Миртемирнинг «Онагинам» шеъри билан қиёсий таҳлил қилинг. 2. Беш минутлик эссе. «Шоир шеърларининг ўзига хос оҳанглари».														

IV БЎЛИМ

РАНГИН ШЕЪРИЯТ



НАЗАР ЭШОНҚУЛ

(1960 йилда туғилган)



Назар Эшонқул (Назар Соли ўғли Эшонқулов) 1962 йилнинг 15 июнида Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Терсота қишлоғида туғилган. Ўрта маълумотни қишлоғидаги мактабда олган. 1986 йил Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1987–1990 йилларда шу университет аспирантурасида ўқиган.

1990–1991 йилларда Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб бўлиб ишлаган. 1997–1999 йилларда «Жаҳон адабиёти» журналича хизмат қилди. Айни иайтда Ўзбекистон Телевидениесининг «Маънавият» Бош тахририятида бош муҳаррир бўлиб хизмат қилмоқда. Илк қиссаси – «Уруш одамлари» 1986 йилда «Ёшлик» журналича эълон қилинган. «Маймун етаклаган одам» ҳикояси ўзбек ҳикоячилиғида ўзига хос услуб пайдо бўлганлиғини кўрсатди. Ёзувчи «Тобут», «Хароба шаҳар сурати», «Бевақт чалинган бонг», «Очилмаган эшик», «Момоқўшиқ», «Ажр», «Тажовуз», «Озод қушлар», «Муолажа», «Зулмат салтанатига сажҳат», «Шамолни тутиб бўлмайдича» каби кўплаб ҳикояларида жаҳон ҳикоячилиғи тажрибаларини ўзбек насри анъаналари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. «Қора китоб», «Тун панжаралари» каби қиссаларида мураккаб психологик таҳлилга кўл урди. Бу қиссалардаги мураккаб кечинмали ва тушунарсиз психологик ҳолатларда акс этирилган тимсоллар ўзбек адабиётида янгиликдир. Назар Эшонқул замонавий ўзбек насрида ўзига хос услубга эга адиблардандир.

Шамолни тутиб бўлмайди (Ҳикоя)

1

Юз йилдан бери терсоталикларнинг гурури ва фахри бўлиб келган, XX аср дидининг акси ўлароқ қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳкум этилган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди: темир тирноқли бульдозерлар уйнинг деворларини бузар эканлар, уй билан қўшиб, ўзларининг ҳам нималаринидир йиқитиб вайрон қилишаётгандек, нақ эллик йилча тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти ўзларига ҳамон тушуниксиз ва маҳкум туюладиган Байна момони эслаган аёллар кўзларига ёш олиб, болаларини бағирларига босганча, олис ва ғамгин хотираларга берилиб, мунғайган алфозда бир чеккада жимгина кузатиб туришарди.

Байна момо тириклигида, гарчи бу аёлларни, эрининг полвонлик лаш-лушлари ва кийим-кечаклари ётган, ўлгандан сўнг ҳеч қачон чироғи ёнмаган, туйнуғи шуваб ташланган ана у ҳужра каби қоронғу ва мусибат тўла уйи ичкарисига киритмаган бўлса-да, улар қаҳр ва ғазабини ситам билан ичига ютиб келган бу кампирни ҳурмат ва эҳтиром билан эслашарди. Бу уй Терсотада қурилган биринчи уйлардан эди ва Райим полвоннинг отаси Шукур оқсоқол бундан бир аср муқаддам туғилажак фарзандларига кенг уй ва йилдан-йилга кўпайиб бораётган йилқиларга отхона солиш мақсадида Терсота сойининг офтоб рўясига қишлоқнинг биринчи пойдеворини қурганди. Райим полвон эса отасининг ишини давом эттирди: уйнинг орқасида боғ барпо этди ва отхона ёнида қирга туташтириб, ёзнинг жазирамасидан гўшт ва ёғларни, қимиз ва айронларни асраш учун кенг ертўла, уйнинг олдида тошдан баланд супача, от кириб чиқадиган узун, устундор айвон қурди. Байна момо эллик йилга яқин ёлғизлик даврини ана шу айвондаги устунларга суяниб ўтказди: у эри ва ўғлининг жудолик азоби қийнаган пайтлар шу устунларни қучганча йиғларди. Кейинчалик кўз ёшлари ҳам тугаб қолгач, ҳаётида гўё суянчиғи ва орқасидан йиғлаб қоладигани йўқлигини одамлардан яшириш учун ёки энди йиллар силсиласига дош

беролмай путурдан кетаётган уйни буткул вайрон бўлишдан асраб қолмоқчидек, елкасини устунга суяган ҳолатда хотирасининг синиқ парчаларига тикилиб, кўзларини юмганча ғамгину мустағриқ¹ ўтирарди.

Райим полвон ўлимидан кейин туғилган ва у ҳақда кейинчалик буткул эсларидан чиқиб кетган чўпчакларнигина эшитиб, улғайган авлод уйларини равоқли ва пишиқ ғишдан қура бошлагач, бир пайтлар Терсотанинг кўрки ва ғурури бўлиб турган бу уй бирдан кўримсиз қиёфага кирди ва энди Байна момо каби уй ҳам қишлоқдаги уйлар олдида ёлғизланиб қолганди, фақат қору ёмғирлар бу авлоднинг саркаш қалбига қандайдир олис хотирани ёқиб қўйиш учун беҳуда уриниб уй деворларига маҳзун қўшиқлар ёзар ва сўнг бу авлод барибир бу қўшиғу хотирани тушунмаслигини тан олгандай деворларини лахта-лахта ўпириб, ўзлари билан мангулик дунёсига олиб кетар, бекаси билан бирга бу макон ҳам аллақачон ўзининг олдинги қудрати ва виқорини йўқотиб бўлган, унут ва ташландиқ масканга айланганди. Терсоталиклар энди аэропланлар ҳақида гаплашишарди. Улар замоннинг алғов-далғовларига ғарқ бўлган, ҳаётларида юз бераётган янгиликларни ҳазм қилиб улгурмасди. Йиллар билан бирга ҳамма нарса ўзгарар, фақат Байна момогина уни сезмас, гўё унинг учун вақт ўша ҳолича қотиб қолгандай, уни ҳамон ўша эллик йил олдинги – эри ва ўғлининг ўлигини аскарлар тепкилаб кўмишган устун олдидан топиш мумкин эди.

Миршаб ва аскарлари уйнинг ҳар бурчагидан ёпирилиб келган-да Байна момо эрининг мурдаси устида турарди. Райим полвонни қўлга туширолмай юрган Замон отбоқар уни уйидан чиқаётганда отиб ўлдирган, энди полвон ростдан ҳам ўлганми, йўқми миршаблари билан пусиб-пойлаб айвонга яқинлашиб келарди. Бироқ шу пайт яна ўқ овози жаранглади ва Райим полвондан кўз узмай келаётган аскар оёғини қучоқлаганча бақириб йиқилди. Байна момо меҳмонхона эшигидан чиқаверишда отасини отиб ташлашганини кўргач, уйга югуриб кириб кетган, қўлига отасининг милтиғини тутиб турган ўспирин ўғлини кўрди – унинг кўзларида отасининг кўзлари каби ғзаб, телбалик ёнарди. Байна момо ўғлини огоҳлантиришга улгурмади. Бирданига бир неча ўқ овози унинг қулоғини битириб қўйди ва ўғли отасининг устига юзтубан йиқилди – йиқиларкан, энди сабза урган мўйлови титраб кетди, онасига бир зум қўрқув ва ҳижолат аралаш тикилди. Замон отбоқар югуриб келиб, унинг бошига тепди ва милтиқни бир четга улоқтирди. Қишлоқда аскарлардан бошқа ҳеч ким кўринмас, одам-

¹ Ғамгину мустағриқ – ғамга ғарқ бўлган.

лар гўё сувга чўккандай ғойиб бўлган, фақат деразаларга тортилган қора пардалар бу мудҳиш жиноятга лоқайд ва бефарқ боқиб турарди. Байна момо терсоталикларни кечира олмади – кўкраги илма-тешик бўлган ўғлига қарата Замон отбоқар яна бир неча бор ўқ узаркан, у мадад излаб қора пардаларга бир-бир кўз тикди, бироқ у ердан совуқ сукутдан бошқа ҳеч нарсa кўринмас, зулматга чўккан туйнуклар бу мисли кўрилмаган қотилликни жимгина томоша қилиб турарди. Миршаблар Райим полвон ва ўғлининг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, отларига миниб жўнашаркан, Замон отбоқар эри ва ўғли мурдаси устида чўкка тушган Байна момонинг елкаси оша қамчи туширди:

– Энди хору зорликда ўлиб кетасан, – хириллади у. – Молингни топшир, деганда эринг қўлига милтиқ ушлаб биз билан сичқон-мушук ўйнади. Мана энди унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Асарни «Жигсо» усули орқали ўзлаштиринг. Бадиий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билди-ринг. 2. Муаммоли вазият: асарда қайси давр воқеалари акс эттирилган?															
<i>Таҳлил ва таълқин</i>	   	1. Асар мазмунига асосланиб мақоллар топинг ҳамда уларни муҳокама қилинг. 2. Парча устида тадқиқот иши юритинг. Гуруҳда ишлаш. <table border="1" data-bbox="431 1260 1148 1474"> <tbody> <tr> <td>1-гуруҳ</td><td>Матннинг асосий ғоясини топинг</td><td></td></tr> <tr> <td>2-гуруҳ</td><td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td><td></td></tr> <tr> <td>3-гуруҳ</td><td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td><td></td></tr> <tr> <td>4-гуруҳ</td><td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td><td></td></tr> <tr> <td>5-гуруҳ</td><td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td><td></td></tr> </tbody> </table>	1-гуруҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг		2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг		4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг	
1-гуруҳ	Матннинг асосий ғоясини топинг																
2-гуруҳ	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар																
3-гуруҳ	Фикрингизни расм билан тасвирланг																
4-гуруҳ	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг																
5-гуруҳ	Тарбиявий хулоса чиқаринг																

Баҳолаш ва қиёсий таҳлил		1. Асарда илгари сурилган ғояни аниқланг. Унинг тарбиявий ва ижтимоий аҳамиятини «Концептуал жадвал» график органиайзери орқали баҳоланг.			
		Асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белги ва тавсиялар		
			«+»	«-»	«?»

2

Миршаблар Райим полвоннинг қўрадаги подаси-ю отларини ҳайдаб кетишди. Замон отбоқар отларни қувиб кетаркан, бир йўла отаси билан унинг қасосини олиши мумкин бўлган ўғлини ҳам отиб ташлаганидан хурсанд эди – у шу кетиши билан қишлоқнинг кўп нарсасини ҳайдаб кетди – энди қишлоқ бирдан минораси қулаган шаҳардек ғариб ва нотаваон кўринарди. Ўн беш йиллардан сўнг Замон отбоқар қишлоққа қайтиб келганда қишлоқдан файз кетиб, одамлар яна ҳам ожиз ва ҳуркак бўлиб қолгандилар. У Райим полвондан сўнг ташландиқ ҳолатга келиб қолган сой бўйидаги боққа кенг қилиб уй қурди; боғда уй қуриш учун ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмади. Энди у ўзи бу қишлоққа олиб келган замон ҳавосидан яйраётган қишлоқдошларини кўриш учун отда изидан бир тўда ов итларини эргаштириб айланиб юраркан, қоя остида елкасига ўтин кўтариб келаётган Байна момога дуч келди. Байна момо қариб қолган, аммо ҳали ҳам кўзлари худди ўн беш йил аввалгидек қаҳрли ва нафрат тўла эди.

– Сен менга бундай қарама, – Замон отбоқар қамчисини ҳавода силки-тар экан. – Эринг бу ерда бўлмаса бошқа ерда барибир ўлган бўларди. Сен эса хавотир олма, ўлсанг итларим кўмади, – шундай деб у бўрибосарларни кўрсатди.

Аммо у Байна момони бу сафар урмади. Байна момо ҳам унга бир оғиз ортиқча гапирмади. Умуман эри ва ўғлининг ўлиmidан сўнг камгап ва одамови бўлиб қолганди. У Шукур оқсоқол ўз феълига яраша кенг-кенг қилиб қурган хоналарда худди бир нарсасини йўқотган каби мақсадсиз кезиб юрарди: у энди бу дунёда ёлғиз ва қаровсиз қолганди, лекин ўзининг ожизлигини ҳеч қачон билдирмас, ўзидан кўнгил сўраганларни ёмон кўрар, гўё ҳаёти ҳеч ким қиё боқа олмайдиган дахлсиз салтанатдек у ёққа бирон ки-

шини, ҳатто сўзи билан ҳам, киришга йўл қўймасди. Эрта баҳордан то кеч кузгача сахармардон олдиға беш-олти қўй-қўзи, эчки-улоқ ҳайдаганча дарё бўйидаги юлғунзорға тушиб кетар, у ердан қуриган шох-шабба териб, қоронғу тушганда уйига қайтар, бир йилда икки-уч марта тегирмонға буғдой кўтариб борарди. Унинг буғдой кўтариб юришидан ори келган Олломурад тегирмончи Байна момони инсофға чақирди:

– Сиз бундай овора бўлиб юрманг, – деди у. – Бирон эркакдан бериб юборсангиз, тортиб, ўзим уйингизға олиб бориб ташлайман.

– Бу қишлоқда эркак йўқ, – деди Байна момо зарда билан, сўнг елкасидаги буғдойни тегирмонға кираверишда туширди. Гапираётганда овози титраб кетди. Тегирмончи тилини тишлаб қолди. Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Райим полвонни қулоқ дея таъқиб қилишларига, сўнг итдай хор қилиб отиб ташлашларига йўл қўйгани ва ўғли билан эрини замоннинг эгаси, бир пайтлар Райим полвоннинг малайи Замон отбоқар ихтиёрига бериб қўйгани учун қишлоқдошларини кечиролмас, уларға бўлган нафрати сусайиш ўрнига, йиллар ўтиб, ота-бола ўлдирилган оқшомдан узоқлашган сайин кўпроқ ўрни ва қадри билинаётган, ўзини ҳаётнинг барча қувончидан бир йўла маҳрум этган, ёлғизликнинг кўр мусибати аро тобора авжланиб, Байна момонинг кексалиги билан бирға инжиқ ва йўриқсиз бўлиб борарди. У баъзида қишлоқдошларини очиқ масхара қиларди: «Э, сенмисан, Салом кўса, хотинингнинг иштонини кийиб юрибсанми дейман», «Ҳаким отчопармисан, бунча байталға ўхшаб кийшанглайсан?» «Бу қишлоқнинг аёллари энди фақат ҳезалак туғади». Бу масхара ва нафрат йиллар ўтиши билан Байна момони қишлоқдан бутунлай ажратиб қўйди. Энди у ёлғиз ва кимсасиз қолди. Уни ойлаб биров йўқламас, фақат эрталаб эчкиларини юлғунзорға ҳайдаб бораётганидан, кечқурунлари қишлоқни тутиб кетган қайнаётган сут ҳидидан ҳали унинг тирик эканини билишарди. Байна момо ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган йиллар даҳлизидан етаклаб ўтди. Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларға кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Қишлоқда қолган Байна момо эса бу пайтда ёлғизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар ва сўнг ёлғиз ўзи ҳосилини ҳам йиғиб оларди. Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешиқ бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли ҳалқоб билан тўлган айвонға сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларининг унут бўлган яловидай уйининг олдидаги орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар қўпориб ташлашға кучлари етмагач, ковлаб олишға мажбур бўлган баланд

толга осиб, офтобда қуритарди. Қиш пайтлари ғамлаб қўйган ўтини етмаган кунлари у кўрпага оёғини тиққанча хотирасига исиниб жон сақларди. Ражаб кўса қариндошлиги қўзиб, бир неча йил олдин ғамлаб берган ўтини омборхона ортида тахланган жойида тахи бузилмай турарди – уни Байна момо қазо қилганда маъракага яратишди ва бутун терсоталиклар Райим полвон тириклигида ҳамманинг маслаҳатгўйи бўлган, уйи ҳамиша меҳмонлар ва полвонваччалар билан тўлиб-тошадиган бу аёлнинг бунчалик нафрати ва тавқи лаънатига сазовор нима гуноҳ қилишганини бир умр билолмай ўтишди. Байна момо қишлоқдошларига кўз-кўз қилмоқчидай ва бу уйнинг эркаги ва орияти ўлмаган дея таъкидлаётгандай эри ва ўғлининг полвонлик ятакларини ҳар ойнинг охирида шусиз ҳам ҳамманинг кўзига ташланиб турадиган уйининг шаппатгайига осиб қўярди: ятаклар ҳам бора-бора нафрат тўла чангалга дош беролмади: Замон отбоқар ўлими-дан бир кун олдин ятаклар дорда увада-увада бўлиб осилиб турар, улар энди кийимдан кўра кўпроқ қабрлар устига илиб қўядиган лахтакка ўхшаб ҳилпирарди.

Замон отбоқарнинг ўлими ҳам Байна момонинг қалбини юмшата олмади: унинг ўлими тўғрисидаги хабарни келтиришганда Байна момо ўз ҳужрасида келинлик сандиғи ёнида чўкка тушганча мусибату ғамга кўмилиб ўтирарди: унинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўплам уюмига ўхшарди. Ҳужрага бош суққан Розия момо унга Замон отбоқарнинг ўлими ҳақидаги хабарни етказди. Барча аёллар ҳозир қувончдан ҳаммани бир-бир қучиб чиқади деб ўйлашганди. Аммо Байна момо хабарни оқсуяқлардек хотир-жам қабул қилди: у бу хабардан ажабланмади ҳам, ўтирган жойидан осто-надаги аёлларга бурилиб ҳам қарамади – ҳайкалдай, гўё тошдай қотиб ўтираверди. Фақат унинг бармоқлари қалтираб турар, хонага қон ҳидидай нохуш ҳид ўтириб қолганди. Аёллар ундан жавоб кутиб узоқ ўтиришди. Орадан анча вақт ўтгач, Байна момо уларга ўгирилиб ҳам қарамай, гўё уларни кўришдан ижирғангандай ва жиркангандек алфозда: «Боринглар, ўликларингга йиғланглар» деди. Унинг қаҳр тўла товуши кўпдан буён одам қадами етмаган ҳужралар ичида жаранглаб кетди: у ердаги йигирма уч йиллик чангу ғубор гўё зардали овоздан қалтираб кетгандек жойларидан бир қимиллаб қўйди, сўнг яна ҳужраларга бу хонадон бошига тушган ғам-андухдай абадий чўкди. Шундай дея Байна момо кичрайиб, қариб бо-раётганидан, мусибат ва ғам адо қилган юзларини тилим қилиб ташлаган ажинларидан уялгандай фаслма-фасл ранги ўзгариб, худди бекаси каби туссиз, рангсиз кўринишига келиб қолган ва ҳеч қачон елкасидан тушмаган желаги билан юзини аёллардан тўсиб олди; шу билан у терсоталиклар ва одамлар билан ўрнатилажак барча мулоқотлар эшигини тақа-тақ ёпди ва фақат ўзигагина маълум, бошқа ҳеч ким англай олмайдиган, бошқа ҳеч ким англашга қодир бўлмаган ўз дунёсига кириб кетди.

Байна момо сўнгги нафасигача ўз нафратига содиқ қолди. Замон отбоқарнинг ўлиmidан сўнг ҳам қишлоқдошлари билан илакишиб кетолмади. У алғов-далғов билан бошланган асрни, кейинчалик шу асрнинг кашфиётлари бўлиб, одамларни жодулаб, уйларига кириб олган XX аср ютуқларини бир умр қабул қилолмади ва ўзининг етмиш саккиз йиллик умри давомида бу аср ютуқларидан фойдаланмай ўтди. Терсоталиклар ҳатто молхоналарига ҳам нурафшон электр чироқларини ўрнатганда у қора пилик ёқиб ўтирарди. Умрининг охирида бу ўжар кампир барибир ўзлариникига кўчиб бормаслигини сезгач, синглиси билан куёвининг ўзлари кўчиб келишди: аммо бу пайтда Байна момо бутунлай оёқдан қолган, фақат кун узоғи кўзини шифтга тикканча чўзилиб ётишга яради.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Байна момо тимсолига «Кластер» усули орқали таъриф беринг. 2. Унинг қишлоқдошларини кечира олмаслигига муносабатингизни билдиринг. 3. Берилган парча юзасидан очиқ ва ёпиқ саволлар тузинг. Жуфтликда савол-жавоб ўтказинг.												
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Асардаги тимсолларни шарҳланг. <table border="1" data-bbox="431 1081 1129 1291"> <thead> <tr> <th><i>Тимсоллар</i></th><th><i>Асардаги шарҳ</i></th><th><i>Шахсий фикр</i></th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td><i>Замонбек</i></td><td></td><td></td></tr> <tr> <td><i>Райимбек</i></td><td></td><td></td></tr> <tr> <td><i>Терсоталиклар</i></td><td></td><td></td></tr> </tbody> </table> 2. Муаллиф кўзқарашини матндан мисоллар келтириб, изоҳланг. 3. Парчадан адиб ҳаётининг қайси қирраларини кўриш мумкин?	<i>Тимсоллар</i>	<i>Асардаги шарҳ</i>	<i>Шахсий фикр</i>	<i>Замонбек</i>			<i>Райимбек</i>			<i>Терсоталиклар</i>		
<i>Тимсоллар</i>	<i>Асардаги шарҳ</i>	<i>Шахсий фикр</i>												
<i>Замонбек</i>														
<i>Райимбек</i>														
<i>Терсоталиклар</i>														

Баҳолаш ва
қиёсий таҳлил

1. Достон ҳақида ўз фикрларингизни «**Тўрт фикр**» усули орқали (бир гап билан) билдиринг.

1. Фикр	
2. Далил, исбот	
3. Мисол	
4. Хулоса, яқун	

2. Муаллифнинг қаҳрамонларга бўлган муносабатини ифодаланг.

3

Ниҳоят бу кампирнинг ҳам ситамгар китоби ўқилиб бўлди – у лайлатул қадр кутилаётган оқшом ёғоч ва кўп йиллик андуҳлар ҳиди ўтиришиб қолган, содиқ қўшиндай эллик йилнинг бирон куни ҳам тарк этилмаган ғамнок ва аламли салтанати – келинлик тўшагида жимгина жони узилди – фақат ўлиши олдидан сингисини чақириб йигирма йилдан буён очилмаган, олтимиш етти йил олдин тераклилик Кўр Сафар уста ясаган, ярим вайрона сандиққа имо қилди ва бир сўз демай тўшакка бош қўйиб жимгина жон берди. Уни эртасига тушга яқин чиқаришди. Удумга кўра азага ўранинг барча қишлоғидан одамлар теришиб келишди – амир замонларини кўрган, нариги асрнинг сўнгги ёдгори бўлган қишлоқдошларини сўнгги йўлга кузатиш учун барча кекса-ю ёш йиғилди. Йиғилганлар орасида Райим полвон билан ўғлини ҳимоя қилолмай, Байна момонинг бир умрлик нафратига дучор бўлган, ўша пайтда навқирон, энди шарти кетиб, парти қолган чоллар ҳам бор эди. Улар орадан эллик йил ўтгач, бу унут ва музтар гўшага биринчи бор қадам қўйишган ва тобут ортидан гуноҳкорона бўйин эгиб боришарди. Мурдани ювиш олдидан сандиқни очишди. Аввал ўлимликка аталган кийим-кечакларни, кафанни олишди, сўнг дастаси қорайиб қолган қамчи, сопига гавҳар ўрнатилган ханжар, эркак кишининг тер ҳиди келиб турган калапўши, кўкракка тақадиган зебигардон, кампирнинг қўлида ҳеч қачон

кўринмаган келинлик билагузуги, этаги каштали, ёқасига тасма урилган кенг кўйлак, ангишвона ва сарғайиб кетган Қуръонни олишди. Энг охирида сандиқдан боғичини чирк боғлаган, каштарнинг юрагидек кичкина, матоси зар сим билан тикилган, кўп йиллик қон қотиб қолган тумор ва тиғи занглаган амри қайчи, энди бўгин-бўгин бўлиб фақат суякнинг ўзи қолган, у ҳам қорамтир тус олиб, нақ кукунга айланиш арафасига келган, қон юқи қотган чорсининг йиртиғига пала-партиш ўраб ташланган ўнта бармоқ топилди.

Байна момони эри ва ўғлининг қабри ёнига қўйишди: эллик йил аввалги қабрни осонгина топишди; қабр деярли ҳар ҳафта тозалаб турилганидан бошқа қабрлардан якқол ажралиб турар ва ундан мискин бир андуҳ анқирди. Аёллар Райим полвондан сўнг деярли янгиланмаган, ҳатто уларга ҳам мусибат ва ёлғизлик ҳиди ўтириб қолган унинг кўйлакларини, бўғчаларини ўша талаба қизлардан сўнг бирон марта фойдаланилмаган дорга узоқ жанглардан сўнг мағлуб бўлган қўшиннинг ўзларига ўлжа қолган туғларини осиб қўйишаётгандек ва қишлоқдошларидан эллик йил нафрат қилган аёл устидан ниҳоят ғалаба қилишгандек бир-бир осиб чиқишди. Талаба қизлар ўшанда Замон отбоқарникига йиғилган, пишириқ-мишириқни бошлаган аёллар қий-чув қилишаётган оқшомда келишганди. Уларнинг келишига Замон отбоқарникида бошланган тўй ташвишлари қўшилиб кетди. Бироқ қизлар қишлоқ иримларини назарига ҳам илишмади. Байна момоникига келасолиб, кир ювишга тушдилар – улар ичкўйлак, рўмол, яна Байна момога ғалати кўринган шимларини шундоқ ҳаммага кўз-кўз бўладиган жойга бемалол осиб қўйишди – улар Мели ўқитувчининг «қишлоқдаги энг кекса аёл» деган бир оғиз гапи билан Байна момоникига келиб ўрнашиб олишди, афтидан, ҳали-бери кетишмоқчига ўхшамасди. Байна момо улар билан очилиб гаплашмади ҳам. У кечқурун эчкиларни соғаркан қизлар ҳайратдан қий-чув қилиб юбордилар: уларнинг биронтаси ҳам эчки соғишни кўришмаганди. Қизларнинг бир-иккитаси Байна момога яқинроқ келиб, унинг эчки елинига бориб келаётган қоқсуяк қўлларига тикилдилар: миршабларнинг ҳафсаласини пир қилган, худди уйнинг девори каби йиллар уқалай-уқалай жимитдек қилиб қўйган гавдасини сал олдинга эгиб турганидан унинг ўзи ҳам қари ва озган эчкига ўхшаб қолганди.

– Агар ўғлингиз бўлганида мен сизга жон-жон деб келин бўлардим, – деди қизлардан шаддодроғи Байна момонинг эчки соғишидан завқи келиб.

Байна момо унга ўқрайиб қаради ва кўзларида бирдан алам ёнди: қизлар кўрқиб кетишди: кўз олдиларида Байна момонинг бутун танаси бирдан тутаб жўнагандай бўлди. Қизлар дуд ҳидини аниқ сезишди. Байна момо ўрнидан турди-да, қўлидаги кадини супага қўйиб ичкари кириб кетди ва шу киргани билан эртасига эчкиларини юлғунзорга ҳайдаб кет-

магунча қайтиб чиқмади. Чошгоҳ пайти эчкиларини ҳайдаб кетар экан, қизларга бир оғиз ҳам гапирмади. У худди ойпарастга ўхшаб кетиб борар, эчкилари юлғунзорга эмас, Пўлат чолнинг бедапоясига қараб кетаётганини ҳам сезмай юлғунзор тарафга шошиб борарди. Пўлат чол қорни шишиб кетган эчкиларни ҳайдаб келганда Байна момони уйдан тополмади: у алламаҳал, ой атрофни сутдай ёритганда шарпадай пайдо бўлди ва уйга кириб кетиб, то миршаблар сўраб келмагунча уйдан чиқмади. Қизлар бир ҳафта унинг оғзини пойлаб овора бўлишгач, бирон нарсага эришолмай қайтиб кетишди. Улар уй олдида пайдо бўлишлари билан уйнинг таназзулга юз тутгани шундоқ билиниб қолди. Улар навқирон ва гўзал эдилар, уйдан ва Байна момодан чиркинлик ва мусибат ҳиди келар, навқиронлик олдида бирдан уй ҳам, Байна момо ҳам кексайиб қолгандай эди. Улар бу уйга ўрнашиб қолган ёлғизлик ва мусибатни чўчитиб, сўнг қувиб юборишмоқчидай тинмай хохолашардилар. Талаба қизларнинг очиқ-сочиқлиги ва лорсиллаган таналарини кўз-кўз қилиш учун кийиб олган тор шиму кўйлаклари, калта сочлари-ю ғалати, оппоқ пайпоқлари эътибор тортмади: уларнинг шаҳар атири уфуриб турган ноз ва таманнолари сирли тарзда ўлдирилган отбоқарнинг азаси орасида кўзга ташланмай қолди. Узоқ вақт фарзандсизлик азобини тортган отбоқарни қирқдан ошиб дунёга келган уч ўғлига бирваракайига дабдабали тўй қилиш учун казо-казоларни шахсан ўзи айтиб келиш мақсадида шаҳар тушиб кетгандан икки кундан сўнг уни эрталаб дарё бўйидаги юлғунзор ичидан чавақланган ҳолда топиб олишганда аллақачон тўй қозонлари қурилиб, узоқ манзиллардан баъзи меҳмонлар кела бошлаган эди. Ҳукумат одамлари олдида ўзларига суянчиқ бўлиб келган отбоқарнинг ўлими худди душманларидан ўзларини асраб келган қўрғонлари қулагандек терсоталикларни бирдан мунғайтириб қўйди – улар қарийб йигирма беш йил раҳнамо ва пешволари бўлган одамнинг ўлиmidан қайғуга тушдилар. Эртасига етиб келган миршаблар қишлоқдаги ҳар бир эркак билан гаплашиб чиқишди, сўнг улар Байна момоникига йўл олдилар – улар йигирма уч йил муқаддам отбоқар туфайли эри ва ўғлидан ажралган аёлни тўсатдан эслаб қолишганди. Бироқ улоқлар ичида улоқдан ҳам кичик жуссали, юзига йилларнинг бешафқат муҳри босилган ҳамда ёлғизликка маҳкум этилган, ҳар бир сониянинг мусибату андуҳи асорати порлаб турган жимитдай, сочлари оппоқ бўлиб қолган кампирни кўришгач, негадир ботинишолмади – улар қаршиларидаги рамақижон кампир билан девдай Замон отбоқарни қиёслашиб, ўз шубҳаларидан уялиб кетишди, чоғи, индамай изларига қайтдилар. Улар, гарчи Байна момони сўроқ қилганларида ҳам ҳеч нарсага эриша олмасдилар – у кейинги йилларда бир оғиз ҳам гапирмаган, сўзлар ва уларнинг маъноси унинг хотирасидан


чиқиб кетгандай ёки ўз моҳиятини йўқотгандай ўз қайғу ва азоби билан кунларни зўрға енгиб яшаётган эди. Замон отбоқар итдай ўлим топганди. Олдин бўғизланган, кейин танасининг ўн етти жойига ўтмас тиг санчилганди. Бўйнидаги тумордан бошқа ҳеч нарсага тегилмаган, ҳамён ва белбоғига тугиб юрган пуллари сочилиб ётарди. Кийимлар пора-пора йиртилган, ўнта бармоқнинг ҳаммаси узиб олинганди – жасаднинг шу туриши аввал ўзи, сўнг тепаси қулаб тушган улкан минорани эслатарди. Бармоқлар барибир топилмади. Жасадни бармоқсиз кўмишга тўғри келди: бутун қишлоқ нақ қиёмат майдонига айланганди: аёллар уввос солиб йиғлашар экан, энди сочлари қордай оппоқ деярли арвоҳга айланган, қишлоқдошларининг хотирасидан ҳам чиқиб кетган Байна момо том устида Райим полвонни итдай отиб ташлашларидан бир неча дақиқа олдин отини эгарлаш учун олиб чиқаётиб, ўкқа дучор бўлган, йиллар пора-пора қилиб ташлаган жабдуқ устига чўкка тушганча тўй деб келиб, аза устидан чиқаётган меҳмонларни, тўй бераман деб, энди аза бераётган қишлоқдошларини кузатиб, худди қутлуғ бир вазифани ўтаб, энди дунёда армони қолмагандек, йиллар ғижимлаб ташлаган юзида бир жунунваш ифода қотиб қолган ҳолатда терсоталиклар ҳаётига узоқ йиллардан буён соя солиб турган тош ҳайкал каби қилт этмасдан ўтирарди.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш



1. Нима сабабдан адиб асарни «Шамолни тутиб бўлмайди» деб номлаган? Фикрингиз далилланг.
2. «Иссиқ ўриндиқ» усули орқали очиқ ва ёпиқ саволлар баҳсини ўтказинг.
3. Байна момонинг дунёдан ўтиши асарда қандай тасвирланган? Бундаги яширин рамзларни аниқланг ва муҳокама қилинг.

Таҳлил ва таҳқин	   	1. Асарни «Оқилнинг 6 қалпоғи» усули орқали таҳлил қилинг.  2. «Байна момонинг қасос олиши» мавзусига баҳс-мунозара ўтказинг.
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. Байна момо тимсоли билан «Даҳшат» ҳикоясидаги Унсунни қиёсланг. Икки тимсол учун умумий жиҳатларни аниқланг. «Венн диаграммаси»дан фойдаланинг. 2. «Байна момо – енгилмас тимсол» мавзусида «5 дақиқали эссе» усули асосида ижодий иш ёзинг.



ИҚБОЛ МИРЗО

(1967 йилда туғилган)

Замонавий ўзбек шеъриятининг кенжа вакилларида бири истеъдодли шоир Иқбол Мирзаали ўғли 1967 йилнинг 1 майида Фарғона вилоятининг Боғдод туманидаги Қўштегирмон қишлоғида туғилган. 1984 йилда қишлоғидаги ўрта мактабни тугатгач, Фарғона университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга киради ва университетни 1991 йилда имтиёзли диплом билан тугаллайди. 1985–1987 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. Олий мактабни битиргач, бир муддат Фарғонада фаолият кўрсатди. Кейинроқ Тошкентга келиб, «Ўзбекистон табиати», «Ватан» газеталарида ишлади. Ҳозирда Ўзбекистон телерадиокоманиясида хизмат қилмоқда.



Иқбол Мирзо бадиий ижод билан кичик ёшидан машғул, унинг дастлабки шеърлари ўқувчилик вақтидаёқ эълон қилинган, мутахассис ва ўқувчилар эътиборини тортган. Шу пайтгача шоирнинг «Юракнинг шакли» (1992), «Кўнгил» (1993), «Сени соғинаман» (1994), «Мени эслайсанми» (2000) шеърий китоблари чоп этилган.

Иқбол Мирзо шеърлари булоқ сувидай тотли, майин ва ёқимли. Шоир сўнгги йилларда юртимизда рўй берган улкан янгиланиш жараёнларида шунчаки кузатувчи бўлиб эмас, балки фаол иштирокчи сифатида қатнашиб келмоқда. Қалбини тўлқинлантирган ҳодисаларни, қадимий шаҳарларимизда ўтказилаётган оламшумул сана-тўйлар таассуротини, бир сўз билан айтганда, Она Юртга бўлган чексиз муҳаббатини ўзининг самимий, тиниқ мисралари орқали ифодалаган. Муҳими, бу шеърларда Ватан туйғуси, фахр-ифтихор ҳисси янгича бўёқларда, оҳорли оҳангларда, санъаткорона моҳирлик билан акс этирилганки, бу ҳол ўқувчини ҳаяжонлантирмай қўймайди.

Аза

Эшилиб, буралиб юлқинар узум,
Шамалоқ барг аро мўлтирар осмон.
Сиёхранг райҳонлар яширар кўзин,
Устунга юз босиб йиғлайди чопон.

Гезариб рангини йўқотган дувол,
Бостирма остида нам тортар сомон.
Дарахтга суянар чарчаган шамол,
Устунга юз босиб йиғлайди чопон.

Тупроқ кўпчиб кетган, шўрланган тупроқ,
Сўрида якандоз эзилган ёмон.
Хонтахта устида сарғайган япроқ,
Устунга юз босиб йиғлайди чопон.

Чумоли уяда парпирамас нур,
Қалдирғоч инида лой бўлган туғён.
Бешиктебратарлар маҳзун тебранар,
Устунга юз босиб йиғлайди чопон.

«Ҳеч ким етолмайди осмон тоқига»
Тиргакка таянар мункайган айвон.
Устун бўлолмаган соҳиб ҳақиға
Устунга юз босиб йиғлайди чопон.



Тушуниш ва
саволларга жавоб
бериш



1. Шеърдаги яширин маъноларни англадингизми? Уларнинг ижрочилари ким?
2. Шеър ифодаларининг ҳаётий ва бадиий маъноларини изоҳланг.
3. Асарларда қандай тасвирий воситалар қўлланган?

Таҳлил ва таҳқин



1. Берилган шеър кимга бағишланган ва қандай муносабат билан ёзилган?
2. «SWOT» усули орқали асар мазмунини таҳлил қилинг ҳамда жадвални тўлдиринг.

S	Кучли жиҳатлари	
W	Заиф жиҳатлари	
O	Имкониятларни чамалаш	
T	Ташқи омиллар таъсирини аниқлаш	

Баҳолаш ва қийёсий таҳлил



1. Асар қаҳрамонининг ҳолати, қадри нимага боғлиқлигини шоир фикри билан таққослаб тушунтиринг.
2. Шеърлардан олган таассуротларингизни «Қир ёйиш» усулига асосланиб, вараққа ёзинг ҳамда дорга осинг.



5

Алам

Муштимни ерга урдим,
Тоғлар гулдираб кетди.
Муштимни кўкка урдим,
Уфқ ҳилпираб кетди.
«Менинг ботмон муштим-а,
Не қийнокқа тушдим-а?»
Муштимни сойга урдим,
Тош сапчиди балиқдек,

Муштимни ойга урдим,
Ой сочилди тариқдек.
«Менинг ботмон муштим-а,
Не куйларга тушдим-а!»

Муштимни йўлга урдим,
Кулча бўлиб олди йўл.
Муштимни гулга урдим,
Ғунча бўлиб олди ул.
«Менинг гурзи муштим-а,
Не аҳволга тушдим-а?!»

Муштимни қирга урдим,
Қирлар қочди судралиб.
Муштимни шерга урдим,
Мушук бўлди суйкалиб...
«Менинг чўқмор муштим-а,
Не азобга тушдим-а!
Уролмадим дўстимга,
Уролмадим ўзимга...»



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Шеърни «Ўргимчак ини» усули орқали ифодали ўқинг. 2. Асарда тасвирланган ҳолатларга эътибор беринг. Қаҳрамон чекаётган изтироблар сабабини аниқланг. 3. Шеърдаги 7 та таянч сўзларни топинг ҳамда иш дафтарингизга ёзиб олинг. 4. Асарнинг тузилиш жиҳатига эътибор беринг.
--	--	---

Таҳлил ва таҳқин



1. Шеърни «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг.
 - а) таҳлил қилиш – шеърлар мазмуни бўйича 5 та савол тузинг;
 - в) аниқлаш – шеърларнинг қайси банди энг муҳим эканлигини далилланг;
 - с) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғланг;
 - д) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни яқунланг.
2. Асарда кўп учрайдиган сўзларни топинг ва уларни изоҳланг.
3. Хоҳлаган шеърни ёд олинг.

Баҳолаш ва қийсий таҳлил



1. Шеърларда илгари сурилган ғояни аниқланг. Унинг тарбиявий ва ижтимоий аҳамиятини «Концептуал жадвал» график органайзери орқали баҳоланг. Икки гуруҳда ишланг.

Асар ғоясини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белги ва тавсиялар		
	«+»	«-»	«?»



Ўзим билиб-билмай кўп гуноҳ қилиб,
 Мўлроқ яшаб қўйдим мўлжалдагидан.
 Ўлсам бўлмасмиди кўкка тикилиб,
 Майсалар устида, гулнинг тагида.

Яшашдан чарчадим, зерикиб кетдим,
 Менинг тор кўнглимга сиғмас байрамлар.
 Дилимга илоннинг тиллари етди:
 Пўст ташлаб, турланиб юрган найранглар.

Энди кун кўришим қийиндан қийин,
 Энди ҳаволар ҳам оғирдан оғир.
 Аччиқ-аччиқ йиғлаб, йўл юрган сайин
 Узун-узун бўлиб судралар хотир.

Ўзим билиб туриб, кўп гуноҳ қилиб,
 Кўпроқ яшаб қўйдим мўлжалдагидан.
 Ўлсам бўлмасмиди кўзларим тиниб,
 Сув ичган чоғимда қизнинг кафтидан.

Энди мени қийнар қиёқнинг гули –
 Нозик капалакнинг ҳидсиз қаноти.
 Энди мени қийнар вақтида ўлиб,
 Мени обкетмаган дўстимнинг ёди.

Она, жунжукманг сиз, совуқ сўзлардан,
 Мен энди ўлмайман, йиғламанг яна.
 Фақат мақтов кутиб сузук қизлардан
 Ёлғон шеърлар ёзиб чарчадим, она.

Фақат ўзим билмай кўп гуноҳ қилиб,
 Мўлроқ яшаб қўйдим мўлжалдагидан.
 Ўлсам бўлар экан кўзларим кулиб,
 Беланчак ичида, толнинг тагида.

Оғриқ

Қилич навдаларнинг шаффоф қини бор,
Олов тебранади улкан лоладай.
Ўт каби исёнкор, қордек беғубор –
Гулхан атрофида учта болакай.

Қўзилар замҳарир¹ майсани топтаб,
Оғзининг ҳовурин кавшайди тинмай.
Минг жумбоқни ечар, қўлларин тоблаб,
Гулхан атрофида учта болакай.

Чўғлар чирсиллайди, олов ёнбошлаб,
Қийиқ кўз болага тегишар атай.
Зухрода сайр этар, қўйларни ташлаб,
Гулхан атрофида учта болакай.

Бугун кўкрагимда симиллар оғриқ,
Бугун қўлларимда парчаланган най.
Мен сизни соғиндим ҳаммадан ортиқ,
Гулхан атрофида учта болакай.

Манҳус давраларда даврлар сурдим,
Қасамлар ичдиму ичавердим май.
Ойдин лаҳзаларни сиз билан кўрдим,
Гулхан атрофида учта болакай.

Сиз мени чақиринг, қийналиб кетдим,
Сиз мени чақиринг, ўзимга қайтай.
Чақиринг: юракка ҳарорат етсин,
Гулхан атрофида учта болакай.
Гулхан атрофида учта болакай...

¹ Замҳарир – совуқ, қаттиқ совуқ.



Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Ақлий ҳужум»: армон нима? Армонингиз борми? Армонга етишиш учун қандай йўлдан борасиз: енгил ёки оғир? 2. Инсон қайси пайтда қийналиши мумкин? Бу пайтда тақдирга тан бериш керакми ёки курашиш керакми? 3. «Муаллиф ўриндиғи» усулини қўллаб, шоирга саволлар беринг. 4. Биронта шеърнинг насрий баёнини ёзинг.															
Таҳлил ва талқин	  	1. Шеърлар устида тадқиқот иши юритинг. Хулосаланг. Икки шеърни таҳлил қилинг. <table border="1" data-bbox="476 925 1187 1127"> <tbody> <tr> <td>1-гурух</td><td>Матннинг асосий ғоясини топинг</td><td></td></tr> <tr> <td>2-гурух</td><td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td><td></td></tr> <tr> <td>3-гурух</td><td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td><td></td></tr> <tr> <td>4-гурух</td><td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td><td></td></tr> <tr> <td>5-гурух</td><td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td><td></td></tr> </tbody> </table>	1-гурух	Матннинг асосий ғоясини топинг		2-гурух	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		3-гурух	Фикрингизни расм билан тасвирланг		4-гурух	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		5-гурух	Тарбиявий хулоса чиқаринг	
1-гурух	Матннинг асосий ғоясини топинг																
2-гурух	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар																
3-гурух	Фикрингизни расм билан тасвирланг																
4-гурух	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг																
5-гурух	Тарбиявий хулоса чиқаринг																
Баҳолаш ва қиёсий таҳлил	 	1. «Шоир бўлиш осонми?» мавзусида эссе ёзинг.															

Хазон сокин қуйиларди

Хазон сокин қуйиларди – кеч куз эди,
Кўнглим куздан абгор эди – муз-муз эди.

Нигоҳимдан дийдираган ҳашаротлар,
Кечагина парпираган юлдуз эди.

Остонадан оёқ узиб чиқиб кетдим,
У остона эмас, балки илдиз эди.

Афсун теккан каби барча яқинларим,
Қанча яқин борсам, шунча олис эди.

Бутун дунё қарши эди менга.
Руҳим Қилич монанд яланғоч ва ёлғиз эди.

Заҳар ичиб, сўнг пушаймон бўлган каби
Бу оламдан кўнглим тўла афсус эди.

Ўзбек чироқлари

Ким қора чироққа мой топган чоғлар,
Тўшак сўкиб, пилик эшган замонда
Зухро юлдузидек мавжланиб порлар
Ўзбек чироқлари Афғонистонда.

Тортилган симлардек туташган томир,
Менинг ҳам бенаво наволарим бор.
Мени ҳам кечалар босар хавотир,
Унда макон топган боболарим бор.

Афғон деган муҳр босилган қачон,
Қайдасан мардумнинг ўғай онаси?

Наҳотки бу замин машқ учун майдон,
Янги қуролларнинг синовхонаси?

Сўйла, ҳаётми шу – на нажот, на эрк,
Домо-дам қиёмат шайланиб турса.
Ўлимтик ахтарган ўлаксахўрдек
Жангари учоқлар айланиб юрса.

Мен туғилиб ўсган Қўштегирмонда
Қийиққа тугилган тишлоқ ноним бор.
Қандаҳор йўлида – Ажалдовонда
Қизил иблис тўккан қирмиз қоним бор.

Ё қайғу, ё севинч кўзга берар ёш,
Йўлчи юлдузларим чорлаб турибди.
Мозори Шарифда кўнглимдек нурпош
Ўзбек чироқлари порлаб турибди.

Қишда қор сўрасанг бермайди нокас,
Оби раҳмат – сувни қизғонар бадкор.
Аммо дўстнинг қўли муаллақ қолмас,
Оқибати бутун Инсонлар ҳам бор!

Савоб ва саховат ўзбекка мерос,
Шу боис кулбалар зиёга тўлди.
Навоийнинг руҳи шод бўлгани рост:
Боболарим қабри нурафшон бўлди.

Ғафлатдан сесканиб уйғонар дунё,
Тиниқ тортар Темур сув ичган булоқ.
Боболар чироғин ёқибсиз, илло,
Ҳеч қачон ўчмагай Сиз ёққан чироқ!



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «Ақлий ҳужум»: хазон нима? Кузги хазонрезги мазмунини тушунтиринг. 2. Ўрганган шеърларингиздаги умумий мавзунини топинг. 3. Сиз учун берилган шеърларнинг қайси жиҳатлари қизиқ? Сабабини изоҳланг.												
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Шеърлардаги бадиий воситаларни аниқлаб жадвални тўлдилинг. <table border="1" data-bbox="431 744 1030 843"> <tr> <th>Бадиий восита</th><th>Мисра</th><th>Шарҳи</th></tr> <tr> <td> </td><td> </td><td> </td></tr> </table> 2. Жуфтликда ишланг. Тадқиқот ишини ўтказинг. <table border="1" data-bbox="431 941 1077 1099"> <tr> <th>Табиатни тасвирловчи сўзлар</th><th>Шеърда сизга ёққан мисралар</th><th>Шеър нима учун латофатли?</th></tr> <tr> <td> </td><td> </td><td> </td></tr> </table>	Бадиий восита	Мисра	Шарҳи				Табиатни тасвирловчи сўзлар	Шеърда сизга ёққан мисралар	Шеър нима учун латофатли?			
Бадиий восита	Мисра	Шарҳи												
Табиатни тасвирловчи сўзлар	Шеърда сизга ёққан мисралар	Шеър нима учун латофатли?												
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. Икки шеърни ўзаро ёзилиш усулига кўра қиёсланг. 2. Шеърлардаги нафислик, софликни айнан қайси мисраларда кўришимиз мумкин? Бундай тасвир шоирнинг қандай қобилият эгаси эканлигидан далолат беради? 3. «Табиатни қандай ҳис қиламан?» мавзусини «Беш дақиқали эссе» усули орқали ёритинг.												

Бобомнинг байти бор япроқларингда,
Момомнинг тафти бор чорбоғларингда.
Онамни эслатар райҳонинг, юртим,
Дадамнинг ҳиди бор тупроқларингда.

Сўлим Хонободдан Кийиксойгача,
Қутлуғ остонадан суюк ойгача,
Чироқлар юлдуздек порлар ҳар кеча,
Мудом ўт гурласин ўчоқларингда!

Тоғларинг бағрида лиммо-лим тилсим,
Минг йилким, мўйсафид Шоҳимардон жим.
Сангардак кўшиғин шарҳлай олар ким?!
Тилло қумлар ўйнар булоқларингда!

Мавлоно Лутфийлар улфатдир менга,
Шеър лутфи энг тотли суҳбатдир менга.
Улуғлар исми ҳам қувватдир менга,
Туғёним – ўйноқи тойчоқларингда.

Бир куйчи ўғлингман, баётим ўзинг,
Тилимнинг остида новвотим ўзинг,
Бағрим, жоним ўзинг, ҳаётим ўзинг,
Дил торим қалампирмунчоқларингда.

Қизғалдоқзорингда кўмилиб ётдим,
Биллур шабнамларда чўмилиб ётдим,
Дунёни унутдим, ўзни йўқотдим,
Мен ҳам ватан бўлдим қучоқларингда!



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «Ақлий ҳужум»: Ватан нима? Сиз Ватан учун нимага қодирсиз? 2. Шеърни «Ўргимчак ини» усули асосида ифодали ўқинг. 3. Шеърдаги тарихий шахслар, жой номларини топиб иш дафтарингизга ёзинг. Сизнингча, уларнинг ишлатилиши шеърга қўшимча маъно берадими? Матнга таянган ҳолда жавобингизни исботланг.
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. «Балиқ скелети» усули орқали шеърлардаги воқеалар силсиласини таҳлил қилинг.  2. Асарни шоир қандай кайфиятда ёзганлигини аниқланг. Шеър тузилишига эътибор беринг.
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Шеърдан олган таассуротларингизни «ПОПС формуласи» орқали ёритиб беринг. <i>1-гап: Менинг фикримча...</i> <i>2-гап: ...сабабини мен бундай тушунтираман</i> <i>3-гап: Уни мен мана бундай далиллар билан исботлайман...</i> <i>4-гап: шунга асосланиб, мен бундай хулоса келдимки, ...</i>

ЭСОНҒАЛИ РАВШАНОВ

(1957 йилда туғилган)



Замонавий қозоқ шеърятининг ўзига хос намояндаси Эсонғали Равшанов 1957 йилнинг 5 октябрида Қорақалпоғистонда туғилган. У ўрта мактабни ўз қишлоғида битиргач, Алмати шаҳрига келиб, ҳозирги Қозоқ Миллий университети филология факультетига ўқишга киради. Олий мактабни тугатган бўлажак шоир турли нашриётлар, газета-журналлар таҳририятида хизмат қилади. Ҳозирда у – Алматидаги «Жазуши» нашриётининг Бош директори.

Э. Равшанов шеърят билан жуда эрта шуғуллана бошлаган. Ҳозиргача унинг қатор китоблари чоп этилган. Эсонғалининг шеърлари табиийлиги, инсон кўнглининг нозик, бегона кўзлардан яширин жиҳатларини рангин кўрсатиши туфайли шеърхонлар меҳрини қозонган. Шоир одамни борича, бежамай кўрсатишни, унинг камчиликларини айтган ҳолда нуқсонлардан холи этишни истайди. Шу сабабдан ҳам Э. Равшанов шеърларида мунг, изтироб, андуҳ ва афсус босим келган ўринлар кўп учрайди.

Унинг деярли ҳар бир асари, айниқса, 1983 йилда эълон қилинган «Бекдавлат ва Жўламон» достони замонавий қозоқ шеърятида катта воқеа бўлди, муаллифга шуҳрат келтирди. Шоир қаламидан кейинги пайтларда қоғозга тушаётган насрий асарлар – ҳаётий ҳикоялар, бадиалар ва мақолаларда ҳам фикрчан қалб ҳарорати, давр кайфияти, унинг зарбу шиддатлари акс этиб туради ва шу қирралари билан ўқувчи диққатини ўзига жалб қилади.



Оқшомда

Балқиб, ёниб қуёш деган олтин соққа
Заргардайин жило берди кечга бугун.
Соғин туя елинидай юмшоқ елга
Бўтакўзли қўл жавдираб тутди лабин.

Юлдуз сузиб чиққандайин сув остидан
Ювош қулун ўт чимдийди қўйлар билан.
Чеккадаги бир овулни соғингандан
Кечалатиб келади ой қир ортидан.

Қоронғулик ўз ўрнини олди ана,
Шундан қўрқиб, ой булутни паналади.
Мен келаман қора отим йўрғалата,
Мендан олдин билқ-билқ этиб йўл боради.

Бир замонлар

Бир замонлар мен йўлдан «оздим»,
Кўп ўйладим, ўйим етмади.
Халққа атаб мен шеърлар ёздим,
Халқим уни керак этмади.

Хай, увол-а, увол-а,
Бунча бўлдинг ўшакчи¹.
Кўк майсага бошқарса,
Чўлга қочган эшакдай.


Қувлаб юриб, урганинг –
Ёв эмаслиги тайин.
Қўлингдаги чўқморинг
Бировники оғайин?

Элим менинг шунақа:
Ўхшар қашшоқ, зорлига.
Ялтоқликка келганда
Ҳеч ким тушмас олдига.

Бўлак-да ўзи, бутун-да,
Қай иллатин айтайин?
Дерлар: «Кўпга туфлама»,
Тупугимни ютайин.

Ухлолмадим тун бўйи,
Тўшакларим игнами?
Миллат деган чиндан ҳам,
Уч-тўрт кишигинами?

¹ Ўшакчи – ғийбатчи, гап ташигич.





Тушунуш ва саволларга жавоб бериш	 	1. Шеърлар мазмунини акс эттирадиган 7 та таянч сўзларни ёзинг. Таянч сўзларнинг шеър кўркига қандай таъсир қилган? 2. Асарда қайси фасл ўз аксини топган? Ушбу фаслга хос яна қандай тимсолларни биласиз? «Ассоциация» усулини қўлланг.								
Таҳлил ва талқин	   	1. Шеърда қандай ғоя илгари сурилган? Қайси мисрада асар ғояси яққол тасвирланган? 2. Жуфтликда ишлаш учун топшириқ. <table border="1"> <tr> <td>Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр (к, к)</td> <td>Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзгатди?</td> </tr> <tr> <td>Келишмовчилик</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Тушунмаслик</td> <td></td> </tr> <tr> <td>Қарши чиқиш</td> <td></td> </tr> </table>	Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр (к, к)	Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзгатди?	Келишмовчилик		Тушунмаслик		Қарши чиқиш	
Шеърдан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла, фикр (к, к)	Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай савол, фикр ёки муносабат қўзгатди?									
Келишмовчилик										
Тушунмаслик										
Қарши чиқиш										
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Бошқа адибларнинг шу мавзудаги шеърларини топишга ҳаракат қилинг. Улар орасидаги ўхшашлик билан фарқни муҳокама қилиб, ўз шахсий фикрингизни билдиринг.								



Кўкимтир кеч, кўк мачит, йўрға булоқ,
Осмон-да боғ, ер-да боғ, йўл тагин боғ.
Мен Тошкентда ўлар эдим, Олмаотам бор.
Қучоқ очиб тургани йўқ ул ҳам бироқ.

Ҳар ёғимдан босиб келар қора тошқин,
Қочолмасдан жон талашиб, урдим бошим.
Мен Тошкентда ўлар эдим, Саломатхон,
Тўлқин каби қучиб турса қора сочинг.

«Олмаота, ҳорма! – дедим. – Мен қозоқман!»
Унинг муздай совуқ юзи илимади.
Мен ўйладим: «Хафа экан қозоқлардан»,
Гўё хоннинг синглисидай эламади¹.

¹ Эламади – менсимади, эътибор қилмади.

Гоҳ нозланиб қарайди, сурланиб гоҳ,
Навқаридай кўк найзадор чўққи, ана.
Қаттол, қайсар, қизғанчиқ, ўжар, бироқ
Бир назокат бордир асли бу шаҳарда.

Бир назокат бордир унда майин-майин,
Қайсар қизнинг феълени мен айтайин.
Сулув юзин ёш ювса-да тинмай ҳар кез,
Киприк қоқмай тураверар у бўлиб без.

Майин булоқ олдимда йўрғалайди,
Мачитларни оралаб йўл боради.
Мен Тошкентда ўлар эдим, Олмоатам бор,
Ёлғиз менга тушунарли эрур шаҳар.

Йилқи йили

Йилқи йили
Яхши тилак тилайинчи худодан,
Балки буткул қутуларман шу ўйдан.
Мумкин, энди тушга кирмас тунлари,
Қора ёлли қора қулун мунғайган.

Қора қулун, етимгинам, нозигим,
Хоҳ топтаб кет, хоҳ ором бер, ҳоридим.
У бошқайди: содда, анқов болакай,
Мен бошқаман, ёзигим не ёзигим?

Осмон ости, ер устида жойлар бор,
У тинчгина ўрнашибди қалада¹.
Капалаклар ўйноқлаган сўқир қор,
Чалчиқ сувга қулаб ётар далада.

Нени ўйлар унсиз-тинсиз бу олам,
Мен ҳам ичдан чирмовикдай чирмалдим.
Бир сўроқ бор: мен ким эдим, эдим ким?
Бир сўроқ бор: ким бўламан, бўлгум ким?

¹ Қалада – шаҳарда.

Қиш ҳам келди, оқ жул¹ ёпиб қайинга,
 Бир шакланиб², қайта ботгум войимга³.
 Қора қулун... у йўқолса нетаман.
 Йўқ-йўқ, мени қулунимдан айирма!

¹ Жул – ёпинчик, дағал мата.

² Шакланиб – хушёр тортиб.

³ Войим – ваҳима, қўрқув.



Тушунини ва саволларга жавоб бериш	 	1. Шеърларни «Жигсо» усули асосида ифодали ўқинг ва ўрганинг. Очiq ва ёпиқ саволлар тузиб, жуфтликда савол-жавоб ўтказинг. 2. Ўзингиз ёқтирган шеърнинг насрий баёинини ёзинг. 3. Сизга номаълум сўзларни аниқланг ва мазмунини муҳокама қилинг.								
Таҳлил ва талқин	   	1. Шеърларнинг мавзу ва муаммо доирасини унинг долзарблиги нуқтаи назаридан ва шахсий кўзқарашингизни далиллаган ҳолда аниқланг. 2. Шоир эл-юрт фаровонлиги ва осойишталиги ҳақида қандай фикрларни илгари сурган? Ушбу тушунчаларни «Ассоциация» усули орқали жуфтликда ёритиб беринг. 3. Шеърларнинг ёзилиш вақти билан ҳозирги кун орасидаги фарқни изоҳланг. «Инсерт» усули орқали асарнинг долзарблиги ҳақида ҳақида фикр юритинг. <table><tr><td>«V» – биламан</td><td></td></tr><tr><td>«+» – билмайман</td><td></td></tr><tr><td>«-» – янги ахборот</td><td></td></tr><tr><td>«?» – тушунмадим</td><td></td></tr></table>	«V» – биламан		«+» – билмайман		«-» – янги ахборот		«?» – тушунмадим	
«V» – биламан										
«+» – билмайман										
«-» – янги ахборот										
«?» – тушунмадим										



1. Бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билдиринг.
2. «Мен ўз Ватанимнинг фарзандиман» мавзусида газетага мақола тайёрланг.
3. Шеърни ифодали ўқиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ёд олинг.

11

Қора бағир қашқалдоқ

Қора бағир қашқалдоқ¹, қайга учдинг, пир-пирлаб,
Ватан қолди гўдакнинг манглайидай билқиллаб.
Қора бағир қашқалдоқ, қашқалдоғим, ортга қайт,
Сийрак қолган тўқайга² қайғурма деб кўнгил айт.

Уя қолса эгасиз, қолганларга шу қайғу,
Санқиб келган шурагай³ кўлга обрў бўлмас-ку?
Ўз бўсағанг бу ернинг тоғи, боғи, тепаси,
Бўсағани бировга ташлаганинг нимаси?
Қашқалдоғим, ортга қайт!..

Руҳият

Қайғу-мунгим – қайтган қушлар сафлари,
Хўрсиниғим – бемор кузнинг дафтари.
Сигир каби тулуп кўриб, берган сут,
Сенинг совуқ лабингдан изладим ўт.

¹ Қашқалдоқ – хосиятли ва ноёб сув қуши. Шеърда Қозоғистоннинг бир вақтлардаги раҳбари, Москванинг зуғуми билан ишдан ноҳақ олиб ташланган Д.Қўнаев кўзда тутилган.

² 1986 йилда Москвадаги амалдорларнинг зўравонлигига қарши қозоқ ёшлари бош кўтариб чиқишган ва уларнинг кўпчилиги отиб ташланган эди.

³ Шурагай – ўзи ин қурмайдиган дайди қуш. Бу ерда Москвадан Қозоғистонга раҳбар қилиб тайинланган Колбин кўзда тутилган.

Биз иккимиз кўп кутган қувончдайин
Юлдуз туғди бир олис, бирда яқин.
Тиришаман қалбингга ўт ёқайин,
Дарёга қўшилгандай илиқ оқим.

Умр – кураш, серпилиш, тўқиниш бор,
Бўрон чоғи тўлқинлар турмайди тинч.
Баъзан менга кўқдаги мангу чамбар
Юлдузлар ҳам кетади бўлиб қўрқинч.

Ваҳималар эгаллайди туни билан
Тоғ кўчади, руҳимдан синиб эман.
Умрномам ёзилиб ётир менинг
Шеър дейилган бир қушнинг тили билан.

Мен қушимни авайлаб ўстиргандим,
Сенга айтсин шу қушим сўнгги сирни.
Рўмол қилай қўз ёшингга бостиргани,
Мен ўша одамий бўлмишимни.



<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. Шеърларни «Жигсо» усули асосида ифодали ўқинг ва ўрганинг. Очик ва ёпиқ саволлар тузиб, жуфтликда савол-жавоб ўтказинг. 2. Ўзингиз ёқтирган шеърнинг насрий баёинини ёзинг. 3. Сизга номаълум сўзларни аниқланг ва мазмунини муҳокама қилинг.
---	--	--

Таҳлил ва таҳқин



1. Шеърларнинг мавзу ва муаммо доирасини унинг долзарблиги нуқтаи назаридан ва шахсий кўзқарашингизни далиллаган ҳолда аниқланг.
2. Шоир эл-юрт фаровонлиги ва осойишталиги ҳақида қандай фикрларни илгари сурган? Ушбу тушунчаларни «Ассоциация» усули орқали жуфтликда ёритиб беринг.
3. Шеърларнинг ёзилиш вақти билан ҳозирги кун орасидаги фарқни изоҳланг. «*Инсерт*» усули орқали асарнинг долзарблиги ҳақида ҳақида фикр юритинг.

«V» – <i>биламан</i>	
«+» – <i>билмайман</i>	
«-» – <i>янги ахборот</i>	
«?» – <i>тушунмадим</i>	

Баҳолаш ва қийёсий таҳлил




1. Бадий асар мазмуни, унда кўтарилган муаммони тушуниб, мулоҳаза юритган ҳолда тинглаган ва ўқиганларингизга ўз муносабатингизни билдиринг.
2. «Мен ўз Ватанимнинг фарзандиман» мавзусида газетага мақола тайёрланг.
3. Шеърни ифодали ўқиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ёд олинг.



СОФОКЛ

(Мелодий ҳисобигача бўлган 496–406 йиллар)



Фақат ўз даврининг эмас, балки ҳамма замонлар ва халқларнинг энг буюк фожианависи бўлган Софокл мелодгача бўлган 496 йилда қадимги Юнонистоннинг Афинага туташ Колон шаҳарчасида Софилл исмли қуролсоз уста оиласида туғилди. Бу вақтда отасининг ишлари гуркираб, қуролсозликдан тушадиган даромад уни полисининг¹ давлатманд кишиларидан бирига айлантирган эди. Бу даврда Юнонистон ягона бир давлат саналмай, ҳар бир шаҳар ўз ҳолича давлат ёки полис ҳисобланарди. Полисларнинг барча озод фуқаролари давлат ишида бирдай иштирок этишар, шу боис мамлакат гуллаб-яшнаган эди. Отаси Софоклнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб ўсишини ўйлаб, уни Афинадаги мусиқа ва

гимнастика чуқур ўргатиладиган мактабга беради. Қобилиятли бола гимнастика бўйича бир неча марта Афинанинг мутлақ чемпиони бўлади. Софоклнинг мусиқа борасидаги камолоти шунчалик юксак эдики, форслар устидан 480 йилда эришилган ғалаба муносабати билан янграган гимнни у ижро этганди.

Софокл у замонлар ғоят эътиборли бўлган театр санъати билан ҳам астойдил қизиқди. У актёрлик маҳоратини чуқур эгаллаб, қўйилган фожиаларда малика Навсикаа ҳамда қўшиқчи қиз Фамирида ролларини ўйнаб, замондошларининг чексиз ҳайратига сабаб бўлди. Буюк адиб тенгсиз табиб ҳам эди. Энг муҳими, у мамлакатдаги ҳар бир фуқаро ишонган, ҳалоллигига ҳеч ким шубҳа билдирмайдиган обрўли зот эди. Шунинг учун ҳам у кўплаб юксак давлат лавозимларларида ишлади. Софокл тўқсон йилдан ортиқроқ умр кўрган ва шу йиллар давомида деярли ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлган.

Софоклнинг қачондан бошлаб ижод қила бошлагани маълум эмас, лекин узоқ умрининг сўнгги кунигача ҳам қўлидан қалам тушмагани аниқ.

¹ Полис – шаҳар-давлат.

У 28 ёшида трагик асарлар мусобақасида «трагедия отаси» номини олган Эсхилни енгиб, биринчи ўринни қўлга киритган.

Софокл умри мобайнида 123 трагедия ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин даврлар тўфонида фақат етти фожиасигина сақланиб қолган. Шулардан бири ва энг машҳури Асқад Мухтор томонидан ўзбекчага таржима қилинган «Шоҳ Эдип» фожиасидир. Софокл фожиаларининг ўзига хослиги ва умрузоқлиги сабаби шундаки, буюк адиб уларда афсонавий воқеаларни кўрсатишга эмас, балки ана шу воқеалар туфайли инсон қалбида кечаётган туйғуларни ифодалашга эътибор қаратди. Софоклгача битилган фожиаларда ҳудодар ёки мифологик қаҳрамонлар тасвир марказида турган бўлса, у бадий асар марказига инсон ва унинг туйғуларини олиб чиқди.

Шоҳ Эдип *(Трагедиядан қисқартириб олинган)*

Қатнашувчилар:

Эдип – шоҳ, Лайнинг ўғли. Коҳин.

Креонт – Эдипнинг тоғаси, Иокастанинг укаси.

Фива шаҳри оқсоқолларининг хори.

Тиресий – башоратгўй.

Иок аста – Лайнинг хотини, Эдипнинг онаси ва хотини. Элчи.

Лайнинг чўпони.

Эдипнинг хизматкори.

ПРОЛОГ

Эдип


Э, Кадм бобонинг ёш авлодлари!

Шаҳримиз кўкида илтижо,
фарёд,

Аза қўшиқлари янграган маҳал
Нега сиз меҳроблар рўпарасида
Ибодат ниҳолин ушлаб турибсиз?
Ўлкангизда отим – шуҳратли

Эдип,

Бу ҳолнинг сабабин билмоқни
истаб



Мана бугун келдим ҳузурингизга.
Қани айт, қария, ёшлар номидан
Арзу изҳор этмоқ сенга ярашур, –
Нега тўпландингиз бу майдон аро,
Қўрқиб келдингизми ё арз биланми?
Тила, тилагингни келтирай бажо,
Ўтиниб келганга марҳаматим кенг.

Қоҳин

Кишваримиз ҳокимисан, Эдип!
Ёшу қари жаммиз, кўриб турибсан:
Шаҳримиз ларзада тўфон туфайли,
Кўриб турибсанки, бош кўтаришнинг
Иложи йўқ қонли тўфон қаъридан.
Ниш урмай илдиздан қуриди экин.
Офат қириб кетди йилқи, чорвани,
Ўлик туғилмоқда фарзандларимиз.

Исканжага олиб даҳшатли қирғин,
Ўлим азобида тўлғанар шаҳар.
Кадм хонадони ҳувиллаб қолди,
Соялар дунёси – у дунё, дўзах,
Яна оҳ-нолалар билан бойиди.
Сени худоларга тенгламайман, йўқ,
Офатни енгишда тенгинг йўқ, аммо
Худолар билан тез тил топишасан.
Фивага келдинг-у аждаҳо қушга¹
Тирик бож тўлашдан бизни қутқардинг.
Беҳабар бўлсанг ҳам бизлардан у пайт,

Худолар измидан оғишмай келиб,
Ҳаёт бердинг биздай бечораларга.
Сен халоскор эдинг. Келажакда ҳам
Яхши номинг билан фахрланайлик:
Азм эт, шаҳримиз қаддини тикла!
Қоядан тебранмас бир қалъа бўлсин!

¹ Аждаҳо қуш – Сфинкс номли қанотли афсонавий маҳлуқ. Сфинкс айтган жумбоқни тополмаган киши унга ем бўлган. Эдип унинг жумбоғини топгач, ўзини қоядан ташлаб ҳалок бўлган.

Бир вақт жонимизга ора киргандинг,
Яна бахш айлагил бизга саодат!
Бу юртга ҳокимлик қилмоқчи эрсанг,
Инсон бўлсин унда, бўлмасин сахро.

Эдип

Бахтсиз норасталар! Кўриб турибман:
Беадад азобда, изтиробдасиз.
Шаҳрим деб, оташда қалбим тўлғанар,
Сизни деб тўлғанар оташда қалбим.
Аммо биронтангиз менчалик ёнмас,
Менчалик тортмагай унинг дардини.

Мангу бедорман мен, ғафлатда эмас,
Аччиқ кўз ёш тўқдим йўлда беҳисоб,
Беҳисоб йўл босдим хаёлга чўмиб
Шундай қарор топди охир ўйларим:
Қайноғам Креонтни Фебга¹ йўлладим,
Токи билиб келсин, қандай сўз билан,
Қандай тадбир билан қутқазай шаҳрим.

Аммо ташвишдаман, у қайтмаяпти,
Қайтадиган пайти ўтиб кетмоқда,
Қайтиб келганида мен шоҳ эмасман –
Бажо келтирмасам илоҳ амрини!

Коҳин

Мавридида айтдинг, Креонт қайтмоқда,
Ғойибдан ишорат келди, шоҳ Эдип.
...У ғоят хушнуд! Йўқса манглайин,
Дафна япроғи-ла чулғамас эди.

Эдип

Ҳозир маълум бўлар. Сўраб кўрамиз.
Ҳой, Менекей ўғли, қондошим, айт-чи,
Худодан не хабар келтирдинг бизга?

Креонт

Хушхабар келтирдим, йўл кўрсатди у:
Кушод ўлғусидир ҳар қандай мушкул.

¹ Феб – башоратгўй коҳинлар қароргоҳи.

Эдип

Қандай хабар ахир? Бу сўзларингдан
На далда, на даҳшат сезади кўнглим.

Креонт

Шу авом олдида айт деяпсанми?
...Лекин уйга кирсак бўлар яхшироқ.

Эдип

Йўқ. Сен айт. Ҳаммаси эшитсин, қани,
Шуларнинг дарди-ла куюнмоқдаман.

Креонт

Ижозатинг билан изҳор этаман.
Тангрим Аполлоннинг амру ҳукмини:
«Бу юрт тупроғида бир қонли доғ бор,
Ювиб ташлаш керак газак олмасдан».

Эдип

Қандай? Нима билан? Очиқроқ гапир!

Креонт

Сургун ё қонга қон! Чунки шаҳарнинг
Мудҳиш қатл билан булғанган шаъни.

Эдип

Кимнинг тақдирини кўзлайди тангрим?

Креонт

Шоҳим, сендан олдин бизнинг Фивада
Лай деган шаҳаншоҳ ҳукмрон эди.

Эдип

Шундай, аммо ўзин кўрган эмасман.

Креонт

Уни ўлдирдилар. Худо амри шу –
Қотил ким бўлса ҳам қасос оласан.



Эдип

Аммо у қаерда? Қайдан излайман –
Бу кўҳна жиноят изларини мен?

Креонт

Қотил шу атрофда, – деб айтди тангрим, –
«Излаган топади, лаллайган топмас».

Эдип

Қайда ўлдирилган эди ўша Лай,
Уйдаими, даштдами ё чет элдами?

Креонт

Эзгу бир иш билан йўлга отланиб,
Кейин шу сафардан қайтиб келмабди.

Эдип

Шоҳнинг бормидийкин йўлда йўлдоши?
Гувоҳлик бермасми бирор тирик жон?

Креонт

Бари ўлдирилган. Фақат бир чўпон
Ўлим даҳшатидан қочган дейдилар.
Ана ўша чўпон бир сўз айтганмиш...

Эдип

Нима сўз? Ўша сўз ҳам кифоя бизга,
Калаванинг учин топиб олсак, бас.

Креонт

Шоҳни босқинчилар ўлдирди депти,
Ёлғизмас, кўпчилик иши экан бу.

Эдип

Қотил азм этолмас, гар қўлламас,
Сарой аҳли ичра бирон-бир хоин.

Креонт

Балки... Аммо ўша кулфатли йиллар
Шоҳнинг топилмади қасоскорлари.

Эдип

Йўқ. Бу жумбоқни мен ечмоқ истайман,
Бу – марҳум олдида бизнинг қарзимиз.
Мен бошқа бировнинг ғамида эмас,
Ўзимнинг виждоним пок бўлсин дейман.
Қотил ким бўлса ҳам ўша қўл билан
Мендан ҳам ўч олар. Лайни хотирлаб
Демак, қўриқлайман ўзимни-ўзим.
Туринг зиналардан, эй фарзандларим,
Опкетинг ибодат ниҳолларини!
Фива фуқаросин йиғинг майдонга,
Мен азм этдим, худо амри билан
Ё толе ёр бўлгай ёки ҳалокат.

Коҳин

Турайлик, халойиқ! Кўнглимиздагини
Шоҳнинг ўзи топди, ўзи гапирди.
Тангри башоратин йўллаган эди,
Энди ўзи берсин қирғинга барҳам.

Кетадилар.

Парод

Хор

2-строфа

Мудҳиш офат келди, ночормиз!
Шаҳримизда кезади қирғин.
Дафн этарга тадбиримиз йўқ,
Идрокимиз ожиз, ё фалак!
Волидамиз Гея авлодлари,
Ўсмай сўлаётир она қорнида.
Одамзодни қара, бирма-бир
Юмалаб бормоқда ажал уфқига,
Юмалаб бормоқда учар қушдан тез,
Оловбардор қирғиндан жадал.

2-антистрофа

Шаҳарда қурбонлар беҳисоб,
Кўчаларда таратар бадбўй.
Аза тутилмаган, дуо ўқилмаган,
Дафн этилмаган мурдалар.
Ибодатхоналар остонасида
Фарёд чекмоқдалар, сенга ёлбориб,
Сочлари оқарган онаизорлар.
Дуолар инграшлар билан омухта,
О, Зевснинг нурафшон қизи,
Сочгил шўрликларга марҳаматингни!

Эдип киради.

БИРИНЧИ ЭПИСОДИЙ

Эдип

Менга ёлбордингиз, мен берай жавоб:
Умид боғлайберинг ҳимоятимга.
Асло кам бўлмайсиз холис нутқимни
Ҳурмат-эҳтиром-ла уқиб олсангиз.
Мен холисман бунда, ўзим ёлғизман,
Қаёққа ҳам борай сиздан ажралиб.
Янги фуқароман бу юртингизда,
Қадм авлодлари, қадрдонларим!
Шоҳнинг қотилини билган зот борми?
Мабодо бўлса-ю, беркинган бўлса,
Ўлдирмайман, билсин, қўрқмасин.
Фақат шахримизни тарк этиши шарт.
Борди-ю у қотил ажнабий бўлиб,
Сизга ошна бўлса, айтинг – чўчиманг,
Раҳму мурувватни аямагайман.
Аммо ўзингиздан хавотир олиб,
Ё юз хотир қилиб ошнангизни,
Сукут сақласангиз мана бу хилда,
Унда қулоқ солинг, фармойишим шу:
Қотил ким бўлса ҳам менинг мулкимда
Унга топилмасин ошён, бошпана!
Саломига алиқ, арзига жавоб,

Қўл чўзса, бурда нон, сув берилмасин.
Манъ этилсин унга тоат-ибодат,
Бирон останага қўймасин қадам.
Чунки шахримизга келган қирғиннинг,
Бутун офатларнинг боиси – ўша!
...Борди-ю у менинг хонадонимда
Бирон паноҳ топса, мен бўлсам сабаб,
Қасамёд этайки, биринчи галда
Мени қатл этсангиз, розиман, рози.
Ўртада шаҳаншоҳ, ўртада худо,
Ўртада офатга йўлиққан кишвар.
Тангридан башорат бўлмаганда ҳам,
Шухратли шоҳ хоки поки учун
Оқлашингиз керак виждонингизни.
Тинтув эълон қилинг мамлакат бўйлаб,
Мен шоҳнинг тахтини қабул қилдим
Малика ҳам жуфти ҳалолим бўлди.
Афсус, зурриётсиз эди марҳум шоҳ.
Акс ҳолда боқардим фарзандларин ҳам.
Майли, ўзим бўлай хунталаб ўғил,
Бел боғлай қотилни излаб топишга.
Қасамёд этаман, шу йўлдан қайтсам,
Экканим унмасин она еримда.
Худо маҳрум этсин мени зурриётдан,
Азобда жон берай қултум сувга зор!

Хор

Онтингга онт билан жавоб берай, шоҳ:
Қотилни билмайман, қотил эмасман.
Гар шахримиз ҳаққи қилсак илтижо,
Айбдорни Аполлон топиб беражак.

Эдиш

Мулоҳазанг тўғри. Аммо ночормиз:
Худо бандасининг измида эмас.

Хор

Бўлмаса, иккинчи, тузукроқ тадбир...



Эдип

Иккинчи, учинчи... айтақол тезроқ.

Хор

Авлиё Тиресий гоҳ кароматда Буюк Апполоннинг ўзидай зийрак.

Ундан ҳақиқатни билмоғинг мумкин.

Эдип

Мен ҳам Креонтнинг кенгаши билан

Бирдан икки чопар жўнатдим унга.

Ҳайронман ҳаяллаб қолмоқда, лекин...

Хор

Худо ёрлақаган, азиз авлиё,

Башорат соҳиби келди, қаранглар! Ҳақиқатдир унинг йўлида йўлдош.

Тиресий киради.

Эдип

О, еру осмоннинг сирри-асрорин

Мудом кўриб турган, кекса Тиресий!

Пойтахтимизнинг бошига тушган

Чексиз мусибатни кўнглинг сезгандир,

Халоскоримиз деб, сени танладик.

Мана, умидимиз сендан, авлиё,

Фолбин қушларингни, майли, ишга сол,

Халос қил Фивани, мени, ўзингни!

Покла шаънимизни қон доғини юв.



Тиресий

Билган нарсанг кони зарар бўлса,
Билимдонлик мудҳишдир, ё раб!
Кўрган-билганларим бўлди фаромуш...
Бўлмаса, келмасдим ҳузурингга, шоҳ.

Эдип

Нима гап? Нимадан андишадасан?

Тиресий

Мен кетай, рухсат бер! Ҳозир ажрашсак,
Сенинг ҳам, менинг ҳам юкимиз енгил...

Эдип

Гапларинг кўп мужмал... Бундан чиқдики,
Қадрдон Фивани севмас экансан.

Тиресий

Ҳозирги ҳар сўзинг бошингга бало,
Мен ҳам шу аҳволга тушмасам дейман...

Эдип

Ҳали айтмайсанми? Билиб туриб-а?!
Ниятинг Фивани ҳалок этмоқми?

Тиресий

Сен мени ранжитма! Бир сўз айтмайман.
Қийноққа солгим йўқ ўзимни, сени...

Эдип

Тошни ҳам ғазабга келтирар гапинг!
Айтасанми, йўқми? Ярамас!
Токай, бу парвосиз қайсарликларинг?

Тиресий

Мени ранжитасан, таҳқир этасану,
Ғофилсан ўзингнинг хулқ-атворингдан...

Эдип

Қахру ғазабимнинг боиси шулки,
Дардкаш шахримизни беҳурмат қилдинг.

Тиресий

Қисмат воқе бўлур, айтсам-айтмасам.

Эдип

Бўлмаса нимага айтавермайсан?

Тиресий

Бир сўз ҳам айтмайман. Ихтиёр сенда,
Ғазабдан ловуллаб ёнсанг, ёнавер.

Эдип

Менинг дилимдаги мудом тилимда.
Билиб қўй, шубҳага солдинг кўнглимни:
Балки жиноятга бош қўшгандирсан?
Заиф бўлмаганда кўзинг, худо ҳаққи,
Қотил мана шу деб, эълон қилардим!

Тиресий

Шундайми? У ҳолда мен ўз устингдан
Сенинг ўз ҳукмингни эълон қиламан.
Халойиққа тегма! Мени қўй, чунки
Юртга бу офатни келтирган – сенсан!

Эдип

Бу шарму ҳаёсиз сўзларинг учун
Тилаб олмоқдасан мудҳиш жазони!

Тиресий

Жазолаб бўлмайди ҳақиқатни, шоҳ!

Эдип

Наҳотки, жазодан холиман десанг?

Тиресий

Жазодан холиман, агарчандики
Жаҳонда бир зарра ҳақиқат бўлса.

Эдип

Ҳа, ҳа, жаҳонда бор, аммо сенда – йўқ,
Кўзинг ҳам йўқ, қулоғинг ҳам, фаросатинг ҳам.

Тиресий

О, шўрлик, яқинда шу сўзлар билан
Ҳар бир қул ҳақорат этажак сени...

Эдип

Сен – мангу зимистон кўршапалаги,
Кўзи очиқларга қилурсан таҳдид?!

Тиресий

Йўқ, йўқ, сен ўлмайсан менинг қўлимда,
Бўни ижро этар тангрининг ўзи.

Эдип

Бу – сенинг фитнангми, Креонтники?

Тиресий

Йўқ, йўқ, сен ўзинг ўзингга душмансан.

Эдип

Молу дунё! Ҳукмронлик! Ҳайҳот,
Ҳаёт жангларида сиздан зўри йўқ!
Сехру жодуингиз шундай кучлики,
Креонт, ўтмишда содиқ қардошим,
Илондай қўйнимга сирғалиб кириб,
Менга ихтиёрий халқ берган тахтни
Тортиб олмоқ учун белин боғлабди.
Фойдадан бошқасин кўрмаган бу кўр –
Ёлғончи ва айёр бу авлиёни
Менинг ҳузуримга йўллабди бугун.
Менга қара! Халқни аждаҳо қушдан
Сехрли сўз билан қутқазолдингми?
Унинг жумбоқларин ечолмаганда



Сендан кутмовдими шахринг нажотни?
Аммо сен фолингни ишга солмадинг,
Қулоққа илмадинг тангрилар амрин.
Шунда мен келдимү мен – Эдип – нодон,
Жумбоғини ечиб аждаҳо қушнинг,
Абадий йўқ қилдим машъум офатни!
Мана энди бўлса Креонт тахтига
Яқинроқ бўлай деб қора ниятда
Жонимнинг қасдига тушибсан, айёр!
Пушаймон ейсанлар: сен ҳам, Креонт ҳам!
Сирни тилинг билан юлиб олардимү,
Мункайиб қолибсан, ўлиминг яқин.

Тиресий

Сен шоҳ бўлсанг-да, сўз қайтараман,
Ўзимга яраша ҳукмронман ҳам.
Сенгамас, Локсийга хизмат қиламан.
Муҳтожмасман Креонт марҳаматига.
Менинг кўрлигимни пеш қилдинг, аммо
Қаерда, ким билан турганлигингни,
Машъум тақдирингни, бадбахтлигингни
Очиқ кўзинг билан кўрмаётибсан!
Наслу насабингни биласанми сен?
Отанг, онанг учун сен икки карра,
Тавқи лаънат олиб, сургун бўласан.
Ҳозир кўриб турган кўзинг кўр бўлар.
Билмам, Киферонда топилармикан
Сенинг фарёдларинг янграмаган жой!
Эҳ-хе, кўп нарсани билмайсан ҳали,
Қузғундай ёприлган бошингга бало:
Хотинингга – ўғил, онангга – эрсан,
Отасан, акасан – фарзандларингга!..
Мана энди мени ҳам Креонтни
Ер билан яксон қил, аммо бари бир,
Сендан аянч одам йўқ бу дунёда!

Эдип

Лаънат, лаънат сенга! Йўқол кўзимдан!
Шарпанг эшитмайин хонадонимда!

Тиресий

Ўзинг йўқламасанг, келармидим мен...

Эдип

Ақлдан озибсан – беҳабар эдим.

Тиресий

Ақлдан озибсан? Отанг ва онанг
Мени донишманд деб, мақтар эдилар.

Эдип

Ким дединг? Тўхта-чи... Мени ким туққан?

Тиресий

Сен бугун туғилиб, шу он ўласан.

Эдип

Яна мужмал гаплар, яна жумбоқлар...

Тиресий

Моҳир эдинг чоғи жумбоқ ечмоққа?

Эдип

Шону шавкатимни топтама, нокас.

Тиресий

Лекин шон-шавкатинг сени маҳв этар.
Мен кетдим... ҳай бола, етакла, қани...

Кетадилар.

Биринчи стасим



Хор

2-строфа

Чиндан ҳам донишманд авлиё бугун
Бизнинг кўнглимизга ғулгула солди.
Бунга ақлим етмайди,
Инкор ҳам этолмайман.
Ўтмиш – тундай қоронғу,
Келажак ҳам – зимистон.
Эдипни айбламоққа
На далил бор, на гувоҳ.
Шоҳимиз Лай хунини
Кимдан талаб қиламиз?!

2-антистрофа

Аммо Зевс билан Аполлон зийрак,
Инсон кирдикори уларга аён.
Далил, гувоҳ топгунча
Эдипни айбламайлик.
Ахир аждаҳо қуш ҳам
Халқ олдида тан берган.
Элимизга Эдипнинг
Манзур бўлди хизмати.
Ишониб бўладими,
Жиноят қилганига!





<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «Ақлий ҳужум»: башорат нима? Унга ишониш керакми? 2. Фива шаҳри бошига тушган фалокат ҳақида Коҳин ва хор томонидан хабар қай йўсинда берилди? 3. «Кластер» усули орқали Эдипга тавсиф беринг.						
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Трагедиянинг берилган парчасини «Адабий давра» усули бўйича таҳлил қилинг. а) таҳлил қилиш – асар мазмуни бўйича 5 та савол тузинг; в) аниқлаш – асарнинг қайси банди энг муҳим эканлигини далилланг; с) боғлаш – мазмунни ҳаёт билан боғланг; д) хулосалаш – асарда кўтарилган масалаларни яқунланг. 2. Шоҳ Эдип билан Тиресий орасидаги суҳбат билан қайта танишинг. Ўз муносабатингизни билдиринг.						
<i>Баҳолаш ва қиёсий таҳлил</i>	 	1. Софокл яшаган давр ҳақида билган маълумотлар билан қуйидагича ўртоқлашинг. <table border="1" data-bbox="488 1262 1189 1398"> <thead> <tr> <th>«Биламан»</th><th>«Билишни хоҳлайман»</th><th>«Билиб олдим»</th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td></td><td></td><td></td></tr> </tbody> </table> 2. Антик адабиёт ҳақида тақдимот тайёрланг.	«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»			
«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»						

Креонт

Ҳамшаҳарлар! Билишимча, Эдип
Мудҳиш жиноятда айблабди мени.
Дарров етиб келдим, сабрим чидамай.
Агар Эдип мени катта кулфатда
Ўзига душман деб билса, азизлар,
Мен бундай доғ, шармсорлик билан
Бошимни кўтариб юра олмайман.
Агар сиз ҳам мени, ҳамшаҳар дўстлар,
Ёвуз деб билсангиз, аҳволим мушкул!

Хор

Қайдам. Шоҳлар иши бизга қоронғу...
Дарвоқе, ўзи чиқди, ана қасридан.

Эдип

Наҳотки? Сенмисан? Шоҳнинг қотили,
Тожу тахтимизга қасд қилган ўғри.
Менинг остонамни босиб кирдингми?
Ҳали сен шу қадар ҳаёсизмисан?
Худо ҳаққи, айт-чи, мени сен, нима,
Аҳмоқ деб билдингми ёки қўрқоқ деб?
Ёинки илондай сирғалиб кириб,
Қолдирмоқчимидинг мени ғафлатда?

Креонт

Буни мендан бўлак одамга айтсанг,
Шармисор қиларди ўзингни, Эдип.

Эдип

Ажаб сўзамолсан. Аммо бу сафар
Ёвуз тилингни тий. Менга душмансан.

Креонт

Маънисиз ғурурни фойдали билсанг,
Ақлинг жойидамас, Эдип, билиб қўй.

Эдип

Қон-қардош жонига қасд қилган ҳеч вақт
Интиқомсиз қолмас, сен ҳам билиб қўй.

Креонт

Бу фикринг маъқулдир. Тўғри гап, аммо
Нима зарар кўрдинг мендан, айтгин-чи?

Эдип

У шум авлиёни чақиртиргин деб,
Кенгаш берганмидинг менга ё йўқми?

Креонт

Ҳануз барқарорман ўша фикримда.

Эдип

Айт-чи, қачон эди шоҳингиз Лайнинг...
...Ёвузлар қўлида ҳалок бўлгани?..

Креонт

Узоқ йиллар ўтди. Кўп узоқ йиллар.

Эдип

У маҳал бормиди бу авлиёнгиз?

Креонт

Ҳа, ҳа. Ҳозиргидай доно, ҳурматли...

Эдип

Тилга олармиди мени ўшанда?

Креонт

Йўқ, ҳеч қулоғимга чалинган эмас.

Эдип

Ўша пайт қотилни қидирганмисиз?

Креонт

Ҳа, албатта. Бироқ тополмаганмиз.



Эдип

Бўлмаса, чол нега сукут сақлаган?

Креонт

Буни мен билмайман. Айта олмайман.

Эдип

Тил бириктирмаса гар чол сен билан

Журъат этолмасди мёни айблашга.

Креонт

Чол нима деганин ўзинг биласан,

Менинг саволимга энди жавоб бер.

Эдип

Мени қотилликда айблай олмайсан.

Креонт

Опамнинг эрисан, Эдип, шундайми?

Эдип

Ҳа, буни мен инкор этмайман.

Креонт

Демакки, Фивада у ҳам малика?

Эдип

Неки орзу қилса, келтирдим бажо.

Креонт

Мен-чи? Менинг ҳам ҳеч улушим борми?

Эдип

Ана, ошкор бўлди сохта дўстлигинг.

Креонт

Йўқ, сен сўзларимнинг мағизини чақ.

Ташвишсиз шундоқ ҳам ҳукмрон бўлсаму,

Нега мен тож-тахтга интилармишман?
Тожу тахт бир умр даҳшат демак-ку?
Шоҳликни ҳеч орзу қилган эмасман,
Менга ундан жиндак улуш бўлса бас.
Доим шундай ўйлар ақли расолар.
Ҳадиксиз оламан божу армуғон,
Ундай қилолмасдим, агар шоҳ бўлсам.
Нуфузли, беташвиш бу фароғатдан
Сенинг тожу тахтинг афзал эканми?
Ё ақлим шу қадар қашшоқмидики,
Молу манфаатга кетсам муккадан?
Йўқ, ёзмишга шукур, эсим жойида.
Сен айтган номаъқул ишлар менга ёт,
Маслаҳат кўрмайман ўзгаларга ҳам.
Агар фолчи билан фитнам бор бўлса,
Ишонч ҳосил қилсанг – ўлимга буюр,
Ўлимга ҳукм этай ўзимни ўзим.

Эдип

Аммо душман шошиб хуруж қиларкан,
Жадал тadbирларга мен ҳам мажбурман.
Агар имилласам, ғафлатда босиб,
Кўкка совурмасми хонумонимни?

Креонт

Ниятинг бадарға қилишми мени?

Эдип

Бадарғамас, ўлим. Токи билиб ўл:
Оқибати хунук ҳасадгўйликнинг.

Креонт

Демак, сени ишонтиролмадим...

Эдип

Йўқ, ишонч сенга хайф...

Креонт

Ақлинг жойидамас...



Хор

Бас қилинг, жаноблар, зап мавридида
Арқдан Иокаста чиқиб келмоқда.
Бахсни яхшиликча ечар, эҳтимол.

Иокаста

Бахсга нима бор, бадбахт тентаклар!
Шаҳар талвасада азоб тотсаю,
Бунда беҳуда бахс – уят эмасми?
Эдип, ётоққа кир... сен ҳам, Креонт...
Дардга айланмасин, кичик жароҳат.

Креонт

Синглим, шоҳ Эдипнинг амри-ла менга
Икки мудҳиш жазо таҳдид қилмоқда:
Шармандали қатл ва ё бадарға.

Эдип

Шундай, хотин. Қўлга тушиб қолди –
Мени макр билан йўқ қилмоқчийкан.

Креонт

Мени айблашингда адолат бўлса,
Бахти қаро бўлай абадул-абад!

Иокаста

Эзгу онт ҳурмати, менинг ҳурматим,
Рўпарангда турган барча тирик жон,
Инсонлар ҳурмати, ишонгил унга,
Унга инон, Эдип...

Эдип

Бу ёвузнинг сўзларидан эмас,
Аянчли нолангдан кўнглим юмшади.
Майли, кетаверсин, нима бўлса, бўлар,
Ўлдирсинлар мени, қувсинлар, майли...

Креонт

Кўнглингда кек билан ён бермоқдасан,
Жаҳлдан тушганда пушаймон ема.

Эдип

Кетасанми, йўқми?!

Креонт

Мендан сен воз кечдинг,
Аммо булар учун ўша-ўшаман.
Чиқиб кетади.

Иокаста

Мени хабардор эт, худо ҳаққи, шоҳ,
Қалбингда қаҳр ўтин ёққан нимадир?

Эдип

Марҳамат, маликам, сендан сирим йўқ.
Гап – уканг Креонтнинг маккорлигида.

Иокаста

Айт менга, низонинг сабабини оч.

Эдип

Унингча, мен шоҳнинг қотилимишман.

Иокаста

Биров ўргатганми ё ўз фикрими?

Эдип

Маккор авлиёни юборди аввал,
Сўнг ўзин оқлади, юбормадим деб.

Иокаста

Эдип, бу гапларни хаёлингдан қув!
Менга ишонавер, ҳали инсондан
Соҳиби башорат туғилган эмас.
Мен сенга келтирай мухтасар далил:
Лайга худоданми, муҳибларданми,

Ишқилиб, ғойибдан бир овоз келди,
Яъни шўрлик Лайнинг тақдири шуки,
У ўз фарзандининг қўлида ўлгай.
Ваҳоланки, хабарларга кўра,
Лайни чорраҳада ўша оғир йили
Номаълум қароқчилар ўлдириб кетди.
Ўғлимизни эса, туғилган куниёқ
Тўпиғин сим билан боғлаб отаси,
Тоғ-тошга элтиб ташлатган эди.
Шундай қилиб, ўғил – падаркуш эмас.
Ғойибдан келган сас бажо бўлмади.
Бир умр қалтираб яшадию Лай,
Аммо бегонадан келди ўлими.
Башорат дегани бекор, инонма.
Фақат тангригина ҳар ишга қодир.
Бандасин не қилса ихтиёрида.

Эдип

Ҳар сўзиндан ортар шубҳам, гумоним,
Ҳар сўзинг кўнгилга солар ғулгула.

Иокаста

Нега безовтасан, яна нима гап?

Эдип

Ҳали нима дединг? Яна такрорла-чи:
Лайни чорраҳада ўлган дедингми?

Иокаста

Шундай гап юарди. Ҳозир ҳам шу гап.

Эдип

Қаерда юз берган? Қай чорраҳада?

Иокаста

Фокида деган жой. Давлия, Делфадан
Унда қадим йўллар келиб туташган.

Эдип

Қанча фурсат ўтди ўшандан буён?

Иокаста

Сен бу ерда тахтга чиқарингдан
Бир неча кун аввал келди шум хабар.

Эдип

Ёраб! Не кунлар бор менинг бошимда?!

Иокаста

Сен ўзгариб кетдинг, нима гап, Эдип?

Эдип

Сўрама... Лай қандоқ одам эди айт:
Ранг-рўйи, бўй-басти, ёшмиди, кекса?

Иокаста

Бўйдор одам эди, сочи кумушранг,
Мана сендек эди турқи, тахминан.

Эдип

О, минг лаънат! Машъум қора кунлар,
Битганга ўхшайди шўр пешонамга!

Иокаста

Мен қўрқиб кетяпман! Нима бўлди айт?

Эдип

Шубҳам борки, авлиё кўр эмас...
Менинг саволимга яна жавоб бер...

Иокаста

Сўра, Билганимнинг барин айтаман.

Эдип

Кўпмиди ёнида шахсий соқчиси,
Каттароқ отряди бормиди шоҳнинг?



Иокаста

Бешовлон эдилар, бири жарчи эди.
Шоҳ эса файтонда ёлғиз борарди.

Эдип

Бас! Эвоҳ! Ҳаммаси, ҳаммаси равшан!
Аммо ким келтирди хабарни сизга?

Иокаста

Ёвузлардан қочиб қутулган навкар.

Эдип

У ҳозир омонми, шаҳримиздами?

Иокаста

Афсус, йўқ. Лайдан сўнг тожу тахтимиз
Сенга текканини эшитиб, навкар
Тиз чўкиб, тирмашди этакларимга,
«Яйловли тоғларга юборинг мени,
Пойтахтдан узоқда яшайман», – деди.

Эдип

Тезда чақиртириб келиш мумкинми?

Иокаста

Албата, албатта. Лекин нимага?

Эдип

Қўрқаман, ортиқча гапиривордим...
Қисқаси, мен уни кўришим керак.

Иокаста

Майли келсин, аммо изтиробларинг
Боисин билмоққа мен ҳам ҳақлиман.

Эдип

Йўқ демайман, ахир сенга айтмасам,
Кимга ҳам айтаман дардимни, хотин?
Ҳикоямни эшит: отам коринфлик

Полиб деган одам, онам – Метропа.
Дорлар уруғидан бўлади асли.
Коринфда таниқли йигит эдим мен,
Аммо бир ғаройиб воқеа бўлди:
Ширакайф бир меҳмон базм пайтида
Мени: «Ташландиқ», – деб қилди ҳақорат.
Номусдан ер билан яксон бўлдим
Ғазабимни босдим тонггача базўр
Ва айтдим бу гапни ота-онамга.
Улар кўп ғазабнок сўзлар айтишди
Оғзи шалоқ меҳмон шаънига.
Андак тасин топдим. Лекин шунда ҳам
Кўнглимда шубҳанинг шарпаси қолди
Эл аро тарқалди базмдаги гап.
Шунда мен ҳеч кимга бир сўз айтмасдан
Делфага Аполлон қошига кетдим.
Раво кўрмадию тангри жавобни,
Аммо менинг шўрлик бошимга,
Минг бало, кулфатлар қилди башорат.
Тақдирда онамга уйланармишман,
У туққан болалар жирканч бўлармиш,
Отамнинг қотили бўлар эмишман.
Бундай башоратни эшитгандан сўнг,
Мен хижратга кетдим. Коринфдан узоқ,
Волидамдан узоқ, отамдан узоқ,
Мудҳиш тақдиримдан қочдим узоққа.
Қочдим – бир чорраҳа устидан чиқдим,
Шоҳни ўлдиришган сен айтган жойдан.
Хотин, сенга очай ҳақиқатни мен:
Ўша чорраҳага яқинлашгандим,
Худди сен айтгандай отли файтонда
Бир жарчи ва бир чол менга дуч келди.
Жиловдор билан чол зўрлик ишлатиб,
Мени йўлдан четга ҳайдай бошлашди.
Жиловдор мени бир урганди, мен ҳам
Дангал бир туширдим жаҳл аралаш.
Кейин... ўтаётган фойтун ёнидан
Чолнинг ўзи турди найза ўқталиб.
Бир дам ўтгани йўқ – гурзим зарбидан

Оёғим тагига шилқ этиб тушди.
Кейин... қисқа жангда... барин ўлдирдим.
Ёраб! Наҳот бунинг Лайга дахли бор?
Унда нега мени чақмоқ ёндирмас?
Нега қора тупроқ қаърига тортмас?
Нега шу кунгача ёруғ дунёни,
Инсон чехрасини кўриб турибман?
Нега? Нега? Нега тирикман ахир?
Лаънатга кўмдим-ку ўзимни ўзим.
Махлуқ эмасманми, марҳум тўшагин
Қонли қўлим билан булғасам?!
Қочиш керак, қочиш... Аммо қаёққа?!
Қайта олмайман мен ўз ватанимга.
Унда мен падаркуш бўлиш хавфим бор.
Туғдирган отамни унда ўлдириб,
Онамни никоҳга олишим лозим.
Худо тайинлаган даҳшатли тақдир,
Шўрлик пешонамдан ўзим қўрқаман...
То абад манглайда чиркин доғ билан
Дўзах азобида умр кўргунча,
На тупронда изим, на элда исмим,
На ёруғ дунёда жисмим қолмасин!

Хор

О, Эдип, бизлар ҳам таҳликадамиз,
Аммо ноумид бўлма гувоҳ келгунча.

Эдип

Ҳали кўнглимда бор қилдай бир илинж
Мен ўша чўпонни кутишим керак.



Иокаста

Зора, чўпон кирса жонингга ора.

Эдип

Сен айтгандек бўлса унинг гаплари,
Мен бу кулфатлардан тамом холиман.

Иокаста

Мен бирор муҳим гап айтдимми сенга?

Эдип

У ҳам айтганмиш-ку ўша маҳалда
Шоҳни қароқчилар ўлдиришди деб?
Қароқчилар кўпчилик эди деб,
Чўпон тасдиқласа, мен бундан холис.
Борди-ю, у қотил ёлғиз эди деса,
Бу қонли жиноят менинг зиммамга...

Иокаста

Йўқ, йўқ! У ҳам шу гапни айтган,
Энди ўз сўзларин инкор этолмас.
Бутун шаҳар гувоҳ унинг гапига.
Агар ўз сўзидан тонса ҳам чўпон,
Лайни менинг ўғлим ўлдирди деган
Аполлон башоратин этолмас исбот.
Чиндан қотил эмас менинг фарзандим.
Чунки у шўрликни туғилган куниёқ
Отаси тоғларга элтиб ташлатган.
Бинобарин, худолар башоратига
Сира ишонмайман ўла-ўлгунча.

Эдип

Гапинг ҳақ ва лекин чопар юбор тез,
Чўпонни жадалроқ чақириб келсин!

Иокаста

Ҳозир буюраман. Уйга кирайлик,
Кўнглинг не истаса, бажо келтирай...

Кириб кетадилар.





<i>Тушуниш ва саволларга жавоб бериш</i>	 	1. «Ўтмиш – тундай қоронгу, Келажак ҳам – зимистон» тасвири фалокатнинг сабабига тегишлими ёки Эдип тақдирига? 2. Сизга номаълум сўзларни топиб иш дафтарингизга ёзинг ва мазмунини ўзлаштиринг.															
<i>Таҳлил ва талқин</i>	   	1. Асар устида тадқиқот иши юритинг. Хулосаланг. <table border="1" data-bbox="431 843 1151 1091"> <tr> <td>1-гурух</td><td>Матннинг асосий ғоясини топинг</td><td></td></tr> <tr> <td>2-гурух</td><td>Аниқ ва ноаниқ маълумотлар</td><td></td></tr> <tr> <td>3-гурух</td><td>Фикрингизни расм билан тасвирланг</td><td></td></tr> <tr> <td>4-гурух</td><td>Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг</td><td></td></tr> <tr> <td>5-гурух</td><td>Тарбиявий хулоса чиқаринг</td><td></td></tr> </table>	1-гурух	Матннинг асосий ғоясини топинг		2-гурух	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар		3-гурух	Фикрингизни расм билан тасвирланг		4-гурух	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг		5-гурух	Тарбиявий хулоса чиқаринг	
1-гурух	Матннинг асосий ғоясини топинг																
2-гурух	Аниқ ва ноаниқ маълумотлар																
3-гурух	Фикрингизни расм билан тасвирланг																
4-гурух	Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг																
5-гурух	Тарбиявий хулоса чиқаринг																
<i>Баҳолаш ва қийёсий таҳлил</i>	 	1. Асарнинг ҳозирги кундаги бадиий қийматига сизнинг фикрингиз қандай? 2. «Тақдирми ёки қисмат тақозоси?» мавзусида эссе ёзинг.															

Иокаста

Худолар, Фиванинг ҳукмдорлари!
Мен бугун мушканбар гултож кўтариб,
Олимпга – худолар даргоҳи сари
Сафарга чиқмоқни ихтиёр этдим.
Эдипнинг кўнглига ғулғула тушди,
Ақлидан оздирар уни изтироб.
Ҳар эртанги кунда кўрар бир даҳшат,
Фақат шум хабарлар кутар юраги.
Тасалли бермоққа ожизман, ожиз...
Бориб изларингни ўпсам, Аполлон,
Тавбаю ноламни тинглагаймисан,
Халос этгаймисан бу қийноқлардан?

Элчи киради.

Элчи

Фиванинг муҳтарам, фуқаролари!
Ижозат бергайсиз саломдан кейин,
Сўрсам шоҳ Эдипнинг хонадонини.

Хор

Шоҳнинг арки шудир. Ўзи кўшкида.
Бу киши – малика, жуфти ҳалоли.

Элчи

Аё, шаҳаншоҳнинг суюк бекаси,
Файз аримагай хонадонингдан!

Иокаста

Бизни эъзоз этган таъзимкор меҳмон,
Қабул эт бизнинг ҳам эзгу туйғумиз.
Арз билан келдингми, хушхабар билан?

Элчи

Муждам шоҳ саройин хушнуд қилгуси.

Иокаста

Кимнинг элчисисан? Қандай гапинг бор?

Элчи

Мен Коринфдан келдим. Гапим эҳтимол,
Сенга хуррамлик ҳам, дард ҳам етказар.

Иокаста

Бу қандай гап? Ҳам дард, ҳам шодлик?

Элчи

Коринф фуқароси ўғли Эдипни
Тахтга кўтармоқни ихтиёр этди.

Иокаста

Полиб-чи? Коринфда ҳукмронмасми?

Элчи

Полиб вафот этди, худо раҳматлик.

Иокаста

Ажабо, нималар деяпсан ўзинг!

Элчи

Ажал ютсин, бўлса сўзимда хато.

Иокаста

Ҳай, ким бор, тезроқ шоҳни чақиринг.
Мана худоларнинг башоратлари!..
Эдип падаркушлик қисматида қўрқиб,
Полибдан узоқда қочиб юрганди.
Унда Полиб эса, қисматдан дариг,
Ўз ажали билан ўлиб кетибди.

Эдип киради.

Иокаста

Элчига қулоқ сол, энди нима бўлди
Қисмату башорат деган сафсата?

Эдип

Ким экан у? Менда гапи борми?

Иокаста

У Коринфдан хабар келтирибди,
Отанг Полиб вафот этганмиш.

Эдип

Нима? Нима? Қани, ўзинг гапир.

Элчи

Илк саволинг агар шу бўлса,
Яна айта қолай: у вафот этди.

Эдип

Биров ўлдирдими? Дарддан ўлдими?

Элчи

Касаллик, қарилик...

Эдип

О, эсиз, эсиз!

Менга падаркушлик қора қисматин
Шум башорат қилган маъбудлар қани?
Бекор биз уларни эъвозлаб, хотин,
Шаънига ибодат қилиб юрибмиз.
Отам ўлиб кетган, отам қабрда,
Мен эса қиличга қўл урганим йўқ.
Эҳтимол, у ёлғиз ўғлини қўмсаб,
Соғиниб-сарғайиб ўлиб кетгандир.

Иокаста

Сенга айтмовдимми такрор ва такрор?

Эдип

Ваҳима ҳалқумдан тутганди, хотин.



Иокаста

Энди ваҳимани яқин йўлатма.

Эдип

Онам никоҳидан ҳамон қўрқаман.

Элчи

Хавотиринг кимдан, мен тушунмадим.

Эдип

Полибнинг беваси – Метропа тирик.

Элчи

Нечун у бу қадар қўрқув соларкан?

Эдип

Худонинг даҳшатли башпорати бор.

Элчи

Билсак бўлармикан ё сирли у гап.

Эдип

Бўлади. Бир замон тангри Аполлон
Менга мудҳиш қисмат башорат этган:
Ўз отасини ўзи ўлдиргай деб,
Никоҳга олгай деб туққан онасин...
Шу сабаб ватаним – Коринфдан узоқ
Бу ерларда яшаб юрибман.
Бунда мен бахтлиман, лекин ҳар ҳолда
Ота-она юзи фарзандга иссиқ...

Элчи

Шу ваҳима билан қувғиндаман де?

Эдип

Яна қўрқар эдим падаркушликдан.



Элчи

Бўлмаса, мен сени халос айлай, шоҳ,
Хушхабар элчиси эканман чиндан.

Эдип

Шоҳона мурувват сенга садаға.

Элчи

Мен сени Коринфга чорлаб келганман,
Мурувватингдан ҳам умид йўқ эмас.

Эдип

Зинҳор қайтолмайман ота юртимга.

Элчи

Кўп гапдан беҳабар экансан, агар...

Эдип

Нима «агар»? Гапир, худо ҳаққи, чол!

Элчи

...Агар қувғинларга шу сабаб бўлса.
Отамдан, онамдан қўрқаман дегин?

Эдип

Худди шу, қария, бутун даҳшат шу!

Элчи

Қўрқишинг асоссиз, тўғрисин айтсам.

Эдип

Нега? Ахир улар – менинг яратган...

Элчи

Йўқ, йўқ, улар сенга тамом бегона.

Эдип

Нега ўғлим дерди бўлмаса мудом?



Элчи

Менинг қўлларимдан олганди сени.

Эдип

Сен мени қаёқдан топиб олгандинг?

Элчи

Киферон ғорининг чангалзоридан.

Эдип

Нечук бориб қолдинг у тоғу тошга?

Элчи

Чўпонлик қилардим тоғли яйловда.

Эдип

Бирон дардга дучор бўлганмидим мен?

Элчи

Буни тўпиғингдан билса бўларди,
Симга ўралганди оёқ, ечганман.

Эдип

Ёраб! Ким экан у бағри тош одам?

Элчи

Менга чақалоқни берган билади.

Эдип

Ҳали ўзим топдим демаганмидинг?

Элчи

Мен олдим бошқа бир чўпон қўлидан.
Лайнинг навкариман деганди, чоғи.
Ҳа, шоҳга чўпонлик қилар экан у.

Эдип

У тирикми ҳозир? Топса бўлармикин...

Элчи

Уни шу ерликлар билса, эҳтимол.

Эдип

Хотин, ҳозиргина элчи тилга олган,
Ҳали биз чақиртган чўпон ўшами?

Иокаста

Бари бир эмасми? Мунча ёнмасанг,
Оббо..., қўй, шу гапларни унут...

Эдип

Энди калаванинг учин топганда,
Нега қўярканман билмай зотимни!

Иокаста

Худони ўртага қўйиб ялинай,
Менга азоб берма, сўрама ортиқ...

Эдип

Барининг тагига етишим керак.

Иокаста

Билмаганинг афзал зотингни, шўрлик!





Тушуниш ва саволларга жавоб бериш	 	1. «Иссиқ ўриндиқ» усули орқали олган билимларингизни текшириб кўринг. 2. Асарда ижтимоий давр ва тузум ўз инъикосини қай йўсинда топган? Фикрингизни асосланг. 
Таҳлил ва тапқин	   	1. Асарни «ФСМУ» усули орқали гуруҳда таҳлил қилинг. Ф – фикрингизни баён этинг. С – фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг. М – кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг. У – фикрингизни умумлаштиринг. 2. «Оқилнинг 6 қалпоғи» усули орқали муҳокама қилинг. 
Баҳолаш ва қийёсий таҳлил	 	1. Фожеанинг ҳозирги кундаги аҳамиятини муҳокама қилиш мақсадида «Қисмат» сўзларига «Синквейн», яъни беш мисрали шеър усулини қўлланг. 1. Битта от сўз туркуми, 2. Иккита сифат сўз туркуми, 3. Учта феъл сўз туркумига хос сўз 4. Тўрт сўздан иборат гап 5. Мавзуга доир бир синоним. 2. «Эдип – қотил» мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг. 1-гуруҳ: Оқловчилар 2-гуруҳ: Қораловчилар 3-гуруҳ: Қарор чиқарувчилар

ПЕРИПЕТИЯ

Антик (қадимги) давр фожианавислигида Софоклдан эътиборан қўлланила бошланган тасвир усуллари орасида перипетия алоҳида ўрин тутди. Перипетия юнонча «реπετεία» сўзидан олинган бўлиб, «кутилмаган бурилиш» маъносини англатади. Софокл томонидан яратилиб, у фожиаларида биринчи бор қўлланилган бу усулга кўра қаҳрамонлар муайян мўлжалга қанчалик интилсалар, шунчалик тескари натижага эришадилар. Одамнинг қисматдан қочиб қутула олмаслигини англаш туфайли фожианависликка перипетия тушунчаси киритилди.

«Шоҳ Эдип»да қаҳрамон ўзининг айбдор эмаслиги исботлаш учун урингани сари гуноҳкорлиги тобора ошкор бўлиб бораверади. Трагедиядаги элчи ҳам шоҳни хурсанд қиламан деб, унинг учун ҳалокатли бўлган ҳақиқатни очди. Перипетия одамнинг ҳаётни ўзи истаган йўлга соломаслигини кўрсатиш нуқтаи назаридан ибратлидир. Гарчи, Эдип айб қилмаган эсада, даҳшатли гуноҳга қўл уради ва шунга яраша жазо олади.

ГЛОССАРИЙ

Ақлий ҳужум	Ўшбу стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.
Балиқ ске-лети	Ўрганилаётган масалани балиқ расми асосида ёритиш усули. Бунда балиқ боши-мавзу масаласи, устки тармоқлар – асардаги тасвир воситалари, остки тармоқлар – далиллар, қуйруғи – асар ҳақида ўқувчи фикрини билдиради.
БББ	«БББ» график органайзери ўқувчиларга муайян мавзу бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади: <i>Биламан</i> <i>Билишни хоҳлайман</i> <i>Билиб олдим</i>
Беш дақиқа-ли эссе	«Беш минутли эссе» усули кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қилади. У ўқувчилар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Беш минутли эссени яратишда ўқувчилар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хулосаларни баён этиш имконига эга бўлади.
Бумеранг	«Бумеранг» технологияси ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларини эркин баён этиш, қисқа вақт ичида кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қилади. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўқувчилар томонидан гуруҳли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, дарсда ташкил этиладиган суҳбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради.
Венн диаграммаси	Икки муаллиф ёки икки масаланинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиш усули.

Дебат	Мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашиши.
Елпиғич	Ўрганилган мавзунинг ёдга олиш, улар юзасидан мантикий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш. Ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш.
Жадвал	«Жадвал» график органайзер методи ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаётган масала ёки муамманинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида ақс эттириш қobiliяти шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллашда ўқувчилар мавзу (масала, муамма) моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, таянч тушунча, муҳим жиҳатларини жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш кўник-маларини ўзлаштиради.
Жигсо – инглизчадан «жим-жимадор арра, машина арра» маъносини англатади	Ўқувчилар янги ўқув материални биргаликда қисқача вақт давомида ўзлаштирадилар. М: янги материал бир неча тенг қисмларга бўлинади. Нечта қисмга бўлсангиз, ўқувчилар шунча гуруҳ ҳосил қиладилар. Ҳар бир иштирокчи материал қисмини олади ва ҳар бир гуруҳдан бир аъзо эксперт ролини бажаради. Ҳар бир гуруҳ ўзларига тақсимланган парчани 10 дақиқа давомида ўрганадилар. Ҳар бир гуруҳдаги экспертлар масала бўйича мавзуга доир гуруҳга тўпланадилар ва ўзлаштирилган материални қандай қилиб бошқа гуруҳ аъзоларига тушунтириб бериш усуллари муҳокама қиладилар. (конспект, жавоб режаси, хулосалар; 15 дақиқа давомида) Сўнгра бир масала устида ишлаган экспертлар турли гуруҳларга бориб, ахборот алмашадилар. Бу эса «экспертлар учрашуви» деб номланади. Шундан сўнг барчаси ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқа гуруҳларда мустақил ўрганган маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Сўнгра ўқитувчи текширувчи саволлар орқали янги материал қандай ўзлаштирилганлигини билиб олади, баҳолайди.
Инсерт	Ёки «Туртиб чиқиш» усули. Қуйидаги шартли белгилар орқали ўқувчи ўзининг ўрганилаётган асарга бўлган муносабатини билдиради. «V» – биламан «+» – билмайман «-» – янги ахборот «?» – тушунмадим

Қарорлар шажараси	Ушбу стратегия мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдириладиган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисида топишга йўналтирилгандир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш ўрганиладиган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун ўқувчилар томонидан билдириладиган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.
Кластер	Бунда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади.
Концептуал жадвал	Ўрганиладиган мавзунинг икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.
Муаммоли вазият	Бунда ўқувчиларни ўрганиладиган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.
Нилуфаргул	Ушбу технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос ва унга бириккан тўққизта «гулбарг» (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)-ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.
Оқилнинг олти қалпоғи	Эдвард де Бононинг 6 қалпоғи (6 гуруҳ) асар таҳлилида 6 хил маълумотни тўплашга ёрдам беради: оқ – аниқ маълумотлар, қизил – ички ҳис-туйғу, қора – танқид, сариқ – ижобий томон, яшил – янги фикрлар, кўк – хулоса чиқарувчи.
SWOT таҳлил	Ўрганиладиган масаланинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга ёрдам беради. Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади. Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (кучсиз томонлари), Opportunities (имкониятлари), Threats (хавфли томонлари).

Синквейн	Беш мисрали шеър усули 1 – битта от сўз туркуми 2 – иккита сифат сўз туркуми 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз 4 – тўрт сўздан иборат гап 5 – мавзуга доир бир синоним
Соябон	Ўқувчилар ўрнидан туриб қўлларини юқорига кўтариб жуфтликда бошларига соябон шаклини келтиришади. Уларнинг ясаган соябони тагидан ўтган дарсда келмаган ёки дарсни яхши тушунмаган ўқувчи билан ўтади. Ҳар соябондан ўтаётганда соябон эгалари ўтилган дарс ҳақида битта сўзми ёки гапми айтишлари керак. Барча соябондан ўтган ўқувчи ҳамма олдида қандай маълумотни эслаб қолганини баён этади, натижада ўтилган дарс такрорланади ва мустаҳкамланади.
Тадқиқот иши	Асарни ўрганиш давомида ўқувчилар 5 гуруҳга тўпланиб, қуйидаги топшириқларни бажарадилар. Матннинг асосий ғоясини топинг Аниқ ва ноаниқ маълумотлар Фикрингизни расм билан тасвирланг Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг Тарбиявий хулоса чиқаринг
Тақдимот	Ушбу стратегия ўрганиладиган мавзу моҳиятининг компютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Уни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Стратегия ўқувчиларда мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.
Т-жадвал	Мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослайди.

ФСМУ	Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки дарс якунида ёки ўқув режаси асосида бирон бўлиб ўрганиб бўлингач, қўлланилиши мумкин, чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқувчиларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалланганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. Ф – фикрингизни баён этинг. С – фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг. М – кўрсатилган сабабни тушунтирувчи. (исботловчи) мисол келтиринг. У – фикрингизни умумлаштиринг.
Чархпалак	«Чархпалак» усули методи ўқувчиларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.
Ягона давра	Бунда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томондан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларни асослаш, хулоса чиқаришдир.

МҲНДАРИЖА

ОТАЛАР СЎЗИ – АҚЛНИНГ КЎЗИ

Бадий сўз сехри.....	4
«Алпомиш» достони	8
АЛИШЕР НАВОИЙ	60
«Фарҳод ва Ширин» достони	62
Комил инсон	101
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР	103
«Бобурнома» асари	104
Мемуар асар.....	120

ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ УЙЎТМОҚ НЕ БАХТ

АМИРИЙ.....	122
Ғазаллар	
Ғазал турлари	
ЗАВҚИЙ.....	133
Шеърлар.....	
Мухаммас	
АВАЗ ЎТАР.....	141
Ғазаллар	
Қитъа	
ҒАФУР ҒУЛОМ.....	147
«Ҳасан Қайфий» ҳикояси	
ОМОН МАТЖОН	162
Шеърлар	
Шеърӣй туроқ ва банд.....	

МИСРАЛАРДА ЯШИРИНГАН ҲАҚИҚАТ

ТОҲИР МАЛИК	176
«Сўнгги ўқ» қиссаси	
ТОҒАЙ МУРОД	202
«От кишнаган оқшом» қиссаси	
Қисса.....	
ШАВКАТ РАҲМОН.....	225
Шеърлар.....	
Ижтимоӣй ва интим лирика	

ШУҲРАТ.....	237
«Олтин зангламас» романидан парча	
УСМОН АЗИМ	265
Шеърлар.....	

РАНГИН ШЕЪРИЯТ

НАЗАР ЭШОНҚУЛ.....	278
«Шамолни тутиб бўлмайди»	
ИҚБОЛ МИРЗО	291
Шеърлар.....	
ЭСОНҒАЛИ РАВШАНОВ.....	304
Шеърлар	
СОФОҚЛ.....	314
Шоҳ Эдип	
Перипетия	352
Глоссарий	353

Оқу басылымы

Ш. Наралиева, Н. Корганбаева

ӨЗБЕК ӘДЕБИЕТИ

**Жалпы білім беретін мектептің
9-сыныбына арналған оқулық**

(өзбек тілінде)

Редакторы

Техникалық редакторы

Мұқабаның дизайнері

Компьютерде беттеген

Ш. Наралиева

З. Бошанова

Е. Мейірбеков

М. Баймаганбетов

ИБ №7426

Басуға 16.09.2019 ж. қол қойылды. Пішімі 70×90^{1/16}.
Офсетті қағаз. Гарнитура «SchoolBook Kza». Офсетті басылым.
Баспа табағы 22,5. Шартты баспа табағы 26,32.
Таралымы 7000 дана. Тапсырыс №



Қазақстан Республикасы «Жазушы» баспасы, 050009.

Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.

E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-675-9



9 786012 006759